



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
HUKUMIY HUKUKIY
AKADEMIYASI

№2 (54) 2023

АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА
МАМЛАКАТИМИЗ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ ЖАМОАТЧИЛИК
ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

ОСНОВНОЕ ПРЕДНАЗНАЧЕНИЕ ОРГАНОВ
СУДЕЙСКОГО СООБЩЕСТВА И ИХ
РОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПОДЛИННОЙ
НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ СИФАТИДА
ПРОФЕССИОНАЛЛИК ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК
ПРИНЦИПЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА
ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР ФАОЛИЯТИ
ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ





МУАССИС:

ЎЗБЕК ИСТИҚЛАШ АКАДЕМИЯСИ

Бош муҳаррир:
Евгений Коленко

Масъул котиб:
Давурхон Нодиров

Таҳрир кенгаши:
Ниғматилла Йўлдошев
Баҳриддин Валиев
Эркин Юлдашев
Дилшод Раҳимов
Мирақбар Раҳмонқулов
Акмал Саидов
Раҳим Ҳақимов
Патрик Олссон
Ичихаши Қаҷуя

Таҳрир ҳайъати:
Ҳалим Болтаев
Бахтиёр Пўлатов
Фаҳри Раҳимов
Музаффаржон Мамасиддиқов
Уйғун Нигмаджанов
Ваҳобжон Каримов
Гулчеҳра Маликова
Баҳодир Исмаилов
Матлуба Аминжонов
Авазбек Комилов
Адхам Одинаев
Бахтиёр Каюмов
Мухтарам Раджапова
Хуршид Каримов
Носиржон Аскарлов
Алишер Ҳидоятуллаев
Истам Астанов
Музаффар Дўстқориев

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олиниб, 2023 йил 25 мартда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.
веб-сайт: www.proacademy.uz
e-mail: info@proacademy.uz

Саҳифаловчи:

Сарварбек БАБАЖАНОВ
Буюртма №278-23 Адади 594
Журнал «Credo Print» МЧЖ китоб фабрикасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент ш., Боғишамол к. 160.
Тел.: 71 234-44-01/05. www.credoprint.uz

МУНДАРИЖА

Б.ПЎЛАТОВ	Янгиланган Конституция ва мамлакатимиз прокуратура органлари фаолиятида миллий жамоатчилик институтларининг ўрни.	3
М.БОБОЕВ	Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бўйича хорижий тажриба таҳлили	7
Б.ХОДЖАЕВ	Технологияларни тадқиқот институтларидан бизнес секторга трансфер қилишнинг ҳуқуқий масалалари	10
Л.ИСОҚОВ	Ноқонуний миграция тушунчаси, унинг давлат ва жамиятга таъсири	15
И.НИКОНОВ	Основное предназначение органов судебной власти и их роль в обеспечении подлинной независимости судебной власти	19
Ш.БАКАЕВ	Суд назоратини амалга оширишда маъмурий судларнинг ўрни	24
А.АХМЕДОВ	Прокурор назоратига доир қонунчиликнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш самарадорлигига эришишдаги ўрни ва аҳамияти	28
Д.АЗИМОВ	Процессуал келишув ва процессуал қафолатлар	32
А.САБЫРБАЕВА	Международное сотрудничество по противодействию кибермошенничеству – залог обеспечения безопасности	36
Ш.МАЖИДОВ	Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳимоясини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	40
С.ТОШНИЁЗОВ	Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш жинояти таркиби билан боғлиқ айрим масалалар	45
А.ГУЛИМОВ	Сравнительно-правовой анализ законодательства Республики Узбекистан об охране природы	50
А.АДҲАМОВ	Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари	56
С.ДЖАХАНОВ	Прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида профессионалик ва компетентлик принципларининг аҳамияти	60
А.АКБУТАЕВ, А.АХМАДОВ	«Criminal assets» ёки «жиноий актив»нинг назарий жиҳатлари	65
Ж.ШУКУРОВ	Жиноят ишини қўзғатмасдан олдин ярашув институтини қўллашнинг самарали жиҳатлари	71
Д.ДОВУДОВА	Жиноят процессининг суд муҳокамасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда прокурор фаолияти принципларининг ўрни	76
Б.ИСЛОМОВ	Нигерия Федератив Республикаси жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштириш масалалари	82
М.РАХИМОВА Э.САБИРОВ	Институт президентства: опыт Финляндии Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари	91
Ш.МУХАМАТОВ	Пораҳўрлик жиноятлари бўйича терговчи ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларининг ҳамкорлик масалалари	101
У.АХУНОВ	Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	107
Ў.ДАВЛЕТОВ	Суд ишлари ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли	112
И.ОЧИЛОВ	Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишига қарши курашда тезкор-қидирув фаолияти имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари	116
Ш.МАТЧАНОВ	Жиноят ишини тергов қилишда сунъий интеллектдан фойдаланиш масалалари	123



ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МИЛЛИЙ ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари, бу борада прокуратура органларида фаолият юритаётган жамоатчилик кенгаши, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази, гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолияти натижалари ва истиқболдаги вазифалар ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье освещены результаты и перспективные задачи Конституционных гарантии прав участия представителей граждан в управлении общественных и государственных дел, вопросы осуществления общественного контроля за деятельностью государственных органов, результаты и перспективы задач общественного Совета, общественного Центра по социальной поддержке ветеранов и Комиссии по вопросам гендерного равенства функционирующих в органах прокуратуры.

ABSTRACT. This article highlights the results and long-term tasks of the Constitutional guarantees of the rights of participation of citizens' representatives in the management of public and state affairs, issues of public control over the activities of state bodies, the results and prospects of the tasks of the Public Council, the Public Center for Social Support for Veterans and the Commission on Gender Equality functioning in the prosecutor's office.

Калит сўзлар: Конституция, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар вакиллиги, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жамоатчилик кенгаши, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази, гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия.

Ключевые слова: Конституция, предствительство граждан в управлении общественных и государственных дел, общественный контроль за деятельностью государственных органов, Общественный Совет, общественный Центр социальной поддержки и Комиссия по вопросам гендерного равенства.

Key words: Constitution, representation of citizens in the management of public and state affairs, public control over the activities of state bodies, the Public Council, the Public Center for Social Support and the Commission on Gender Equality Issues.

Мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим ўрин тутди. Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ҳуқуқбузарликларга қарши курашни ташкил этишда жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслари жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш

ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга ошириши мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Асосий қонунда бундай нормаларнинг белгилалиши жамият ҳаёти, унинг ривожланишида фуқаролик жамоати институтларининг роли ниҳоятда муҳимлиги ва бунда уларнинг давлат органлари фаолияти устидан назорати функцияларининг самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, Конституциямизда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамияти асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади².

1 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2, 14, 36-м.м. 2023 йил 30 апрель.

2 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 69-м. 2023 йил 30 апрель.

Конституцияда белгиланган муҳим кафолатлардан бири, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашишига, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги³дир.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдиға муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши ўз-ўзидан унинг функцияларини ҳам ўзгача моҳият касб этишига олиб келади. Бинобарин, фуқаролик жамияти институтлари бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига айланиб бормоқда. Бундай шароитда уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда номён бўлиши объектив хусусиятга эга.

Шу нуқтаи назардан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмни яратишга қаратилган 2018 йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ва унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарурлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бу қонуннинг 3-моддасида фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда жамоатчилик кенгашлари ҳам жамоатчилик назорати субъекти сифатида кўрсатилди.

Шунингдек, 2018 йил 4 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3837-сонли қарорида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мус-

таҳкам механизмларини ривожлантириш ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш учун ҳар бир давлат органи, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузурида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокурорнинг 2018 йил 1 августдаги 775, 198-сонли буйруқлари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилиб, унинг таркиби ва низоми тасдиқланди. Бош прокурорнинг 2020 йил 19 октябрдаги 1174-сонли буйруғи билан прокуратура органларида катта тажрибага эга ходим, прокуратура фахрийси Абдулхай Қаҳҳаров раслигида 21 кишидан иборат жамоатчилик кенгаши аъзолари тасдиқланган.

Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ жамоатчилик кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, прокуратура органлари фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади ва жамоатчилик кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб бориши, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши ва у ўз фаолиятини қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича прокуратура органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгиланган.

Прокуратура органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун прокуратура органларини фуқаролар билан боғлаб турадиган “кўприк” ролини бажариш жамоатчилик кенгашининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Прокуратура органлари ходимларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини яхшилашда кўмаклашиш ҳам кенгашнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан ўтган йил давомида прокуратура органлари ходимларида касаллик қайд этилиши ва уларга кўрсатилган ижтимоий кўмак масаласи ўрганиб чиқилиб таҳлил қилинди. Касалликка чалинган ходимларга касаба уюшмаси фонди,



суғурта компанияси ва прокуратуранинг жамғарма маблағлари ҳисобидан ижтимоий кўмак берилиши таъминланиб, ходимларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш юзасидан тегишли тавсиялар берилган⁴.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш жараёнида кексаларни, уруш ва меҳнат фахрийларини, ногиронлиги бўлганларни эъзозлаш, уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром, зарур моддий-маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатиш устувор вазифалардан бири саналади.

Айнан шу мақсадда Бош прокуратура раҳбарияти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Марказга ходимлар орасида катта ҳурмат-эътибор қозонган тажрибали ҳуқуқшунос Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди Ботир Калонов раислик қилмоқда. Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари замонавий меъморчилик андозалари асосида қурилган ва янгитдан таъмирланган ҳамда зарурий ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлган бино ёки махсус хоналарда ўз фаолиятини юритмоқда.

Яратилган шароитлар марказ фаолиятини намунали йўлга қўйишга имкон берди. Марказ биноси Ўзбекистон прокуратураси тарихи, давлатимиз ва Бош прокуратура томонидан кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор мухтасар баён этилган муҳим ҳужжатлар, соҳа фахрийлари, уларнинг таржимаи ҳоллари, меҳнат фаолияти ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар билан жиҳозланган. Бу ерда турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари уюштириш, фахрийларнинг вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари ҳамда издошлари билан мулоқотда бўлишлари учун зарур имкониятлар мавжуд⁵.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари ходимларининг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида прокуратура органлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича

Тармоқ келишуви имзоланган.

Тармоқ келишуви янги Меҳнат кодекси нормалари асосида прокуратура органларини ижтимоий такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, ходимларнинг меҳнат шарт - шароитларини, меҳнатга ҳақ тўлашни, ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаб берувчи норматив ҳужжат бўлиб, келишув тизимда фаолият юритаётган барча ходимларнинг ижтимоий - иқтисодий ҳуқуқ ва имтиёзларини кафолатлайди.

Маълумки, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларига ечим топиш масалаларига устувор аҳамият қаратилаяпти. Ўтган қисқа давр мобайнида айни шу йўналишда йигирмадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Биргина 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун янада кенг имкониятлар яратилишига асос бўлиб хизмат қилаяпти.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди⁶, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади⁷.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш, аёлларни қўшимча қўллаб-қувватлаш борасида прокуратура органларида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 18 февралдаги 15-Ф-сонли фармойиши билан прокуратура органлари ва муассасалари, Бош прокуратура ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, шунингдек, бу соҳадаги дав-

4 Бош прокуратура ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раисининг 2022 йилдаги йиғилиш ҳисоботи

5 Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳисобот ҳужжатлари.

6 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 58-м. 2023 йил 30 апрель.

7 Шу ерда, 42-м. 3 қ.



лат сиёсатини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб бориш мақсадида прокуратура органларида гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича 13 кишидан иборат комиссия тузилди ва комиссия раиси этиб узоқ йиллар давомида прокуратура органларида ишлаган, катта амалий ва ҳаётий тажрибага эга бўлган ва ҳозирда Бош прокурор ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Светлана Артиқова тасдиқланган.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан ходимларнинг касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш ва бошқалар белгиланган.

Бугунги кунда прокурорлар секторларида ҳам гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш, аёллар бандлигини таъминлаш, уларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатиш, низоли оилаларни яраштириш, уларни касбга ўргатиш, ўқув курсларини ташкил этиш, хотин-қизларнинг малакаларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда аёллар ўртасида жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Бугунги кундаги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жамиятнинг янгилинишидан келиб чиқиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фикримизча, юқорида қайд қилинган келишув битимлари бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳам тузилиши керак. Шу бо-

ис келгусида инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш соҳасида иш олиб бораётган тегишли фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда муҳим қадам бўлади. Мазкур қонунда ижтимоий шерикликнинг асосий йўналишлари, тамойиллари ва механизмларини қамраб оладиган, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилиши лозим.

Мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилиши қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш ва натижада соҳалар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#



ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ. Мақола доирасида прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бўйича Россия ва Қозоғистон тажрибаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ҳар бир мамлакатнинг прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг ёндашувлар кўриб чиқилди.

АННОТАЦИЯ. В рамках статьи изучен и проанализирован опыт России и Казахстана по цифровой трансформации деятельности органов прокуратуры. Рассмотрены подходы каждой страны по цифровой трансформации деятельности органов прокуратуры.

ABSTRACT. Within the framework of the article, the experience of Russia and Kazakhstan in the digital transformation of the activities of the prosecutor's office was studied and analyzed. The approaches of each country to the digital transformation of the activities of the prosecutor's office are considered.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, прокуратура органлари, ахборот-коммуникация технологиялари, АКТ, ахборот тизимлари.

Ключевые слова: цифровая трансформация, органы прокуратуры, информационно-коммуникационные технологии, ИКТ, информационные системы.

Key words: digital transformation, prosecution authorities, information and communication technologies, ICT, information systems.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда қонунийликни кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бўйича Россия, Туркия, Жанубий Корея ва Қозоғистон тажрибаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ҳар давлатнинг тажрибасидан Ўзбекистон шарт-шароитига мос бўлган ғояларни олиш ва прокуратура органларида жорий этиш ҳақида хулоса қилинди. Мисол учун, Корея Республикасининг “KICS” дастури ёки Туркиянинг “SEGBIS” дастури каби тизимларни жорий этиш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг истиқболлари ҳақида хорижлик мутахассислар ва олимлар томонидан бир қатор фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Масалан, С.А.Бессчасний ўз мақоласида прокуратура органларини трансформация қилишнинг устувор мақсади — бу фуқаролар ва жамиятни сифатли ҳамда ишонч-

ли маълумотлар билан таъминлашдир деб таъкидлаган эди.¹

Э.Б.Хатовнинг ёзишича, келажакда прокуратура органларида рақамли технологиялар ичида биринчи навбатда “сунъий интеллект”, “катта маълумотлар”, “овозли ёрдамчи” технологияларини жорий этиш зарурати юзага келади.²

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш бўйича хорижий тажриба таҳлили ушбу масалада муҳим соҳавий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга кенг жорий этиб келинаётганлигини кўрсатади. Масалан, Россия прокуратура органларининг ахборот таъминотини яхшилаш мақсадида Россия Федерацияси Бош прокуратурасининг 2017 йил 14 сентябрдаги 627-сонли буйруғи билан 2025 йилгача прокуратура органлари ва ташкилотларини рақамли трансформация қилиш концепцияси тасдиқланган. Мазкур концепцияси уч босқични назарда тутди: биринчи босқич — 2017 йил; иккинчи босқич — 2018-2020 йиллар; учинчи босқич — 2021-2025 йиллар.³

1 Бессчасный, С.А. Цифровая трансформация органов прокуратуры Российской Федерации / С. А. Бессчасный // Прокуратура: история и современность - 300 лет прокуратуре России (Сухаревские чтения) : Сборник материалов VII Всероссийской научно-практической конференции, Москва, 08 октября 2021 года / Под общей редакцией О.С. Капинус, под научной редакцией А.Ю. Винокурова. – Москва: Федеральное государственное казенное образовательное учреждение высшего образования «Университет прокуратуры Российской Федерации», 2022. – С. 16-25. – EDN GQVHKW.

2 Хатов Э.Б. Цифровые технологии в анализе состояния преступности в органах прокуратуры // Российский журнал правовых исследований. 2021. - Т. 8. №1. - С. 37-44. doi: 10.17816/RJLS60397

3 Приказ Генеральной прокуратуры Российской Федерации от 14.09.2017 № 627 «Об утверждении Концепции цифровой трансформации органов и организаций прокуратуры до 2025 года» // <https://epp.genproc.gov.ru/ru/web/utp/documents/normative-act?item=36750580>



Биринчи босқич (2017 йил) қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

прокуратура органларининг ахборотлаштириш даражасини ҳар томонлама баҳолаш, концепцияни тасдиқлаш, прокуратура органларининг рақамли инфратузилмаси элементларини синов тариқасида жорий этиш;

текширишларни расмийлаштиришда давлат назоратининг айрим турларини ташкил этиш доирасида рискка асосланган ёндашувни амалга ошириш; “Ҳуқуқий статистика” тизими хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоровий ахборот тизимлари интеграцияси;

бошқа чора-тадбирлар.

Иккинчи босқич (2018-2020 йиллар) қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

Россия Федерацияси прокуратура органлари ва ташкилотларини рақамли трансформация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;

прокуратура органларининг рақамли инфратузилмаси таркибий қисмларини яратиш бўйича техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

прокуратура органлари томонидан электрон назорат ва юридик аҳамиятга эга электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш;

идоровий ва идоралараро ўзаро ҳамкорликнинг хавфсиз тизимини ташкил этиш;

ахборотни оммага ошкор қилиш бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар реестрини юритиш;

Россия Федерацияси Бош прокуратурасида норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-маъмурий ҳужжатларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш;

бошқа чора-тадбирлар.

Учинчи босқич (2021-2025 йиллар) қуйидагиларни назарда тутати:

назорат функцияларини автоматлаштириш;

фуқаролар, давлат органлари ва ташкилотлар учун ҳуқуқий статистика порталида қўшимча хизматларни яратиш;

автоматик кузатишни амалга оширган ҳолда реал вақт режимида назорат фаолиятини юритиш;

текширишларнинг ягона реестрини ташкил этиш;

ҳуқуқий статистиканинг давлат автоматлаштирилган тизими фаолиятини юритиш;

давлат ахборот ресурслари билан ўзаро ҳамкорлик;

масофавий таълим технологиялари ва электрон таълимни қўллаш;

прокуратура органларининг барча ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Концепцияни амалга ошириш жараёнида Россия Федерациясининг барча прокуратура органлари ягона хавфсиз маълумотларни узатиш тармоғига бирлаштирилган. Тармоқ иккита мустақил — ёпиқ ва очиқ сегментга бўлинган.⁴

Бизнинг фикримизча, кўп қиррали фаолиятни рақамли трансформация қилишда маълум бир стратегияга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Чора-тадбирлар режасидан ташқари, фаолият таҳлили, ишлар ҳажми, мақсадларга эришиш бўйича усуллар, ташкилотнинг ҳозирги ҳолати, АКТ ривожланишининг 2 ёки 3 та сценарийси, талаб қилинадиган маблағлар ва бошқа ресурслар, муаммо ва ечимларни ўрганиш керак бўлади. Бу таҳлиллар одатда концепцияларда баён этилади. Россия тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш концепциясини ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Ўз навбатида, мазкур концепцияни ишлаб чиқишда SWOT-таҳлилнинг⁵ методларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда трансформация қилишнинг кучли ва заифли томонлари, имкониятлар ва хавф-хатарлар кўриб чиқилади.

Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилиш борасида Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасининг тажрибаси ҳам эътиборга сазовор. Шу идора ташаббуси билан рақамли лойиҳалар имкон қадар маъмурий ва жинсий соҳаларда, шунингдек, назорат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини камраб олишга муваффақ бўлди.

Х.З.Дауешовнинг ёзишича, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилган лойиҳалар аҳоли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари учун афзалликларга эга. Уларнинг устувор мақсади – фуқаролар учун ҳимояни тақдим этиш, одил судловни ва жараёнлар шаффофлигини тезкор таъминлаш.⁶ Н.С.Нурлибаевнинг таъкидлашича, лойиҳаларни амалга оширишда урғу томонлар ўртасида ҳужжатлар алмашинувиға ҳамда процессуал қарорларни электрон келишиш ва тасдиқлашга берилган эди.⁷

(кириш санаси: 07.02.2023).

4 Бессчасный С.А. Цифровая трансформация органов прокуратуры Российской Федерации // Сборник материалов семинара. 2020.

5 https://uz.wikipedia.org/wiki/SWOT_tahlili

6 Дауешов Х.З. Цифровизация деятельности органов прокуратуры Республики Казахстан: перспективы и возможности. 2021 // <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=46331436>

7 Нурлибаев Н.С. Об эффективности цифровых проектов. 26.04.2021 // <https://www.gov.kz/memleket/entities /pravstat/press/article/>



Қозоғистонда “Электрон жиноят иши” (е-УД), “Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг ягона реестри” (ЕРАП), “Текширув субъектлари ва объектларининг ягона реестри” (ЕРСОП) ва “Электрон мурожаат” каби тизимлар жорий этилди.

Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг 2017 йил 12 декабрдаги қарори билан “Рақамли Қозоғистон” давлат дастури тасдиқланган. Мазкур дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари режасига асосан 2021 йилнинг декабрига қадар жиноий ва маъмурий ишларни электрон шаклга ўтказиш ҳамда электрон суд йиғилишлари зали яратилиши режалаштирилган.⁸

“Рақамли Қозоғистон” давлат дастури доирасида қуйидаги бешта боғлиқ компонентдан иборат “Электрон иш” лойиҳаси амалга оширилмоқда:

- электрон жиноят иши;
- маъмурий иш юриртишининг ягона реестри;
- текширувлар субъектлари ва объектлари ягона реестри;
- таҳлилий марказ;
- фуқароларнинг электрон мурожаатлари.

“Рақамли Қозоғистон” давлат дастурида 2025 йилгача жиноий ишларни тергов қилишнинг электрон шаклга босқичма-босқич ўтиш назарда тутилган.

2015 йилда “Судга қадар терговларнинг ягона реестри” ахборот тизими яратилди.

Прокуратура ва суд ахборот тизимларини интеграция қилиш жиноят жараёнининг барча босқичларини – жиноий ҳуқуқбузарликни қайд этишдан тортиб, суд ҳукмигача рақамлаштириш имконини беради.

2015 йилда жиноий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги барча аризалар ва хабарлар электрон форматда рўйхатдан ўтказиш имконини берувчи Судга қадар терговлар ягона реестри жорий этилди (кейинги ўринларда – ЕРДР). ЕРДР – жиноий ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш, жиноят ишларини тергов қилиш, прокурор назорати ва тугалланган жиноят ишларини судга юборишни ўз ичига олган тизимга интеграция қилинган.

2017 йилда Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан “Электрон жиноят иши” тизими (“Е-жиноят иши”) ишлаб чиқилди. Унинг процессуал-ҳуқуқий асослари 2017 йил 21 декабрда Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал ко-

дексида мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда ҳам жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш рақамлаштирилганлиги муносабати билан бунинг ҳуқуқий асослари ва механизмини ЖПКда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масалан, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг электрон рўйхатга олиниши Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексларида ўз аксини топган. Хусусан, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддасига асосан судга қадар тергов ҳаракатлари жиноий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ариза ёки хабарни судга қадар терговнинг ягона реестрида рўйхатга олгандан кейин бошланади.⁹ Қирғизистон Жиноят-процессуал кодексининг 144-моддасига асосан судга қадар иш юритуви жиноятлар ягона реестрига тегишли маълумотлар киритилгандан кейин бошланади.¹⁰

Бугунги кундаги зарурият ва хорижий амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича электрон реестр тушунчасини киритиш таклифи билдирилади. Чунки, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби жиноят қонунчилигида ўз аксини топмаган.

Шунингдек, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш рақамлаштирилганлиги муносабати билан бунинг ҳуқуқий асослари ва механизмини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мустаҳкамлаш таклиф қилинади.

Тадқиқот доирасида прокуратура органлари ходимларидан иборат респондентлар ўртасида ўтказилган сўров натижасига кўра уларнинг 72,7 фоизи бунинг тарафдори бўлган.

Юқоридаги таклифларнинг қабул қилиниши келгусида прокуратура органлари рақамлаштирилишини кейинги босқичга олиб чиқишга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ҳамда аҳолининг суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган ишончини оширишга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#

details/61784?lang=ru

8 «Постановление Правительства Республики Казахстан от 12 декабря 2017 года № 827 «Об утверждении Государственной программы «Цифровой Казахстан» (утратило силу) // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1700000827>

9 https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852&pos=3483;-55#pos=3483;-55

10 <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112308>.



Бахшилло ХОДЖАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети проректори,
ю.ф.д., профессор в.б.

ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИДАН БИЗНЕС СЕКТОРГА ТРАНСФЕР ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада технологиялар трансферининг ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Университетлар мисолида университет-ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг муҳимлиги очиб берилган. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВИПО) тавсиялари ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига мувофиқ Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг интеллектуал мулк сиёсати, технологиялар трансфери ҳолати танқидий тадқиқ қилинган. Хорижий тажрибани умумлаштирган ҳолда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются правовые аспекты трансфера технологий. На примере университетов раскрывается важность сотрудничества между университетами и промышленностью. В соответствии с рекомендациями Всемирной организации интеллектуальной собственности (ВОИС) и опытом развитых зарубежных стран критически изучено состояние политики высших учебных заведений Узбекистана в области интеллектуальной собственности и трансфера технологий. С учетом обобщения зарубежного опыта высказаны замечания по устранению существующих проблем.

ABSTRACT. The article discusses the legal aspects of the transfer of technology. The importance of university-industry cooperation is revealed in the example of universities. In accordance with the recommendations of the World Intellectual Property Organization (WIPO) and the experience of foreign developed countries, the state of intellectual property policy and technology transfer of higher education institutions of Uzbekistan is critically studied. Summarizing the foreign experience, comments on the elimination of existing problems are expressed.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк бошқаруви (менежменти), технологиялар трансфери, университет, университет-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, стартап компаниялар, R&D.

Ключевые слова: Управление (менеджмент) интеллектуальной собственностью, трансфер технологий, университет, университетско-производственная кооперация, стартап-компании, R&D.

Key words: Intellectual property management, transfer of technology, university, university-production cooperation, start-up companies, R&D.

2020 йилнинг 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур соҳада мамлакатимиз аҳволини қуйидагича баҳолайди: “Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидоргир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ... Юртимизда қийматни баҳолаш тизими амалда ишламаяпти. Бунинг оқибатида кўп-лаб ишланмалар тижоратлаштирилмай қолиб кетмоқда”¹.

Давлат раҳбари ўринли таъкидлаганидек, амалиётда интеллектуал мулк объектларининг тижорат муомаласидаги айланмаси жуда қониқарсиз даражада эканлиги қийматни баҳолаш тизимига ҳам бевосита боғлиқдир. 2021 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4965-сон-

ли қарори қабул қилиниб, унда илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларини интеллектуал мулк масаласида иқтисодий тармоқлари билан боғлашни таъминлаш вазифаси белгиланди.

Жумладан, мазкур қарор билан интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури тасдиқланиб, олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасалари ва тармоқ тадқиқот институтларида яратиладиган илмий ишланмаларни патентлаш ва тижоратлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарор билан интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, Бутунжаҳон

¹ О'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2020 yilning 12 oktyabr kuni intellektual mulk obyektlarini muhofaza qilish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari yuzasidan o'tkazilgan yig'ilish. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3887>



интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда “Интеллектуал мулкни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш, бунда ривожланган мамлакатлар тажрибасини асос сифатида олиш устувор ва зифа қилиб белгиланди.

Шунга мувофиқ олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида узвий ҳамкорликни йўлга қўйишда технологиялар трансфери муҳим ўрин тутди.

Аввало трансфер учун қулай муҳит яратиш лозим. Бунда икки хил ёндашув мавжуд: очиқ инновация модели ва ёпиқ инновация модели. Мазкур ҳолатда инновацион тадқиқотлар қандай қилиб инновацияларни жорий қилишни ёки янги ғояларни бозорга олиб чиқишни, ёпиқ инновация моделидан очиқ инновация моделига фундаментал жиҳатдан ўтишга тайёрлик ҳолатини кўрсатиб беради².

Ёпиқ инновация модели интеллектуал мулк ҳуқуқи эгаси рақобатчилар унинг ғояларидан фойда олиши эҳтимолнинг олдини олиши учун ўз интеллектуал мулки устидан тўлиқ назоратни ўрнатиши ва сақлаб қолиши зарур, деган фикрга асосланади.

Очиқ инновация модели эса ташкилот ўзининг интеллектуал мулкни бошқа (учинчи) шахсларга фойдаланишга бериш орқали фойда олиши мумкин, деган ғояга таянади. Бунда бошқа (учинчи) шахслар ўз бизнесида фойдаланиш учун зарур бўлган ҳар қандай вақтда мулкдордан интеллектуал мулкни сотиб олишга ёки лицензия орқали олишга мажбур бўлади³.

Шу аснода кўплаб етакчи саноат тармоқларида, асосан биотехнология, фармацевтика ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида инновациялар кўлами йирик компанияларнинг марказий илмий-тадқиқот (R&D) лабораториялари доирасидан четга чиқиб, давлат тадқиқот ташкилотлари (PROs), жумладан, университетлар ва уларнинг шўъба (spin-off) корхоналари томонидан кенг қўлланилмоқда⁴.

Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги сабабли инновацион сиёсатнинг асосий йўналиши давлат тадқиқотлари натижасида олинган билимлардан самарали

фойдаланиш ва ғояларни лабораториядан бозорга олиб чиқишда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Бу борада технологияларни давлат тадқиқот ташкилотларидан бизнес секторга трансфер қилишга шарт-шароит яратиш учун ҳукумат дастури қабул қилиниб, унда тижоратлаштиришнинг аниқ йўллари ва усуллари кўрсатилади. Бу эса ўз навбатида университетда олиб борилган тадқиқотлар натижаларини муваффақиятли тижоратлаштириш учун технологияларни университетлар ва бошқа тадқиқот ташкилотларидан бизнес секторга трансфер қилиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланган давлатларда университетлар ва бошқа илмий тадқиқот марказларида яратилган технологиялар ва бошқа интеллектуал мулк объектларини трансфер қилишда патентларни лицензиялаш, шунингдек товар белгилари, намуналари ва муаллифлик ҳуқуқлари каби ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Бунда кўпроқ давлат тадқиқот ташкилотлари интеллектуал мулкни тижоратлаштиришга ва улардан даромад олишга алоҳида эътибор қаратади⁵.

Патентланган тадқиқот натижаларини лицензиялашдан ташқари технологиялар трансферининг яна бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига интеллектуал мулк ҳуқуқи бошқаруви нуқтаи назаридан ўзига хос талаблар белгиланган. Бундай усулларга университет ходимларининг стартаплари, саноат ҳомийлигидаги тадқиқотлар, консултациялар, нашрлар ва тақдимотлар, шунингдек, маҳаллий ва минтақавий инновацияларни технологик (илмий) парклар ва бизнес-инкубаторлар орқали бевосита қўллаб-қувватлаш кабилар кирди. Университетга даромад келтиришдан ташқари технологик трансфер фаолиятига эҳтиёж жуда юқори ҳисобланади, чунки бундай фаолият университетда янги илмий ишланмалар (P&D) ва қўшимча иш ўринлари яратишни рағбатлантириш орқали маҳаллий иқтисодиётга инновацияларнинг “сузиб кириши” учун етарли замин яратади⁶.

METI (Ministry of Economy, Trade and Industry) маълумотларига кўра Япониядаги илмий тадқиқот-

2 Henry Chesbrough, *Open Innovation, The New Imperative from Creating and Profiting from Technology*, Harvard Business School Press, 2003. Dominique Guellec and Bruno van Pottelsberghe de la Potterie, “The Internationalisation of Technology Analysed with Patent Data”, *Research Policy* 30(8), 2001, available at: www.ulb.ac.be/cours/solvay/vanpottelsberghe/resources/Pap_ResPol_1.pdf

3 O’sha manba...

4 The OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2007, Report available at: http://www.oecd.org/document/8/0,3343,en_2649_37417_39529416_1_1_1_37417,00.html.

5 Siegel, D.S. and M. Wright, 2007, *Intellectual Property: The Assessment*, *Oxford Review of Economic Policy* 23(4): 529-540.

6 Siegel, D.S., R. Veugelers and M. Wright, 2007, *Technology Transfer Offices and Commercialization of University Intellectual Property: Performance and Policy Implications*, *Oxford Review of Economic Policy* 23(4): 640-660.



чиларнинг 40 фоизга яқини (қарийб 330 минг тадқиқотчи) университетларда фаолият кўрсатади. Университетларда илмий-тадқиқот учун ҳар йили қарийб 20 миллиард доллар маблағ ажратилади⁷. Ушбу рақамлардан ҳам университетлар қанчалик салоҳиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Бу салоҳиятдан саноат ва иқтисод ривожига тўлиқ даражада фойдаланиш учун университетлар ва хусусий сектор ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласи кенг муҳокама қилиб келинган.

Афсуски, Ўзбекистон университетларининг бугунги кунда илмий-тадқиқот учун сарфлаётган маблағлари ва бундан топаётган даромади хусусида маълумотлар мавжуд эмас. Очиқ маълумотлардан маълум бўлишича, 2022 йил якунларига кўра ОТМ-нинг асосий даромадини талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушган тушумлар (71,6 фоиз) ташкил этган⁸.

Университетларда интеллектуал мулк объектларини патентлаш ва лицензиялаш учун нима асос сифатида хизмат қилади? Саноат тармоғи доирасида патентлаш ихтироларни яратиш ва кейинчалик уларни жамиятга ошкор қилишни рағбатлантириш учун муҳим туртки саналади. Бироқ илм-фан доираси интеллектуал мулк устуворлигини тан олиш рағбатлантиришнинг муҳим тизими сифатида қаралади. Илмий ходим (олим)ларнинг касбий фаолияти ўз соҳасидаги янги натижани биринчилардан бўлиб аниқлаши ва эълон қилишидан келиб чиқиб белгиланади. Шунга кўра академик муҳитда ихтиро ва уни ошкор қилиш борасида рағбат яратиш учун патентлашга эҳтиёж мавжуд бўлмаслиги мумкин, чунки устуворликни тан олиш тизими бир вақтнинг ўзида бундай рағбатни таъминлаб боради. Демак, университетнинг патентлаш тизими ихтиро ва уни ошкор қилишда илмий тадқиқотчиларни рағбатлантириш учун ўта муҳим бўлмаса-да, тижоратлаштиришни рағбатлантириш учун жуда зарур ҳисобланади.

Тадқиқот натижаси эълон қилинган тақдирда ихтиронинг янгилиги ўз кучини йўқотади ва бунинг учун патент берилмаслиги мумкин. АҚШ, Австралия, Канада ва Япония каби давлатларда 12 ойлик имтиёз даври белгиланган бўлиб, ихтирочи ўз ихтиросини оммага ошкор қилганидан сўнг мазкур давр мобайнида патент учун ариза топшириши мумкин.

Бироқ юқоридаги давлатларда ихтиронинг оммавий ошкор қилиниши бундай имтиёзли давр мавжуд бўлмаган давлатларда (масалан, Европа Патент ташкилотига аъзо давлатларда) унинг янгилиги ва патентга лаёқатлилигини бекор қилади.

Шунинг учун ҳам, тадқиқот натижасини тижоратлаштиришга ҳаракат қилаётган ҳар қандай компания тадқиқот натижаларининг бетакрорлиги (эксклюзивлиги)га қарамасдан илмий-тадқиқот (R&D)ларни таваккалга асосланган ҳолда ўтказишига тўғри келади. Интеллектуал мулкни тижоратлаштириш амалга оширилмай қолган тақдирда харажатлар компаниянинг зиммасига тушади. Бундай тижоратлаштириш муваффақиятли амалга оширилган тақдирда эса бу борада фойдани эгаллаб олиш учун дарҳол кўчирмачи инсофсиз рақобатчилар пайдо бўлиб қолади. Шу сабабли патент билан ҳимояланган илмий тадқиқот натижалари тижоратлаштириш учун кўпроқ мақбул ҳисобланади.

Патентлаш ва лицензиялаш даромад келтирадиган даражада бўлса, улар университет ва тадқиқотчиларнинг тижоратлаштиришга ҳисса қўшиш ва ресурс сарфлаш ҳамда бу борада тажриба орттиришга бўлган рағбатнинг кучайишини таъминлайди ва шу орқали жамият фойдаси учун технологияларни давлат тадқиқот ташкилотларидан саноатга трансфер қилишни қўллаб-қувватлайди. Бундан келиб тушган тўлов (ёки солиқ)лар ҳисобига эса илмий тадқиқотларнинг анчагина қисми молиялаштирилади⁹.

Университет ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотларидан яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш борасида турли усуллар қўлланилиши мумкин, хусусан:

лицензия шартномаси бўйича интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни техник ҳужжатлар билан бирга ўтказиб бериш;

ишланмалар ва ихтироларни амалиётга жорий қилиш ҳамда уни янги маҳсулот сифатида бозорга олиб кириш борасида ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузиш;

илмий-тадқиқот муассасаси ҳузурида интеллектуал мулк натижаларидан фойдаланишни таъминловчи тузилмаларни ташкил этиш;

илмий ишланмаларни тайёрлаш, тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш ҳамда сотувини йўлга

7 Ministry of Economy, Trade and Industry, "Sangyou gijutsu ni kansuru kenkyuu-kaihatsu katsudou no doukou" (Sanoat texnologiyalariga oid ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar faoliyatidagi trendlar) URL: https://www.meti.go.jp/policy/economy/gijutsu_kakushin/tech_research/aohon/aohon2019.pdf (12.01.2020)

8 2022-yilda eng ko'p daromad va zarar ko'rgan oliy ta'lim muassasalari ma'lum qilindi. URL: <https://m.kun.uz/news/2023/02/24/2022-yilda-eng-kop-daromad-va-zarar-korgan-oliy-talim-muassasalari-malum-qilindi>

9 Intellectual Property Commercialization: Policy Options and Practical Instruments. United Nations, Geneva (Switzerland), 2011. URL: <https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/publications/ip.pdf>



қўйиш учун юқори технологияли янги компанияларни ташкил қилиш¹⁰.

Олий таълим муассасасининг интеллектуал фаолият натижасини тижоратлаштиришдан олган даромади келишув билан белгиланиши мумкин. Агар келишув мавжуд бўлмаса, у ҳолда 30-30-30 схема (муассаса, факультет/бўлим, муаллиф) амал қилади. Бундан бошқа схема масалан, 20 фоиздан кам бўлмаган қисми муаллифга, 50 фоизи ташкилотнинг тегишли бўлинмасига, 30 фоизи ташкилот тасарруфига ўтказилади. Даромад манбаси эса соф тушум, даромад, лицензия тушуми сифатида кўрилиши мумкин.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO)нинг Университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсати тўғрисидаги намунавий низом¹¹ қоидаларини олий таълим муассасалари фаолиятида қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун миллий ҳуқуқ ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мослаштириш талаб қилинади. Бунда Университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсатини имплементация қилиш бўйича WIPO йўриқномаси¹² бизга ёрдам беради. Университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари учун интеллектуал мулк соҳасидаги сиёсатнинг мавжуд бўлиши бевосита олий таълим муассасасида яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш учун муҳим. Бундан ташқари, ҳуқуқий муҳофаза стратегияси, олий таълим муассасасининг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланишдан олинган мукофотни тақсимлаш тартиби ва бошқаларга доир ҳужжатлар ишлаб чиқилиши зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти учун интеллектуал мулкни тижоратлаштириш бўйича Европа мамлакатлари тажрибаси фойдали бўлиши мумкин. Ушбу мамлакатлар тижоратлаштириш шаклининг жозибadorлиги шундаки, уларда илмий муассасалар ва бевосита тадқиқотчилар (ихтиро, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари муаллифлари) иштирокида янги корхоналар (старт-ап компаниялар) ташкил этилиши мумкин. Бу бо-

рада қонунчилик илмий муассасалар ва тадқиқотчиларга бундай компанияларга иштирокчи (таъсисчи) сифатида устав капиталида улушли қатнашиш, унинг акциядорига айланиш, компания бошқарувида, маъмурий ёки кузатув кенгашида иштирок этиш каби ҳуқуқларни тақдим этади (Ирландия, Германия, Нидерландия, Франция).

Университет ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотларидан технологиялар ва билимларни трансфер қилиш (ўтказиб бериш) жараёни аксарият ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатларда олдинги тизим сарқитлари билан боғлиқ икки муаммога дуч келади. Биринчи муаммо интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимининг ўзида юзага келади¹³.

Иккинчи муаммо эса тадқиқотлар ўтиш даврига бўлган вақтда қандай ташкил этилганлиги билан боғлиқ. Собиқ Иттифоқ даврида на университетлар, на корхоналар тадқиқотларда муҳим роль ўйнаган. Бунинг ўрнига амалий тадқиқотларнинг асосий қисми тармоқ вазирликларининг соҳавий илмий-тадқиқот институтларида ўтказилган¹⁴. Совет иқтисодий тизимининг ўта марказлашганлиги ва бўйсунувда бўлганлиги сабабли ушбу институтлар технологиялар трансфери ва уларни тижоратлаштириш соҳасида умуман тажриба тўплай олмаган. Бундан ташқари, мазкур институтларнинг ўзлари ҳеч қандай долзарб тадқиқотларни ўтказмаганликлари сабабли корхоналарнинг технологияларни ўзлаштириш ва тижоратлаштириш салоҳияти ҳамда университетлар ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш қобилияти етарлича ривожланмаган.

Собиқ Совет Иттифоқидан қолган мазкур “мерос” бугунги кунда ҳам айрим жабҳаларда сезилади. Масалан, корхоналар ўртача ҳисобда илмий тадқиқотлар (R&D)га ривожланган давлатларга нисбатан анча кам маблағ сарфлайди, университет миқёсидаги тадқиқотларни молиялаштиришга жуда кам ҳисса қўшадилар ҳамда университетлар билан қўшма тадқиқот лойиҳалари бўйича жуда кам ҳамкорлик қилади. Ўз навбатида, университет ва бошқа давлат тадқиқот ташкилотлари ҳам тадбиркорлик сектори тарафидан янги технологиялар

10 В.К.Ходжаев. Интеллектуал мулкни тижоратлаштиришнинг умумий масалалари. “Innovatsiya va intellektual mulk sohasidagi xalqaro standartlarni O'zbekistonda qo'llash muammolari: intellektual mulk obyektlari tижoratlashtirish va baholash” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami (2020-yil 29-sentyabr) / “Интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ва baholash tizimini yaratish” mavzusidagi I-AV-2019-18 raqamli innovatsion loyiha doirasida amalga oshirilgan ilmiy ishlar to'plami. – T.: HSTI, Elektron nashr, 2020 y. – 72-bet

11 WIPO Intellectual Property Policy Template for Universities and Research Institutions. URL: https://www.wipo.int/about-ip/en/universities_research/docs/ip_toolkit/policy_template.docx

12 Guidelines for Customization of the IP Policy Template. URL: <https://www.wipo.int/technology-transfer/en/ip-policies.html#:~:text=What%20are%20the%20main%20goals,flow%20of%20benefits%20to%20society.>

13 Karpova, N., 2003, Legal Protection and Commercialization of Intellectual Property in Russia, in: United Nations Economic Commission for Europe (ed.), Intellectual Assets: Valuation and Capitalization, Geneva and New York, pp.102-130.

14 Graham, L., 1992, Big Science in the Last Years of the Soviet Union, Osiris 2nd Series, Vol. 7, pp. 49-71.



ва бошқа билимларга талаб йўқлиги сабабли билимлар трансфери ва уларни тижоратлаштиришда алоҳида муаммоларга дуч келишлари мумкин.

Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасига кўра билимлар трансфери қуйидаги икки тамойил асосида бошқарилади:

биринчиси, тадқиқот ташкилотларида олинган билимлардан максимал фойдаланиш бўлиб, бундай фойдаланиш илғор илмий тадқиқотлар (R&D) ни юқори даражада қўллаш олиш, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек, саноат тармоқлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали амалга оширилади;

иккинчиси, масъулиятли фойдаланиш бўлиб, билимлардан фойдаланиш жамиятга фойда келтиришини кафолатлайдиган давлат тадқиқот ташкилотларининг илмий-тадқиқот салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Интеллектуал мулк бошқаруви (менежменти) – мазкур тамойилларни амалиётга татбиқ этиш воситаси ҳисобланиб, бундай тамойилларнинг рўйхати эса қатъий эмас¹⁵.

Юқоридагиларга кўра қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Технологиялар трансферида илм-фан марказлари, шу жумладан, университетлар ва саноат ҳамкорлиги асосий ўрин тутди. Зеро, Университет 3.0 концепциясига кўра университетлар нафақат илм-фан билан, балки ўз тадқиқотларини тижоратлаштириш билан ҳам шуғулланадиган маскан бўлиши зарур. Саноат билан ҳамкорлик қилмасдан фақат таълим ёки таълим-тадқиқот билан шуғулланган университет бу Университет 1.0 ёки Университет 2.0 даражасидаги университетдир. Университет 4.0 га чиқа олиши эса жуда қийин масала ҳисобланади;

Дунё тажрибасида асосан аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган университетларда технологиялар трансфери юқори бўлади деган қарар мавжуд.

Бу тўғри. Бироқ мазкур ҳолат гуманитар фанлар бўйича тадқиқотларни олиб борувчи университетлар трансфер билан шуғулланмаслигини англатмайди. Бундай университетлар билимлар трансфери билан шуғулланади. Масалан, Шотландияда жиноятчилик кўрсаткичлари ўсаётганлиги ҳолати юзасидан Шотландия ҳукумати Глазго университетига мурожаат қилган. Университетнинг ҳуқуқ факультети академик вакиллари, асосан криминологлар тадқиқот олиб боришга рози бўлишган. Улар томонидан Шотландияда жиноятчиликнинг ўсиш сабаб ва шарт-шароитлари ҳар томонлама таҳлил қилинган ҳамда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Ҳукумат олиб борилган тадқиқот ишлари учун ҳақ тўлаган ва уни амалиётга жорий этиш чораларини кўрган. Натижада жиноятчилик кўрсаткичларининг пасайишига эришилган. Бу академик доираларнинг илми ҳар қандай соҳада зарур бўлишига биргина мисол холос. Шундан келиб чиққан ҳолда университет-саноат ва университет-жамият ҳамкорлигини ўрнатиш бугунги кунда муҳимлигини англаш ва тегишли чораларни амалга ошириш талаб қилинади.

Маълумки, сўнги йилларда университетларга молиявий ва академик эркинлик бериш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Олий таълимнинг қамрови ва шунга кўра даромадлилиги ортомқда. Бироқ бу вақтинчалик жараён. Замонавий университетнинг асосий даромадини технологиялар трансферидан тушган маблағлар ташкил қилиши керак, асло ўқитиш пули маблағлари эмас. Шунга кўра Ўзбекистон олий таълим муассасалари томонидан WIPO тавсияларидан келиб чиққан ҳолда ўз интеллектуал мулк сиёсатини имкон даражасида тезроқ йўлга қўйиши талаб этилади. Таъкидлаш жоизки, университет-саноат ҳамкорлиги ва технологиялар трансфери кўрсаткичлари нуфузли халқаро рейтингларнинг муҳим индикаторларидан ҳисобланади.

#

15 Intellectual Property Commercialization: Policy Options and Practical Instruments. United Nations, Geneva (Switzerland), 2011. URL: <https://unece.org/fileadmin/DAM/ceci/publications/ip.pdf>





Лухмонжон ИСОҚОВ,
Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
марказ бошлиғи, адлия маслаҳатчиси, ю.ф.д., доцент

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада ноқонуний миграция тушунчаси, унинг давлат ва жамиятга таъсири ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, ҳудудда чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан мамлакатимиз бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тавсифланган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются понятие нелегальной миграции, ее влияние на государство и общество, а также их специфические аспекты. Также описаны административные правонарушения, связанные с нарушением правил пребывания иностранных граждан или лиц без гражданства на территории нашей страны.

ABSTRACT. This article discusses the concept of illegal migration, its impact on the state and society, as well as their specific aspects. It also describes administrative offenses related to violation of the rules for the stay of foreign citizens or stateless persons on the territory of our country.

Таянч сўзлар: белгилар, давлат, жамият, миграция, ноқонуний миграция, мигрантлар, инсон ҳуқуқлари, эркин ҳаракатланиш, ҳимоя, механизм.

Ключевые слова: признак, государство, общество, миграция, нелегальная миграция, мигранты, права человека, свободное передвижение, защита, механизм.

Key words: sign, state, society, migration, illegal migration, migrants, human rights, free movement, protection, mechanism.

Маъмурий ҳуқуқшуносликда аҳоли миграцияси тушунчаси ва уни таснифлаш кенг муҳокама қилиниб, унда ноқонуний миграция турининг мавжудлиги таълимот даражасида эътироф этилган.

Ноқонуний миграциянинг географик чегаралари жадаллик билан кенгайиши турли иқтисодий ва сиёсий хусусиятдаги омиллар билан изоҳланади. Мигрантларнинг деярли барча тоифаларига нисбатан миграцион назоратнинг кучайиши мамлакатга қонуний йўл билан кириш имкониятини чеклаб, ноқонуний каналлардан фаол тарзда фойдаланишга туртки бўлмоқда. Шунингдек, шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга ноқонуний кўчиб ўтиши кўламининг янада кенгайиши сабабларидан бири бу хорихда иш билан таъминлашга доир маълумотларнинг интернет тармоғи орқали эълон қилиниши саналади. Бундан ташқари, Жануби-шарқий Осиё (Жанубий Корея ва Япония), Яқин Шарқ (БАА ва Туркия), Шимолий Америка (АҚШ ва Канада) ва Ғарбий Европа мамлакатлари фуқаролари билан сохта никоҳ (sham marriage ёки fake marriage) тузиш ноқонуний миграциянинг тобора оммалашаётган усулларидан бири бўлмоқда.

Шахсларни давлат чегараси орқали ноқонуний ташиш ва уларни иш билан таъминлаш билан шуғулланувчи турли фирмалар хизматидан аввало чет элга қонуний йўл билан чиқишга имконияти бўлмаган мигрантлар ва қочоқлар фойдаланишади. Одатда ноқонуний миграция учун тўловлар бориладиган мамлакат, маршрут узоқлиги ва мураккаблигига қараб ўзгаради.

Ноқонуний миграция кўлами ва оқибатларини тўғри баҳолаш олмаслик, унга қарши курашишнинг самарали механизмларининг мавжуд эмаслиги ва миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш тизимини ислоҳ қилмаслик ҳар қандай мамлакатнинг халқаро обрўсига путур етказди, бевоқиф иқтисодий йўқотишни келтириб чиқаради, келажакда демографик ва ижтимоий инқирозга сабаб бўлади.

Ноқонуний миграция категориясини янада чуқурроқ англаш учун унинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш зарур. Ҳуқуқшунослар орасида мазкур ҳуқуқий ҳодисага доир ягона нуқтаи назар ҳозирги кунга қадар мавжуд эмас. Масалан, айрим олимлар шахснинг доимий бўлмаган яшаш жойига ноқонуний кириб келиши ва у ердан чиқиб кетишини тушунишса, қолганлар ноқонуний миграцияни давлат чегарасини мустақил равишда ёки учинчи шахс ёрдами билан ноқонуний (ўтиш пунктларидан ташқари, чегара ва божхона назоратидан яширин ёки қалбаки ҳужжатлар, визалардан фойдаланган ҳолда, ваколатли давлат органининг тегишли рухсатномасисиз) кесиб ўтиши сифатида қарайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин: ноқонуний миграция — бу жисмоний шахсларнинг мамлакат қонунчилигини бузган ҳолда давлат ҳудудига кириши, унда бўлиши, ҳудуд орқали транзит ўтиши, ҳудудидан кетиши ҳисобланади.

Ноқонуний миграция аксарият мамлакатларнинг давлат хавфсизлиги соҳасида миллий манфаатла-



рига таҳдид солувчи жиноятлар сирасига киритилган. Демак, ушбу жиноий қилмиш нафақат ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний ҳодиса, балки давлат манфаатлари ва жамият хавфсизлигига аниқ хавф соладиган жиноят турларидан бири ҳисобланади. Ноқонуний миграция жиноятчилик ўсиши, хавфли ва юқумли касалликлар тарқалиши, яширин меҳнат бозори ривожланиши, кўпгина давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги тарангликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Ноқонуний миграцияни объектив ҳодиса сифатида тавсифлар эканми, у билан боғлиқ айрим муҳим атамаларнинг талқинини аниқлаб олиш тақозо этилади. Жумладан, мигрант деганда, шахснинг ҳуқуқий мақоми, кўчишининг ихтиёрий ёки ноихтиёрий хусусияти, сабаби ёки бўлишининг давомийлигидан қатъи назар, ўзининг одатий истиқомат қилувчи жойини тарк этиб, халқаро чегара орқали ёки давлат ичида кўчиб ўтаётган ёки кўчиб ўтган ҳар қандай шахс тушунилади.

Агар шахс ўрнатилган қоидаларга зид равишда бирор давлат ҳудудига кирган ёки виза муддати тугагач ёки яшаш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз тегишли хорижий мамлакатда қолаётган бўлса, мигрант ноқонуний ҳисобланади.

Демак, ноқонуний мигрант — бу ўтиш пунктдан ташқари ёки ўтиш пункти орқали, лекин чегара назоратидан яширин ҳолда давлат чегарасини кесиб ўтган ва зудлик билан қочоқ мақоми ёки бошпана олишни сўраб ариза бермаган, шунингдек, мамлакатга қонуний йўл билан келган, бироқ бўлишнинг муайян муддати тугаши билан у ерда яна қолиши учун асоси бўлмаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсдир. Хуллас, ноқонуний мигрантда уч тоифадаги белгилар мавжуд бўлади. Булар:

биринчидан, жамиятнинг барча аъзоларига хос умумий хусусият;

иккинчидан, умуман миграция субъектига хос алоҳида хусусият;

учинчидан, фақатгина ноқонуний миграция субъектига хос махсус хусусият.

Шунингдек, ноқонуний мигрант муайян ёш цензи билан чекланиши мумкин эмаслиги алоҳида эътиборга молик, яъни у вояга етмаган, ўрта ёки катта ёшдаги шахс ҳам бўлиши мумкин.

Одатда ноқонуний мигрант ғайриқонуний йўл билан кўчиб ўтишга қарор қилган шахс ҳолати, давлат чегарасини кесиб ўтиш усули, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиши ёки сафар ҳужжатларисиз ҳаракатланиши билан тавсифланади.

Ноқонуний мигрантларнинг аксарияти кўзланган давлатга кўчиб бориш мақсадида бир ёки бир

неча мамлакатларни кесиб ўтадиган транзит мигрантлардир.

Айрим юридик адабиётларда “ярим қонуний мигрант” атамаси ҳам ишлатилади. Буларга қонуний асосда чет элга кетган, тегишли визага эга бўлган, лекин унинг тугалланиши билан мамлакатни тарк этмасдан қолган шахслар киради. Туристтик виза билан бориб, ишга жойлашиб олган сайёҳлар, талабалар, чет элга тез-тез бориб келиб ғайриқонуний ишлар билан шуғулланадиган “тадбиркорлар”, қочоқ мақоми ёки сиёсий бошпана бериш рад этилган шахслар шулар жумласидандир.

Тадқиқ этилаётган категория тушунчасига мавжуд юқоридаги ёндашувларни инobatга олиб, “ноқонуний миграция” атамасининг мазмун-моҳиятини тўлиқроқ тавсифловчи қуйидаги хусусиятларни санаб ўтиш мумкин:

1) ноқонуний миграция – мигрантларнинг ихтиёрий ёки мажбурий ҳудудий кўчишининг шакли;

2) ноқонуний миграция тегишли ҳужжатлар ва рухсатномаларни расмийлаштирмасдан, шунингдек, қалбаки ёки амал қилиш муддати ўтиши муносабати билан юридик кучини йўқотган ҳужжатлардан фойдаланиб бирор давлат ҳудудига кириш, у ердан чиқиш, у ерда бўлиш ва унинг ҳудуди орқали ўтиш тартиби тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши билан пайдо бўлади;

3) ноқонуний миграция чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан амалга оширилади.

Мамлакатимиз ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикаси ноқонуний миграция кўлами ҳақидаги умумий тасаввурни шакллантириши мумкин. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 225-моддасига асосан, яъни Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, яъни чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча прописканинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаганлиги учун 2013 йилда 2292 нафар, 2014 йилда 1931 нафар, 2015 йилда 2576 нафар, 2016 йилда 1255 нафар, 2017 йилда 2306 нафар, 2018 йилда 2854 нафар, 2019 йилда 3097 нафар мигрантга нисбатан маъмурий баённомалар тузилган¹. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, чет эл фуқаролари (асосан Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғис-



тон ва Россия Федерациясининг фуқаролари) ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 85 фоизидан зиёди айнан миграция қонунчилигини бузиш билан боғлиқ. Миграция оқимининг мазкур шакли аввало Ўзбекистонга киришнинг визасиз режими билан боғлиқдир. Демак, ушбу рақамлар шундан далолат берадики, ноқонуний миграция Ўзбекистон учун ҳам тобора муайян аҳамият касб этиб бо- раётган долзарб муаммолардан бири саналади.

Ноқонуний мигрант шахсини кўриб чиқишда унинг жинси, ёши, оилавий ҳолати, яшаш жойи, маълумоти, тили, дини ва касбий мақоми каби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ноқонуний мигрантларни одатда ўттиз ёшдан катта бўлмаган ва асосан фаол меҳнат ёшидаги йигитлар ташкил қилади.

Ноқонуний миграцияни тавсифловчи жиҳатлардан бири бу унинг трансчегаравийлиги ва уюшганлиги ҳисобланади. Ноқонуний мигрантларни олиб ўтишда уюшган трансчегаравий жиноий гуруҳлар етакчи роль ўйнайди.

Мамлакатларнинг чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш одатда темир йўл, дарё ёки денгиз ва автомобиль транспорти орқали амалга оширилади. Чегара ва божхона назоратидан яширин тарзда ўтиш учун пломбаланган катта габаритли автомобиллар, вагонлар ва кемалар, сохта ҳужжатлар, транзит поездлардан фойдаланишади.

Ноқонуний мигрантларнинг оммавий кириб келиши жамоат тартиби ва давлат хавфсизлигига салбий таъсир ўтказиши. Уларнинг муайян ҳудудда тўпланиши ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний ва психологик муаммоларнинг ошишига туртки бўлади. Ноқонуний мигрантлар турар жой муаммосини келтириб чиқаради, ишсизликни кучайтиради, тегишли ҳудуднинг бутун инфратузилмасига юқини оширади, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари фаолиятини мураккаблаштиради. Доимий истиқомат қилиш ёки қочоқ мақомини олишга қарор қилган ноқонуний мигрантлар одатда қишлоқ жойларини танлашади, лекин статистика бўйича бу жуда озчиликни ташкил қилади.

Ноқонуний мигрантларнинг жиноятчилик даражасига бевосита ёки билвосита таъсири бўлиши мумкин. Ноқонуний мигрантларнинг муайян қисми мослашиш даврида маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этиши бевосита таъсири бўлса, миграция жараёнларининг қабул қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-демографик вазиятига салбий оқибати билвосита таъсири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ноқонуний миграция билан боғлиқ юқумли касалликлар, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ва ичкиликбозликнинг тарқалиши ка-

би хавfli оқибатлари ҳам мавжуд. Хуллас, ноқонуний мигрантлар оқими мамлакатдаги умумий криминоген вазиятни оғирлаштиради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тезкор-профилактик фаолияти учун қўшимча қийинчиликларни яратади.

Шу билан бирга, ноқонуний миграция қуйидаги оғир оқибатларни келтириб чиқаради:

- ноқонуний хорижий ишчи кучининг пайдо бўлиши ва мунтазам равишда меҳнат бозорини тўлдириши;

- ноқонуний мигрантлар меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига иқтисодиёт яширин секторининг ривожланиши;

- этник, миллатлараро ва трансчегаравий жиноятчиликнинг ўсиши;

- арзон хорижий ишчи кучининг ортиб кетиши сабабли мамлакатда ўзининг ишлаб чиқариш кучларининг қадрсизланиши;

- янги этник диаспораларнинг юзага келиши;

- кўпмаданиятлик ва динлараро бағрикенгликка раҳна солувчи муаммоларнинг кескинлашуви, шунингдек ижтимоий танглик, миллатчилик кайфияти, терроризм ва экстремизмнинг турли кўри- нишларининг фаоллашуви.

Шу тариқа ноқонуний миграция тушунчасининг негизиде икки жиҳат асосий ўрин эгаллайди:

биринчидан, ҳуқуқий, яъни шахснинг ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ ҳудудий кўчиб юришининг қонунийлиги;

иккинчидан, ҳудудий, яъни ноқонуний мигрантлар сирасига фақатгина давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтувчиларни эмас, балки давлатнинг ичкарасидаги маъмурий чегаралар орқали ўрнатилган қоидаларга зид равишда кўчиб юривчи шахсларни ҳам киритиш зарур.

Демак, ушбу ҳолат ноқонуний миграциянинг ташқи ва ички ноқонуний миграция каби икки тури мавжудлигидан дарак беради.

Ташқи миграция жараёнларини тартибга солувчи халқаро шартномалар давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг асоси ҳисобланиб, уларда ноқонуний миграцияга қарши курашиш масаласига алоҳида урғу берилган.

1961 йилдаги Фуқароликка эга бўлмаганликни қисқартириш тўғрисидаги конвенция, Халқаро меҳнат ташкилотининг 1975 йилдаги Миграция соҳасидаги суиистеъмомликлар ва меҳнаткаш-мигрантларга имкониятлар тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-сонли конвенцияси, 1990 йилдаги Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция миграция муносабатлари соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Шу билан бирга, Халқаро меҳнат ташкилоти-



нинг (ХМТ) 1949 йилдаги меҳнаткаш-мигрантлар тўғрисидаги 97-сонли конвенциясининг 2-илова-сида ноқонуний миграцияга шароит яратиб берадиган шахсларни жазолаш заруратини белгиловчи қоидалар бўлса, ХМТнинг 1975 йилдаги миграция соҳасидаги суиистеъмоликлар ва меҳнаткаш-мигрантларга имкониятлар ҳамда муомала тенглигини таъминлаш тўғрисидаги 143-сонли конвенциясида мазкур ҳодисанинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларнинг батафсил рўйхати билан танишиш мумкин. Шунингдек, доимий мақомга эга бўлмаган меҳнаткаш-мигрантларни яширин ёки ноқонуний ташиш ва уларни ёллашнинг олдини олиш ёки бартараф этиш масаласида давлатларнинг ҳамкорлик қилиш мажбуриятини белгилайдиган қоида 1990 йилдаги Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенцияда ҳам учрайди. Мамлакатда ноқонуний бўлиб турган мигрантларнинг қочоқ каби тоифаси билан ишлаш қоидалари эса 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенциянинг 31-моддасида мустаҳкамланган.

Ноқонуний миграция муаммосини ҳал этишнинг универсал ёндашувини таҳлил қилаётиб, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси ва мигрантларни ноқонуний ташишга қарши протоколига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, ушбу ҳужжатларнинг асосий мақсади нафақат ноқонуний миграцияга қарши курашиш, балки ушбу масалада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш ва ноқонуний мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга таъсирини қуйидаги мисол орқали ифодалаш мумкин. Маълумки, ноқонуний миграциянинг олдини олишнинг муҳим шартларидан бири бу давлатларнинг ўз чегараларини муҳофаза қилишдаги тезкор ҳамкорлиги ҳисобланади. Европа кенгашининг 2004 йил 26 октябрдаги Регламенти билан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ташқи чегарасида тезкор ҳамкорликни бошқариш бўйича Европа агентлиги, яъни Фронтекс (Frontex – фр. frontières extérieures – ташқи чегаралар) таъсис этилган.

Шенген макони ичида қонунийликни таъминлаш ҳамда унинг ташқи чегараларида самарали назоратни ўрнатиш учун зарур бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятидаги маълумотлар 1990 йилдаги Шенген конвенциясининг алоҳида бўлими асосида таъсис этилган Ахборот тизимида жамланган. Ушбу Ахборот тизимининг маълумотлар базасига Шенген келишувининг иштирокчи мамлакатларига ноқонуний кириб келган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади. Бу каби шахслар Шенген маконига киритилмаслик сўровининг объектига айланади. Мазкур сўровнинг мавжудлиги кейинчалик ҳар қандай аъзо давлатнинг дипломатик ваколатхоналарида Шенген визасини тақдим этишга рад жавобини бериш учун асос бўлиши мумкин. Худди шу каби тизимга ўхшаш ташаббуслар МДҲ доирасида ҳам 1997 йилда юзага келган. Хусусан, 1997 йил 15 мартда МДҲга аъзо давлатларнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва шу орқали ноқонуний миграцияга қарши курашиш масаласи кун тартибига қўйилиб, ва ниҳоят 1998 йил 6 мартда Келишув имзоланган.

#



ОСНОВНОЕ ПРЕДНАЗНАЧЕНИЕ ОРГАНОВ СУДЕЙСКОГО СООБЩЕСТВА И ИХ РОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПОДЛИННОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

АННОТАЦИЯ. В статье раскрывается миссия органов судейского сообщества и их место в системе обеспечения независимости судебной власти, а также анализируется взаимосвязь деятельности органов судейского сообщества с реализацией задачи по обеспечению доступа к эффективному правосудию.

АННОТАЦИЯ. Мақолада судьялар ҳамжамияти органларининг асосий вазифаси (миссияси) ва уларнинг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш тизимидаги ўрни очиб берилган ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самаралари одил судловга эришишни таъминлаш бўйича вазифа амалга оширилиши билан ўзаро алоқалари кўриб чиқилган.

ABSTRACT. The article reveals the mission of the judicial self-governance bodies and their position in the system of ensuring the independence of the judiciary, and also analyzes the relationship between the activities of the judicial self-governance bodies and the implementation of the task of ensuring access to effective justice.

Ключевые слова: органы судейского сообщества, независимость судебной власти, доступ к эффективному правосудию.

Калит сўзлар: судьялар ҳамжамияти органлари, суд ҳокимияти мустақиллиги, одил судловга эришиш.

Key words: judicial self-governance bodies, independence of the judiciary, access to effective justice.

Эффективная, независимая и беспристрастная судебная система имеет ключевое значение для обеспечения верховенства права, защиты прав и свобод человека. Обеспечение эффективной судебной защиты невозможно достичь без независимого и квалифицированного судейского корпуса, составляющего судейское сообщество. Ключевая роль в формировании судейского корпуса отведена органам судейского сообщества, что подтверждается не только практикой развитых зарубежных стран, но и отечественным опытом, накопленным за прошедшие годы в Узбекистане.

Отсутствие или недостаточная независимость судей, как институциональная, так и индивидуальная, является одним из значимых коррупционных рисков в судебной системе [1], а также препятствием для успешного проведения реформ и преобразований в судебной-правовой сфере. В Конституции Республики Узбекистан провозглашен принцип разделения властей на законодательную, исполнительную и судебную, а также закреплены институциональная независимость судебной власти и индивидуальная независимость судей. Однако на практике реализация этих конституционных принципов все еще сталкивается с определенными препятствиями, что не позволяет в полной мере обеспечить подлинную независимость судебной власти.

Говоря о судебной независимости, Диего Гарсия-Сайян указывает на «совокупность институциональных и рабочих механизмов, которые бы

создавали возможности для отдельных судей, а также судебной власти как института выполнять свои профессиональные обязанности, не подвергаясь влиянию со стороны исполнительной или законодательной власти или других внешних источников воздействия» [2]. Это, в свою очередь, не может быть достигнуто без создания эффективной системы органов судейского сообщества, которая обеспечивала бы на практике реализацию данных конституционных принципов.

Как отмечает Е.В. Бурдина, органы судейского сообщества, выполняя роль гаранта независимости судей и самостоятельности судов, осуществляют судейское самоуправление в рамках судебной системы. При этом предназначение органов судейского сообщества обусловлено прежде всего общественным признанием значения независимого суда для построения правового государства, реализации принципа разделения властей и приоритетности прав граждан, а не частными интересами самих судей [3].

В этой связи Д.У. Арипов полагает необходимым возложить на судейское сообщество решение всех организационно-правовых вопросов, касающихся деятельности судов, с исключением роли органов законодательной и исполнительной власти. Передача полномочий по решению таких вопросов органам судейского сообщества является основой обеспечения независимости судебной системы [4]. Для решения же судьями организационно-право-



вых вопросов, касающихся деятельности судов, должны быть образованы соответствующие органы управления – органы судейского сообщества, участвуя в формировании и деятельности которых судьи могут их эффективно решать.

Признавая, что одним из основных предназначений органов судейского сообщества является обеспечение независимости как отдельного судьи, так судебной власти, необходимо уяснить, что же понимается под этим феноменом.

Так, Конституция Республики Узбекистан провозглашает, что судебная власть действует независимо от законодательной и исполнительной власти, политических партий, иных общественных объединений. В свою очередь Закон «О судах» (статья 63) указывает на независимость судей, которая обеспечивается установленным законом порядком избрания, назначения их на должность, приостановления и прекращения полномочий судьи; неприкосновенностью судьи; строгой процедурой осуществления правосудия; тайной совещания судей при вынесении решений и запрещением требовать ее разглашения; установленной законом ответственностью за неуважение к судье, вмешательство в деятельность по осуществлению правосудия и нарушение неприкосновенности судьи; предоставлением судье за счет государства материального и социального обеспечения. Таким образом, не раскрывая понятия и формы независимости судебной власти, законодатель ограничился лишь перечислением средств обеспечения такой независимости. При этом не отражена роль одного из ключевых средств обеспечения независимости судебной системы – органов судейского сообщества.

В то же время, в зарубежных странах, например, в Российской Федерации, образование и функционирование органов судейского сообщества связывается прежде всего с их ролью гаранта судебной независимости. На это указывают, к примеру, нормы Закона «О статусе судей в Российской Федерации», устанавливая, что независимость судей обеспечивается системой органов судейского сообщества. В целом, органы судейского сообщества, имеющие в разных странах различные организационные формы, структуру и полномочия, объединяет общность целей их образования: они создаются в качестве независимых от исполнительной и законодательной власти структур, призванных обеспечить независимость судебной власти [5].

Несмотря на наличие различных форм независимости судебной власти и судей (процессуальная, финансовая и др.), универсальная общепризнанная как в отечественной, так и зарубежной практике классификация выделяет два основных ви-

да судебной независимости: институциональную независимость судебной власти и личную независимость судей.

Диего Гарсия-Сайян определяет институциональную независимость как независимость в вопросах отправления правосудия, которые непосредственно связаны с осуществлением обязанностей судебных органов. Понятие индивидуальной независимости судьи дано в статье 66 Закона «О судах» путем запрета воздействия в какой бы то ни было форме на судей с целью воспрепятствовать всестороннему, полному и объективному рассмотрению конкретного дела либо добиться вынесения незаконного судебного акта, под угрозой привлечения к уголовной ответственности в соответствии с законом. Более обобщенно индивидуальная независимость, являясь обязательным условием отправления судьей правосудия по конкретному делу, по мнению Д.У. Арипова, предусматривает исключение любого воздействия на этот процесс извне. Иными словами, под институциональной независимостью (независимостью судебного органа или судебной власти в целом) подразумевается деятельность судебной власти независимо от других ветвей власти, тогда как индивидуальная независимость (независимость судей) предполагает независимость судьи от внешнего и внутреннего воздействия при отправлении правосудия по конкретному делу [6].

Независимость судебной власти является сопутствующим требованием демократического принципа разделения властей. Эти два принципа неразрывно связаны между собой и не могут быть реализованы в отрыве друг от друга. В соответствии с данными конституционными принципами, законы и политика страны должны обеспечивать подлинную независимость системы правосудия от других ветвей государственной власти [7]. Именно содействие в обеспечении соблюдения конституционного принципа независимости судебной власти и судей определено основной целью деятельности Высшего судейского совета (первого признанного на законодательном уровне органа судейского сообщества), которая закреплена в Конституции Республики Узбекистан и Законе «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан».

Вместе с тем, на практике вмешательство в ряде аспектов продолжает подрывать как независимость судебной власти от других ветвей государственной власти (институциональную независимость), так и независимость отдельных судей, необходимую для беспристрастного и самостоятельного разрешения дел, находящихся на их рассмотрении (индивидуальную независимость) [8].



Это свидетельствует о необходимости продолжения реформ в данном направлении с усилением судейского самоуправления и роли органов судейского сообщества.

Эволюция системы судейского управления как в Республике Узбекистан, так и за рубежом, наглядно демонстрирует, что наиболее эффективной моделью управления делами судебной системой является судейское самоуправление, реализуемое самими судьями – членами судейского сообщества через образуемые ими органы судейского сообщества. Это отражает современную тенденцию переосмысления понятия судебной независимости, которая выходит за сферу процессуальной независимости и включает в себя также организационно-административные отношения, связанные с управлением делами судебной системой, в том числе судебной карьерой, ответственностью судей [9].

Симон Бенвенути (Simone Benvenuti) и Дэвид Парис (David Paris), рассматривая цель (миссию) судейского самоуправления, обращают внимание на его значимость не только для защиты судебной власти от внешнего вмешательства, но также от угроз судейской независимости внутри судебной власти [9].

Однако нельзя согласиться с мнением российского исследователя А.Соловьёва, который рассматривает в качестве одной из целей создания органов судейского самоуправления «осуществление общественного контроля за деятельностью судебной власти» [11]. Не отрицая возможности общественного контроля в данном направлении (возможность общественного контроля в сфере судопроизводства признает и часть третья статьи 2 Закона Республики Узбекистан «Об общественном контроле»), отнесение такого контроля к задачам судейского самоуправления является спорным по следующим причинам.

Во-первых, основной идеей самоуправления (не только применительно к деятельности органов судейского сообщества, но и любых иных субъектов, наделенных статусом самоуправляемой организации, таких как органы самоуправления граждан, профессиональные союзы и т.д.) выражается в возможности осуществления своих функций без вмешательства извне.

Во-вторых, основной формой реализации общественного контроля в данной сфере является участие граждан в рассмотрении судебных дел в качестве народных заседателей, присяжных и др. [12] На практике состав большинства органов судейского самоуправления сформирован из судей, а в некоторых случаях и из прокуроров (статус прокуратуры во многих странах рассматривается в неразрывной связи с судебной системой) и пред-

ставителей других сфер, что также не позволяет отнести органы судейского самоуправления к числу субъектов общественного контроля.

Исходя из этого, основным предназначением органов судейского самоуправления можно определить создание условий для беспрепятственного внутреннего управления делами судебной системы самими судьями без вмешательства извне, в том числе со стороны субъектов общественного контроля. По этой причине более обоснованным является мнение Е.В. Бурдиной, которая в качестве целей органов судейского сообщества признает «обеспечение независимости судебной власти, качества ее деятельности, повышение действенности внутрисистемного обеспечения судов» [13].

При этом общественный контроль может быть установлен в отношении деятельности самих органов судейского сообщества с соблюдением гарантий невмешательства в их деятельности. В качестве одного из объектов такого контроля могло бы стать расходование бюджетных средств, которые выделяются государством (налогоплательщиками) на финансирование судов.

В целом, органы судейского сообщества призваны способствовать повышению качества отправления правосудия и обеспечивать подлинную независимость судебной власти. Однако, должны быть приняты во внимание такие факторы, как продолжающееся политическое влияние, волокита при рассмотрении дел, возрастающее правосознание общества, усложнение законодательства, завышенные сервисные ожидания от суда, запрос на быстрый и недорогой доступ к правосудию.

Более обобщено основным предназначением органов судейского сообщества можно признать отражение интересов судей как носителей судебной власти. Интересы же эти неразрывно связаны с такими важнейшими атрибутами демократического правового государства как «независимость судебной власти», «независимость судьи», «судейское самоуправление» и «правосудие». Таким образом, интересы судей должны носить публичный характер, то есть отражать и служить удовлетворению универсальных потребностей всего общества и государства в обеспечении права на судебную защиту путем обеспечения независимого и эффективного правосудия, а не корпоративных (ведомственных) или личных интересов.

Говоря о независимости судебной власти и роли органов судейского сообщества в ее обеспечении необходимо также затронуть вопрос обеспечения независимости самих органов судейского сообщества. Под независимостью органов судейского сообщества Д.У. Арипов предлагает понимать решение ими вопросов создания судов, формирования



судейского корпуса, кадрового, материального и социального обеспечения, соблюдения правил этического поведения и других вопросов независимо от какого-либо влияния [14]. Перечислив основные полномочия органов судейского сообщества, автором не раскрыто понятие независимости органов судейского сообщества.

Без обеспечения независимости органов судейского сообщества невозможно достичь подлинной независимости самой судебной власти поскольку будут созданы условия и предпосылки для ее неизбежного нарушения. В этой связи, необходимо не только продекларировать гарантии независимости органов судейского сообщества, но и закрепить меры ответственности за необоснованное вмешательство в их деятельность с целью оказания воздействия на независимость как на отдельного конкретного судью, так и на судебную систему в целом. Под воздействием необходимо также понимать политическое влияние, которое может быть оказано со стороны представителей исполнительной или законодательной властей. Такое влияние на институциональную независимость может осуществляться, например, путем регулирования вопросов отправления правосудия, включая создание судебных органов, оплату труда судей, прохождения ими службы, актами Президента [15], как это имеет место в нашей стране. При этом для судей, являющихся членами органов судейского сообщества, должны быть установлены дополнительные гарантии неприкосновенности помимо тех, которые уже предусмотрены законодательством для судей.

По итогам можно сделать следующие выводы:

во-первых, основное предназначение органов судейского сообщества неразрывно связана с общенациональными потребностями в обеспечении права на судебную защиту путем обеспечения независимого и эффективного правосудия, а также

отражает прежде всего публичные интересы судей как носителей судебной власти, которые должны служить удовлетворению указанных потребностей общества и государства в сфере правосудия;

во-вторых, независимость судебной власти невозможно достичь без формирования институциональной системы самостоятельного управления делами судебной системы – системы органов судейского сообщества. Это позволяет заключить, что органы судейского сообщества являются обязательным и одним из важнейших элементов системы обеспечения независимости судебной власти, который должен быть отражен в статье 63 Закона «О судах» в качестве средства обеспечения судебной независимости;

в-третьих, органы судейского сообщества и их члены, так же как и органы судебной власти и судьи нуждаются в прочных гарантиях своей независимости. В этой связи предлагается включить органы судейского сообщества в перечень субъектов судебной системы, с распространением на них гарантий независимости, установленных для органов судебной власти и судей, а также установлением мер ответственности за нарушение этих гарантий.

Резюмируя, необходимо отметить, что органы судейского сообщества выполняют ключевую роль в обеспечении независимости судебной власти (судей) в соответствии с конституционным принципом разделения властей. Формирование же прочных правовых основ их деятельности позволит создать необходимые условия для успешной реализации ими своего основного предназначения – обеспечение институциональной независимости судебной власти и индивидуальной независимости судей как важнейшего условия построения в нашей стране демократического правового государства.

БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЕ ССЫЛКИ:

- Организация экономического сотрудничества и развития. Отчет по итогам 4-го раунда мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией. «Антикоррупционные реформы в Узбекистане». 2019 год. – С. 102.
- Диего Гарсия-Сайян. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов о посещении им Узбекистана. Совет по правам человека ООН. А/HRC/44/47/Add.1. – С. 18.
- Е.В. Бурдина. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Правовая природа, организация и деятельность органов судейского сообщества в судебной системе России. М.: 2016. Российский государственный университет правосудия. – С. 4.
- Д.У. Арипов. Современные тенденции организационно-правового совершенствования независимости судебной власти. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т.: 2022. – С. 24.
- Е.В. Бурдина. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Правовая природа, организация и деятельность органов судейского сообщества в судебной системе России. М.: 2016. Российский государственный университет правосудия. – С. 69.
- Д.У.Арипов. Современные тенденции организационно-правового совершенствования независимости судебной власти. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т.: 2022. – С. 27.
- Диего Гарсия-Сайян. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов о посещении им Узбекистана. Совет по правам человека ООН. А/HRC/44/47/Add.1. – С. 4.
- Там же. С. 7.



- Е.В. Бурдина. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Правовая природа, организация и деятельность органов судейского сообщества в судебной системе России. М.: 2016. Российский государственный университет правосудия. – С. 59.
- Simone Benvenuti, David Paris. Judicial Self-Government in Italy: Merits, Limits and the Reality of an Export Model. *German Law Journal*. 2018. Том 19. № 07. – С. 1641.
- А.Соловьёв. Независимость судейского корпуса (опыт европейских государств). Вестник финансового университета. М.: 2016. № 5. – С. 134.
- М.Мамасидиков. Суд ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назорати. Хуқуқий, илмий-амалий нашр “Одил судлов”. Т.: 2019. № 6. – С. 52.
- Е.В.Бурдина. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Правовая природа, организация и деятельность органов судейского сообщества в судебной системе России. М.: 2016. Российский государственный университет правосудия. – С. 17.
- Д.У.Арипов. Современные тенденции организационно-правового совершенствования независимости судебной власти. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т.: 2022. – С. 29.
- Диего Гарсия-Сайян. Доклад Специального докладчика по вопросу о независимости судей и адвокатов о посещении им Узбекистана. Совет по правам человека ООН. A/HRC/44/47/Add.1. – С. 7.

.....



СУД НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада суд фаолиятининг умумий тавсифи баён этилган бўлиб, бундай фаолият мамлакатимизда бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда кенгайиб бориши асосланган. Шу билан бирга, маъмурий судларнинг асосий вазифасидан келиб чиқиб, бундай судлар фаолиятининг бошқа судлар фаолиятдан фарқланувчи асосий жиҳатлари, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашда суд назоратининг ўрни кўрсатиб берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье представлена общая характеристика деятельности суда, обоснован процесс расширения данной деятельности в нашей стране исходя из сегодняшних требований. Вместе с тем, указаны основные аспекты деятельности административных судов, которые отличают их от деятельности других судов, роль судебного надзора в обеспечении прав граждан.

ABSTRACT. This article presents a general description of the activities of the court, substantiates the process of expanding this activity in our country based on today's requirements. At the same time, the main aspects of the activities of administrative courts, which distinguish them from the activities of other courts, the role of judicial supervision in ensuring the rights of citizens, are indicated.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, суд фаолияти, одил сулов, одил судловдан ташқари фаолият, маъмурий суд, қонун устуворлиги, фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш, суд назорати.

Ключевые слова: судебная власть, судебная деятельность, правосудие, неправосудная деятельность, административный суд, верховенство закона, обеспечение прав граждан, судебный надзор.

Key words: judiciary, judicial activity, justice, illegal activity, administrative court, rule of law, ensuring the rights of citizens, judicial supervision.

Ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамияти ривожланиб борар экан бундай жамиятдаги аҳоли, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти кенгайди, уларнинг эҳтиёжлари доимий равишда ошиб боради.

Инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳамда фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашишда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, қолаверса, қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш ва уларни такомиллаштиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим шартлардан бири ҳисобланади¹.

Суд тизими, судлов фаолиятининг вужудга келиши ва амалда бўлиши ҳам фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган низоларни замонавий усулда ҳал қилиш эҳтиёжини қаноатлантириш

зарурати билан боғлиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан борар экан, суд фаолияти доираси кенгайиши муқаррар бўлиб, у замон талабидан келиб чиққан ҳолда табиий равишда амалга оширилади.

Судлар, шу жумладан, маъмурий судлар фаолияти ҳақида сўз юритишдан олдин дастлаб "суд фаолияти" мазмунини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ.

"Суд фаолияти"га кенг тушунчани Н.Н.Ковтун берган бўлиб, унга кўра суд фаолияти:

- 1) шахсни, унинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида;
- 2) қонун чиқарувчи томонидан қатъий тартибга солинган ва давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланган;
- 3) процессуал хусусиятга эга бўлган;
- 4) фақат суд томонидан унинг ваколатлари доирасида амалга ошириладиган;
- 5) одил судлов, суд назорати ёки зарур шартларни яратиш орқали;
- 6) суд ҳокимиятининг ваколатларини самара-

1 Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида. // https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy_sud_ishlari



ли амалга оширишга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг соҳаси ҳисобланади².

Мазкур таҳрирдан кўринишича бу нафақат кенг, балки жуда кенг мазмундаги тушунча бўлиб, унда суд фаолиятининг нафақат муҳим жиҳатларини, балки унинг барча хусусиятларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинган.

Д.Н.Шадрин суд фаолиятига унинг тузилиши нуқтаи назаридан тушунча берган. Унинг фикрига кўра, суд фаолияти бу процессуал ва таъминловчи-бошқарувчи, шунингдек, одил судловни амалга ошириш билан билвосита боғлиқ бўлган бошқа фаолиятлар мужмуи ҳисобланади³.

Юридик адабиётларда “суд фаолияти” тушунчаси “одил судлов” тушунчаси билан бир хил мазмунда кўрсатилган ҳолатлар мавжуд. Масалан, Е.В.Слепченко суд фаолиятини процессуал шаклда амалга ошириладиган оммавий ҳуқуқни қўллаш фаолияти деб тушунган⁴.

Е.П.Гук ҳам “суд фаолияти”га “одил судлов” каби таъриф берган, яъни “Судлов фаолияти суд органларининг ҳуқуқ ҳақидаги низоларни ҳал қилиш, юридик фактларни белгилаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича фаолиятини ташкил қилади”⁵.

Таъкидлаш керакки, “суд фаолияти” ва “одил судлов” тушунчалари бир-бирига яқин бўлса-да, улар айнан бир хил мазмунга эга эмас.

“Одил судлов” суд фаолиятининг бир қисми бўлиб, судлар одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда бу фаолиятни ташкилий таъминлаш учун бошқа ҳаракатларни ҳам амалга оширади.

Одил судлов судларнинг асосий фаолият тури ҳисобланади. Одил судловнинг қарор топиши жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, суд фаолияти доираси замон талабларидан келиб чиққан ҳолда табиий равишда кенгайиб боради.

Мамлакатимизда ҳам бундай жараённи кузатиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сонли фармони билан судларга бир қатор қўшимча вазифалар юклатилган:

фаолиятнинг шаффофлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли билан ҳамкорликнинг самарали механизмларини кенг қўллаш;

фаолиятни иш якунларининг комплекс таҳлили асосида ташкил этиш, бунда суд амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштиришга эътибор қаратиш.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли фармони билан суд фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш учун қуйидаги тартиблар жорий этилган:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;

қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмунини тарафларга тушунтириш;

судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш учун ҳар чоракда вилоят судлари томонидан брифинглар ўтказиш;

Олий суд, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш амалиёти таҳлилларини ҳар чоракда эълон қилиш.

Судларнинг мазкур йўналишлардаги фаолият турлари одил судловдан ташқари фаолият ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб фикримизча, суд фаолияти – бу судларнинг Конституция ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган фаолияти тушунилиб, у ўз ичига фуқаролар ҳуқуқла-

2 Ковтун Н.Н. Виды и содержание судебной деятельности // Судебные приставы по обеспечению установленного порядка деятельности судов. М.: РФПР, 2000. С. 42.

3 Шадрин Д.Н. Судебная деятельность: сущность, принципы // Пробелы в российском законодательстве. 2011. № 5. С. 301.

4 Слепченко Е.В. Гражданское судопроизводство: проблемы единства и дифференциации: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. СПб., 2012. С.12.

5 Гук Е.П. Судебная деятельность конституционных (уставных) судов субъектов Российской Федерации: перспективы развития / Сборник научных статей Международной научно-практической конференции. Пенза, 12-13 мая 2014. / Под ред. В.А. Терехина, С.Б. Погодина. Пенза: Изд-во ПГУ, 2014. С.17.



рини ҳимоя қилишда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳамда одил судлов сифатини ошириш ва самарали ташкил этишга хизмат қиладиган ташкилий таъминот фаолиятини қамраб олади.

Жамиятда фуқаролар ҳамда юридик шахслар давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатларга киришар экан, бунда ҳар доим давлатнинг бирмунча устунлиги, профессионал малага эгаллиги ҳамда имкониятлари кенглиги сезилиб туради.

Шу сабабли бундай муносабатларда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлаш, бу борада самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат мазкур вазифани маъмурий юстиция тизимини жорий этиш, маъмурий судлар фаолиятини самарали ташкил этиш орқали амалга оширади.

Маъмурий юстиция Ўзбекистон тақдири учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мустақил суд иш юритишида маъмурий тармоқнинг мавжудлиги кўп ҳолларда оммавий ҳокимиятнинг аниқ фуқаро ва юридик шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш истагини намоён этади. Бунда таъкидланган ҳимоянинг ҳуқуқий механизми иккита ўзаро боғлиқ қоидага асосланиши лозим: биринчиси – мустақил судни ривожлантириш – ҳуқуқий давлатда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади, иккинчиси инсоннинг фуқаролик позициясини ва ҳуқуқий фаоллигини мотивация қилиш⁶.

Бошқача қилиб айтганда, фуқароларнинг давлат бошқарувида оид ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш зарурати ҳамда давлат бошқаруви органлари, улар мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, бу соҳада суд назоратини такомиллаштиришнинг талаб этилаётгани мамлакатимизда маъмурий судларни ташкил этиш учун бўлган⁷.

Барча судлар, шу жумладан, маъмурий судларнинг асосий вазифаси фуқаролар ва таш-

килотларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, фуқаролар ва ташкилотлар суд ҳокимиятининг ҳар қандай органига фақат ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат қилиши мумкин.

Бироқ маъмурий судларнинг бошқа судлардан фарқланувчи ўзига хос вазифаси мавжуд. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 2-моддаси иккинчи хатбошиси мазмунига кўра маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш маъмурий судларнинг маъмурий суд иш юритиши соҳасида одил судловни амалга оширишдаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Демак, маъмурий судлар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашлари талаб этилади.

А.Мадвалиев таҳрири остидаги Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “таъминламоқ” сўзи бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ маъносини англатиши кўрсатилган⁸.

Маъмурий судлар маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлиги, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари амалга ошиши учун зарур шароит яратиш вазифасини самарали суд назоратини амалга ошириш орқали бажаради.

Суд назорати – бу ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ўзига хос элементи бўлиб, маъмурий судлар суд назоратини давлат органлари қарорларини, мансабдор шахслар ҳаракатларини (ҳаракатсизлиги) қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириш орқали амалга оширади.

Бироқ маъмурий судлар томонидан амалга

6 Хван Л.Б. Судебный административный контроль в Республике Узбекистан: проблемы понимания и перспективность в ее правовой системе // Административное судопроизводство в Российской Федерации : развитие теории и формирование административно-процессуального законодательства. - Сер.; Юбилей, конференции, форумы. - Вып. 7. - Воронеж : Издательство Воронежского государственного университета, 2013. – С. 940-957.

7 Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси маъмурий суд ишларини юритишнинг манбаи сифатида. // https://constitution.uz/uz/pages/mamuriy_sud_ishlari

8 https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati.



ошириладиган бундай суд назоратининг муайян чегараси мавжуд бўлиб, бундай судлар давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини фақат қонунга мувофиқлиги нуқтаи назаридан текширади. Яъни маъмурий суд давлат органи қарорни қабул қилиш, мансабдор шахс ҳокимият ваколатини амалга ошириш жараёнида фуқаронинг ҳуқуқи бузилган ёки бузилмаганлиги фактини эмас, балки қонун бузилишига йўл қўйилган ёки қўйилмаганлигини текширади. Айнан шу жиҳат билан маъмурий судлар фаолияти фуқаролик ёки иқтисодий судлар фаолиятидан фарқланади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг мақсадга мувофиқлигини текшириш эса маъмурий судларнинг ваколатларига кирмайди. Давлат органи қарори ёки мансабдор

шахс ҳаракатининг (ҳаракатсизлик) мақсадга мувофиқлиги давлат бошқарувининг вазифаларини бажариш учун зарур ҳисобланади. Шу сабабли бошқарув фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан амалга ошириш давлат органининг ваколатига киради.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлиги даражаси, энг аввало, суд назоратининг нечоғли ташкил этилганлигига боғлиқ⁹. С.Д.Князев шундай ёзади: "...Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ижро ҳокимияти фаолияти устидан суд назорати бир томондан жисмоний ва юридик шахсларни давлат органлари ва мансабдор шахслар тазйиқидан муҳофаза қилса, иккинчи томондан маъмурий органларнинг самарали фаолиятини таъминлашга хизмат қилади"¹⁰.

9 Ф.Т.Ҳақимов. Ўзбекистонда маъмурий юстицияни ривожлантиришнинг муаммолари. Монография. // Т.: ТДҮИ нашриёти, 2009. 13 бет.

10 Князев С.Д. Принципы административного права Российской Федерации: отраслевой формат и юридическое значение // ГиП, 2003. – №10. – С. 45.



Абдулатиф АХМЕДОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси

ПРОКУРОР НАЗОРАТИГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИНГ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашда прокуратура органларининг мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий асослари ўрганилган. Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши, шу жумладан, мажбурий меҳнатдан ҳимоялашга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш самарадорлигини ошириш бўйича Бош прокурорнинг соҳавий буйруғини қабул қилиш ҳақида таклифлар берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассмотрены правовые основы обеспечения прав и свобод граждан при осуществлении органами прокуратуры прокурорского надзора за исполнением законодательства в области борьбы с принудительным трудом. Кроме того, выдвинуты предложения о принятии отраслевого приказа Генерального прокурора по повышению эффективности организации прокурорского надзора за соблюдением трудовых прав граждан, в том числе за исполнением законов, касающихся борьбы с принудительным трудом.

ABSTRACT. This article discusses the legal framework of ensuring the rights and freedoms of citizens, ensuring the implementation by the prosecutor's office of prosecutorial supervision over the implementation of legislation on combating forced labor. In addition, proposals were made to adopt a branch order of the General Prosecutor to improve the efficiency of organizing prosecutorial supervision over compliance of the labor rights of citizens, including the implementation of laws relating to protection from forced labor.

Калит сўзлар: мажбурий меҳнат, мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати, ҳуқуқий асослар.

Ключевые слова: принудительный труд, прокурорский надзор за исполнением законодательства о противодействии принудительному труду, правовые основы.

Key words: forced labor, prosecutorial supervision over the implementation of legislation on forced labor, legal framework.

Миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларни ислоҳ қилиш, иқтисодиётга бозор тамойилларини кенг татбиқ этиш, меҳнат учун муносиб ҳақ тўлаш борасида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда болалар меҳнати, мажбурий меҳнатнинг олдини олишда асосий омил бўлди.

2013 йилдан бошлаб олиб борилган Халқаро меҳнат ташкилотининг Учинчи томон мониторинги натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015-2016 йилларда пахта кампанияси даврида мажбурий меҳнат 14 фоиз бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилда 4 фоизни, 2021 йилда эса 1 фоизни ташкил этди¹.

Ислоҳотлар натижасида “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкот бекор қилинишига эришилди².

Шу ўринда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизация қилиш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашда прокурор назоратининг аҳамиятини алоҳида қайд этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Қонуннинг 3-моддасида прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, шунингдек, ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланиши

1 Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳисоботлари. <https://t.me/mehnatvazirligi>.

2 <https://kun.uz/ru/news/2022/03/14/boykot-uzbekskogo-xlopka-snyat-cto-eto-oznachayet-dlya-uzbekistana>.



қайд этилган³.

Шу билан бирга, мазкур қонун прокуратура органларининг асосий вазибалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, қонунчилик ижроси устидан назорат, унинг предмети, қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда прокурорларнинг ваколатларини тартибга солади.

Дарҳақиқат, ушбу ҳужжат прокуратура идоралари зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикани амалга ошириш каби вазибаларни юклайди⁴.

Қонунда ўз аксини топган ушбу вазибалар прокуратура органларининг назорат соҳалари ва асосий йўналишларидаги фаолиятини тўлиқ қамраб олади. Яъни, прокуратура органларининг фаолияти қонун устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Конституцияда мустаҳкамланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузуми, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларни ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган⁵.

А.Комилов таъкидлаганидек, “Қонунлар ижроси ва ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича прокурор фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш махсус ҳуқуқий ҳужжат сифатида “Прокуратура тўғрисида”ги қонун билан қамраб олинади ва бошқа қонунларда уларга риоя этилиши устидан прокуратура назоратини амалга ошириш учун алоҳида кўрсатма берилиши талаб этилмайди”⁶.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, прокуратура ҳамда меҳнат органлари томонидан 2021 йилда мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ

ҳолатлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришда бир қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Жумладан, меҳнат органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида ишга алоқадор бўлган шахсларни текширишга тўлиқ жалб этмаслик, сифатсиз тушунтириш хатлари олиш, ҳуқуқбузарларнинг лавозим йўриқномалари ва бошқа иш учун аҳамиятли ҳужжатларни текшириш ҳужжатларига қўшмаслик, ҳуқуқбузарларга уларнинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик, ҳуқуқбузарларни баённома ёки маълумотномани имзоламаган тақдирда бу ҳақда баённома ёки маълумотномага қайд этмаслик, содир этилган ҳуқуқбузарликларни нотўғри малакалаш, текшириш ҳужжатларини ўз вақтида прокуратура органларига тақдим этиш чораларини кўрмаслик каби камчиликларга йўл қўйилган.

Хусусан, Тошкент вилояти Бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси томонидан Юқори Чирчиқ тумани 23-сонли мактабда 10-А синф ўқувчиларининг мажбурий меҳнатга жалб қилинганлиги ҳолати бўйича 2021 йил ноябрь ойида ўтказилган текшириш бўйича ҳужжатлар расмийлаштиришда юқоридаги каби камчиликлар қайд этилган.

Шунингдек, Хоразм, Тошкент ва Сурхондарё вилояти прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари бўйича ўтказилган терговга қадар текширувда ҳам бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Чунончи, терговга қадар текширувга ишга алоқадор бўлган шахсларни тўлиқ жалб этмаслик, сифатсиз ва бир томонлама тушунтириш хатлари олиш, зарур текширув ҳаракатларини ўтказмаслик, мажбурий меҳнат ҳолатларини нотўғри малакалаш, хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги сифатсиз тақдимнома киритиш, текширув натижаси бўйича манфаатдор шахсларга хабар бермаслик каби камчиликларга йўл қўйилган.

Ўрганишлар давомида Юқори Чирчиқ ва Ангор тумани прокурорлари томонидан вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш

3 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.

4 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.

5 Мамадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. ТДЮИ, 2012. – Б. 54.

6 Комилов А.Б. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Дисс. ... ю.ф.н. Ўзбекистон Республикаси. Бош прокуратураси академияси, 2020. – Б. 50.



ҳақидаги қарорларнинг бекор қилиниши таъминланган⁷.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, мажбурий меҳнатга қарши курашишда мазкур қонунчилик ҳужжатлари устидан прокурор назоратини ташкил этиш, назорат тадбирлари, терговга қадар текширув ва дастлабки терговни сифатли, тўла ва ҳар томонлама ўтказилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқлари муҳим ўрин тутади.

Хусусан, Б.Пўлатов Ўзбекистон прокуратура органларида иш Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари билан ҳам ташкил этилиши, улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига асосланишини таъкидлайди⁸.

Бу борада Ф.Ғайбуллаев прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари қаторида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари алоҳида ўрин тутишини, Бош прокурорнинг буйруқлари билан прокуратура фаолиятининг у ёки бу соҳасини тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар тасдиқланишини назарда тутган.

Прокуратуранинг идоравий ҳужжатлари бўйича изланиш олиб борган баъзи ҳуқуқшунос олимлар қайд этганидек, “прокуратура томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асоси қонунлар билан, унинг батафсил тартибга солиниши эса прокуратуранинг ўз норматив ҳужжатлари билан ўрнатилади”⁹.

Шу ўринда юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 13-мод-

дасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилиш ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш билан бирга, буйруқлар чиқариши ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ваколатига эга эканлигини қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 24 ноябрдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғида меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатиш назарда тутилган бўлса-да, мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этиш масалалари алоҳида қайд этилмаган¹⁰.

Жамият эҳтиёжлари ривожланиб бориши билан мамлакатимиз қонунчилик тизими ҳам такомиллашиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунда меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида янги нормалар қабул қилинди.

Мисол учун, Жиноят кодексига мажбурий меҳнатга такроран жалб этганлик ва вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5775-сонли фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарори

7 Бош прокуратура академиясида 2021 йил 23 февралда тузилган текшириш маълумотнома.

8 Пўлатов Б.Х. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари // “Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. (2007 йил 29 ноябрь. Тошкент) - Т.: ТДЮИ, 2007. – Б. 27.

9 Дворецкий М.Ю. Приоритетные направления деятельности прокуратуры Российской Федерации при реализации правозащитных функций и обоснованному привлечению к ответственности // «Вестник ТГУ», 2015, №5 (145). – С. 203.

10 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари [Матн] Т.2. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 63-78.



билан мажбурий меҳнатга қарши курашишнинг янги механизмлари жорий этилди.

Қонунчиликдаги мазкур ўзгаришлар мажбурий меҳнатга қарши курашишда прокурор назоратини ташкил этишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратишни тақозо этади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғини қабул қилиш лозим.

Мазкур буйруқнинг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида прокурор назорати самарадорлигининг янада ошишига, ушбу соҳада қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, мажбурий меҳнатга қарши

курашиш прокуратура органларининг муҳим ва энг асосий вазифаларидан бири эканлигини белгилаб беради.

Қайд этиш керакки, юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари мажбурий меҳнатга қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳада прокурор назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда прокуратура органлари фаолиятининг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, соҳага оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш мажбурий меҳнатни келтириб чиқараётган омилларнинг барта раф этилиши, ўз навбатида, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда мамлакатимизнинг ижобий имиджини мустаҳкамлаш ҳамда халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга ёрдам беради.

.....



Дониёр АЗИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ тумани суди судьяси,
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ ВА ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАР

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақола процессуал келишув тузилишида процессуал кафолатларни таҳлил қилишга қаратилган. Процессуал кафолатларни кучайтириш зарурати асослангандир. Келишувнинг ихтиёрийлиги ва процессуал кафолатларни таъминлаш юзасидан таклифлар берилган.

АННОТАЦИЯ. Статья посвящена анализу процессуальных гарантий при заключении процессуального соглашения. Обоснована необходимость усиления процессуальных гарантий. Внесены предложения по обеспечению о добровольности соглашения и процессуальных гарантий.

ABSTRACT. This article focuses on the analysis of procedural guarantees in the structure of the procedural agreement. The need to strengthen procedural guarantees is justified. Proposals have been made regarding the voluntary nature of the agreement and the provision of procedural guarantees.

Калит сўзлар: процессуал келишув, айбланувчи, процессуал кафолатлар, ихтиёрийлик, хабардорлик.

Ключевые слова: процессуальное соглашение, обвиняемый, процессуальные гарантии, добровольность, осведомленность.

Key words: procedural agreement, the accused, procedural guarantees, voluntariness, awareness.

Машҳур италян гуманисти ва ҳуқуқшуноси Чезаре Беккариа жиноят учун жазо қанчалик тез ва унга яқин бўлса у шунчалик адолатли ва фойдали бўлади¹ деган эди.

Жиноят суд ишлари юритуви нафақат процессуал фаолият иштирокчилари, балки давлат ва жамиятнинг умумий манфаатларига дахл қилади, бинобарин унинг шаклини белгилашда, ижтимоий мақсад ва ижтимоий эҳтиёжлар бирламчи бўлиши зарур. Янги Ўзбекистондаги изчил демократик-ҳуқуқий ислохотлар процессуал шаклнинг доктринал ва норматив даражада янгиланишини табиий заруратга айлангандир.

Гарчи дунёнинг кўпгина давлатларида келишув билан боғлиқ ишларда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг кучайтирилган кафолатлари, шу жумладан, ҳимоячининг мажбурий иштироки кўзда тутилган бўлса-да, бироқ мазкур ҳуқуқни тўлақонли ва самарали таъминлаган тизим мавжуд, деб айта олмаيمиз.

Айбга иқдорлик ҳақида келишувнинг ихтиёрийлиги масаласини ҳал қилишда европалик олимлар Р.Ноблс ва Д.Шифф “одатда бирор нарсани мажбурлаш сифатида баҳолаш учун шахснинг танловига таъсир қилувчи зарарнинг йўл қўйиб бўлмайдиган бўлиши”га урғу берган². Яъни, қонун билан белги-

ланган жазо чораларини қўллаш ёки процессуал ваколатлардан фойдаланиш билан таҳдид қилиш қонунга зид эмаслиги ҳақидаги мазкур фикр АҚШ ва Европа давлатларида келишув юзасидан суд амалиётига мос келади. Масалан, “McKinnon v United States” ишида Буюк Британия Лордлар палатаси 3 ёки 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳақида келишув таклиф қилинган судланувчига келишув тузилмаган тақдирда 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан таҳдид қилишнинг қонунийлигини муҳокама қилиб, умумий тартибда суд муҳокамаси ва келишув натижасида тайинланган жазо ўртасидаги фарқ процессуал ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш эмаслигини қайд этган. Худди шунингдек, “Natsvlshvili v Georgia” ишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди агар суд муҳокамасида узоқ муддатли, оғир шароитдаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган, бироқ келишув тузилган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазосидан қутулиши мумкин бўлган шахс келишув ҳақида қарор қабул қилишида чекланмаган деб топди³.

Айрим олимлар келишув тузиш эркинлигига боғлиқ шарт-шароитларни биринчи даражали ва иккинчи даражали сифатида аниқлаштиришни таклиф қилган. Яъни, биринчи даражали шарт - бу шахс-

1 Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях / Сост. и предисл. В.С. ОБНИНСКОГО. — М.: ИНФРА-М, 2004. — VI, 184 с. — (Библиотека криминалога).

2 R. Nobles and D. Schiff, ‘Criminal justice unhinged: The challenge of guilty pleas’ (2018) 39 Oxford Journal of Legal Studies

3 App No 9043/05 Natsvlshvili and Togonidze v Georgia ECtHR 29 April 2014.



нинг ўзининг ички туйғулари ва қадриятларидан келиб чиққан ҳолда, айбига пушаймон бўлиш ҳақида келишув тузиш ёки айблилиги масаласини ҳал қилиш учун суд муҳокамасида қатнашиш ҳақида мустақил қарори бўлса, иккинчи даражали шартлар ҳар бир шахс учун индивидуал бўлиши, бироқ шахснинг ўзини айбли ёки айбсиз деб ҳисоблаши ҳақида қароридан келиб чиқиши мумкин. Жазони қисқартириш билан боғлиқ имтиёзлар шахснинг жазодан қутулиб қолишга эмас, балки содир этган қилмишидан пушаймонлигини эътироф этишни рағбатлантириш керак. Масалан, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишидан қўрқув натижасида келишув тузиш иккинчи даражали шарт таъсири остида келишув тузилганлигини англатади. Агар судланувчи иккинчи даражали шартлар таъсири остида айбга иқrorлик ҳақида келишувга қарор қабул қилса, қарор етарлича эркин қабул қилинган деб қаралмаслиги зарур⁴.

Айрим олимлар томонидан муайян шартлар мавжуд бўлган тақдирда ҳимоячига айбга иқrorлик ҳақида илтимоснома бериш ваколатини бериш таклиф қилинган. Жумладан: (1) айблов томони ҳукмга нисбатан мақбул бўлган айбга иқrorлик ҳақида келишув таклиф қилганда; (2) суд томонидан чиқариладиган ҳукм айбга иқrorлик ҳақида таклифдан сезиларли даражада кўп бўлиши эҳтимоли бўлганда; (3) фактик ва юридик тергов натижасида адвокат далиллар рад этиб бўлмаслиги ва ҳимоянинг эришиш мумкин бўлган воситалари мавжуд эмаслиги сабабли оқлов ҳукмининг реал эҳтимоли мавжуд эмаслиги ҳақида хулосага келганда; (4) ишонч билдирувчи таклиф миқдорини камайтириш юзасидан мақсад кўйганда; (5) айбга иқrorлик ҳақида таклифни рад қилиш учун оқилона асослар мавжуд бўлмаганда; бироқ (6) атрофлича маслаҳат ва муҳокамадан сўнг ишонч билдирувчи ўзини айбдор деб тан олишни истамаса ёки бунинг имкони бўлмас⁵.

Ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ муаммолардан яна бири шундан иборатки, амалдаги ЖПКга мувофиқ айбланувчининг жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи жиноят иши тамомлангандан кейин пайдо бўлади. Бироқ келишув тузиш ҳақида онгли ва ихтиёрий қарор қабул қилиш учун айбланувчи унга қарши мавжуд далиллар ҳақида маълумотга эга бўлиши зарур. Мазкур маълумотларга эга бўлмаган ҳолда келишув ҳақида қарор қабул қилиш руҳий босим натижаси бўлиши ва айбсиз шахснинг ҳукм қилиниши-

га олиб келиши мумкин. Яъни, келишув ҳақидаги ишлар бўйича айбсиз шахснинг ҳукм қилиш ва тергов сифатининг пастлиги билан боғлиқ муаммолар келишув ҳақида қарор қабул қилинишидан аввал айбланувчини мавжуд далиллар билан таништириш орқали ҳал қилиниши мумкин. Масалан, Люксембургда айбланувчининг ихтиёрига кўра прокурор томонидан унинг жиноят иши билан танишишига рухсат бериш кўзда тутилган. Финляндияда ҳам келишув ҳақида қарор қабул қилинганга қадар айбланувчига мавжуд далиллар маълум қилинади. Германия, Жанубий Африка ва Испанияда судланувчиларга келишув тузиш таклиф қилинишидан аввал судда фойдаланилиши мумкин бўлган далиллар нусхаси берилади.

Мазкур масала ва айбланувчининг келишув тузиш ҳақидаги қарори кўп жиҳатдан келишув жиноят процессининг қайси босқичида тузилишига боғлиқ.

Процесснинг илк босқичларида келишув тузилиши ҳам жиноят ишини юритиш учун масъул давлат органлари, ҳам айбланувчига келишувдан кўпроқ манфаат олиш, яъни процессуал воситалар ва вақтнинг иқтисод қилиш имконини беради. Шу сабабли процесснинг аввалги босқичларида келишув тузиш қўшимча равишда рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Австралия, Англия, Уэльс ва Янги Зеландияда процесснинг илк босқичларида келишув тузиш учун қўшимча имтиёзлар белгиланган. Бироқ мазкур давлатларда “дастлабки тергов” ва “жиноят иши” тушунчаларининг ўзи мавжуд эмаслигини эътиборга олиш зарур.

Бошқа томондан, келишув тузиш ҳақида жиноят ишининг якуний босқичларида муҳокама қилинса айбланувчининг ушбу масала юзасидан онгли ва ихтиёрий қарор қабул қилиш имконияти ортади. Сабаби айнан жиноят иши материаллари билан танишганидан сўнг айбланувчида унга қўйилган айбловнинг асослиги ва исботланганлиги юзасидан фикр шаклланади, келишув ҳақидаги қарорни ташқи таъсир (мажбурлаш, таҳдид) натижасида эмас, балки объектив ахборот таъсирида қабул қилади.

Жиноят процессининг илк босқичларида келишув тузилиши мумкинлиги терговга қадар текширув босқичидаёқ шахснинг айбига иқror бўлишига эришиш мақсадида босим ўтказилиши, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга олиб келиши мумкин. Бундан

4 Rebecca K. Helm, Roxanna Dehaghani and Daniel Newman/ Guilty Plea Decisions: Moving Beyond the Autonomy Myth. Modern Law Review DOI: 10.1111/1468-2230.12676

5 Базарова Д. Мижознинг розилигисиз айбни тан олиш тўғрисида шартнома тузиш муаммолари: жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қийсий-ҳуқуқий таҳлили// Жамият ва инновациялар—Issue –2 No 6(2021) / 80 б.



ташқари, дифференциация жиноят процессининг фақатгина битта босқичига тааллуқли бўлиши мумкин, суд тергови ўтказилмаслиги, процесснинг илк босқичида процессуал келишув тузилиши, ишни судга қадар юритиш босқичида исботлашнинг тўлиқ цикли амалга оширилмаслиги, айбга иқрорликка ҳал қилувчи далиллар сифатида қаралиши натижасида тергов ва суд хатоларига олиб келиши мумкин.

Бинобарин, айбланувчи жиноят иши материаллари билан танишгунга қадар процессуал келишув тузиш масаласи муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ эмас.

Ушбу масалада яна бир муҳим процессуал кафолат келишув жараёнида процессуал қонун бузилишлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўлиб, ЖПКнинг 586⁴-моддасига кўра прокурор айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш;

2) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани рад қилиш.

Келишувнинг процессуал асосларини такомиллаштириш жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш ва келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқиш ваколоти берилган мансабдор шахснинг дискрецион ваколатлари билан боғлиқ.

Илтимосномани кўриб чиқиб, уни қаноатлантириш ёки рад қилиш ҳақида қарор қабул қилувчи прокурор томонидан рад қилиш асослари аниқ белгилаб қўйилиши, мазкур ҳуқуқнинг суиистеъмол қилинишининг олдини олади.

ЖПКнинг 586³-моддасида прокурор келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқаётганда жиноят иши материалларини ва тақдим қилинган ёки талаб қилиб олинган қўшимча материалларни ўрганади, келишув тузишнинг асосларини текширади, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишув предмети бўлган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятларини баҳолаши кўзда тутилган.

Бироқ бу ҳолатда прокурорга берилган дискрецион ваколатларнинг қонунийлигини баҳолаш мезонлари кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 17-моддасига кўра маъмурий орган маъмурий ихтиёрийликни (дискрецион ваколатни) қонунчиликда белги-

ланган доирада амалга ошириши шарт. Маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) асосида қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ва амалга оширилган маъмурий ҳаракатлар ушбу ваколатнинг мақсадига мос келиши керак⁶.

Дискрецион ваколатнинг қонунийлигини баҳолашнинг аниқ ва ҳамма учун тушунарли бўлган мезонлари мавжуд эмаслиги илтимоснома субъектив асосларга кўра рад қилиниши хавфини яратади ва мазкур қарорнинг қонунийлигини баҳолаш имкони бўлмайди.

Яъни, ЖПКда прокурорнинг айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимосномани рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқи назарда тутилмаган. Бинобарин, ушбу ҳолат ЖПКнинг 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини тўғридан-тўғри чеклайди.

Прокурор келишув тарафларидан бири эканлиги, бинобарин назоратни амалга ошира олмаслиги, суриштирув ва тергов органларида келишув тузилишдан манфаатдорлиги инobatга олинса, келишув жараёни устидан идоравий ва прокурор назоратининг деярли амал қилмаслиги, келишувнинг потенциал суиистеъмол қилиниши учун замин яратади. Шу сабабли келишув жараёни устидан самарали суд назорати ўрнатилишини таъминлашни энг муҳим вазифа деб айтишимиз мумкин.

Процессуал келишув қўлланадиган аксарият давлатларда келишувнинг онгли ва ихтиёрийлигини текшириш суднинг нафақат ҳуқуқи, балки мажбурияти ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Финляндияда судья судланувчини бевосита ушбу масалада сўроқ қилади. Ҳиндистон ва Малайзияда келишувнинг ихтиёрийлигини текшириш суд муҳокамасида судланувчининг прокурордан қўрқмасдан кўрсатув бера олишини кўзлаб судьяга алоҳида хонада судланувчини сўроқ қилиш ҳуқуқи берилган.

Келишув жараёнининг ёпиқлиги ва шаффоф эмаслиги келишув жараёнига нисбатан жамоатчиликда ишончсизлик ва салбий фикрларни уйғотади. Айниқса, келишув шартлари зарарни қоплаш ва молиявий жарималар билан боғлиқ бўлган ҳолларда келишув баъзи юқори мартабали шахсларни жавобгарликдан қутқариш воситаси сифатида қабул қилиниши ва унинг натижаларига нисбатан ишончсизликни юзага келтириши мумкин.

Масалан, Янги Зеландияда ҳимоя ва айблов томони ўртасидаги музокаралар меморандум орқали қайд қилинади⁷.

6 Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни <https://lex.uz/docs/3492199>

7 Criminal Procedure Act 2011 Public Act No 81 Date of assent 17 October 2011 <https://www.legislation.govt.nz/act/public/2011/0081/latest/dlm3359962.html>



Процессуал келишув натижасида айбланувчи-га берилган имтиёзларни чеклаш келишувнинг самарадорлигига таъсир қилиши мумкин. Бироқ умумий тартибда тайинланадиган ва келишув натижасида тайинланадиган жазо чораси ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса келишув ҳақида айбланувчининг қарори қўрқув ва таҳдид натижасида қабул қилиниши эҳтимоли пропорционал равишда ошиб боради. Германия Федерал Конституциявий суди суд муҳокамаси ва келишув натижасида тайинланадиган жазо ўртасидаги жиддий фарқни ҳимояланувчининг иродаси эркинлигига “ноқонуний таъсир” эканлигини эътироф этган⁸.

ЖПКнинг 586⁶-моддасига кўра, агар ишни судга қадар юритиш жараёнида жиноятнинг айбга иқроқлик тўғрисидаги келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлари аниқланса, келишув ўз кучини йўқотади.

Бироқ мазкур қоида ҳаддан ташқари умумий бўлиб, “бошқа ҳолатлар” айнан нималиги очиқ берилмаган.

ЖПКнинг 586⁹-моддасида тарафларнинг тузилган келишувдан воз кечиши келишувни тасдиқлашни рад этиш ҳақида ажрим чиқаришга асос бўлиши белгиланган, бироқ ишни судга қадар юритиш босқичида гумон қилинувчи(айбланувчи)нинг келишувдан воз кечиш ҳуқуқи белгиланмаган.

Фикримизча, қонунда процессуал келишувни бекор қилишнинг қуйидаги асосларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади:

ЖПКнинг 586¹-моддасида белгиланган келишув шартларининг бузилиши;

гумон қилинувчи(айбланувчи)нинг келишувдан воз кечиш ҳақида аризаси;

гумон қилинувчи(айбланувчи) томонидан процессуал келишув шартлари бажарилмаслиги, шу жумладан, тергов давомида гумон қилинувчи(айбланувчи) томонидан ёлғон кўрсатувлар берилганлиги аниқланиши, содир этилган жиноятнинг иш учун муҳим бўлган ҳолатларини яшириш;

гумон қилинувчи, айбланувчининг вафоти;
экспертиза натижасига кўра шахснинг руҳий

ҳолати бузилганлиги сабабли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурати юзага келса.

ЖПКнинг 586⁶-моддасига кўра, айбга иқроқлик тўғрисида келишув имзоланганидан кейин иш бўйича тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказилиши мумкин. Бинобарин, амалиётда айбланувчи томонидан келишув доирасига тушадиган бошқа жиноят содир этилганлиги аниқланиши ёки содир этилган жиноят ЖКнинг оғирроқ моддаси билан квалификация қилиниши натижасида келишувнинг мазмуни ўзгаришидан келиб чиқиб, келишув шартлари ҳам ўзгариши мумкин.

Бироқ ЖПКда келишувни ўзгартириш эмас, келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар аниқланиши натижасида келишув ўз кучини йўқотиши кўзда тутилган. Яъни, келишувнинг ўзгаришига олиб келган асослар дифференциация қилинмаганлиги, келишув тузган айбланувчи томонидан ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ҳолда ҳам қонун билан белгиланган имтиёзлардан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин.

Биробарин, ЖПКда келишувда назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар аниқланиши айбланувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли юзага келган тақдирда келишув ўз кучини йўқотмаслиги, балки унга ўзгартириш киритилиши белгиланиши зарур.

Шу билан бирга, агар келишув предметида тергов билан ҳамкорлик кўзда тутилган бўлса, гумон қилинувчи(айбланувчи)га нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш масаласи ҳал қилинмаган.

Албатта, уюшган гуруҳ ташкилотчилари ва бошқа аъзоларига нисбатан кўрсатув бериш, уларнинг қилмишларини фош қилиш учун тергов билан ҳамкорлик қилган шахснинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз қилиниши мумкин. Мазкур шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги қонунида белгиланган тартибда ҳимоя қилинишлари зарур.

#

8 ‘Plea Bargaining and its History’, Albert Alschuler, Columbia Law Review, Vol 79, No. 1, January 1979. See also Altenhain, K., “Absprachen in German Criminal Trials”, from World Plea Bargaining: Consensual Procedures and the Avoidance of the Full Criminal Trial, Thaman, S. C., ed., Carolina Academic Press, Durham, NC. (2010), pp. 169–170



Айнура САБЫРБАЕВА,
И.о. доцента кафедры уголовно-процессуального права
Академии МВД Республики Узбекистан, д.ф.ю.н. (PhD)

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ КИБЕРМОШЕННИЧЕСТВА – ЗАЛОГ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются понятие кибермошенничества, проблемы, возникающие при расследовании данного вида преступления, а также обосновывается необходимость укрепления международного сотрудничества путем создания единого международного документа обязательного для исполнения всеми государствами-членами ООН и внедрения единой информационной базы данных для ведения учета и статистики кибермошенничества.

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада киберфирибгарлик тушунчаси, ушбу жиноятни тергов қилишда вужудга келадиган муаммолар кўриб чиқилган, шунингдек, барча БМТга аъзо давлатлар учун риоя этишга мажбурий бўлган ягона халқаро ҳужжат қабул қилиш ва киберфирибгарлик жиноятини ҳисобга олиш ва статистикасини юритиш мақсадида ягона ахборот базасини яратиш орқали халқаро ҳамкорликни кучайтириш зарурияти асослантилган.

ABSTRACT. This article discusses the concept of cyberfraud, the problems arising in the investigation of this type of crime, and also substantiates the need to strengthen international cooperation by creating a single international document binding on all UN member states and the introduction of a unified information database for accounting and statistics of cyber fraud.

Ключевые слова: международное сотрудничество, кибермошенничество, информационная база данных, Организация объединенных наций, государство.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, киберфирибгарлик, ахборот маълумотлар базаси, Бирлашган миллатлар ташкилоти, давлат.

Key words: international cooperation, cyberfraud, information database, United Nations, state.

В период быстро развивающихся технологий, внедрения современных инноваций в каждую сферу жизнедеятельности страны, наряду с положительными моментами технического прогресса, рост и изощрение способов совершения мошенничества предполагает укрепления международного сотрудничества между правоохранительными органами зарубежных государств.

Одной из основных целей правоохранительных органов зарубежных государств является борьба с международной преступностью, особенно с использованием социальных сетей и Интернета, позволившим современным преступникам расширить свой географический охват, диверсифицировать свои цели и деятельность, часто даже без необходимости интерактивного общения или физического присутствия.

Особенно опасными видами преступных посягательств являются киберпреступления. Но что такое киберпреступление? По мнению Д.В. Валько «киберпреступность (cybercrime) – это преступность, связанная как с использованием компьютеров, так и с использованием информационных технологий

и глобальных сетей.

По мнению экспертов ООН, термин «киберпреступность» охватывает любое преступление, которое может совершаться с помощью компьютерной системы или сети, в рамках компьютерной системы или сети, или против компьютерной системы или сети¹.

По данным международной службы по обеспечению безопасности в области киберугроз Symantec Security, каждую секунду в мире подвергаются кибератаке 12 человек, а ежегодно в мире совершается около 556 млн киберпреступлений, ущерб от которых составляет более 100 миллиардов долларов США². В США, Франции, Англии, Бельгии, Германии, Люксембурге киберпреступления составляют 60-65% от общей доли преступности. В Узбекистане киберпреступления составляют 5% от общей доли преступности, но киберпреступления увеличились за последние 3 года в разы³.

Международное сообщество давно начало бить тревогу об опасности киберпреступлений, так как в отличие от иных преступлений они отличаются высоким уровнем латентности, транснациональ-

1 Валько Д.В. Киберпреступность в России и мире: сравнительный анализ. Управление в современных системах №3(10) 2016г.с.29
2 Карпова Д.Н. Киберпреступность - глобальная проблема и её решение. Власть. №8. 2014. Москва, с.46
3 Статистика Центра кибербезопасности МВД Республики Узбекистан. 2022.



ным характером посягательства, трудностью определения местонахождения преступников.

Первые компьютерные преступления были признаны в 1978 году Флоридским Законом⁴ о компьютерных преступлениях, который включал законодательство против несанкционированного изменения или удаления данных в компьютерной системе. Канада⁵ была первой страной, принявшей законодательство в 1983 году. За этим последовал Федеральный закон США «О компьютерном мошенничестве и злоупотреблениях» в 1986 году, австралийские поправки были внесены в 1989 году⁶. Нарастающее количество кибермошенничества привело к тому, что правоохранительные органы начали создавать специализированные группы, обычно на национальном уровне, для решения технических аспектов расследования. Ещё в 1984 году в ФБР США была создана Группа компьютерного анализа и реагирования, в составе отдела по борьбе с мошенничеством Британской столичной полиции был создан отдел по борьбе с компьютерными преступлениями, которые и проводили схожие компьютерно-технические экспертизы.

Особую опасность среди преступлений в виртуальном пространстве занимают экономические преступления, одним из которых является кибермошенничество. Эксперты ОБСЕ оценивают ежегодный ущерб для мировой экономики от промышленного шпионажа, воровства и мошенничества в интернете в 100 миллиардов долларов⁷.

Согласно обзору тенденций преступности Организации Объединенных Наций (UN-CTS) в 2018 году в США на 100.000 населения приходится 120.000 мошеннических посягательств, в Польше – 117,430, в Испании – 289,182⁸.

Принимая во внимание фактор глобализации компьютерной преступности, более очевидным становится то, что сегодня ни одно государство уже не в состоянии самостоятельно противостоять данной угрозе. При этом существенная роль в таком сотрудничестве принадлежит международно-правовым механизмам регулирования и взаимодействия правоохранительных органов по вопросам противодействия и расследования компьютерных преступлений⁹.

Большой охват потерпевших, использование возможностей современных технологий с минимизацией визуального контакта с потерпевшими, а также возможностью удаленного доступа к их денежным средствам привели к увеличению количества мошенничества. Мошенники, используя виртуальное пространство в своих корыстных целях, ошибочно считают себя недосягаемыми для правоохранительных органов. Установить личность киберпреступников и раскрыть киберпреступления возможно, но для эффективного противодействия этим вызовам важно установить прочные правовые отношения в сотрудничестве между правоохранительными органами зарубежных стран в целях создания глобальной сети с единой базой данных.

Доклад Генерального секретаря ООН на 74-й сессии «Противодействие использованию информационно-коммуникационных технологий в преступных целях», в котором были озвучены трудности, с которыми государства-члены ООН сталкиваются в борьбе с киберпреступностью. На проблемы получения доказательств от социальных мессенджеров в своем отчете ООН указывала также Ботсвана.

Как пример можно привести Австралию, которая в своем письме ООН, ссылалась на возникающие у них проблемы при осуществлении сотрудничества в борьбе с киберпреступностью, указала, что в некоторых странах вопросы противодействия киберпреступности не были законодательно закреплены, не говоря уже о техническом потенциале.

Преступники, используя виртуальное пространство в своих корыстных целях, ошибочно считают себя недосягаемыми для правоохранительных органов, но они ошибаются. Для противодействия преступникам необходимо установить тесные партнерские отношения в целях создания глобальной сети с единой базой данных, а также оперативную связь между ними, с тем, чтобы стимулировать инновации и своевременный обмен информацией.

Одним из первых шагов в борьбе с киберпреступностью стало принятие Конвенции Совета Европы №185 «О компьютерных преступлениях», подписанной 23 ноября 2001 г. в Будапеште, в которой рассматриваются вопросы криминализации деяний, направленных против компьютеров или со-

4 Florida Computer Crimes Act». Archived from the original on 12 June 2010. Retrieved 31 August 2010.

5 Casey, Eoghan (2004). Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition. Elsevier. ISBN 978-0-12-163104-8.

6 A Brief History of Computer Crime: A. Norwich University from the original on 21 August 2010. Retrieved 30.08.2010.

7 The Bank of Russia (2014). О порядке инвестирования собственных средств (капитала) страховщика и перечне разрешенных для инвестирования активов: указание Банка России от 16.11.2014 №3445-У. Вестник Банка России. С. 114.

8 UNODC. United Nations office on Drugs and crime. United Nations Crime Trends Survey (UN-CTS). DataUNODC Fraud. 2018. <https://dataunodc.un.org/data/crime/fraud> Дата обращения 13.02.2021

9 Бураева Л.А. Компьютерные преступления транснационального характера как глобальная угроза мировому сообществу. Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал №5. 2016. С.225



вершенных при их помощи.¹⁰

Другой проблемой является получение статистики о киберпреступности. Как и в случае с другими преступными деяниями, некоторые инциденты электронной преступности остаются незарегистрированными. Это делает невозможным сбор материалов о киберпреступности за определенный период времени. Однако многие правоохранительные органы во всем мире пытаются воссоздать наиболее полную картину. Например, в США ФБР стремится выявить и задокументировать любые примеры электронной преступности, в том числе действия, которые относятся к террористической деятельности, мошенничеству, хищению личных данных или растрате¹¹.

Необходимо отметить, что хотя странами-участницами Содружества Независимых Государств также было подписано соглашение «О сотрудничестве в борьбе с преступлениями в сфере компьютерной информации» 1 июня 2001 года в Минске¹², по нашему мнению, оно не будет эффективно работать без совместного приложения усилий со стороны правоохранительных органов стран, подписавших данное соглашение. Европейская Конвенция о компьютерных преступлениях, подписанная в Будапеште 23 ноября 2001 года, показала свою эффективность, так как каждая из сторон обязалась назначить коммуникационный пункт, доступный 24 часа в сутки, 7 дней в неделю, с целью обеспечения оказания незамедлительного содействия в проведении расследования или разбирательства в отношении уголовных преступлений, связанных с использованием компьютерных систем или данных, и в сборе доказательств по уголовным преступлениям в электронном виде¹³.

С учетом набирающей распространенности киберпреступлений в виртуальном пространстве, степени её общественной опасности, транснационального характера и международного масштаба, в целях дальнейшего тесного сотрудничества среди правоохранительных органов стран-членов ООН в борьбе с киберпреступностью вносятся предложения:

о создании на территории всех стран-членов ООН единого коммуникационного пункта, работающего 24 часа 7 дней в неделю с разработкой упрощенного механизма обмена информацией;

о разработке единого международного докумен-

та «О сотрудничестве в сфере киберпреступности» на базе ООН, обязательного для исполнения всеми странами-членами ООН с сохранением государственных суверенитетов и границ национального регулирования в виртуальном пространстве;

об обязательном внесении всеми страны-члены единых понятий киберпреступлений, совершение которых влечет уголовную или административную ответственность на основе единого международного документа;

о создании Международного центра и отделений на местах по координации деятельности правоохранительных органов стран-членов ООН в борьбе с киберпреступностью.

о создании упрощенной системы оказания взаимной правовой помощи и оказания содействия в расследовании уголовных дел с передачей необходимой информации и электронных доказательств;

о заключении соглашения между правоохранительными органами стран и администрацией социальных мессенджеров о сотрудничестве и передаче в случае необходимости информации, имеющей доказательственное значение в рамках уголовного дела на основании решения суда.

Решением региональной проблемы борьбы с транснациональными киберпреступлениями является создание единой базы данных, такой как базы данных Интерпола или ФБР в США, которая помогает сотрудникам оперативно реагировать на выявление преступника на основе базы данных, которая включает информацию о человеке с паспортными данными, отпечатками пальцев, образцами ДНК и в течение нескольких секунд позволяет проверить и сравнить образцы, полученные с места происшествия. Сотрудники, находясь везде, могут зайти на сервер и проверить, находится ли человек в розыске и зарегистрировано ли за ним преступление. Эти нововведения уже давно внедрены в их практику и показали свою эффективность. Внедрение такой базы данных на территории Содружества Независимых Государств, Европы и США позволит получать информацию и приведет к эффективному раскрытию и расследованию преступлений, совершенных на территории ряда зарубежных стран.

Именно поэтому подписание нового международного нормативно-правового документа для

10 Зигмунт О.А., Петровский А.В., Кибер- и интернет-преступность в Германии и России: возможности сравнительного исследования. Кубанский государственный университет, г.Краснодар, Юридическая наука и правоохранительная практика 4 (34) 2015. с. 181

11 Черкасов Д. Ю., Иванов В. В., Лубова Е. С. Киберпреступность в современном мире. Московский институт радиотехники электроники и автоматики, г. Москва. 2016г. С.87

12 <http://www.cis.minsk.by>

13 <https://rm.coe.int>. CETS 185- Convention on Cybercrime.



всех участников ООН должно быть направлено на создание новой базы данных, доступной для всех стран-членов с обязанностью вводить данные об отпечатках пальцев преступников, профилях ДНК, поддельных документах, незаконных мошеннических банковских операциях, похищенных и утерянных документах, имуществе, транспортных средствах и т.д. Также необходимо создать единый центр с территориальными отделениями на местах в каждой стране для организации и кон-

троля, обеспечения безопасности и правильности ввода данных. Каждый чиновник должен иметь собственный код доступа к этим базам данных, чтобы главный центр мог контролировать и наблюдать за его действиями.

В заключение хотелось бы отметить, что укрепление взаимодействия стран членов ООН в борьбе с киберпреступлениями является одним из важных этапов при противодействии с новыми угрозами мира и безопасности в мире.

#

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

- Валько Д.В. Киберпреступность в России и мире: сравнительный анализ. Управление в современных системах №3(10) 2016г.с.29
- Карпова Д.Н. Киберпреступность - глобальная проблема и её решение. Власть. №8. 2014. Москва, с.46
- Статистика Центра кибербезопасности МВД Республики Узбекистан. 2022.
- Florida Computer Crimes Act". Archived from the original on 12 June 2010. Retrieved 31 August 2010.
- Casey, Eoghan (2004). *Digital Evidence and Computer Crime, Second Edition*. Elsevier. ISBN 978-0-12-163104-8.
- A Brief History of Computer Crime: A. Norwich University from the original on 21 August 2010. Retrieved 30.08.2010.
- The Bank of Russia (2014). О порядке инвестирования собственных средств (капитала) страховщика и перечне разрешенных для инвестирования активов: указание Банка России от 16.11.2014 №3445-У. Вестник Банка России. С. 114.
- UNODC. United Nations office on Drugs and crime. United Nations Crime Trends Survey (UN-CTS). DataUNODC Fraud. 2018. <https://dataunodc.un.org/data/crime/fraud> Дата обращения 13.02.2021
- Бураева Л.А. Компьютерные преступления транснационального характера как глобальная угроза мировому сообществу. Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал №5. 2016. С.225
- Зигмунт О.А., Петровский А.В., Кибер- и интернет-преступность в Германии и России: возможности сравнительного исследования. Кубанский государственный университет, г.Краснодар, Юридическая наука и правоохранительная практика 4 (34) 2015. с. 181
- Черкасов Д. Ю., Иванов В. В., Лубова Е. С. Киберпреступность в современном мире. Московский институт радиотехники электроники и автоматики, г. Москва. 2016г. С.87
- <http://www.cis.minsk.by>



Шахзод МАЖИДОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси таянч докторанти

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси миллий қонунчилик ҳужжатларида қай даражада акс этганлиги, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича айрим таклифлар акс эттирилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматривается в какой степени правовая защита лиц, сообщающих о коррупционных правонарушениях отражена в национальных законодательных документах, некоторые предложения по совершенствованию нормативной базы для обеспечения их правовой защиты.

ABSTRACT. This article examines to what extent the legal protection of persons reporting corruption offenses is reflected in national legislative documents, some proposals for improving the regulatory framework to ensure their legal protection.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар, хабар берган шахслар (whistleblowers), ҳуқуқий ҳимоя.

Ключевые слова: коррупция, противодействие коррупции, коррупционные правонарушения, информаторы, правовая защита.

Key words: corruption, anti-corruption, corruption offenses, whistleblowers, legal protection.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим самарали воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини қайд этиб келмоқда. Шу боис ҳам, давлат раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимидаги киришишига бағишланган қўшма мажлисидаги нутқида ушбу муаммага алоҳида эътибор қаратиб, “бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, тизимли превентив чораларни кўриш

зарур. Шу асосда коррупциянинг нафақат оқибатларини, балки сабабларини олдиндан бартараф этиш бўйича, таъсирчан чоралар амалга оширилади”, деб таъкидлаган эди¹.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ўлароқ тан олинди, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва сиёсий қадами сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни² қабул қилинди ва коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони билан тасдиқланган тараққиёт стратегияси 84-мақсади доирасида коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби мақсадлар давомий вазифа сифатида белгиланди³. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимидаги киришишига бағишланган қўшма мажлисидаги тантанали маросимдаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 ноябрь, № 238 (8018). Б-2.

2 Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-419-сон. 03.01.2017 й. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон).

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-60-сон. 28.01.2022 й. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й.,



июлдаги 6257-сонли фармони⁴ билан тасдиқланган Коррупцияга қарши кураш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 39-бандига биноан фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш масаласини янада такомиллаштириш асосий вазифа сифатида қайд этилди. Бироқ бугунги кундаги таҳлиллар амалдаги қонунчиликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари мукамал эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, “Чегара билмас мухбирлар” (Reports without borders) халқаро ташкилоти томонидан “матбуот ва сўз эркинлиги” бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботга кўра,⁵ Ўзбекистон 2022 йилда матбуот ва сўз эркинлигида 45,74 балл билан 180 та давлат орасидан 133-ўринда қайд этилган бўлса, 2023 йилда 45,73 балл билан 137-ўринда қайд этилиб, 4 поғона пастлади. Мазкур йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасида ОАВ учун давлат органлари фаолиятини танқид қилиш мураккаблигича қолаётганлиги, коррупция ҳақида хабар берган шахслар, оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерларга таҳдид қилинаётганлиги, шунингдек, уларнинг ҳимоясини етарлича таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари тўлиқ эмаслиги таъкидланган⁶. Шунингдек, йиллик ҳисоботда Ўзбекистон Республикасида хабар берувчиларнинг сўз эркинлигини таъминлаш коррупцияга қарши курашишнинг асосий жиҳати сифатида, давлат ва хусусий секторда коррупциявий ҳуқуқбузарликни профилактика қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги ҳисоботининг 14.7-тавсиясида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мазкур тавсия талаблари расмий бажа-

рилган бўлса-да, белгиланган амалдаги нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахсларнинг ҳимоясини етарли даражада таъминлай олиш ёки олмаслиги хусусида ягона хулосага кела олмаганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин⁷.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив асослари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида белгиланган. Қонуннинг 28-моддаси 3-қисмига кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларнинг ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий таҳдидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганлигини ёки шикастлантирилганлигини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга⁸ мувофиқ уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шартлиги қайд этилган. Мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра, ушбу қонуннинг мақсади жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги белгиланган⁹. Демак, мазкур қонун нормаларининг объекти жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Аммо мазкур қонун нормаларида белгиланган хавфсизлик чоралари жиноят иши қўзғатилгандан сўнггина жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиши мумкин. Шунингдек, қонуннинг 4-моддаси 3-қисмига кўра,¹⁰ ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунига қадар ари-

06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон).

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. ПФ-6257-сон. 06.07.2021 й. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон).

5 [Электрон манба] <https://rsf.org/en/country/uzbekistan>

6 [Электрон манба] <https://rsf.org/en/country/uzbekistan>

7 Fighting Corruption in Eastern Europe and Central Asia. Anti-corruption reforms in Uzbekistan. Istanbul anti-corruption action plan fourth round of Monitoring. OECD 2019.

8 Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-419-сон. 03.01.2017 й. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон).

9 Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-515. 14.01.2019 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон).

10 Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-515. 14.01.2019 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472 сон; Қонунчи-

зачига, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Табиийки, шу ўринда бир савол туғилади, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс гувоҳ, жиноят шоҳиди ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахс сифатида эътироф этилиши мумкинми?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 6-бобида жиноят процессида иштирок этувчи шахслар сифатида гувоҳнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Кодекснинг 65-моддасига кўра, гувоҳ - бу жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилган шахсдир¹¹. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 298-моддасига кўра, гувоҳ - бу маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс, шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин бўлган шахс сифатида белгиланган¹².

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлил қилинганда, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 56-моддасида гувоҳ – жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлардан хабардор бўлиши мумкин бўлган ва гувоҳлик беришга чақирилган шахс эканлиги¹³, Молдова Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 90-моддасида гувоҳ – жиноий таъқиб қилиш органи ёки суд томонидан чақирилган, шунингдек, ушбу кодексда назарда тутилган тартибда жиноят ишига оид далилларни тақдим этувчи шахс сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин¹⁴.

Бундан ташқари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс, гувоҳ, жиноят шоҳиди, жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақоми таҳ-

лил этилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда кўмаклашган шахслар тушунчасидан келиб чиқиб, низомда бу икки шахс тоифаси алоҳида тушунча ва мақомда белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин¹⁵.

Шунингдек, БМТнинг 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциясининг 32-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат жиноий хатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар, экспертлар, жиноятни очишда бошқача тарзда кўмаклашаётган шахслар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиши, 33-моддада жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар хусусида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимида киритиш имкониятларини кўриб чиқиши белгиланган¹⁶. Демак, конвенцияда гувоҳ, жиноятни очишда бошқача тарзда кўмаклашаётган шахс, жабрланувчи ва хабар берган шахснинг мақоми алоҳида моддаларда белгиланиб, иштирокчи давлатлар уларнинг ҳимоя чораларини кўриши лозимлиги қайд этилган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши давлатлар гуруҳи (GRECO) халқаро ташкилотининг тавсияларида ҳамда Европа кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги конвенциясининг 22-моддасида гувоҳ ва хабар берган шахс икки алоҳида тоифа сифатида, Европа иттифоқининг “Хабар берувчиларнинг ҳимояси тўғрисида”ги тавсиялар ва тушунтиришлар меморандумининг 7-принципида ҳар бир давлат миллий қонунчилик тизимида хабар берган шахс-

лик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон).

11 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 22.09.1994 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон).

12 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994 й. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон).

13 Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Принят Государственной Думой 22 ноября 2001 года. (Одобрено Советом Федерации 5 декабря 2001 года).

14 Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. от 14 марта 2003 года №122-XV. (В редакции Законов Республики Молдова от 21.07.2005 г).

15 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. ВМҚ-829-сон. 31.12.2020 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон).

16 Бирлашган миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси, Нью-Йорк, 31.10.2003 й. (Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон).



ни (whistleblower) алоҳида тоифа сифатида уларнинг ҳуқуқий ҳимоясининг норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиши лозимлиги қайд этилган¹⁷.

Таҳлиллар давомида хориж тажрибаси тадқиқ этилганда, Буюк Британияда хабар берган шахслар алоҳида тоифа сифатида қайд этилган ва жиноят иши қўзғатилгунига қадар уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашнинг механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу жараёнлар 1998 йилда қабул қилинган “Хабар берувчилар ва жамоат манфаатлари учун ошкор қилиш тўғрисида”ги қонунда (PIDA) ўз аксини топган¹⁸. Шунингдек, хабар берган шахснинг гувоҳ, жиноят шоҳиди ва жиноятни очишда кўмаклашувчи шахсдан алоҳида тоифа сифатида ажратилганлиги Ирландиянинг “Хабар берувчиларнинг ҳимояси тўғрисида”ги (The Protected Disclosures Act 2014)¹⁹, Руминиянинг “Хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (Whistleblower Protection Act 2004) қонунларида ҳам ўз аксини топганлигини кўришимиз мумкин²⁰.

Фикримизча, юқорида таъкидланган таҳлилларга асосан гувоҳ ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс бир мақомга эга эмас ва улар фарқланиши лозим. Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар бу икки тоифанинг ҳуқуқий мақоми турлича эканлиги ҳақида ўзларининг фикрларини билдириб ўтишган. Жумладан, В.Нехамкиннинг фикрига кўра, гувоҳ, жиноят шоҳиди ҳамда жиноят ҳақида хабар берган шахснинг фарқи шундаки, хабар берган шахс қонунга бўйсунувчи фуқаро сифатида, шахс ёки шахслар гуруҳи ҳақидаги махфий маълумотларни, яъни жиноятга оид хабарлар ҳамда маълумотлар тўғрисидаги ахборотни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ошкор қилишади. Ягона фарқи уларнинг мақсадларида намоён бўлади. Хабар берган фуқаронинг асосий мақсади ёрдам бериш, жиноятнинг олдини олишдир деб таъкидланган²¹. Бизнингча, ҳуқуқшунос олим гувоҳ, жиноят шоҳиди ва хабар берган шахснинг катта фарқини уларнинг мақсадида кўрмоқда. Яъни, хабар берган шахс мустақил ҳаракат қилиб, ўз хоҳиши билан коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берса, гувоҳ, жиноят шоҳиди ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан уларнинг ихтиёрига қарши ўлароқ ҳам жиноят процессига жалб этилиши мумкин. Шунингдек, В.Ю.Катасоновнинг фикрича, бу тоифаларнинг (гувоҳ, жиноят шоҳиди ва хабар

берган шахс) фарқи – хабар берган шахс, биринчи навбатда фуқаролик бурчи ва ватанпарварлик туйғусига асосланиши кераклиги ҳақидаги позицияда эканлиги ва хабар беришнинг эркинлиги, гувоҳ ва жиноят шоҳидининг зиммасида мажбурият борлиги билан изоҳлаган²². Фикримизча, юқоридаги назарий таҳлилларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, гувоҳ, жиноят шоҳидлари ҳамда хабар берувчиларнинг ҳуқуқий мақоми турлича бўлиб, хабар берувчи шахсга нисбатан жиноят шоҳиди ёки жиноят гувоҳи сифатида мақом берилиши мумкин эмас. Мазкур фарқни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин.

Биринчидан, гувоҳ - бу бевосита содир этилган жиноят ишлари бўйича ҳар қандай маълумотга эга бўлган, бу маълумотни билган, кўрган ҳамда жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган алоҳида мақомга эга шахсдир. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс эса жамоат манфаатларига зарар етказётган ёки етказиши мумкин бўлган коррупциявий жиноят тўғрисидаги ахборотни эшитган ҳамда хабар топган маълумотини ошкор қилган ҳар қандай шахс тушунилиши лозим.

Иккинчидан, гувоҳ ҳамда коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахснинг ҳуқуқий мақомининг чегараси мавжуд. Гувоҳнинг ҳуқуқий мақоми чегараси жиноят иши қўзғатилган пайдан эътиборан то суднинг ҳукми чиққунига қадар давом этса, коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахснинг ҳуқуқий мақоми чегараси содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид жиноят ҳақидаги ахборотни эшитган, билган, хабар топган ва содир этилаётган жиноят ҳақидаги маълумотни юқори турувчи раҳбарига ошкор қилган ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар берган пайдан эътиборан бошланади ва шу пайтда тамомланади.

Учинчидан, гувоҳ жиноят процессига жиноят иши қўзғатилган пайдан эътиборан кириб келади. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс эса жиноят процессида бевосита иштирок этувчи шахс сифатида тан олинмайди.

Бундан ташқари, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси 3-қисмида ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши

17 Criminal Law Convention on Corruption. Counsel of Europe. Strasbourg, 27.01.1999. European Treaty Series - No. 173. Page-6.

18 Whistleblowing and the Public Interest Disclosure Act 1998. (c.23) (accessible version) - GOV.UK.

19 Protected Disclosures Act 2014. [No. 14] SCH.4.

20 (Whistleblower Protection Act 2004). Law 571/2004, Published in the Official Gazette on 14 December 14, 2004.

21 Гранина Н. Стук-стук. Что заставляет россиян доносить друг на друга. <https://lenta.ru/articles/2016/04/18/donos/>

22 Катасонов В.Ю.. Финансовый кризис и доносительство. http://zanauku.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=6273&itemid=39k.



қўзғатилгунига қадар аризага, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фoш этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши назарда тутилган²³. Фикримизча, юқоридаги таҳлилларга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахс агарда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза тартибида мурожаат қилса, унинг мақоми кейинчалик жиноят процессида жабрланувчига айланиши мумкин. Шунингдек, хабар берган шахснинг ҳуқуқий мақомини таҳлилларга асосан гувоҳ, жиноят шоҳиди ва жиноятни фoш этишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомига нисбатан ҳам татбиқ этиб бўлмаслиги юзасидан хулосага келинди. Сабаби жиноятни фoш этишга кўмакла-

шувчи шахс тоифасига гувоҳлар, жиноят шоҳидлари, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддаси 3-қисмига “Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунига қадар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсга, аризага, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фoш этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин” деган таҳрирда қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

#

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришишига бағишланган қўшма мажлисидаги тантанали маросимдаги нутқи. //Халқ сўзи газетаси 2021 йил 7 ноябрь № 238 (8018). Б-2.
- Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Коррупцияга қарши” конвенцияси, Нью Йорк, 31.10.2003 й. (Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон).
- Criminal Law Convention on Corruption. Counsel of Europe. Strasbourg, 27.1.1999. European Treaty Series - No. 173.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-60-сон. 28.01.2022. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон).
- Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-419-сон. 03.01.2017. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон).
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. ВМҚ-829-сон. 31.12.2020. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/829/1693-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2021 й., 09/21/322/0481-сон; 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон).
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросазис муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайитириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони. ПФ-6257-сон. 06.07.2021 й. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон).
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 22.09.1994 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон).
- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 22.09.1994 й. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон).
- Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. Принят Государственной Думой 22 ноября 2001 года. (Одобрено Советом Федерации 5 декабря 2001 года).
- Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова. от 14 марта 2003 года №122-XV. (В редакции Законов Республики Молдова от 21.07.2005 г).
- Whistleblowing and the Public Interest Disclosure Act 1998. (с.23) (accessible version) - GOV.UK.
- Protected Disclosures Act 2014. [No. 14] SCH.4.
- (Whistleblower Protection Act 2004). Law 571/2004, Published in the Official Gazette on 14 December 14, 2004.
- Гранина Н. Стук-стук. Что заставляет россиян доносить друг на друга. <https://lenta.ru/articles/2016/04/18/donos/>
- Катасонов В.Ю.. Финансовый кризис и доносительство. http://zanauku.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=6273&Itemid=39k.

23 Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-515. 14.01.2019 й. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон).



КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИ ТАРКИБИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

АННОТАЦИЯ. Мақолада кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш жинояти таркибининг объектив ва субъектив томони белгилари кўриб чиқилиб, уларни аниқлаш борасидаги муаммолар муҳокама қилинган. Турли хил илмий қарашларни кўриб чиқиш натижаси бўйича муаллиф ушбу жиноят таркиби юзасидан ўзининг фикрларини асослантириб, жиноят қонунини такомиллаштириш борасида айрим таклифларни илгари сурган.

АННОТАЦИЯ. В обсуждении проблемы определения объективных и субъективных признаков состава преступления, связанной с нарушением правил оборота сильнодействующих и ядовитых веществ, на основе их анализа. По итогам проведенного рассмотрения различных научных взглядов автор обосновывает свое видение касательно данного состава преступления и выдвигает некоторые предложения, направленные на совершенствование уголовного закона.

ABSTRACT. The problems of determining objective and subjective signs of the corpus delicti associated with the violation of the rules of trafficking of potent and toxic substances, based on their analysis, are discussed. Based on the results of the review of various scientific views, the author substantiates his vision regarding this corpus delicti and puts forward some proposals aimed at improving the criminal law.

Калит сўзлар: кучли таъсир қилувчи моддалар, заҳарли моддалар, жиноят таркиби, қоидаларни бузиш, жиноий жавобгарлик.

Ключевые слова: сильнодействующие вещества, ядовитые вещества, состав преступления, нарушение правил, уголовная ответственность.

Key words: potent substances, toxic substances, corpus delicti, violation of rules, criminal liability.

Мамлакатимизда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, сўнгги беш йил ичида ушбу моддалардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини чеклашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, айрим кучли таъсир қилувчи моддаларнинг рўйхати тасдиқланди ҳамда уларни реализация қилиш ваколатига эга бўлган субъектлар доираси қисқартирилди, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жинояти учун жазо чоралари кучайтирилди¹.

Амалдаги жиноят қонунчилигида кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ қилмишлар учун бир нечта жиноят таркиблари белгиланган. Шулардан биттаси кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш ҳисобланади.

Айтиш керакки, даставвал Жиноят кодекси (ке-

йинги ўринларда – ЖК) 1994 йилда қабул қилинганда унда мазкур жиноят таркиби кўзда тутилмаган эди. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 671–II-сонли қонун билан киритилган.

Бугунги кунга қадар ушбу жиноят таркиби билан боғлиқ нормаларга икки мартаба ўзгартириш киритилган бўлиб, жазо чоралари такомиллаштирилган. Хусусан, 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 389-сонли қонун билан ЖК 251¹-моддасининг 4-қисми санкциясидаги жазолар доирасига озодликни чеклаш жазоси киритилиб, мазкур жазо айбдор шахсларга 2 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга тайинланиши белгиланди. Иккинчи ўзгариш ЖК нормаларидаги “энг кам ойлик иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган

1 С.У.Тошниёзов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликнинг ривожланиши таҳлили / “Жамият ва инновациялар” журнали. 2022. № 06. (DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss6/S-pr95-104>) – 95-104 в.

сўзларга алмаштирилганлиги билан боғлиқдир².

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноят таркиби ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган бўлиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш учун жавобгарликни белгилайди. Диспозицияда белгиланган ҳаракатлар моддалар билан муомала қилишнинг ўрнатилган қоидаларини бузишни назарда тутди.

Шу ўринда табиий савол уйғонади. Нима сабабдан, қонун чиқарувчи ушбу қилмишни кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби билан битта моддага жойлаштирган?

Кўплаб олимлар³ томонидан ҳам мазкур иккита жиноят таркиби бир-биридан фарқ қилганлиги сабабли уларни алоҳида моддаларда ифодалаш бўйича таклифлар илгари сурилган. Дарҳақиқат, мазкур жиноят таркиби кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жинояти ҳисобланмайди. Ушбу жиноят ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузиш билан боғлиқдир. Модомики, қонун чиқарувчи мазкур моддаларнинг ноқонуний муомаласи ва қонунчиликда ўрнатилган тартибни бузган ҳолдаги муомаласини алоҳида-алоҳида ҳаракат сифатида ажратган экан, ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмини алоҳида моддага ажратиб чиқариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмида белгиланган ҳаракат ва ҳаракатсизлик учун жавобгарлик эҳтиётсизлик орқасидан моддаларнинг ўғирланишига ёки бошқача тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлсагина юзага келади.

Мазкур оқибатлар билан қуйидаги муаммолар мавжуд.

Жумладан, диспозицияда оқибат сифатида моддаларнинг ўғирланиши назарда тутилган. Ўғрилик деганда ЖК 169-моддасида назарда тутилган ҳаракат ёки ЖК X бобидаги талон-торож қилиш жино-

ятлари тушуниладими, деган савол туғилади. Диспозициянинг рус тилидаги матнида “хищение” сўзи ишлатилган бўлиб, талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни ўз ичига олади.

Ж.Одилов ушбу масалага тўхталиб ўтар экан, ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмида кучли таъсир қилувчи моддалар талон-торож йўли билан эгаллаш учун ҳам жавобгарлик белгилаш кераклиги ҳақида фикр юритган⁴. Бизнинг фикримизга кўра ҳам мазкур оқибат айнан талон-торож билан боғлиқ бўлиши керак. Тасаввур қилайлик, моддаларнинг сақлаш қоидалари бузилиши оқибатида улар ўғрилик йўли билан ноқонуний эгалланса, қоидаларни бузган шахс жавобгар бўлса, бироқ худди шунга ўхшаш ҳолатда моддалар талончилик йўли билан талон-торож қилинганда шахс жавобгарликдан озод этилса, бу турдаги жиноятларга қарши курашиш борасидаги давлат сиёсатига тўғри келмайди ҳамда мантиқсиз кураш шаклига айланади.

Шунга асосан диспозициядаги “ўғирланишига” деган сўзни “талон-торож қилинишига” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Оқибат билан боғлиқ кейинги муаммоли масала “жиддий зарар” тушунчадир. Олий суд пленуми қарори билан ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиддий зарар тушунчасига қисман таъриф берилган бўлиб, унга кўра, жиддий зарар кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш одамнинг узок муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин. Эҳтиётсизлик орқасида баданга шикаст етказилиши ёхуд одам ўлиши ЖК 251¹-моддасининг 4-қисми билан қамраб олинади ва ЖК Махсус қисмининг инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддалари билан квалификация қилишни талаб этмайди⁵.

“Жиддий зарар”га берилган таърифда унга нималар кириши тўлиқ ёритилмаган. Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний ай-

2 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 586-сонли қонуни – <http://lex.adm.uz/docs/4625125>.

3 Ё.Г.Шмелёва. Незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дисс. ... канд. юрид. наук. - Казань, 2008. - с. 199.; И.В.Лазенкова. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М.; 2015. - с. 98.; М.С.Иващенко. Преступления против здоровья населения: вопросы криминализации, систематизации и уголовно-правовой оценки: дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар: 2012. – с. 15.; И.В.Акимова. Объективные признаки незаконного оборота сильнодействующих и ядовитых веществ в целях сбыта / Проблемы в российском законодательстве. 2014. № 4. – с. 155.

4 Ж.Ш.Одилов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг квалификацияси ва жазо тайинлаш масаласи / “EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH” журнали. 2022. V 2. (<https://doi.org/10.5281/zenodo.6559883>) – 290 в.

5 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли қарорининг 21-банди – <http://lex.adm.uz/docs/5809125>.



ланмаси билан боғлиқ жиноят таркиблари бўйича тадқиқот олиб борган олимлар томонидан “жиддий зарар” тушунчасига нималар кириши мумкинлиги борасида фикрлар билдирилган. Жумладан, И.В.Лазенкованинг фикрига кўра, жиддий зарар одамнинг узоқ муддатли касал бўлиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг узоқ муддатга тўхтаб қолиши, ёнғиннинг келиб чиқиши ва бошқалар билан боғлиқ⁶. Бизнинг фикримизча, жиноят қонунчилигида турлича шарҳлаш имконини берувчи нормаларнинг мавжуд бўлиши ЖК вазифалари ҳамда қонунийлик принципига зид ҳисобланиб, жиноятларни квалификация қилишда ягона амалиётнинг шаклланишига тўсқинлик қилади ва шунга асосан Пленум қарорида “жиддий зарар” тушунчасига нималар киришини аниқ баён қилиш таклиф этилади.

Жиноят қонуни ЖК 251¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъекти умумий ёки махсус эканлиги борасида аниқ жавоб бермайди.

Кўпгина юридик адабиётларда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни бузиш жиноятининг субъекти махсус эканлиги, кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширишни белгиловчи қоидаларини бузганлик учун мансабдор шахслар ва берилган топшириқ сабабли уларга риоя қилиши шарт бўлган бошқа шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши қайд этилган⁷.

Шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларга турдош бўлган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятининг субъекти махсус субъект ҳисобланишини кўришимиз мумкин⁸.

Бизнинг фикримизга кўра ҳам ЖК 251¹-моддасининг 4-қисми конструкциясидан келиб чиқиб, унда белгиланган жиноят таркибининг субъекти жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо ва мансабдор шахс ёки кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар билан муомала қилиш тартиб-таомилларига мажбурият юкланган шахс ҳисобланади.

Жиноят қонуни ва юридик адабиётларда ЖК 251¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятнинг субъектив томондан қайси айб шакли билан содир этилиши борасида ҳам ягона тўхтаб йўқ.

Масалан, А.В.Наумов, А.В.Федоров, В.Б.Боровиков, А.А.Смердов, М.Ҳ.Рустамбаев ва бошқа бир гуруҳ олимлар⁹ ушбу қилмиш мураккаб айбли жиноят ҳисобланишини қайд этиб ўтишган.

Жумладан, М.Ҳ.Рустамбаевнинг фикрига кўра, мазкур модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан, келиб чиққан оқибатлар эса эҳтиётсизлик орқасида содир этилади ва ушбу модданинг 4-қисмида назарда тутилган жиноят қасддан содир этилган, деб топилади¹⁰.

Шунингдек, А.В.Федоров қайд этилган жиноят таркибини аниқлашда эҳтиётсизлик орқасида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган ушбу моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни қасддан бузилганлигини аниқлаш кераклигини, қайд этилган оқибатларга нисбатан субъектив томон эҳтиётсизлик шаклида бўлишини кўрсатиб ўтган¹¹.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, хусусан, В.В.Кухарук, Ё.Г.Шмелёва, А.Е.Шалагин, А.Н.Байдин ва бошқалар¹² ушбу қилмишни эҳтиётсизлик оқи-

6 И.В.Лазенкова. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – с. 125-126.

7 Ё.Г.Шмелёва. Незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2008. – с. 133.; И.В.Лазенкова. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – с. 106-107.; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 3. Особенная часть. Разделы IX–XII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – с. 133.; М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 409 в.

8 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 30-банди – <http://lex.adm.uz/docs/3203265>.

9 А.В.Наумов. Практика применения Уголовного кодекса РФ: Комментарий судебной практики и доктринальное толкование. М., 2005. – с. 142.; Уголовное право. Особенная часть: учебник для прикладного бакалавриата / В.Б.Боровиков, А.А.Смердов; под ред. В.Б.Боровикова. – 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт; 2016. – с. 190. ва бошқалар.

10 М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М.Рустамбаев. – Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 409 б.

11 А.В.Федоров. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ (ст. 234 УК РФ) // Наркоконтроль. 2007. № 1. – с. 21.

12 В.В.Кухарук. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с организованным незаконным оборотом сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – с. 87.; Ё.Г.Шмелёва. Незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2008. – с. 143-145.; А.Е.Шалагин. Незаконный оборот сильнодействующих и ядовитых веществ как угроза здоровью населения. Вестник экономики, права и социологии, 2011, № 4. – с. 240. ва бошқалар.

батиди содир этиладиган жиноятлар тоифасига киритган.

Хусусан, А.Н.Байдин жиноят қонунида кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни қасддан бузиш криминализация қилинмаганлигини, шунинг учун қилмишни квалификация қилишда айбдорнинг мазкур қоидаларни бузиш ҳолатига бўлган қасди аҳамиятга эга эмаслиги, қонун чиқарувчи томонидан ушбу жиноят таркибида айб келиб чиқадиган оқибатларга нисбатан қаратилганлигини баён қилган¹³.

Биз ҳам ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган қилмишни мураккаб айбли жиноят сифатида баҳолаб бўлмаслиги борасидаги фикрга қўшилаемиз. Зеро, ЖК 23-моддасида агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган, деб топилиши белгиланган. Яъни, бу ерда қонун чиқарувчи биринчи ҳаракат қасддан содир этилишини, бироқ ушбу ҳаракатлар натижасида юзага келган оқибатларга нисбатан у ўз ўзига ишониш ёки бепарволикда бўлишини талаб этмоқда.

Шахс томонидан қасддан кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни сақлаш ёхуд ташиш қоидаларининг бузилиши натижасида улар талон-торож қилинган ҳолатни тасаввур қилайлик. Бунда ЖК 23-моддасини қўллаш бир мунча нотўғри бўлади, зотан, агарда шахснинг ҳаракатларини қасддан содир этилган деб тан олсак, унда унинг ҳаракатларини ЖК 251-моддасида назарда тутилган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашда иштирокчилик сифатида баҳолашимиз керак бўлади.

Мазкур жиноят таркибида мотив ҳам, мақсад ҳам факультатив белгилар ҳисобланиб, қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Улар шахсга жазо тайинлашда эътиборга олинади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни муомалага киритиш қоидаларини бузиш жинояти таркибининг ўрнатилиши ушбу моддалар билан боғлиқ талабларни бажаришга масъул бўлган шахсларнинг жавобгарлигини ҳамда ўз вазифаларини қонунан бажаришдаги масъулиятини оширишга хизмат қилиб, аҳоли саломатлиги ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи моддаларнинг кенга тарқалишининг олдин олинади.

#

13 А.Н.Байдин. Особенности содержания субъективной стороны нарушения правил производства, приобретения, хранения, учета, отпуски, перевозки или пересылки сильнодействующих или ядовитых веществ (ч. 4 ст. 234 УК РФ) / Теория и практика общественного развития. 2015. № 12. – с. 208.



ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси – <http://lex.adm.uz/uz/docs/111453>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 671–II-сонли қонуни – <http://lex.adm.uz/docs/262943>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 389-сонли қонуни – <http://lex.adm.uz/docs/2717325>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 586-сонли қонуни – <http://lex.adm.uz/docs/4625125>.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 30-банди – <http://lex.adm.uz/docs/3203265>.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сонли қарорининг 21-банди – <http://lex.adm.uz/docs/5809125>.
7. В.В.Кухарук. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с организованным незаконным оборотом сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2000. – 234 с.
8. Ё.Г.Шмелёва. Незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: уголовно-правовые и криминологические аспекты: дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2008. – 234 с.
9. И.В.Лазенкова. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ в целях сбыта: дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2015. – 198 с.
10. М.С.Иващенко. Преступления против здоровья населения: вопросы криминализации, систематизации и уголовно-правовой оценки: дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар: 2012. – 222 с.
11. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. В 3 т. Т. 3. Особенная часть. Разделы IX–XII / под ред. В.Т.Томина, В.В.Сверчкова. – 10-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2019. – 481 с.
12. М.Ҳ.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм / М.Рустамбаев. - Тошкент: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2021. – 744 в.
13. А.В.Наумов. Практика применения Уголовного кодекса РФ: Комментарий судебной практики и доктринальное толкование. М., 2005. – 499 с.
14. Уголовное право. Особенная часть: учебник для прикладного бакалавриата / В.Б.Боровиков, А.А.Смердов; под ред. В.Б.Боровикова. – 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт; 2016. – 364 с.
15. И.В.Акимова. Объективные признаки незаконного оборота сильнодействующих и ядовитых веществ в целях сбыта / Проблемы в российском законодательстве. 2014. № 4. – с. 154-156.
16. С.У.Тошнйёзов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликнинг ривожланиши таҳлили / “Жамият ва инновациялар” журнали. 2022. № 06. (DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss6/S-pp95-104>) – 95-104 в.
17. Ж.Ш.Одилов. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг квалификацияси ва жазо тайинлаш масаласи / “EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH” журнали. 2022. V 2. (<https://doi.org/10.5281/zenodo.6559883>) – 289-294 в.
18. А.В.Федоров. Уголовная ответственность за незаконный оборот сильнодействующих или ядовитых веществ (ст. 234 УК РФ) // Наркоконтроль. 2007. № 1. – с. 21.
19. А.Е.Шалагин. Незаконный оборот сильнодействующих и ядовитых веществ как угроза здоровью населения. Вестник экономики, права и социологии, 2011, № 4. – с. 238-241.
20. А.Н.Байдин. Особенности содержания субъективной стороны нарушения правил производства, приобретения, хранения, учета, отпуска, перевозки или пересылки сильнодействующих или ядовитых веществ (ч. 4 ст. 234 УК РФ) / Теория и практика общественного развития. 2015. № 12 – с. 208-210.



Аманлык ГУЛИМОВ,
докторант (DSc) Университета мировой экономики и дипломатии,
кандидат юридических наук, доцент

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ ОХРАНЕ ПРИРОДЫ

АННОТАЦИЯ. Статья посвящена правовому анализу Закона Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 года. Автор, изучил и провел сравнительно-правовой анализ закона и попытался раскрыть юридические особенности понятий, определений, а также юридических терминов. На основе сравнительно-правового анализа выработаны предложения по изменению и дополнению закона.

АННОТАЦИЯ. Мақола Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунининг ҳуқуқий таҳлилига бағишланган. Муаллиф қонунни ўрганиб чиқиб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар ўтказган ва тушунчалар, таърифлар, шунингдек, ҳуқуқий атамаларнинг ҳуқуқий хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган. Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

ABSTRACT. The article deals with the legal analysis of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Nature Protection" dated December 9, 1992. The author studied and conducted a comparative legal analysis of the law and tried to reveal the legal features of concepts, definitions, as well as legal terms. On the basis of a comparative legal analysis, proposals were developed to amend and supplement the law.

Ключевые слова: природа, благоприятная окружающая среда, Аральское море, гражданин, каждый человек, жители, Конституция.

Калит сўзлар: табиат, қулай атроф-муҳит, Орол денгизи, фуқаро, ҳар бир инсон, аҳоли, Конституция.

Key words: nature, favorable environment, The Aral Sea, citizen, every person, inhabitants, Constitution.

В последние время жизнь и практика международного права доказывает то, что глобальные экологические угрозы как проблемы в сфере экологии и охраны окружающей среды в регионе Аральского моря можно достичь только путём развития и совершенствования сотрудничества государств, всего международного сообщества, а также активным участием самих людей.

Следует отметить, что в конце XX века вопросы экологии и охраны окружающей среды, а также смягчение пагубных последствий Аральской катастрофы характеризуется не только региональным, но и планетарным масштабом. При посещении Арала в 2017 году Генеральный Секретарь Организации Объединенных Наций (ООН) Антониу Гутереш отметил то, что произошло с Аральским морем является «самой большой экологической катастрофой нашего времени»¹. Сейчас проблемы экологического состояния и охраны окружающей среды в регионе Аральского моря вызывает опасение во всем земном шаре. Несомненно, Аральская катастрофа в регионе Центральной Азии – это та международная экологическая проблема, которому нет аналога на зем-

ном шаре вообще.

Важно учитывать, что если действующие международно-правовые нормы в сфере экологии и охраны окружающей среды способствуют влиянию и развитию международного-правового режима защиты региона Аральского моря, а нормы внутреннего национального законодательства образуют новые предпосылки для его развития и совершенствования.

Каждое независимое государство разрабатывает и принимает свое национальное законодательство, в том числе и в сфере экологии и охраны окружающей среды исходя из своего состояния экологических проблем и в соответствии с общепризнанными нормами и принципами международного публичного права. Уже несколько десятилетий прошло с появления Аральской катастрофы, но и в Республике Узбекистан отсутствует специального закона, посвященного экологическим проблемам Аральского моря. Это не означает, что в нашей республике настоящая проблема вне внимания общественности и государства.

Несомненно, с первых дней независимости Ре-

1 Глава ООН: высохшее Аральское море – самая большая экологическая катастрофа нашего времени. // <https://news.un.org/ru/story/2017/06/1306241> (Дата обращения 04.05.2023 г.)



спубликой Узбекистан уделяется большое внимание разработке и принятию национального законодательства в сфере экологии. Например были приняты Законы «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г., «О воде и водопользовании» от 6 мая 1993 г., «Об охране атмосферного воздуха» от 27 декабря 1996 г., «Об особо охраняемых природных территориях от 3 декабря 2004 г., «Об экологическом контроле» от 27 декабря 2013 г., «Об экологической экспертизе» от 25 мая 2000 г., «Об экологическом аудите» от 15 марта 2021 г., утверждены указом Президента от 30 октября 2019 г. «Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», а также другие нормативные акты. Целью данного исследования является проведение общего сравнительно-правового анализа действующего законодательства Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 года.

Вопросы в сфере экологии, а также сохранения, восстановления, улучшения и защиты окружающей природной среды регламентируются как международным правом, так и национальным экологическим законодательством. Действительно, в Республике Узбекистан с первых дней независимости активно и быстрым темпом развивается экологическое законодательство, а также и другие нормативные акты. Это можно объяснить тем, что это в первую очередь были направлены на закрепление и развитие независимости страны.

Нужно особо подчеркнуть, что для молодого независимого государства Узбекистана разработка и принятия закона «Об охране природы» в то время по юридической значимости являлся более актуальным. Если взглянуть на историю в пространстве Содружестве Независимых Государств (СНГ) Российская Федерация приняла Закон «Об охране природы» 19 декабря 1991 года, а 10 января 2002 года изменили на «Закон об охране окружающей среды». В Республике Беларусь был принят «Закон об охране окружающей среды» 26 ноября 1992 г. В Казахстане 15 июля 1997 года был принят Закон «Об охране окружающей среды», 9 января 2007 года закон заменили «Экологическим кодексом», а 2 января 2021

году приняли уже в новой редакции. Как мы заметили, у некоторых государствах законы называются «Об охране окружающей среде».

Разработка, принятие и правильное применение норм любого закона на практике – обязанность каждого государства. С точки зрения юридической науки считаем целесообразным изучение, анализ и разработка научных рекомендаций в закон Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. Уже давно в нормативно-правовых актах, специальной и научной литературе встречаются словосочетания «природа», «окружающая природная среда», «окружающая среда».

По мнению известного российского ученого в этой области М.М.Бринчука понятия «природа» и «окружающая природная среда» тождественны². Аналогичного подхода придерживается А.С.Тимошенко: «Термин «природа» достаточно часто заменяется термином «окружающая среда», так как последний наиболее точно соответствует той части естественной среды, с которой взаимодействует или в обозримом будущем будет взаимодействовать человек»³.

Мы полностью согласны с разъяснениями обоих, ибо сама природа является объектом окружающего нас мира. Отечественный учёный Н.К.Скрипников отмечает, что «окружающая среда» рассматривается как более широкое по своему содержанию понятие, она включает в себя как компоненты (объекты) природы, так и искусственную среду, то есть, подвергшуюся антропогенным и иным изменениям человеческого воздействия⁴. Действительно, в статье 2 закона Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 года к объектам охраны природы отнесены земля, недра, воды, растительный и животный мир, атмосферный воздух⁵.

Логично возникает вопрос, существует ли различия по содержанию и значению понятий «природа», «окружающая среда» и «окружающая природная среда»? В соответствии со статьёй 1 данного закона регулируются «Отношения в области охраны природы и рационального использования природных ресурсов в Республике Узбекистан», а также в статье 62 Конституции Республики Уз-

2 Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды): Учебник для высших юридических учебных заведений. – М.: Юрист, 1998. – С.52.

3 Тимошенко А.С. Формирование и развитие международного права окружающей среды. М. 1986. С.20-21.

4 Скрипников Н.К. О роли понятийного аппарата в совершенствовании экологического законодательства Республики Узбекистан. // Вопросы развития и совершенствования экологического законодательства Республики Узбекистан: материалы научно-практической конференции. – Т.: ТГЮУ, 2014. – С.135.

5 Закон Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. // <https://lex.uz/acts/7065> (Дата обращения 25.04.2023 г.)



бекистан закреплено: «Граждане обязаны бережно относиться к окружающей природной среде»⁶. Здесь следует учитывать то, что и в законе, и в Конституции Республики Узбекистан речь идет об одном и том же. Зарубежные ученые не подвергают сомнению, что окружающая среда – это объект общепризнанных интересов и публичное благо⁷. Действительно, на самом деле окружающая среда – это то, что нас окружает.

Следует отметить, что наряду вышеуказанных словосочетаний еще и нужно отнести юридически значимое понятие «благоприятная окружающая среда». В настоящее время данное понятие применяется и в повседневной жизни, практике, нормотворческой деятельности и в научном обороте. Как справедливо отмечает А.А.Третьякова «среди современных исследователей само понятие благоприятной окружающей среды является дискуссионным»⁸. Несомненно, нами также поддерживается её юридическая позиция в этом отношении, но остается не ясным отсутствие в законе Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. понятия «благоприятная окружающая среда».

По нашим убеждениям общее юридическое значение понятия благоприятной окружающей среды заключается в том, что каждый человек должен иметь такую окружающую среду, в котором ничего негативного не повлияло на его жизнь и здоровье. Как верно отмечает О.А. Трубинкова: «Право человека на благоприятную окружающую среду тесно связано с правами на охрану его здоровья и, в конечном счете, правом на жизнь»⁹.

Таким образом, нами предлагается дополнить закон Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. отдельной статьей «основные понятия» и при этом понятие дать в следующей редакции «благоприятная окружающая среда – окружающая среда в котором для жизни и здоровья каждого человека отсутствует негативных воздействий». Это можно охарактеризовать как полное юридическое соответствие

данного понятия настоящего закона к статье 49 Конституции Республики Узбекистан, в котором закреплено право каждого на благоприятную окружающую среду¹⁰.

Вступительной части настоящего закона отмечены: «Он имеет целью обеспечить сбалансированное гармоничное развитие отношений между человеком и природой», далее в продолжении «... гарантировать права граждан на благоприятную окружающую среду». Как мы видим дискуссионным представляется то, что сначала в тексте пишется слово человек, а в конце граждан.

На наш взгляд, в этом контексте требуется конкретное обсуждения отмеченных терминов. Мы считаем целесообразным слово граждан заменить на слово каждому человеку, ибо тогдашний парламент Республики Узбекистан с первых дней независимости, то есть ещё 30 сентября 1991 года ратифицировал Всеобщую декларацию прав человека от 10 декабря 1948 г. В статье 3 данной декларации написано, что «Каждый человек имеет право на жизнь», а в статье 25 указано «Каждый человек имеет право на такой жизненный уровень, включая пищу, одежду, жилище, медицинский уход и необходимое социальное обслуживание, который необходим для поддержания здоровья и благосостояния его самого и его семьи»¹¹. Также в статье 49 Конституции Республики Узбекистан отмечено: «Каждый имеет право на благоприятную окружающую среду»¹². Если так, то по тексту настоящей статьи этого закона, обеспечение право иностранного гражданина и лица без гражданства на благоприятную окружающую среду тогда вопрос может остаться открытым.

На основе выше отмеченных норм во вступительной части закона Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. следует дополнить текст в таком порядке «гарантировать права каждому человеку право на благоприятную окружающую среду». На наш взгляд, данное изменение текста в законе будет юридическим основанием для устранения пробела в обеспече-

6 Конституция Республики Узбекистан от 30 апреля 2023 г. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 25.04.2023 г.)

7 См.: Бринчук М.М. Природа – публичное благо // Государство и право. 2013. №8. С. 15-26; Тихомиров Ю.А. Публично-правовое регулирование: динамика сфер и методов // Журнал Российского права. 2001. №5. С.4; Winter G., Jans J.H., Macrory R., Weighing up the EC Environmental liability Directive // Journal of environmental law. Oxford, 2008. Vol.20. №2. P. 163-191.

8 Третьякова А.А. Экологические права граждан по законодательству государств-членов Европейского Союза: автореф. Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2001. С.8.

9 Трубинкова О.А. О содержании основных экологических права граждан // Вестник Алтайской академии экономики и права. 2011. №1. (19). С.106.

10 Конституция Республики Узбекистан от 30.04.2023 г. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 11.05.2023 г.)

11 Всеобщая декларация прав человека от 10 декабря 1948 г. // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml (Дата обращения 11.04.2023 г.)

12 Конституция Республики Узбекистан от 30.04.2023 г. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 11.05.2023 г.)



нии каждого индивида правом на благоприятную окружающую среду, а также служит в качестве правовой основы соответствия норм абзаца 2 статьи 16 Конституции Республики Узбекистан, в котором отмечены: «Законы и иные нормативно-правовые акты Республики Узбекистан принимаются на основе и во исполнение Конституции Республики Узбекистан»¹³.

Проведя сравнительный анализ нормотворческую практику стран Центральной Азии мы выявили. В экологическом кодексе Казахстана пункте 2.2. статьи 3 закреплено как одной из целей и задач «обеспечение благоприятной для жизни и здоровья человека окружающей среды, а в пункте 1 статьи 13 в качестве субъекта «каждый имеет право на благоприятную окружающую среду»¹⁴, а в законе Республики Туркменистан «Об охране природы» от 1 марта 2014 года, в пункте 1 статье 9 отдельно указаны «Граждане Туркменистана, иностранные граждане и лица без гражданства имеют право на благоприятную окружающую среду»¹⁵. Мы считаем, что в этих законах правильно показаны кто именно имеет право на благоприятную окружающую среду, особенно с текстом Туркменского законодательства, мы полагаем, что в законе Республики Туркменистан специально раздельно перечислены все физические лица, при этом раскрывая полностью закрепили права всех индивидов на благоприятную окружающую среду.

В пункте а, статьи 2 Закона Республики Молдова «Об охране окружающей среды» от 16 июня 1993 года отмечается цель закона: «обеспечения каждому человеку права на здоровую и эстетически приятную среду»¹⁶. Молдавский законодатель тоже в своем законодательстве применяет словосочетание «право каждого человека», но, на наш взгляд не в полной мере раскрыто понятие «эстетически приятная среда». Данное словосочетание представляется интересным, так как такое словосочетание в законах других государств, юридической энциклопедии и в научной юридической литературе не встречается. Бесспорен тот факт, что понятие эстетика природы активно обсуждается со второй половины XX века. Однако Молдавским законодателем в законе «Об охране окружающей среды» от 16 июня 1993 года не за-

креплено и не раскрыто правовое значение данного философского словосочетания.

Далее, в законе Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 года в статье 3 написано: «Целями охраны природы являются: создание благоприятных условий для здоровья людей». Возникает вопрос, а почему здесь не применяется слово граждан или каждого человека, а люди? Во второй части статьи 4 пишется: «сохранение устойчивости биосферы и ее экологических систем как среды обитания человека и забота об экологической безопасности людей, о генофонде человека и его будущих поколений», а в третьей части статьи 4 «обеспечение прав граждан на благоприятную для жизни окружающую природную среду», здесь же рекомендуется слово граждан заменить на слово человек.

В статье 6 закреплена норма: «Общее природопользование осуществляется гражданами бесплатно для удовлетворения жизненно необходимых потребностей без закрепления природных ресурсов за отдельными пользователями и без предоставления соответствующих разрешений». Логично возникает вопрос, а иностранные граждане и лиц не имеющие гражданства, но проживающие на постоянной основе в Республике Узбекистан не пользуются ли общей природой?

Статья 7 посвящена Компетенций Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан в области регулирования правоотношений по охране природы, статья 8 называется «Государственное управление в сфере экологии и охраны окружающей среды», а статья 9 Компетенции Кабинета Министров Республики Узбекистан в области охраны природы. Для полного и правильного понимания понятий настоящего закона нам представляется, что в названии статей 7, 9 вместо словосочетаний охрана природы рекомендуется заменить на словосочетание в сфере экологии и охраны окружающей среды. III – Раздел закона называется «Права и обязанности жителей Республики Узбекистан в области охраны природы», а статья 12 называется «Право человека на благоприятную для жизни окружающую природную среду и обязанности по ее сохранению». В 3 части настоящей статьи применено словосочетание жители Республики

13 Конституция Республики Узбекистан от 30.04.2023 г. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 11.05.2023 г.)

14 Экологический кодекс Республики Казахстан от от 2 января 2021 г. // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2100000400#z25> (Дата обращения 11.04.2023 г.)

15 Закон Туркменистана «Об охране природы» от 01 марта 2014 г. // <https://www.osce.org/files/f/documents/6/4/203546.pdf> (Дата обращения 11.04.2023 г.)

16 Закон Республики Молдова «Об охране окружающей среды от 16 июня 1993 года». // https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3317 (Дата обращения 25.04.2023 г.)



Ўзбекистан обязаны рационально использовать природные ресурсы.

Мы полностью согласны с этим текстом, ибо согласно общей теории понятие жители – граждане, иностранные граждане, а также лица без гражданства. Учитывая тот факт, что в настоящее время в Узбекистане проживают или находятся различное количество людей, иностранных туристов, больных приехавшие на лечение, студенты, трудовые мигранты, а также другие лица. Возникает вопрос данный закон на них распространяется?

К сожалению, в статье 24 Конституции Республики Узбекистан отмечены: Иностранным гражданам и лицам без гражданства, находящимся на территории Республики Узбекистан, обеспечиваются права и свободы в соответствии с нормами международного права¹⁷.

Следует отметить, что в тексте части 3 статьи 4 настоящего закона (Достижение целей охраны природы) указано «обеспечение прав граждан на благоприятную для жизни окружающую природную среду», а в статье 12 «Право человека на благоприятную для жизни окружающую природную среду и обязанности по ее сохранению». Как мы видим здесь тоже понятие прав граждан и права человека смешаны, принимая во внимания вышеуказанное, мы считаем правильным и целесообразным, что часть 3 статьи 4 слово граждан необходимо заменить словом человека.

Также в статье 15 данного закона закреплено: «Предприятия, организации и учреждения обязаны разрабатывать экологические и другие критерии, регламентирующие максимально допустимые нагрузки на окружающую среду».

На наш взгляд, в этом контексте имеются некоторые упущения со стороны тогдашнего законодателя, так как не раскрыты в полной форме государственные или частные предприятия, организации и учреждения. Согласно статьи 65 Конституции Республики Узбекистан «В Республике Узбекистан обеспечиваются равноправие и правовая защита всех форм собственности»¹⁸. Приходится признать, по сути и содержанию этой статьи Конституции частная собственность и государственная собственность в Узбекистане равны, а также в ней не определены только местные или иностранные организации находящихся на территории Республики Узбекистан. Таким образом, нами рекомендуется дополнить текст данной статьи в следующей редакции «Предприя-

тия, организации и учреждения независимо от форм собственности, а также иностранные организации зарегистрированные на территории Республики Узбекистан обязаны разрабатывать экологические и другие критерии, регламентирующие максимально допустимые нагрузки на окружающую среду».

В статье 19 закона закреплено: «Поверхностные, подземные и морские воды на территории Республики Узбекистан используются при условии сохранения в естественном обороте необходимого количества воды...». В этом контексте слово морские воды предлагается заменить, на воды Аральского моря. Во-первых, согласно, политической карте мира на территории Республики Узбекистан в северной части страны находится только единственное Аральское море, во-вторых, на определенных частях Аральского моря и в настоящее время есть вода.

Проанализировав данный закон мы выявили ряд выше указанных упущений и пробелов, которые можно охарактеризовать следующим:

во-первых, принятие закона в кратчайший срок, ибо после принятия основного закона, то есть Конституции Республики Узбекистан (8 декабря 1992 год) на следующий день принимается настоящий закон;

во-вторых, недостаточный практический опыт в национальном нормотворчестве парламента (Олий Кенгаш);

в-третьих, тогдашний парламент был однопалатным, в котором отсутствовал профессиональный парламентаризм в республике;

в-четвертых, из-за не достаточного привлечения необходимых специалистов, учёных, экспертов в сфере экологии и охраны окружающей среды к процессу законотворчества.

Мы считаем, что вышеотмеченные рекомендации, предложенные на основе сравнительно-правового анализа по изменению и дополнению, несомненно обогатят и дополнит национальное законодательство Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 года.

Однако, сравнивая выше приведенные законы, их названия, применяемые определения, понятийный аппарат, юридические термины в законе нельзя не заметить их схожесть во многих государствах. Можно полагать, что законодательство по регулированию окружающей природной среды государств-участников СНГ по содержанию в основном они тождественны.

17 Конституция Республики Узбекистан от 30 апреля 2023 года. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 08.05.2023 г.)

18 Конституция Республики Узбекистан от 30 апреля 2023 года. // <https://lex.uz/docs/6445147> (Дата обращения 10.05.2023 г.)



Вышеизложенные нам позволяют сделать вывод о том, что целесообразность и важность применения понятий, юридических терминов, словосочетаний, а также их формулировки, выражающие содержание правового регулирования выявляют конкретность, прозрачность текста любого закона государства. Важно учитывать то, что эффективность законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды в Республике Узбекистан и надлежащее его применение во многом зависят от конкретности определения и понятий.

Ссылаясь на нормы, закрепленные в статьях Конституции, Закона «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г. Республики Узбекистан, международно-правовых документов, а также на научные разработки представителей как националь-

ного, так и международного права, приходим к выводу о том, что сохранение, восстановление, улучшение и защита окружающей среды, а также рациональное использование природных ресурсов должна оставаться и продолжаться совместной обязанностью всего международного сообщества.

Развитие национального законодательства и международно-правовой науки в сфере экологии и охраны окружающей среды, несомненно, служит на благо человечество. Между тем, правовая проблема обеспечения благоприятной окружающей среды не решается только путем развития и совершенствования законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды, но и зависит от эффективного применения их в реалии.

.....



Анвар АДХАМОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада маънавий зарар учун тўлов ундириш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўришнинг хусусиятлари, маънавий зарарни ундириш бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг билдирган фикрлари таҳлили ҳамда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси кўриб чиқилган. Мақолада шунингдек, маънавий зарарни қоплаш бўйича меъзонлар таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются особенности рассмотрения судами спорных дел о взыскании морального вреда, анализ мнений ученых-правоведов о взыскании морального вреда, а также законодательный опыт зарубежных стран. Также в статье анализируются критерии возмещения морального вреда.

ABSTRACT. The article discusses the features of consideration by the courts of controversial cases on the recovery of moral damage, the analysis of the opinions of legal scholars on the recovery of moral damage, as well as the legislative experience of foreign countries. The article also analyzes the criteria for compensation for moral harm.

Калит сўзлар: моральный вред, взыскание, зарубежный опыт, сравнительный анализ, критерии.

Ключевые слова: маънавий зарар, тўлов ундириш, хорижий тажриба, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, меъзонлар.

Key words: moral damage, recovery, foreign experience, comparative analysis, criteria.

Суд амалиёти шундан далолат берадики, фуқароларнинг номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар судларда кўпчиликти ташкил этмоқда. Бунинг сабаби фуқароларнинг ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилиши оқибатида маънавий зарар келиб чиқиши мумкинлигининг назарда тутилиши, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар ўзларининг маънавий зарарни ундиришга доир ҳуқуқларини яхши англаб етаётганликлари, қолаверса, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар учун судга мурожаат қилиш жараёнида даъвогарлар давлат божини тўлашда имтиёзга эга бўлишлари ҳамда айрим ҳолларда мазкур талаблар бўйича даъво муддатининг белгиланмаслигидадир.

Маънавий зарар учун тўлов ундириш ҳақидаги ишларда иштирок этувчи субъектлар таркибини аниқлаш, иш бўйича исботлаш ва далиллар масаласини ҳал этиш, процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш, буларнинг барчаси мазкур тоифадаги низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини аниқлашни ва бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб боришни зарурият қилиб қўяди.

Таъкидлаш керакки, судлар фуқарога етказилган маънавий зарарни ундириш жараёнида фуқаролик ишларининг тоифаларига қараб фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонун ҳужжатларига мурожаат

қилади. Бу эса, масалан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда фуқаролик қонунчилигини қўллаш масалаларини чуқур ўрганишни, фуқаролик, меҳнат ва бошқа қонун ҳужжатларини ўзаро қиёсий таҳлил қилишни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро номувофиқликларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Масалан, биргина меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларнинг суд амалиётида кўпайиб бориши судлар олдида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган айрим қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам маънавий зарарни тўлашга асос бўладиган ҳолатлар баён қилинмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқароларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақида”ги қоидаларда ҳам фуқароларга етказилган зарар сифатида маънавий зарарни қоплаш назарда тутилмаган.¹

Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005. 5-6-сон, 35-модда.



тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида²ги 12-сонли қарорида суд иш берувчига ҳар қандай меҳнат ҳуқуқининг бузилиши оқибаотида (масалан, асоссиз интизомий чора қўллаш, тегишли тиббий тавсиялар асосида бошқа ишга ўтказишни рад қилиш, иш ҳақи ёки бошқа тўловларни бермаслик ёки уларни асоссиз келтириш, меҳнат шартномаси бекор қилингач, иш берувчининг фуқаронинг меҳнат дафтарчасини бермаслиги ёки ўз вақтида бермаслиги ва бошқалар) натижасида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берган.²

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 6-бандига кўра, Меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлик ёки фуқарони ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибаотида фуқарога етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин. Иш берувчига бундай мажбурият интизомий жазо асоссиз қўлланилганда, ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш рад қилинганда, ишдан четлатилганда, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи, шунингдек бошқа тўловлар ўз вақтида берилмаганда ҳам юклатилиши мумкинлиги кўрсатилган.³

Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бу каби тушунтиришлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига зид. Масалан, ФКнинг 1021-моддасида маънавий зарар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда қопланиши қатъий белгилаб қўйилган. Лекин МКда Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги қарорининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда ҳам маънавий зарар қопланишини назарда тутувчи норма мавжуд эмас. Бу эса судлар томонидан фуқароларнинг маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларнинг рад этилиши каби ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда меҳнат қонунчилигидаги маънавий зарарни ундиришга доир нормаларни бирхиллаштирган яхлит тарздаги қоидалар мажмуасини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Янги МКнинг 335-моддасига кўра, иш берувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги

туфайли ходимга етказилган маънавий зиён ходимга меҳнат шартномаси тарафларининг келишувида белгиланган миқдорларда пул шаклида компенсация қилинади. Муқаддам амалда бўлган МКнинг 187-моддасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, — иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланиб келинган.

Юридик адабиётларда маънавий зарарни қоплаш шакли билан боғлиқ айрим баҳсли масалалар ҳам учраб туради. Фуқарога етказилган маънавий зарар фақат пул шаклида эмас, балки бошқа моддий шаклда ҳам, масалан, жабрланувчининг ҳаётини эҳтиёжини қондирувчи ашёнинг топширилиши ёки унга нисбатан турли хил хизматларнинг бажарилиши орқали ҳам қопланиши мумкин. Айрим олимлар, хусусан, А.М.Белякова жабрланувчига руҳий азоб-уқубатлар ва қийноқлар натижасида етказилган маънавий зарар пул шаклида қопланишига йўл қўймаслиги, балки бошқа моддий шаклда қопланиши мумкинлигини билдирган. А.М.Эрделевский эса зарарнинг фақатгина моддий шаклда қопланиши жабрланувчининг кейинчалик нормал ҳаёт кечириши учун етарли бўлмай, аксинча у томонидан қўшимча харажатлар қилинишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаб, маънавий зарар пул шаклида қопланишига устуворлик бериш кераклигини таъкидлайди.⁴

В.М. Жуйков ҳам фуқаролик қонунчилигида маънавий зарарни пул шаклида қопланишининг белгиланиши, айрим ҳолларда маънавий зарарни бошқа моддий шаклда ҳам қопланишини истисно этмайди. Шу ўринда маънавий зарар учун тўловнинг мазкур шаклини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган даъвогар ва жавобгарнинг фикрларини ҳисобга олиш кераклигини, томонлар ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ўз ихтиёрларида эканлигини таъкидлайди.⁵ Б.М.Ҳамроқулов эса пул барча нарсанинг эквиваленти эканлигини, маънавий зарарни қоплаш усулини пул кўринишида бўлгани мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаб, маънавий зарарни қоплашнинг бошқа моддий шаклини назарда

2 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорлари тўплами. 1991-1998. II-жилд. -Тошкент: Шарқ. 1999. -94 б.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 й. 28 апрелдаги 7-сонли қарори. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2000.

4 Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. -М.,1997. -177 с.

5 Жуйков В.М. Комментарий к постановлению Пленума Верховного суда РФ от 20 декабря 1994 г. “Некоторые вопросы применения законодательства о компенсации морального вреда” // Комментарий к постановлениям Пленумов Верховного суда Российской Федерации. -М., 1999. – 189 с.



тутувчи МКга қўшимча ва ўзгартириш киритишни таклиф қилган.⁶

Лекин мазкур нуқтаи назар баҳсли бўлиб, фикри-мизча, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида айрим соҳаларда ишлаб чиқаришнинг бирмунча пасайиш ҳолатлари кузатилаётган бир пайтда маънавий зарарни қоплашнинг фақат пул шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Айтайлик, зарар етказувчи корхона оғир молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда ва айнан пул шаклида маънавий зарарни қоплаш учун айланма воситалар мавжуд эмас. Ушбу ҳолатда жабрланган фуқаро билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ маънавий зарар бошқа моддий шаклда (масалан, компьютер, телевизор, музлаткич, корхонада ишлаб чиқарилган бошқа турли маҳсулотлар ва ҳ.к.) билан ҳам қопланиши мумкин. Қолаверса, айрим корхоналарнинг иқтисодий аҳволи қийинлиги боис маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ суд қарорлари ижроси ўз вақтида таъминланмай қолишига олиб келмоқда. Судлар жавобгарнинг молиявий аҳволи билан боғлиқ ижро босқичида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорида корхонанинг мулкӣ аҳволига таъсир қилмайдиган ва ундирилиши аниқ бўлган суммани кўрсатишлари лозим. Демак, маънавий зарарни ундириш амалиётида фақат пул шаклини эмас, балки бошқа моддий шакллардан ҳам фойдаланиш жисмоний ва руҳий азоблар учун тўлов белгиланишнинг реал ва муносиб усули ҳисобланиши мумкин.

Таҳлил қилиб ўрганилган МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик ва меҳнат қонунчилигида ҳам бу борада турлича ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, РФ ФКнинг 1101-моддаси биринчи қисмига кўра, маънавий зарар учун тўлов пул шаклида амалга оширилиши белгиланган.⁷ Шунингдек, РФ МКнинг 237-моддаси биринчи қисмида ҳам иш берувчининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати натижасида фуқарога етказилган маънавий зарар учун тўлов пул шаклида қопланиши мустаҳкамланган.⁸ Беларусь Республикаси МКнинг 434-моддасига кўра эса маънавий за-

рар бошқа турдаги зарарларнинг ундирилишидан қатъи назар, пул ёки бошқа моддий шаклда ундирилиши белгиланган.⁹

Маълумки, ФКнинг 1004-моддаси бешинчи қисмига кўра, суд фуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиб камайтириши мумкин. Лекин юридик адабиётларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини ҳисобга олиш масаласида баҳсли нуқтаи назарлар илгари сурилади. Жумладан, А.М.Эрделевский судлар томонидан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини ҳисобга олиш билан боғлиқ мезонларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди.¹⁰ Т.А.Избиенова ҳам фуқаро билан тузилган меҳнат шартномасининг иккинчи томони сифатида фуқаро эмас, балки юридик шахс иштирок этиши боис, фуқаролик қонунчилигидаги қоида меҳнатга оид муносабатларга нисбатан қўлланилишига қарши чиқади. Муаллиф шунингдек, юридик шахснинг оғир мулкӣ аҳволини, масалан, унга нисбатан банкротлик ҳақидаги иш қўзғатилганлигини асос қилиб, фуқарога етказилган маънавий зарар суммасини камайтириш ёки талабларни бутунлай рад қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.¹¹

Дарҳақиқат, зарар етказувчининг мулкӣ аҳволини ҳисобга олиш ҳақидаги қоида зарар етказувчи юридик шахс бўлган тақдирда қўлланилиши мумкин эмас. Лекин суд ФПКнинг 184-моддаси тартибида фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгар томонида иштирок этувчи учинчи шахс сифатида процессга жалб этиши ҳамда ушбу процесснинг ўзида айбдор мансабдор шахс зиммасига маънавий зарар учун тўлов ундириш мажбуриятини юклаши ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, айнан ушбу ҳолатда зарар етказувчи шахс сифатида фуқаро-мансабдор шахс эътироф этилади ва ушбу шахсларга нисбатан ФКнинг 1004-моддасида назарда тутилган қоидаларни қўллаш мумкин.

Лекин айрим муаллифлар, хусусан, А.И.Ставцева фуқарога етказилган маънавий зарар учун пул-

6 Ҳамроқулов Б.М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари. Юрид. фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Тошкент: 2008. –14 с.

7 Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. 7-е перераб. и доп. Автор коммен. А.Б.Борисов. –М.: Книжный мир, 2007. –942 с.

8 Трудовой кодекс Российской Федерации. С измен. и доп.на 15 окт. 2007 г. –М.: Эксмо, 2007. –211 с.

9 Трудовой кодекс Республики Беларусь от 26 июля 1999 г. № 296-З. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 80, 2/70.

10 Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. –М.,1997. –177 с.; Избиенова Т.А. Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений. // Российский судья. 2001. № 4. –С. 26-30.

11 Избиенова Т.А. Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений //Российский судья. 2001. № 4. –27 с.



лик тўлов, гарчи зарар мансабдор шахснинг айбли хатти-ҳаракати оқибатида етказилган тақдирда ҳам албатта корхонадан ундирилиши лозимлиги юзасидан фикр билдиради. Бунга асос сифатида мазкур даъволар бўйича судда жавобгар сифатида даъвогар билан меҳнат муносабатларида бўлган юридик шахснинг иштирок этишини кўрсатади.¹² Бу эса назарияда ҳам, амалиётда ҳам фуқарога етказилган маънавий зарар суммасини мансабдор шахслардан ундириш масаласи ўз ечимини топмаганлигини кўрсатади.

Турли соҳа қонунларида қўлланиладиган институт бўлмиш маънавий зарарни қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда у нафақат фуқаролик-ҳуқуқий, балки бошқа ҳуқуқий муносабатларни ҳам қамраб олмақда. Шундай экан маънавий зарар учун тўлов миқдорини аниқлашда судлар бир-биридан жиддий равишда фарқ қилувчи муайян ҳуқуқ соҳаси (меҳнат, маъмурий, жиноят ва ҳ.к.) нормаларидан келиб чиқиши лозим. Мазкур институтни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бирхиллаштириш (унификация қилиш) мақсадида маънавий зарар миқдорини аниқлашнинг универсал мезонларини ишлаб чиқиш ва уни ФКда мустаҳкамлаб қўйиш, бошқа қонун ҳужжатларида эса ФКга ҳавола бериш таклиф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 13-бандига кўра, маънавий зарарнинг миқдорини белгилашда судлар жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарнинг оғирлигига берган субъектив баҳосини, шунингдек, даъвогарга етказилган маънавий ва жисмоний азобларнинг даражасини кўрсатувчи объектив маълумотларни, тажовуз қилинган объектнинг ҳаёт учун муҳимлиги, фойдаси (ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, катта қимматликка эга бўлган мулклари ва бошқалар), ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва оқибати (яқин қариндошларининг ўлдирилиши, ногиронликка олиб келган тан жароҳати етказилиши, озодликдан маҳрум қилиш, ишдан ёки турар жойдан ва бошқалардан маҳрум қилиш),

уялтирадиган нотўғри маълумотларнинг характери ва уларни қанчалик даражада (доирада) тарқатилганлиги, жабрланувчининг яшаш шароитлари, шахсий хусусиятлари (хизмат, оилавий, маиший, моддий томонлари, соғлиғининг ҳолати, ёши ва бошқалар), зарар етказувчининг ва жабрланувчининг айб даражалари, зарар етказувчи шахснинг моддий аҳволи ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олишлари лозим.

Бундан келиб чиқиб маънавий зарарни қоплаш миқдори етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгиланиши мумкин эмас. Қонунчиликда зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилик ва оқилоналик талаблари инобатга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган (ФКнинг 1022-моддаси). Лекин суд амалиётида судьялар маънавий зарар миқдорини турлича белгилаш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Судлар томонидан маънавий зарар миқдорининг турлича белгиланиши нафақат мамлакатимиз, балки МДҲга аъзо давлатлар суд амалиётида ҳам учрайдиган муаммоли масалалардан бири эканлиги мазкур мавзуда махсус тадқиқот ишларини олиб борган олимлар томонидан ҳам эътироф этиб келинади.¹³

Назаримизда, судлар томонидан маънавий зарар миқдорининг турлича белгиланиши маънавий зарар миқдорини аниқлаш бўйича қонун ҳужжатларининг бир мунча заиф эканлигидадир. Масалан, ФКнинг 1022-моддаси иккинчи қисмида белгиланган маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозимлиги ҳақидаги қоида охир-оқибат суд ҳал қилув қарорларининг асослантирувчи қисмини заиф, суд хулосаларига асос бўлган далилларнинг кўрсатилмаслиги каби ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Бу эса суд ҳал қилув қарорларининг асосли ва адолатли бўлиши каби талабларнинг кўпол равишда бузилишига олиб келади. Буларнинг барчаси маънавий зарар миқдорини аниқлаш масалалари илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ва мазкур миқдорни белгилаш механизминини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

#

12 Комментарий к кодексу законов о труде Российской Федерации // Отв. ред. Ю.П.Орловский. -М. Юристь.2000. –С. 528-529.

13 Масалан, қаранг: Шафикова Г.Х. Компенсация морального вреда, причиненного работнику. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Екатеринбург, 2000. –17 с.



Санжар ДЖАХАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ СИФАТИДА ПРОФЕССИОНАЛЛИК ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида профессионаллик ва компетентлилик принципларининг мазмун-моҳияти, уларни принцип даражасига олиб чиқиш зарурати ёритиб берилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье раскрывается сущность принципов профессионализма и компетентности как основных принципов деятельности органов прокуратуры, и необходимость доведения их до уровня принципов.

ABSTRACT. This article prescribes the essence of the principles of professionalism and competence as the main principles of the activities of the prosecutor's office, and the need to bring them to the level of principles.

Калит сўзлар: принцип, ҳуқуқий тамойиллар, прокуратура ходими, инсон капитали, профессионаллик, компетентлилик, касбий этика қоидалари.

Ключевые слова: принцип, правовые принципы, сотрудник прокуратуры, человеческий капитал, профессионализм, компетентность, правила профессиональной этики.

Key words: principle, legal principles, official of prosecutor's office, human capital, professionalism, competence, rules of professional ethics.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланиб, бунда ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шу жиҳатдан прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда принциплар алоҳида ўрин эгаллайди.

Принцип сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “асосий тамойил”, “бош ғоя”, “асосий хулқ-атвор қоида-си” деган маъноларни англатади. Мазкур маънолардан англашиладики, принцип сўзининг умумий негизида бирор нарсанинг асоси, илдизи ва умумий бирлиги деган маъно ётади.

Олимлар томонидан принцип тушунчасига турлича қарашлар мавжуд. Масалан, В.В.Ярков фикрича, принцип тушунчаси тарихий категория ҳисобланиб, у кўпроқ фуқаролик жамияти ва процесси билан узвий боғлиқдир¹. Унинг қарашига кўра, принциплар инсониятни маданий бошқаришнинг бир элементи ҳисобланиб, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқаролик жамияти, қонун устуворлиги, тенглик, мустақиллик ва ихтиёрийлик каби бош ғояларни ўзида акс эттириши лозим.

Фикримизча, ушбу олимнинг қарашларига қисман қўшилиш мумкин, чунки принциплар ҳақиқатда ўзида бош ғояларни акс эттириши лозим. Бироқ принцип жуда кенг тушунча ҳисобланиб, уларнинг маъноси маълум бир фан ёки соҳада турлича бў-

лиши мумкин. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, ҳуқуқий принцип тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳуқуқий принцип ўзида ҳуқуқ тизимининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши жараёнини қўллаб-қувватловчи асосий ғоялар ва бошланғич нуқталарни акс эттирувчи алоҳида бир институт ҳисобланади. Умумий қоида сифатида дастлаб ҳуқуқда вужудга келган умумий қоидалар принципларга айланиши мумкин. Масалан, ибтидоий даврда ўлжанинг жамоа аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши принцип сифатида эмас қоида сифатида шаклланган, кейинчалик мазкур ҳолат ҳуқуқда тенглик принципининг вужудга келишига сабаб бўлган деб ҳисоблашимиз мумкин.

Ҳуқуқий принциплар тушунчаси борасида ҳам олимлар ўртасида мунозарали фикрлар мавжуд. Айрим ҳуқуқшунослар принциплар норматив жиҳатдан қонунда мустақамлангандан сўнггина ҳуқуқий принцип мақомига эришади деган фикрларни илгари суради. Бошқа бир олимлар эса ҳуқуқий принциплар умумий тан олинган ва адолат қоидаларига мос бўлса, шунинг ўзи уларни ҳуқуқдаги принциплар деб тан олишга етарли деб таъкидлашади.

Фикримизча, умумий тан олинган ва адолат қоидаларига мос бўлган принципларни ҳуқуқий принциплар деб эътироф этиш етарли. Шу билан бирга-



ликда уларни ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттириш уларнинг қонунчиликда кенг қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин.

Хусусан, В.М. Семеновнинг фикрига кўра, ҳуқуқий тамойиллар – раҳбарий ғоялар сифатида қонун билан мустаҳкамланган адолат асосларидир. Бироқ олим принциплар дастлаб инсонлар онгида пайдо бўлиши, жамиятнинг миллий ва тарихий тараққиётида синалиши кейинчалик ҳуқуқий тамойил сифатида шаклланиши лозимлигини алоҳида эътироф этади².

Даврлар ўтиши билан ҳуқуқнинг ривожланиши натижасида принциплар ҳам махсуслашиб, деярли барча ҳуқуқ соҳалари ҳамда институтларида ўз ўрнини эгаллай бошлади. Масалан, ҳозирги миллий қонунчилигимизда ҳам конституциявий ҳуқуқ, жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида ҳуқуқий принциплар тўлиқ ўз аксини топган.

Шу жиҳатдан прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда ҳам зарурий принципларни шакллантириш доим долзарб аҳамият касб этган. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонун³нинг 5-моддасига кўра, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошқоралик ҳисобланади.

Мазкур илмий мақолада прокуратура органларининг амалдаги принципларининг мазмун-моҳиятига эмас, балки ҳозирги ижтимоий муносабатлар ҳамда янги вужудга келаётган ҳуқуқий макон талабларидан келиб чиқиб, прокуратура органлари фаолиятида профессионаллик ва компетентлилик принципини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизмати фаолиятида профессионалликка эришиш ва фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлат бошқаруви ва хўжалик функцияларини биргаликда олиб бориш амалиётидан воз кечиш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли

даражада таъминланмаётганлигига, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлигига олиб келаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонлар, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга қонун ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Шу жиҳатдан 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги 788-сонли қонун⁴и қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 5-моддасида давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари қаторида профессионаллик ва компетентлик принциплари ўз аксини топди. Мазкур ҳолат ҳозирги даврда давлат хизматчиси фаолиятида профессионаллик ва компетентлик алоҳида аҳамият касб этаётганлигини билдиради.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилингунга қадар ҳам давлат хизматини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5843-сонли фармон⁵и қабул қилинган эди.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди ҳамда у давлат органлари ва ташкилотларида ходимлар фаолиятини ҳам профессионал асосда ташкил этилишини таъминлаш, бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул орган этиб белгиланди.

Шунга қарамасдан, фармонда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларидаги ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат давлатнинг махсус хизмати ҳисобланиши ва алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгилаб қўйилди.

2 Семенов В.М. Конституционные принципы гражданского судопроизводства. – М: Юридическая литература, 1982. – С. 28.

3 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон.

4 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.08.2022 й., 03/22/788/0723-сон.

5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5843-сонли фармон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 06/21/6256/0636-сон.



Бироқ фармонда белгиланган аксарият нормаларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш, ходимлар фаолиятини профессионал асосда шакллантириш, улар фаолиятининг самарадорлиги ва компетенциясини баҳолашда асосий мезон сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилонга ҳамда объектив баҳолаш асосида энг муносиб ва қобилиятли шахсларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия тамойилини қўллаш;

кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, прокуратура органлари ходимлари учун хизмат карьерасининг лавозим поғоналаридан босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи “карьер модели”ни жорий этиш;

номзоднинг барча фазилатлари ва устунликларини, шу жумладан, унинг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик сифатларини объектив баҳолаш имконини берадиган очиқ мустақил саралаб олиш тизимини яратиш;

республика, тармоқ ва ҳудудий даражаларда профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш;

прокуратура органлари ходимларини бошқаришда ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ходимлар учун ижтимоий кафолатлар, шунингдек, уларни ўз касб маҳоратини ва фаолият самарадорлигини ошириш учун рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини жорий этиш.

Фикримизча, юқоридагиларни прокуратура органларида тўлиқ жорий этиш орқали малакали кадрлар тизимини шакллантириш ва хизматни профессионал жиҳатдан янада такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Шу ўринда дастлаб давлат хизматчиси фаолиятининг таркибий қисми сифатида компетенцияларнинг мазмуни ва назарий асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада фанда турлича ёндашувлар шаклланганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, мамлакатимиздаги олимлардан А.Холовнинг фикрича, шаклланган ва маълум меъёр даражасида намоён бўлувчи касбий билим, малака,

тажриба ва мотивациянинг мураккаб, яхлит шакли компетенция деб аталади ва маълум жиҳатдан инсоннинг касбий етуқлигини англатади.

Олимнинг қайд қилишича, давлат хизматчисининг касбий компетенцияси қуйидагиларни қамраб олади:

билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятига тегишли вазифаларини бажариш ва масалаларини ечишда муваффақиятли фаолият юритиш қобилияти;

ўз соҳасини мукамал билиши;

ўз соҳасига янгилик киритиш;

ўз устида ишлаши, ўзини танқидий баҳолаш⁶.

Мамлакатимиздаги яна бир таниқли олим Р.Самаровнинг фикрича, компетентлик бошқарув жараёни билан узвий боғлиқдир.

Олимнинг қайд қилишича, давлат хизматчисининг компетентлиги қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

мотивацион компонент – ишлаб чиқаришда инновацияларни татбиқ этишга тайёр туриш;

когнитив компонент – касбий фаолиятда янгича ёндашувлар, соҳага оид янгиликларни амалиётда татбиқ этиш технологияларини ўзлаштириш;

операционал компонент – касбий фаолиятда илм-фан ва технология соҳасига оид янгиликларни жорий этиш;

рефлексив компонент – ходимнинг ўз касбий фаолиятини онгли таҳлил қилиш, жараёнлар таҳлилин аналга ошириш, фаолият босқичларини танқидий идрок этиши⁷.

МДҲдаги олимлардан С.М.Климовнинг фикрича, давлат хизматчиларининг компетентлиги ва фаолият самарадорлигини баҳолаш инсон капиталининг таркибий қисмларини ташкил қилади⁸.

Қайд этиб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолиятининг тубдан ислоҳ қилиниши ва фаолиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир халқаро стандартларнинг жорий қилиниши прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириб бориш билан биргаликда ходимлар фаолиятида юқори даражада профессионалликни талаб этмоқда.

Прокуратура органларида кадрлар билан ишлаш борасидаги фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бу шубҳасиз, прокуратура органлари ходимларининг компетентлигини шакллантириш билан боғлиқдир.

6 Холов А. Давлат бошқарувида “ақлли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтиш масалалари//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2019-yil. 105-106-betlar.

7 Самаров Р. Миллий кадрлар сиёсати тизимида раҳбар кадрлар: компетенциявий ёндашув//“Давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат кадрлар сиёсати: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент. 2019 й. 143-бет.

8 Климов С.М. Интеллектуальные ресурсы общества. – СПб. : ИВЭСЭП, Знание, 2002. – 199 с.



Прокуратура органларига юклатилган вазифаларнинг кенг қўламли эканлиги, соҳада қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурияти, жиноятчиликка қарши курашда замонавий ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши ҳамда судларда прокурор ваколатини таъминлашда тортишувчилик тамойилларининг мустаҳкамланиб бориши ходимларнинг компетентлик даражасини тобора ошириб боришни тақозо қилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Бу борада ҳуқуқшунос олим И.В.Енанинг фикрича, прокуратура органлари ходимларининг компетентлиги қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- соҳавий билимлар;
- амалий кўникмалар;
- этик ва ахлоқий қадриятлар;
- эмоционал-руҳий ҳолат⁹.

Шу боисдан прокуратура тизимида инсон капиталининг профессионал асосда самарадорлигини ошириш тобора долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолиятини демократлаштириш, ходимлар меҳнатини оптималлаштириш ва кадрлар мотивациясини оширишда ходимларнинг билими ва малакасини ошириш, соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тизимда кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйишда уларнинг интеллектуал салоҳияти, аҳоли билан мулоқот қилиш лаёқати каби жиҳатлар биринчи ўринга чиқарилди¹⁰.

Ҳар бир давлат хизмати каби прокуратура органларида ҳам хизматга қабул қилгандан сўнг ходимлар фаолияти самарадорлигини доимий баҳолаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органлари тизимида ходимларнинг компетенциялари ва фаолият самарадорлигини баҳолаш институти ҳам бугунги кунда давлат хизматининг таркибий қисми сифатида доимий равишда ижтимоий-сиёсий жараёнларда ривожланиб келмоқда.

Бугунги кунда прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун¹¹ининг 43-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори белгилайдиган тартибда аттеста-

циядан ўтказилмоқда.

Шунингдек, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурорлар фаолиятини баҳолаш келтириб ўтилган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, шунингдек вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг фаолияти тегишли юқори турувчи прокурорлар томонидан уларнинг ваколат муддати давомида камида икки марта комплекс ўрганиб чиқилади. Шунингдек, мазкур модда ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокурорнинг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғ¹²и қабул қилинган. Ушбу буйруқ билан прокурорлар фаолиятини комплекс текширишда ўрганиладиган масалалар алоҳида белгилаб қўйилган ва фаолият самарадорлигини баҳолаш мазкур жиҳатларга эътибор қаратилган ҳолда олиб борилади. Шунингдек, прокурорлар фаолиятини комплекс текшириш натижалари қоида тариқасида Бош прокуратуранинг ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритилади.

Прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари: қонунийликнинг ҳолати ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминланиши ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур норма билан ўз фаолияти даврида тегишли ҳудудда қонунлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини таъминлаб бера олмаган шахслар прокурор лавозимига такроран кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Юқоридаги моддадан кўриниб турибдики, агар прокурорлар фаолияти самарадорлиги паст кўрсаткични қайд этса, улар ўз мансабларида фаолиятини давом эттира олмайди.

Шунга қарамасдан “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда баҳолаш фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорларининг фаолиятига татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Дастлабки тушунишга кўра, мазкур норма орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг марказий маҳкама-сида фаолият олиб борувчи ходимлар, шунингдек қуйи тизимлардаги прокурор лавозимида ишла-

9 Ена И.В. Составляющие профессиональной компетентности прокурора и вопросы повышения её уровня // Борьба с преступностью: теория и практика: материалы Международной научно-практической конференции (Могилев, Республика Беларусь, 25 марта 2016 г.). С. 85- 88.

10 Қирғизбоев М. Маъмурий ислохотлар: Миллий давлат бошқаруви тизими модели// “HUQUQ va BURCH”.Т. 3/2019. 17-бет.

11 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон.

12 Бош прокурорнинг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида” 172-сонли буйруғи.



майдиган ходимларнинг фаолият самарадорлиги баҳоланмайдигандек кўринади.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги 2036-сонли қарори билан тасдиқланган Низом¹³нинг 14-бандида бутун прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари келтириб ўтилган. Низом талабларига асосан прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини уларга юклатилган хизмат вазифалари доирасида баҳолашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишининг таъминланганлиги;

қонунбузилишларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш чораларининг таъсирчанлиги;

қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назоратнинг самарадорлиги ва тўлаллиги;

қонунбузилиши ҳолатлари ўз вақтида ва тўлақонли фош этилганлиги ва қонунларни бузган шахслар аниқланганлиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланганлиги;

судларда жиноят ишлари кўрилишида давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишлари ва иқтисодий судларда ишлар кўриб чиқилишида прокурор иштироки самарадорлиги, шунингдек, қонунга зид бўлган суд қарорларига ўз вақтида протест келтирилганлиги;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш борасидаги ишларнинг самарадорлиги ҳисобланади.

Демак, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўриниб турибдики, Республикада прокуратура органларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда, буни учун ҳуқуқий асослар бор.

Шунингдек, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқларида ҳам муайян соҳадаги прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари белгилаб берилади. Мазкур соҳавий буйруқлар асосида прокуратура органларида мавжуд бўлган тармоқларда фаолият олиб бораётган ходимлар фаолиятига баҳо бериш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ходимларининг фаолиятини баҳолаш доимий йўлга қўйилган бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари “Прокуратура

тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисида”ги 2036-сонли қарори билан тасдиқланган Низом ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари ҳисобланади.

Шунга қарамасдан прокуратура органлари фаолиятида профессионаллик ва компетентлилик принцип даражасига кўтарилмаган. Бироқ ҳозирги давр талаби ва ислохотлардан келиб чиқиб, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари сифатида профессионаллик ва компетентлилик принципини акс эттиришнинг пайти келди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига юзланадиган бўлсак, собиқ СССР республикалари ичида иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ривожланган ҳисобланган Латвия давлати “Прокуратура тўғрисида”ги қонун¹⁴ининг 5-моддасида прокурор ўз хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган билимларини мунтазам равишда тўлдиришга, касбий кўникма ва малакаларни профессионал асосда ошириб боришга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Худди шундай, Грузия давлати “Прокуратура тўғрисида”ги қонун¹⁵ининг 5-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий принциплари қаторида профессионаллик ва компетентлилик келтириб ўтилган.

Юқоридаги назария ва қонунчилик таҳлилларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига қуйидаги нормани қўшимча сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир:

“Прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларини профессионал асосда ва юксак касб этика қоидаларига амал қилган ҳолда такшил этадилар.

Прокуратура органларида хизматга кириш, хизматни ўташ даврида барча фуқароларга тенг имкониятлар яратилади, тегишли рағбатлантириш ҳамда имтиёзлар ижтимоий адолат принципларига мос равишда ходимнинг профессионаллик ва компетенцияси даражасига мувофиқ белгиланади.

Прокуратура органларида хизматга қабул қилиш ва ходимларнинг хизмат поғоналарида кўтарилиб бориши уларнинг шахсий, касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида амалга оширилади”.

#

13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ-2036-сонли қарори.

14 www.saeima.lv/lv/likumdosana/likumdosanas-datu-baze.

15 www.parliament.ge.



Аброр АКБУТАЕВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
бўлим бошлиғи
Алимардон АҲМАДОВ,
Бектемир тумани прокурорининг ёрдамчиси,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти

«CRIMINAL ASSETS» ЁКИ «ЖИНОЙ АКТИВ»НИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада жиноий фаолият натижасида орттирилган, жиноят предмети ҳисобланадиган ёки бошқа жиноят содир этиш натижасида қўлга киритилган, гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумларга, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга тегишли, давлатга ва жабрланувчиларга қайтарилиши лозим бўлган ҳар қандай кўринишдаги моддий қимматликларнинг таърифи, уларнинг процессуал ҳолати, “жиноий активлар” тушунчаси, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мазмун-моҳияти ҳамда бу борада олимларнинг назарий қарашлари ёритилган.

АННОТАЦИЯ. В статье определены определение и процессуальный статус материальных ценностей любого рода, приобретенных в результате преступной деятельности, явившихся предметом преступления или приобретенных в результате совершения иного преступления, принадлежащих подозреваемым, обвиняемым, подсудимым и осужденным, как а также иные юридические и физические лица, которые подлежат возврату государству и потерпевшим. Кроме того, освещается понятие «преступные активы», его содержание в международно-правовых документах и теоретические взгляды ученых на этот счет.

ABSTRACT. The article defines the definition and procedural status of material values of any kind, acquired as a result of criminal activity, considered the subject of a crime or acquired as a result of committing another crime, belonging to suspects, accused, defendants and convicts, as well as other legal entities and individuals, which must be returned to the state and victims. In addition, the concept of “criminal assets”, its content in international legal documents and the theoretical views of scientists in this regard are highlighted.

Калит сўзлар: жиноий фаолият, жиноят предмети, гумонланувчи, айбланувчи, айбдор, актив, жиноий актив, процессуал мақом.

Ключевые слова: : преступная деятельность, объект преступления, подозреваемый, обвиняемый, виновный, актив, преступный актив, процессуальный статус.

Key words: criminal activity, object of crime, suspect, accused, guilty, asset, criminal asset, procedural status.

Сўнги йилларда иқтисодийнинг глобаллашуви, Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан нафақат сиёсий, балки иқтисодий ҳамкорлигининг ривожланиши, мамлакатимизнинг тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларининг чет давлатларда мол-мулкларга эга бўлишларига имконият яратмоқда.

Иқтисодий ривожланиши билан бир вақтда жамиятдаги товар-пул муносабатлари, молия соҳасига таҳдид солаётган давримизнинг муаммоларидан бири – бу жаҳон молия тизимининг криминаллашув жараёни бўлиб, бу ўз навбатида иқтисодий хавфсизликка ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бу ҳолатлар капиталнинг мамлакат ҳудудидан ноқонуний чиқиб кетиши, уюшган жиноятчилик, экстремизм, терроризм, коррупция, иқтисодий жиноятлар, гиёҳвандлик моддалари ва одам савдо-

си ҳамда бошқа жиноятларнинг молиялаштириши каби ўта хавфли унсунларни ўз ичига олиши ҳам мумкин.

Кўп йиллар давомида дунёда жиноий фаолиятдан олиниб легаллаштирилган даромадлар ҳар йили жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2 дан 5 фоизигача ёки пул шаклида 800 миллиарддан 2 триллион АҚШ долларигача бўлган¹.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, тахминан 1-1,6 триллион АҚШ доллари оффшор зоналар ва йирик молия марказлари ҳисобланган хорижий юрисдикцияларга уларни яшириш, улардан жиноий йўл билан фойдаланиш ва қонуний иқтисодий муомалага киритиш мақсадида ўтказилган².

Ривожланаётган мамлакатлар ҳар йили порахўрлик, маблағларни ноқонуний ўзлаштириш ва бошқа коррупцион жиноятлар туфайли 20 дан 40 миллиард АҚШ долларигача маблағ йўқотиша-

1 Asset Recovery Handbook. A Guide for Practitioners. Jean-Pierre Brun, Larissa Gray, Clive Scott, Kevin M. Stephenson. Ngozi N. Okonjo-Iweala. Managing Director, The World Bank, Yury Fedotov Executive Director, UNODC. Preface. <https://star.worldbank.org/sites/star/files/Asset%20Recovery%20Handbook.pdf>.

2 Stolen Asset Recovery Initiative: Challenges, Opportunities and Action Plan // [Электрон ресурс]. (мурожаат қилинган вақти: 18.07.2023). <https://documents1.worldbank.org/curated/en/84673146833834772/pdf/438540WP0Box327377B0Star01PUBLIC1.pdf>

ди. Коррупциядан тушган даромадларнинг катта қисми жаҳон молия марказларида “хавфсиз бош-пана” топади. Бу жинойий оқимлар дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларини янада қашшоқлашишига олиб келади ҳамда иқтисодий ривожланиш дастурларининг самарасини йўқотади. Жабрланганлар орасида таълимга муҳтож болалар, давола-нишга муҳтож беморлар, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барча аъзолари бор. Улар аслини олганда давлат маблағлари ўзларининг ҳаётларини яхшилаш учун сарфланаётганига ишонч ҳосил қилишни истайди³.

Шу билан бирга, Европолнинг 2021 йилдаги оғир ва уюшган жиноятчилик таҳдидини баҳолаш на-тижаларига кўра⁴, Европа Иттифоқига аъзо дав-латлар ҳудудида фаолият юритаётган жинойий гу-руҳларнинг етмиш фоизи иттифоқнинг учдан ортиқ давлатида фаол бўлиб, олтмиш беш фоизи аҳолиси нисбатан кўп давлатлар ҳисобига тўғри келади.

Уюшган жиноятчилик асосан даромад ортти-ришга қаратилади, Европа Иттифоқи давлатла-рида унинг ҳар йилги ўртача даромади 139 мил-лиардни ташкил этади. Мазкур даромадлар уюш-ган жиноят, шунингдек терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик моддалари савдоси, коррупция ва бошқа жиноятларни келгусида молиялаштирили-шига, гуруҳларнинг тобора давлат ва иқтисоди-ётнинг ичига кириб боришига имконият яратади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ле-галлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи томони-дан Ўзбекистон Республикасининг жинойий фао-лиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини баҳолаш бўйича 2022

йилдаги ҳисоботига кўра, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг катта иқтисодий марказларидан ҳисоб-ланади, улкан фойдали қазилма бойликларига эга ва уларни қазиб олиш имкониятлари мавжуд⁵.

Ўзбекистонда 2018-2019 йилларда ўртача ҳи-собда йилида 100 тонна атрофида соф олтин қа-зиб олинган бўлиб, мамлакатимиз ушбу кўрсаткич бўйича жаҳонда 11-ўринда туради⁶.

Ўзбекистоннинг савдо ҳажми бўйича энг йирик ҳамкорлари Хитой, Россия, Туркия ва Қозоғистон ҳисобланган⁷.

Евроосиё гуруҳи томонидан Ўзбекистон Респуб-ликасининг жинойий фаолиятдан олинган даромад-ларни легаллаштириш, терроризмни молиялашти-риш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни мо-лиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини баҳолаш бўйича 2022 йилдаги ҳисоботига кўра, Ўз-бекистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан 2016-2020 йилларда хорижий давлат-ларга 800 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда-ги активларни аниқлаш ва хатлаш масалаларида халқаро-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида 24 та сўров юборилган⁸.

Қайд этилган ҳисоботга кўра, Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда жаҳон молиявий мар-казларидан ҳисобланмайди,⁹ шу каби сабабларга кўра пул маблағлари, бошқа мулк ва активлар на-тижасида олинган моддий қимматликлар мамла-катга эмас, балки унинг ташқарисига турли йўл-лар билан олиб чиқиб кетилиши хавфини янада орттириши мумкин.

Шу ўринда “агар давлат миллий иқтисодиётнинг криминаллашув даражасини пасайтириш чорала-рини кўрмаса, у аслида капиталнинг четга чиқи-ши учун шароитлар яратади”¹⁰ – деб В.И. Глотов ва Ю.И. Немцовлар айни ҳақиқат бўлган фикрлар-

3 Stolen Asset Recovery Initiative: Challenges, Opportunities and Action Plan // [Электрон ресурс]. (мурожаат қилинган вақти: 18.07.2023). <https://documents1.worldbank.org/curated/en/84673146833834772/pdf/438540WP0Box327377B0Star01PUBLIC1.pdf>

4 An official website of the European Union. https://home-affairs.ec.europa.eu/policies/internal-security/organised-crime-and-human-trafficking/confiscation-and-asset-recovery_en/ (мурожаат қилинган вақти: 08.06.2023).

5 Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евро-осиё гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молия-лаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини баҳолаш бўйича 2022 йилдаги ҳисоботи. Б-22.

6 Global mine production by country | World Gold Council. (Мурожаат қилинган сана: 05.05.2023)

7 <https://api.stat.uz/api/v1.0/data/tashqi-savdo-export-mamlakatlar-boyicha?lang=ru&format=xlsx>. (Мурожаат қилинган сана: 05.05.2023)

8 Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евро-осиё гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молия-лаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини баҳолаш бўйича 2022 йилдаги ҳисоботи. Б-104.

9 Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евро-осиё гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молия-лаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини баҳолаш бўйича 2022 йилдаги ҳисоботи. Б-22.

10 В.И.Глотов, Ю.И.Немцов. К вопросу вывода капиталов из экономики России на современном этапе // Россия табиий фанлар акаде-миясининг Ахборотномаси. 2015. № 6. Стр.-32. <https://raen.info/upload/000/vestnik/2015/6/29-33.pdf>. – (Интернет ресурс тўғрисида маълумот киритилди).





ни берганлар.

Дарҳақиқат, жиний фаолиятга барҳам бериш ва унинг олдини олишда уларни молиялаштириш манбааларидан маҳрум этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ бугунги кунда миллий қонунчиликда “жиний активлар”нинг ўзи нималиги, мол-мулкни жиний актив деб топиш, уни келиб чиққан давлатига қайтариш бўйича етарли даражада норматив ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги, шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик бўйича зарур инструментлар тўлиқ шакллантирилмаганлиги жиний активларни мамлакатга қайтаришда бирмунча қийинчиликларни юзага келтиради.

“Жиний актив” тушунчасини тўғри белгилаб олиш, жиноят оқибатида етказилган зарар ёки жиноятга алоқадор бўлган ҳар қандай кўринишдаги мол-мулкни қайтариш орқали жиноятчиликка қарши курашиш, олдини олиш, уни сармоядан маҳрум қилиш, жабрланганларнинг ҳуқуқларини том маънода тиклаш, жамиятнинг фаровонлигини таъминлаш, умуман олганда адолатли ҳуқуқий давлат қуришда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий қонунчиликда “жиний активлар” тушунчаси ёритилмаган бўлса-да, ўзаро боғлиқ бўлган айрим тушунчаларнинг таърифларини кўриб чиқишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сонли фармони¹¹ ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 4112-сонли қарори¹² ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида дастлаб давлат мулки сифатида “Давлат активлари” жумласи қўлланилди.

Актив (лот. луғавий маъноси *activus* — фаол, таъсирчан, ишчан) — 1) бухгалтерия балансининг чап қисми, корхонанинг муайян санада ва пул ифодасида барча воситаларини, уларнинг таркиби ва жойлашувини (асосий фондлар, айланма воситалар, пул воситалари, капитал сарфлар, қарздорлик талабномалари ва бошқалар) акс эттиради;

2) корхона ёки ташкилотнинг мулки ёки ресурслари (бино, машина, нақд пул, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар)¹³.

Кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги фундаментал асосларни шакллантиришда универсал хусусиятга эга бўлган Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1988 йилдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (Вена конвенцияси) алоҳида ўрин эгаллайди. Конвенцияда иштирокчи давлатларнинг жиний даромадларнинг бошқа шаклларга ўтказилиши ва ҳаракатланишининг олдини олиш бўйича комплекс чоралар кўриш мажбуриятларига оид қоидалар ишлаб чиқилган.

Ҳужжат нафақат гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласи соҳасидаги қилмишларни жиний жавобгарликка тортишни кенгайтирди, балки давлатлар ва уларнинг ваколатли органларини халқаро қидирув, мол-мулкни “музлатиш”, қамоққа олиш, жиний фаолият натижасида олинган пул маблағлари, бошқа мол-мулк ва мулкни мусодара қилиш бўйича ҳамкорлик соҳасида сезиларли даражада яқинлашишига ҳам таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб Вена конвенциясига кўра, “мулк” атамаси ҳар қандай моддий, номоддий, кўчар, кўчмас активларни, шу жумладан, бундай активларга бўлган ҳуқуқни, бевосита ёки билвосита олинган ёки сотиб олинган ҳар қандай мулк ёхуд уларда иштирокчи тасдиқловчи ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатларни англатади.

Юқоридаги халқаро-ҳуқуқий қоидалар 1999 йилдаги Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги универсал халқаро конвенция¹⁴да ҳам ишлаб чиқилган. Ушбу шартномага кўра, “маблағлар” деганда ҳар қандай активлар, бундай активларга бўлган ҳуқуқ ёки уларда улуш шартларида иштирок этиш, шунингдек ҳужжатлар, шу жумладан уларнинг электрон ёки рақамли шакллари тушунилади. Шу билан бирга, жиний фаолият натижасида олинган ёки бошқа йўл билан қўлга киритилган маблағларга мурожаат қилиш учун конвенция инглиз тилида “даромад” деган маънони англатувчи “proceeds” махсус атамасини киритди.

Булардан ташқари, жиний активларнинг чет

11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5630-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4160392>.

12 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4112-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4143554>.

13 <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/aktiv-uz/>. (Мурожаат қилинган вақти: 05.05.2023)

14 Бирлашган миллатлар ташкилотининг Терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида халқаро конвенцияси. <https://lex.uz/docs/2123740>.



элда ҳаракатланишига қарши курашиш ва уларни келиб чиққан мамлакатларига БМТ универсал конвенциялари даражасида қайтариш соҳасида халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиришнинг мантқиқий давоми бўлган 2000 йилдаги Палермо конвенцияси халқаро ҳуқуқ тарихида биринчи марта кун тартибига глобал коррупцияга қарши умумий кураш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни хатлаш ва мусодара қилиш масалаларини киритди.

Хусусан, “мулк” атамаси моддий ва номоддий шаклдаги, кўчар ва кўчмас, мулкда ёки унга бўлган ҳуқуқда ифодаланган, бирон-бир мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёхуд тегишлилик муносабати акс эттирув ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ифода этувчи ҳар қандай шаклдаги ресурслар сифатида ёритилди. “Жиноятдан олинган даромад” термини эса бевосита ёки билвосита жиноят содир этиш натижасида қўлга киритилган ҳар қандай шаклдаги мол-мулк сифатида таърифланди.

“Жиноий активлар”ни келиб чиқиш мамлакатига қайтариш масаласи тарихда илк бор Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенциясида¹⁵ қўлланилди. Мазкур конвенция яна шуниси билан аҳамиятлики, унинг мақсадларидан бири коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан, активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Унга кўра, “мол-мулк” деганда ҳар қандай моддий ёки номоддий, кўчмас ва кўчар активлар, буюмлар ёки ҳуқуқлар орқали ифодаланган активлар ҳамда бундай активларга мулк ҳуқуқни ёхуд уларнинг муносиблигини исботлайдиган юридик ҳужжатлар ёки далолатномалар каби ҳар қандай активлар, “жиноий даромадлар” деганда бирон жиноятни содир этиш натижасида бевосита ёки билвосита, харид қилинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулк назарда тутилади.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “жиноий активлар” тушунчаси тўғридан-тўғри ёритилмаган бўлса-да, хорижий адабиётлар ва интернет нашрларда бу термин “criminal assets” ёки “stollen assets”¹⁶ деб юритилиб, ўзбек тилида “жиноий активлар”, “талон-торож қилинган активлар” маъноларини беради.

Миллий қонунчиликда эса Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар - жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк деб белгиланган¹⁷.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 402-сонли қарорининг 22-бандида, “активларни қайтариш” жумласидан фойдаланилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари белгиланган тартибда хорижий давлатлар ваколатли органлари билан активларни қайтариш бўйича боғловчи шахслар тармоқларидан фойдаланган ҳолда мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш масалалари бўйича маълумотлар алмашиш борасида ишларни амалга оширишлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида “жиноий активлар” тушунчасини очиқ беришга хизмат қилиши мумкин бўлган элементларни кўришимиз мумкин.

Масалан, Жиноят кодексининг 243-моддасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

15 Бирлашган миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. <https://lex.uz/docs/1461329>

16 Asset Recovery Handbook. A Guide for Practitioners. Jean-Pierre Brun, Larissa Gray, Clive Scott, Kevin M. Stephenson. Ngozi N. Okonjo-Iweala. Managing Director, The World Bank, Yury Fedotov Executive Director, UNODC. Preface. <https://star.worldbank.org/sites/star/files/Asset%20Recovery%20Handbook.pdf>;

17 Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/283717>.



Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига кўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроли мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади.

Назарий жиҳатдан эса юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Б.П.Зокиров ўзининг диссертациясида “жиноий актив” тушунчасига – “мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек, бундай мулкни ишлатишдан олинган ҳар қандай фойда, тўлиқ ёки қисман бошқа мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган ёхуд ушбу мулкларга бўлган ҳуқуқни ифодаловчи ҳужжатлар, актлар” деб таъриф берган.

Чет эллик олимлардан О.Р.Корзун, Д.Я.Примаков, М.М.Шигрева “жиноий актив” тушунчасига таъриф бермаган бўлсаларда, бу терминни коррупцион фаолият натижасида талон-торож қилинган давлат маблағларини қайтариш жараёни билангина боғлашган¹⁸.

В.В.Кудряшов эса “жиноий актив”ларни коррупция, гиёҳванд моддалар савдоси, шунингдек уюшган жиноятчилик билан боғлайди¹⁹.

Асосий мақсади Европа Иттифоқи ҳудудида ташриф буюрувчилар билан боғлиқ таҳдидни аниқлаш, ЕИ черагаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлган Европа учун электрон саёҳат ташкилоти (ETIAS) эса “жиноий активлар”га қисқача қилиб ноқонуний фаолиятдан олинган даромад, деб таъриф берган²⁰.

Юқорида кўрсатилган айрим олимларнинг “жиноий актив” тушунчасига чекланган доирадаги жиноятлар ёки маълум бир шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар бўйича қайтарилиши лозим бўлган мол-мулкка нисбатан қўлланилишига қўшила олмаймиз.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, жиноятлар бўйича жиноий фаолият натижасида олинган ҳамда жиноят қуроли ҳисобланган ҳар қандай

мол-мулк мусодара қилиниши керак²¹.

Европа Парламенти ва Иттифоқининг 2018/1805 (EU) Регламентида музлатиш ва мусодара қилиш нафақат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид активлар, балки бошқа турдаги жами 31 жиноят бўйича амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган²².

Шундай экан “жиноий актив” тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳамда кенг қамровли бўлиши лозим.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги 2004 йил 26 августдаги 660-II-сонли қонуни ҳамда юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Б.П. Зокировнинг диссертациясида келтирилган таърифга қўшилган ҳолда “жиноий активлар” ҳамда “жиноий фаолиятдан олинган даромадлар” ўзаро яқин тушунча деб ҳисобласакда, тўғри ва аниқ таъриф берилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун, шахс жиноий фаолият натижасида четдан ишлаб чиқариш заводи сотиб олди. Заводнинг даромадлари эвазига бошқа ташкилотнинг акцияларини сотиб олди. Акцияларнинг дивидентларидан бошқа даромад келтирадиган “бизнес”ни йўлга қўйди. Кўриб турибмизки, бу тугамасдан давом этиши мумкин бўлган “занжир”.

Ёки маълум бир шахснинг порахўрлик жинояти содир этиши натижасида қўлга киритган бойликлари эвазига бошқа шахснинг номига чет давлат ҳудудидан турар жойнинг ярмини, иккинчи қисмини қонуний даромадлари ҳисобига сотиб олди.

Ёки моддий жавобгарлик жуда кўп миқдорда давлат мулкни ўзлаштириши натижасида хорижий давлат ҳудудида бошқа шахснинг номига ишлаб чиқариш заводини сотиб олди. Суд терговда сотиб олинган активнинг бир қисми жиноий фаолиятдан олинган даромад эвазига олинганлиги исботланмади.

Ўз-ўзидан маълумки, юқоридаги ҳолатларда жиноий фаолиятдан олинган даромадни қайта-

18 О.Р.Корзун, Д.Я.Примаков, М.М.Шигрева. Проблема возврата незаконно нажитых активов: опыт России, Украины и зарубежных стран//М.,2016;

19 В.В.Кудряшов, Международно-правовые аспекты поиска и репатриации похищенных активов//Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения № 6. 2017

20 Европа учун электрон саёҳат ташкилоти (ETIAS). <https://www.etiasvisa.com/etias-news/new-eu-rules-criminal-assets/> (мурожаат қилинган вақти: 08.06.2023);

21 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 211-модда. <https://lex.uz/docs/111460>.

22 Regulation (EU) 2018/1805 of the European Parliament and of the Council of 14 November 2018 on the mutual recognition of freezing orders and confiscation orders. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=celex%3A32018R1805>.



ришда ноқулайликлар юзага келиб, охир-оқибат активни Ўзбекистон Республикасига қайтаришни имконсиз даражагача олиб келади.

Амалга оширилган илмий изланишлардан келиб чиқиб, “Жиноий активларни қайтариш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, унда “жиноий актив” тушунчасига “жиноят натижасида қўлга киритилган ёки суд томонидан асоссиз (келиб чиқиши номаълум) бойлик деб топилган, жиноий келиб чиқиш ёки жиноий фаолият билан боғлиқ, давлатга ёхуд жабрланувчиларга қайтарилиши лозим бўлган ҳар қандай кўринишдаги моддий қимматлик ёки фаолият”, деб таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Жиноий активларни қайтариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши:

- қонунчиликни такомиллаштиришга;
- жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга;
- чет давлатларга чиқарилган ёки олиб чиқилган мол-мулк, пул маблағлар ёки бошқа моддий қимматликларни қайтариш бўйича тизим яратилишига;
- Ўзбекистоннинг соҳадаги халқаро ҳамкорлигини ва халқаро имиджини сифат жиҳатдан янада оширишга;
- жамиятда ижтимоий адолатни тиклашга;
- “жиноий активлар”ни давлатга ва жабрланувчиларга қайтариш орқали Ўзбекистон Республикаси халқининг фаровонлигини оширишга;
- “жиноий активлар”ни ихтиёрий қайтарилишини рағбатлантиришга;
- активларни ноқонуний эгаллишига олиб келган сабаб ва шароитларнинг бартараф этилишига ижобий хизмат кўрсатади.

.....

.....



ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТМАСДАН ОЛДИН ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада ярашув институти жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал қонунчилигига киритилганидан ҳозирга қадар қўллаш доирасининг кенгайиб, такомиллашиб бораётганлиги билан биргаликда ишни судга қадар юритиш босқичида, айнан терговга қадар текширув даврида жиноят ишини қўзғатмасдан туриб ярашувни қўллашдаги мавжуд муаммолар, бу босқичда ярашув қўлланган тақдирда рўйхатга олинаётган жиноятларнинг, судланганлик ҳолатининг сезиларли камайишига эришиш мумкинлиги, шунингдек, иш ярашув асосида тугатилганидан сўнг шахснинг кейинги тақдири билан боғлиқ юзага келаётган муаммолар, уларга ечим сифатида фикрлар ва таклифлар берилган, статистик маълумотлар атрофлича таҳлил этилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье расширяется сфера применения примирения с момента его введения, возрастает потребность в примирении как решении проблемы снижения криминализации в условиях реформ в судебной системе, дальнейшего развития и либерализации смежного законодательства, широкого использования института примирения в будущем, а также его применение, расследование и обсуждение в суде проблемы и факторы в процессе, их наличие и негативное влияние на расширение сферы примирения, мнения и некоторые предложения в качестве решения проблемы даны и тщательно проанализированы.

ABSTRACT. In the article, the scope of application of the conciliation institution has expanded and improved since it was introduced into the criminal-legal and criminal-procedural legislation, and the existing problems in the application of conciliation without initiating a criminal case at the stage of conducting the case before the court, precisely before the investigation, the possibility of achieving a significant reduction in the number of convictions, as well as the emerging problems related to the future fate of a person after the case is terminated on the basis of reconciliation, opinions and suggestions are given as a solution to them, and statistical data are analyzed in detail.

Калит сўзлар: ислоҳот, жиноят иши, ярашув, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, суд-ҳуқуқ, институт, судланганлик, муаммо, таклиф, қонун, стратегия, статистика, инстанция, камчилик, шахс.

Ключевые слова: реформа, уголовное дело, примирение, доследственная проверка, дознание, следствие, судебное, учреждение, обвинительный приговор, проблема, предложение, закон, стратегия, статистика, инстанция, дефект, лицо.

Key words: reform, criminal case, conciliation, pretrial investigation, inquiry, investigation, judicial, institution, conviction, problem, proposal, law, strategy, statistics, instance, deficiency, person.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунидан бошлаб ҳозирга қадар суд ҳокимиятини фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган тизимга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституцияга киритилаётган ўзгартишларга тўхталиб, бу ислоҳотларни “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳозирги вақтда “Инсон-жамият-давлат” деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур”, дея таъкидлади. Шунингдек, Президент сўнгги йилларда Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилаётганлигини, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эр-

кинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислоҳотлар марказига олиб чиқиляётганини билдирди¹.

Янги қабул қилинган Конституциямиз эса Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мустақамлигини таъминлашда ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади, ундаги ҳар бир янги норма инсон ва унинг ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади. Шу мақсадда янги Конституциямизда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ нормалар ҳам қарийб уч бараварга кўпайди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида инсон ва унинг ҳуқуқларини кафолатлашга, унинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор институтлар такомиллашиб боришига эришилди. Мазкур такомиллашган институтлардан бири сифатида ярашув институтини кўришимиз мумкин.

1 Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқиляди-президент. -Ўзбекистон янгиликлари -Газета.uz <https://www.gazeta.uz/uz/2022/12/07/constitution/>



Ярашув институти жорий этилганидан бугунги кунга қадар мамлакатимизда айнан шу соҳани ривожлантириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида қатор Президент фармонлари, Олий суд пленуми қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланиб, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят қонунчилигини, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилди².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг мантиқий давоми бўлди³.

Мазкур Тараққиёт стратегиясида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар билан бир қаторда, амалга оширишга қаратилган бир қанча мақсадлар белгилаб қўйилди⁴.

Жумладан, суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш ва низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун

зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш масалалари кенг ўрин эгаллаган.

Бундан ташқари, суд амалиётида мазкур ҳуқуқий институтнинг бир хилда қўлланилиши ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарори қабул қилиниши амалиётда ярашувни тўғри қўллашда тавфсиявий аҳамият касб этди⁵.

Айнан шу йўналишда, аввало, жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, уни инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари олий даражага қўйилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ярашув жинорий жавобгарликдан озод қилишнинг бир асоси ҳисобланиб, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини туғатишга хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида ярашув институтини қўллаш доирасининг кенгайиб бориши эса жабрланувчининг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига, тушуниб-тушунмасдан жиноят содир этган шахслар жазодан озод этилиб, тузалиш йўлига киришига, судланганлик ҳолатининг сезиларли камайишига, рўйхатга олинаётган жиноятларнинг камайишига, жинорий жавобгарликдан озод қилиш соҳасининг кенгроқ қўлланишига асос яратди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг айнан ярашув институтининг кенгроқ қўлланилиши қай даражада самарали эканлиги жиноят ишларини юритиш жараёнларида ўз аксини топмоқда.

Жиноят-ҳуқуқий томондан қараганда ярашув жинорий этилган 2001 йилда Жиноят кодексига 26 та моддада келтирилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўллаш мумкин бўлса, айни дамда Жиноят кодексининг 44 та моддасида назарда тутилган 60 та жиноят таркиби бўйи-

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сонли фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.11.2021 й., 06/21/26/1111-сон.

4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

5 Ўзбекистон Республикаси Олий суд пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарори. — Тошкент, 2002 й. 25 октябр.



ча ярашув институтини бемалол қўллаш мумкин⁶.

Ярашув институти қўлланилиши бўйича 2016 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга назар соладиган бўлсак, бу даврда республика миқёсида тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан 177 492 нафар шахсга нисбатан 163 759 та жиноят иши ҳаракатдан тугатилган⁷.

Суд статистикасининг сўнги 5 йиллик маълумотларига кўра, ярашув 2018 йилда 8 949 та жиноят иши бўйича 9 486 нафар шахсга, 2019 йилда 6 980 та жиноят иши бўйича 7 329 нафар шахсга, 2020 йилда 7 791 та жиноят иши бўйича 8 266 нафар шахсга, 2021 йилда 12 788 та жиноят иши бўйича 13 624 нафар шахсга, 2022 йилда 14 446 та жиноят иши бўйича 15 315 нафар шахсга, 2023 йилнинг 3 ойида эса 3 490 та жиноят иши бўйича 3 752 нафар шахсга нисбатан қўлланилган⁸.

Ярашувнинг қўлланилиши оқибатида 2018 йил бошидан 2023 йилнинг 3 ойи якунига қадар 57 772 нафар шахс ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилган. Бу шахсларнинг асосий қисмини биринчи марта жиноят содир этганлар ташкил этиб, уларнинг судланган деган тамгадан қутулган ҳолда қилмишларидан тўғри хулоса қилишларига, тузалиш йўлига ўтиб, бошқа жиноят оламига кирмасликларига имкон беради десак, ҳақиқатга яқин бўлади.

Ярашув институти Жиноят кодексига киритилиб, амалиётда ўз ифодасини топган 2001-2022 йиллардаги статистик маълумотларнинг ҳар 5 йиллик даврдаги таҳлилига назар солсак, ярашув қўлланган жиноят ишлари сонига ҳам, жазодан озод этилган шахслар сонига ҳам 2011 йилдан бошлаб пасайиш юзага келганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, 2001-2005 йилларда жами 38 563 та жиноят иши бўйича 41 718 нафар шахс, 2006-2010 йилларда 62 720 та жиноят иши бўйича 68 426 нафар шахс, 2011-2015 йилларда 62 512 та жиноят иши бўйича 67 348 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлиб, охириги беш йилликда, яъни 2018-2022 йилларда 50 954 та жиноят иши бўйича 54 020 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган⁹. Таҳлил натижаларидан билишимиз мумкинки, сўнги беш йилликда ярашувни қўллаш

ҳолатлари кескин камайган.

Республикада жиноий жазоларни либераллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан айнан ярашув институтини қўллашда айрим камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бундай камчиликлардан бири сифатида ярашувни жиноят-поцессуал қонунчилигига кўра ишни судга қадар юритишнинг айнан қайси босқичида, терговга қадар текширув ёки суриштирув ва дастлабки тергов даврида қўллаган самаралироқ деган масалага қонунчилигимизда етарли ечим берилмаганлигини олишимиз мумкин.

Ижтимоий ҳавфли қилмиш тўғрисида жабрланувчи ёки бошқа фуқаролардан ариза, хабарлар келиб тушган ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг бевосита ўзи аниқлаган ҳолатларда терговга қадар текширув даврида жиноят ишини қўзғатмасдан олдин тарафларнинг етказилган зарарларни бартараф этганлиги ва бошқа сабабларга кўра ўзаро келишиб ярашган бўлишига қарамасдан айнан шу босқичнинг ўзида ярашувни қўллаш механизмнинг мавжуд эмаслиги оқибатида қатор муаммолар юзага келиб, ярашувга эришилмасдан жиноят ишининг қўзғатилишига сабаб бўлмоқда.

Амалиётда ишлаган ходим сифатида шуни айтишим мумкинки, ярашув қўлланаётган ишларнинг қарийб ярмидан кўпида тарафлар терговга қадар текширув ўтказилаётган вақтда, ҳали жиноят иши қўзғатилмасдан олдин ярашади. Лекин қонунчилигимизда айнан шу босқичда ярашувни қўллаш мумкинлигини англаувчи норма мавжуд эмас.

Ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этилганидан кейин тарафлар ўз ихтиёри билан терговга қадар текширув ўтказилаётган вақтнинг ўзида, жиноят ишини қўзғатмасдан олдин ярашганлиги муносабати билан иш ярашув институтини қўллаш натижасида тугатилган тақдирда бир қанча ижобий натижаларга эришимиз мумкин бўлади.

Суднинг статистик маълумотларига кўра, республика миқёсида 2022 йил давомида содир этилиб, рўйхатга олинган ва жиноят ишлари бўйича судлар-

6 Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 661-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

7 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001-2016 йилгача бўлган маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

8 Shukurov Jakhongir Rabbanaevich. UZBEKISTAN THE INSTITUTE OF PROBLEMS OF RECONCILIATION IN SOME KENGASHTIRISHDAGI APPLICATION RANGE. Journal of Law Research. 2022, Special issue 6, pp.113-121

9 Ўзбекистон Республикаси Олий судининг <https://stat.sud.uz/> сайтидаги жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2021 йиллар ҳамда 2022 йил биринчи чорагидаги фаолият якунларининг асосий кўрсаткичлари асосида муаллиф ишланмаси. <https://stat.sud.uz/file/2022/12-04/B9.pdf>, Шукуров Жаҳонгир Раббонаевич. (2022). Ярашув институтининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(2), 184–189. Retrieved from <https://econferenceseries.com/index.php/icmsss/article/view/388>.



да кўриб чиқилган жиноят ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами 75 078 нафар шахсга нисбатан 58 697 та жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида кўрилган. Шунингдек, 2022 йилда Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан судлар томонидан 14 446 та жиноят иши тугатилиб, 15 315 нафар шахс жазодан озод этилган.

2022 йилда биринчи инстанция судларида кўрилган 58 697 та жиноят ишининг ярашув асосида тугатилган 14 446 та жиноят иши билан таққосладиган бўлсак, ярашув асосида тугатилган ишлар биринчи инстанцияда умумий тартибда кўрилган ишларнинг 25 фоизини ташкил этмоқда.

Агарда ярашув институтини содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан жиноят ишини қўзғатмасдан олдин қўллаш тартибини амалиётга кенг жорий этсак, йил давомида ҳисобга олинаётган жиноятларни 25 фоизга камайтиришимиз мумкин экан. Йил давомида ярашув асосида тугатилган 14 446 та жиноят ишининг тенг ярми бўйича жиноят иши қўзғатилмасдан олдин, тарафлар ярашганлигини инobatга олиб иш тугатилган тақдирда ҳам ҳисобга олинаётган жиноятлар 12,3 фоизга камаяди.

Бундан ташқари, амалиётда Жиноят кодексининг 66¹-моддаси биринчи қисмида келтирилган моддаларда назарда тутилган қилмишларнинг маълум бир қисми бўйича терговга қадар текширув ўтказилаётган вақтда тарафлар етказилган зиёнларни қоплаб, ихтиёрий равишда ярашувга келган бўлишига қарамасдан уларнинг ҳисобини юритиш бўйича ҳисобот шакли жорий этилмаган. Бу ҳам ўз навбатида жиноят иши қўзғатмасдан олдин тарафлар ярашувга келган-келмаганлигини аниқ таҳлил этиш имконини бермайди.

Изданишлар даврида олинган айрим экспертларнинг фикрига кўра, амалиётда бугунги кунда ярашув қўлланаётган жиноят ишлари бўйича тарафларнинг ўзаро яқин қариндошчилик, қўни-қўшничилик ва бошқа алоқаларидан келиб чиқиб, улар жиноят иши қўзғатмасдан олдин терговга қадар текширув даврида ярашиб бўлган бўлади. Жиноят-процессуал қонунчилигимизга кўра эса ярашувни фақат ишни судга қадар юритишнинг суриштирув, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди даврида қўллаш мумкинлиги сабабли уларнинг ярашиб бўлганлигига қарамасдан ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, сўнг ярашув қўлланади.

Тадқиқот жараёнида Жиноят кодексининг 66¹-моддаси биринчи қисмида келтирилган моддаларда назарда тутилган қилмишлар юзасидан тарафлар ишни кўришнинг айнан қайси босқичида ярашувга эришганлиги моддалар кесимида таҳлил қилинди.

Экспертлар фикрига ва таҳлилларга кўра, Жиноят кодекси 105-моддасининг биринчи қисмида, 106-109-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида, 111, 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 115, 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 117-моддасининг биринчи қисмида, 121-моддасининг биринчи қисмида, 122, 123, 125-моддасининг биринчи қисмида, 126¹-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 136, 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 141¹-моддасининг биринчи қисмида, 141²-моддасининг биринчи қисмида, 148, 149, 167-моддасининг биринчи қисмида, 168-моддасининг биринчи қисмида, 169-моддасининг биринчи қисмида, 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида, 172-моддасида, 173-моддасининг биринчи қисмида, 189, 191, 192, 229, 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 257-моддасининг биринчи қисмида, 260-моддасининг биринчи қисмида, 266-моддасининг биринчи қисмида, 268-моддасининг биринчи қисмида, 277-моддасининг биринчи қисмида, 298-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс асосан терговга қадар текширув даврида, жиноят иши қўзғатилмасдан олдин ўз айбига иқрор бўлади, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган зарарни бартараф этишга рози бўлади. Бу моддаларда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар бўйича ҳам аслида жиноят иши қўзғатилмасдан олдин, текширув ўтказилаётган вақтда ярашувни қўллаб тугатиш мумкин.

Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин дейилган¹⁰. Шу кунга қадар ЖПК 84-моддаси 1-қисми 2-бандига тегишли ишларнинг тугатилишига эътибор қарата-

10 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-ИИ сон қонунига мувофиқ киритилган — Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 165-модда.
ЖР Шукуров, ГЗ Тулаганова, ДБ Базарова. Ўзбекистон Республикасида Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш. Ўқув-қўлланма.-Т: ТДЮУ нашрети, 2022.



диган бўлсак, амалиётда бу тоифадаги ишларнинг терговга қадар текширув даврида жиноят ишини қўзғатмасдан олдин тугатилганлигини кўришимиз мумкин.

Жиноят ишини қўзғатмасдан олдин ишни тугатиш ярашув билан боғлиқ ишларга нисбатан қўлланилиши қонунчилигимизда мавжуд эмас. ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмидаги қоида ҳам жиноят иши қўзғатилгандан кейинги ҳолатларга нисбатан қўлланилишини назарда тутаяди. Гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи ЖПКга асосан жиноят иши қўзғатилганидан сўнг ишда иштирок этишга жалб этиладиган шахслардир. Терговга қадар текширув даврида текширув ўтказилаётган вақтнинг ўзиде тарафларда ярашувга хоҳишнинг мавжудлигини аниқлаб, оқибатлари тушунтирилган ҳолда жиноят ишини қўзғатмасдан туриб ярашувни қўллаш имкониятлари мавжуд бўлса-да, бу имкониятлар жиноят-процессуал қонунчилигимизда белгиланмаган.

Ярашув муносабати билан иш юритиш тугатилганда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар масаласида ҳам мунозарали ҳолатлар мавжуд. Маълумки, ярашув тўғрисидаги иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ярашув муносабати билан иш юритиш тугатилганда айбдор шахсга нисбатан судланганлик ҳолати келиб чиқмайди. Бироқ дастлабки терговда жиноят иши қўзғатилган вақтида “Аниқланган ва содир этилган жиноят учун ягона статистик карточка (шакл-1)” тўлдирилиб, мазкур стат картаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказига юборилади. Иш бўйича ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларга нисбатан эса “Жиноят содир этган шахсни ҳисобга олиш ягона статистик карточкаси (шакл-2)” тўлдирилиб юборилади. Гарчи иш Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси асосида ярашув муносабати билан тугатилиб, суд томонидан ИИБ Ахборот марказига иши натижаси бўйича “Иш-ни судда кўриб чиқиш натижаси бўйича маълумотнома-карточка (шакл-6)” жўнатилса-да, мазкур иш бўйича ўтаётган шахсларга нисбатан ахборот марказига киритилган маълумотлар сақланади. Оқибатда кейинчалик шахснинг судланган ёки судланмаганлигини аниқлаш учун ИИБ Ахборот марказига талабнома юборилса, ушбу шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, иш ярашув асосида тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот келиб чиқади. Бу маълумотлар на шахсга нисбатан жазо тайинлашда, на эҳтиёт чорасини қўллашда, на жазодан озод қилишда эътиборга олинмайди. Лекин ҳаёт жараёнида фуқароларнинг давлат хизматига ишга қабул қилинишида, шахс тақдири бўйича текширувлар

натижасидан келиб чиқиб ҳал қилиниши мумкин бўлган ҳолатларда келгуси фаолиятига салбий таъсирини кўрсатувчи муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатда ҳам иш ярашув асосида тугатилганидан сўнг юзага келаётган, шахснинг кейинги тақдири билан боғлиқ муаммоларни инobatга олиш, уларни бартараф этиш мақсадида иш ярашув билан тамомланган сўнг шахснинг шу ишда айблигини англатувчи маълумотларни ИИБ Ахборот марказидаги маълумотлар тизимидан маълум бир вақт ўтгандан сўнг бекор қилинишини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш зарур (Фақатгина тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш учун алоҳида сақлаган ҳолда).

Ярашувни қўллашдаги юқорида келтирилган муаммоларни бартараф қилиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисида келиб тушган ёки аниқланган маълумотлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказилаётган даврда тарафлар етказилган зарарларни бартараф этишга ўзаро келишиб ярашган тақдирда, жиноят ишини қўзғатмасдан туриб ярашувни қўллаш тартибини жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритиш ва жиноят ишини қўзғатмасдан туриб ярашувни қўллаш механизминини амалиётга жорий этиш.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддаси 2-қисмига асосан жиноят ярашув асосида тугатилганда жиноят такроран содир этилган деб топилмаганлиги сабабли ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир қилган муқаддам судланмаган шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги тўғрисида Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказига тегишли маълумотлар жойлаштирилганидан сўнг ушбу шахс томонидан 1 йил давомида қайта жиноят содир қилинмаган тақдирда киритилган маълумотни чиқариб ташлаш (Фақатгина тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш учун алоҳида сақлаган ҳолда).

Қонун нормаларига мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши келгусида қонунийликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ҳамда ярашув институтини кенгроқ татбиқ этиш имконини беради. Шу билан бирга, республикада йил давомида рўйхатга олинаётган жиноятларнинг ва судланган шахслар сонининг бирмунча қисқаришига эришилади.

Дилзода ДОВУДОВА,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси кафедра доценти, PhD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУД МУҲОКАМАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПРОКУРОР ФАОЛИЯТИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада жиноят процессининг принциплари тушунчаси, суд муҳокамасида прокурор фаолияти принциплари тушунчаси, моҳияти, назарий жиҳатлари ҳамда ушбу принципларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни мушоҳада қилинган.

АННОТАЦИЯ. В статье рассмотрено понятие принципов уголовного процесса, принципов деятельности прокурора в судебном процессе, понятие, сущность, теоретические аспекты и роль этих принципов в обеспечении прав и свобод человека.

ABSTRACT. In this article considers the concept of the principles of the criminal process, the principles of the prosecutor's activities in the trial the concept, essence, theoretical aspects and the role of these principles in ensuring human rights and freedoms.

Калит сўзлар: ҳуқуқий асос, прокуратура, жиноят процесси, принцип, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, прокурор, судья.

Ключевые слова: законное основание, прокуратура, уголовное процесс, принцип, права и свободы человека, прокурор, судья.

Key words: legal basis, prosecutor's office, criminal procedure, principle, human rights and freedoms, prosecutor, judge.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, шахсларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, бунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, судда ишларни юритишда тортишув тамойилининг тўлақонли татбиқ этилиши учун шарт-шароитлар яратишга қаратилмоқда.

Бу борада кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги фармони билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 52-бандида «Судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш» масалалари белгиланган¹. Унга кўра, давлат айбловчиси фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш юзасидан қонун лойиҳасини тайёрлаш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-

2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли фармонида (1-илова) қайд этилган 17-мақсадга кўра, бугунги кунда қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ислохотларнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 12-сонли фармининг 1-бандида одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси фаолиятида 2023 йил 1 сентябрга қадар “Судларда прокурор иштироки” ахборот тизимини яратилиб, дастлаб синов тарзида ишга тушириш ҳамда 2024 йилдан амалиётга тўлиқ жорий этиш белгиланди².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь кундаги “Одил судлов-

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан қабул қилинган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури 52-банди. [электрон кутубхона], қаралган вақти 26.06.2020 й. <https://lex.uz/docs/4751561>

2 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/12/0034-сон.



га эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли фармонида 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, жумладан, “Ихтисослаштирилган прокурорлар корпуси”ни ташкил қилиш ва унга “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ҳамда процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш, суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда одил судлов фаолиятининг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш, жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини фақат қонунга асосланиб, холисликни сақлаган ҳолда сифатли қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишига эришиш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда суриштирув ва тергов органлари ходимларининг амалий кўникмалари ҳамда малакасини ошириш ишларига кўмаклашиш вазифалар юклатилган.

“Ихтисослашган прокурорлар корпуси” ходими судларда кўриладиган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даъво) қўллаб-қувватлаш, ўзгартириш ёки ундан воз кечиш, шу жумладан, Жиноят кодекси нормаларини қўллаш, жазо тури ва меъёрини белгилаш масалалари юзасидан фикрини судга баён қилишда мустақил бўлиб, қонун талабларига ва ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланиши белгиланган³.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўринадики, судлар фаолиятида прокурор иштирокини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, жиноий суд ишларини юритишда прокурорлар давлат вакили сифатида намоён бўлади. Унинг билим-савияси, ўзини тутиши, процессга тайёрлиги, далилларни текширишдаги иштироки, зийраклиги иш бўйича қандай қарор қабул қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Прокуратура ходимлари юқори касбий малака ва юксак инсоний фази-

латлари билан давлат органлари хизматчиларига ўрнак бўлиши, ҳамиша адолат ва қонунийлик ҳимоясида туриши лозим”⁴.

Юридик адабиётларда давлат механизмида прокуратуранинг ўрни хусусида олимлар фикр билдириб, уни тўртга бўлинишини айтишади: биринчиси, прокуратура адлия тизимида кирувчи давлатлар; иккинчиси, маъмурий мустақилликка эга бўлган ва одил судловни амалга оширишда ваколатли бўлган прокуратурага эга бўлган давлатлар; учинчиси, ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ва парламент ёки давлат бошлиғига ҳисобдор бўлган прокуратурага эга бўлган давлатлар; тўртинчиси, прокуратура ёки унинг аналоги мавжуд бўлмаган давлатлар⁵.

Масалан, Францияда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми 1958 йилда қабул қилинган Конституция, Франция Жиноят-процессуал кодекси ва 58-1270-сонли “Суд ташкилоти ва Ординариси” номли кодекс билан белгиланади. Франция прокуратураси адлия тизимида кирганлиги сабабли прокуратура ижро ва ишни судда кўришни таъминловчи позицияга эга ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шундаки, Францияда прокурор ва судьялар бир хил процессуал мақомга эга⁶. Франция прокуратурасининг асосий вазифаси судгача бўлган босқичда терговни назорат қилиш ва судда давлат айбловини қўллаб-қувватлашдир.

Худди шу каби Испания⁷ ва Болгария⁸ давлатлари Конституциясида прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, тизими ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз Конституциясининг (янги таҳрирдаги) XXV боби прокуратура органларининг конституциявий мақоми, фаолиятига бағишланган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши қайд этилган⁹. Мазкур норма прокуратура органлари фаолиятининг асосий раҳбарий қоидадир.

Жиноий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти борасида Ўзбекис-

3 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.

4 ЎзА. <http://uza.uz/ru/politics/>. 31.01.2018 й.

5 См.: Додонов В. Н., Крутских И. Б. Прокуратура в России и за рубежом. М., 2001. С. 5.

6 И. И. Тюнина. Конституционно-правовой статус прокуратуры в России и зарубежных странах. Поступила в редакцию 13 сентября 2021 г. С. 20.

7 <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES>

8 <https://www.parliament.bg/en/const>

9 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.



тон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида¹⁰ умумий ва асосий нормалар мустақамланган.

Унда прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари қайд этилган. Айнан “Судларда ишларни кўришда прокурорнинг ваколатлари” деб номланган тўртинчи бўлимида судда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари белгиланган.

Судда жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлашнинг ягона ва мажбурий ҳуқуқий асоси – бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидир (кейинги ўринда ЖПК деб юритилади).

Амалдаги ЖПКда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, суд, суд қарорлари ижроси билан боғлиқ босқичларда прокурор ваколатлари ва уларни амалга ошириш механизмлари белгиланган.

Шунингдек, прокуратура органларининг жиний суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятининг ташкилий ва амалий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 27 ноябрдаги “Жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 126-сонли буйруғи (кейинги ўринда соҳавий буйруқ деб юритилади) билан тартибга солинади.

Соҳавий буйруқда жиноят ишлари бўйича судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатлари, соҳадаги прокурор фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари, давлат айбловчисининг фикрига қўйилган талаблар, алоҳида тоифадаги ишларни кўришда ва суд қарорларига баҳо беришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, мурожаатларни ҳал этиш, жиноят ишларини назорат тартибда ўрганиш масалалари ва бошқалар ёритилган.

Ҳуқуқий асослар жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор иштирокини амалга

оширишнинг асосий мезони ҳисобланади¹¹.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси унинг моҳияти ва мазмунини акс эттирувчи принципларга эга. Мазкур принциплар унинг мавжуд бўлиши, муайян тартибни белгилаши, ривожланиши учун асосий ўринни эгаллайди.

Ҳуқуқшунос мутахассис Б.Н.Рашидов принциплар фанда ҳуқуқнинг асосий тушунчалари, категориялари сифатида, ҳуқуқий онлар алоҳида норма сифатида мавжуд бўлади ва ривожланади деган фикрни билдиради¹².

Принциплар – бу жамиятдаги ҳуқуқнинг мазмуни, ечими ва мақсадини тавсифловчи раҳбарий қоидалардир¹³. Принциплар ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳасига хосдир, нормаларда мавжуд ва унинг асосий ҳуқуқий қоидаларини ташкил этади.

Баъзи бир манбаларда принцип «марказий тушунча, тизимнинг асоси, ҳодисаларини умумлаштириш ва тақсимлаш, асос, қоида, илмий ёки ахлоқий тамойил” деб таърифланади¹⁴. Бошқа бир манбаларда эса баъзи бир назария, таълимот, дунёқарашнинг асосий, бошланғич позицияси сифатида; ёки эътиқод, бирор нарсага қараш; бирор нарсанинг қурилмасидаги асосий хусусият сифатида келтирилади¹⁵.

Ҳуқуқшунос мутахассис Г.Тўлаганованинг таъкидлашича, “*prinsip*” сўзи лотинча “*principium*” сўзидан келиб чиқиб, унинг маъноси “асос”, “асосий омил” каби тушунчаларни англатади¹⁶. Дарҳақиқат, “Принцип” сўзи лотинча “*принципиум*” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “асос”, “қоида”, “негиз” деган маъноларни англатади¹⁷. Принцип ҳақида гапирилганда одатда асосий қоидалар, дунёқарашлар, назариялар, сиёсат ва фан тушунилади¹⁸.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ принципларини уч гуруҳга, яъни умумҳуқуқий, соҳалараро ва соҳавий принципларга ажратиш кенг тарқалган. Умумҳуқуқий принциплар барча ҳуқуқ соҳалари учун умумхарактерга эга бўлганлигини билан изоҳланади. Соҳалараро принциплар ҳуқуқ соҳа-

10 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. 29.08.2001 й. 257-II-сон [электрон ресурс], қаралган вақти 14.10.19 й. <http://www.lex.uz/acts>

11 Д.С.Довудова. Анализ теоретико-правовых основ полномочий прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах первой инстанции. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp838-850>

12 Jinoyat-protsessual huquq: Darslik / Yuridik fanlar doktori, professor M.A.Rajabova tahriri ostida (To'ldirilgan va qayta ishlangan uchinchi nashri). – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2021. – 51 b.

13 Теория государства и права: Учеб. / Под ред. В. М. Корельского, В. Д. Перевалова. М.: Норма, 2000. С. 242.

14 Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. Т. 3. М., 1982. С. 431.

15 Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. 4-е изд., доп. М.: Азбуковник, 1997. С. 595-596.

16 Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. – 44 b.

17 Русча-ўзбекча луғат. 2-том.Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. Тошкент.; 1984. –Б.215.; Гражданский процесс. Кол. Автор. –М: Спарк.1999. –С.25.

18 Гражданский процесс. Учебник. Издание третье, переработ и доп. / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. –М: ПБОЮЛ Гриженко Е.М. 2001. –С.22.



сини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган принциплар бошқа ҳуқуқ соҳаси учун ҳам амал қилади. Соҳавий принциплар ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб татбиқ этиладиган принципларни назарда тутди¹⁹.

П.А.Лупинскийнинг таъкидлашича, жиноят процесси принциплари жамиятда ҳукм сураётган сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий ғояларни акс эттирувчи объектив ҳуқуқий категориялар сифатида белгиланади²⁰.

Жиноий суд ишларини юритишда принциплар муҳим ўринга эга. М.С.Строгович принципларни жиноят процесси қурадиган энг муҳим ва белгиловчи ҳуқуқий қоидалар деб ҳисоблаш лозимлигини таъкидлайди²¹. Аксарият олимларнинг фикрича, принциплар институт босқичларини, шаклларини, мазмунини белгилайди ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг реал кафолатларини, процессуал таъсир субъекти ва усулининг энг муҳим белгиларини тавсифлайди. Демак, принциплар жиноят-процессуал ҳуқуқининг моҳияти ва мазмунини белгилайди²².

В.Т.Томин ва А.И.Зинченко жиноят процесси мақсади ва босқичига принципларнинг таъсири ҳақида фикр билдиради. Уларнинг фикрича, жиноят процесси – бу қарама-қаршиликлар йиғиндиси бўлиб, жиноят содир этган шахснинг мақсади бошқа ижтимоий қадриятлар билан жиноят қонунида белгиланган мурасага эришиш орқали амалга оширилади. Ушбу чеклашларнинг аксарияти айнан принциплар, хусусан, жиноят процессида белгиланган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида вужудга келади²³.

Б.А.Тугутовнинг фикрича, жиноят процесси ўз мазмунига кўра жиноят процесси мақсадларига эришиш учун танланган принциплар ва уларни амалга ошириш шартлари асосида шакллантирилган, мувофиқлаштирилган, ўзаро боғланган ва ягона тизимга бирлаштирилган унинг иштирокчилари ролининг мажмуидир²⁴.

Бизнинг фикримизча, жиноят процесси принциплари – бу Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган умумий принципларнинг қоидаларидан келиб чиқувчи жиноят ишларини юритишнинг хусусиятлари, характери ва мазмун-моҳиятини белгиловчи ҳамда процесс босқичларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи ҳамда ушбу босқичларга жалб этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалда таъминлашга, процесс мақсад ва вазифаларига эришишга хизмат қилувчи асосий ҳуқуқий қоидалардир.

Фикримизча, жиноят ишларини юритишда ҳам жиноят-процессуал принципларни ҳуқуқий, соҳалараро ва соҳавий принципларга ажратиш мумкин. Масалан, қонунийлик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш умумҳуқуқий, одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, иш юритиладиган тил соҳалараро, жиноят иши қўзғатишнинг муқаррарлиги, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш соҳавий принципларга кирди десак, муболаға бўлмайди.

Барча принциплар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб²⁵, улар одил судлов мақсадларига эришиш учун тенг муҳим бўлган ҳуқуқий асосларнинг яхлит мажмуини яратади²⁶. Олимларнинг фикрича, бу принциплар нафақат ягона мақсад учун хизмат қилишда ёки одил судлов олдидаги вазифаларга эришишда, балки ҳар қандай принципнинг умумий процессуал шакллари доираларида амал қилишда ҳам намоён бўлади. Уларнинг аҳамияти қуйидалардан иборат: биринчидан, улар жиноят процессининг демократлашганлиги ва инсонпарварлигини ёрқин ифода этади, унинг тузилишини ва тизимини белгилайди; иккинчидан, жиноят-процессуал меъёрлар ва айрим жиноят-процессуал институтларни янада такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади; учинчидан, жиноят процесси принципларининг амалиётда аниқ мазмунини англаш мураккаб

19 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Муаллиф жамоаси // Масъул муҳаррирлар: ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов, ю.ф.н., проф. Д.Ю.Хабибуллаев. – Тошкент. "Lesson press" нашриёти. 2020. – 36-37 б.

20 Уголовно-процессуальное право Российской Федерации / Отв. ред. П. А. Лупинская. – М., 2004. – С. 174.

21 Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса: В 3т. Т.1. –М., 1968. С.124.

22 Белоносов В.О., Колесников Е.В. Принцип законности при производстве по уголовному делу и его интерпретации КС РФ // Журнал российского права. 2004. № 5. С.51

23 Уголовный процесс. Проблемные лекции / под. Ред. В.Т.Томина, А.И.Зинченко. – М.: Изд-во. Юрайт, 2013. С.57.

24 . Функции прокурора на судебных стадиях уголовного процесса: дис.канд.наук. М., 2014. –С 22

25 Жиноят процесси (Умумий қисм): Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик (З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида). –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 82-бет.

26 Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. // Mualliflar jamoasi. / yu.f.d., dots. G.Z.To'laganova va yu.f.n., dots. S.M.Raxmonovalarning umumiy tahriri ostida –Toshkent: TDYU nashriyoti, 2016. – 44 b.



бўлган жиноят-процессуал меъёрларни шарҳлаш ва қўллашда ишончли асос ҳисобланади²⁷.

Жиноят процессида суд ишларини юритиш фаолиятининг асосий йўналишлари ва моҳиятини белгилловчи раҳбарий қоидалар принцип дейилади.

Ҳуқуқшунос олима У.А.Тухташева жиноят-процессуал қонунчилигидаги принципларга суд-тергов ишининг қонуний ва асосли ҳал этилишининг муҳим кафолати сифатида қаралишини таъкидлаган²⁸. Ф.М.Мухитдиновнинг қайд этишича, жиноят-процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган асосий принциплардан ҳар қандай чекиниш одил судловга қарши бузилиш деб ҳисобланади²⁹.

Ҳуқуқшунос мутахассис А.И.Тошпўлатов кўплаб халқаро принциплар миллий қонунчиликда ўз аксини топганлигини таъкидлаган³⁰.

Муқаддам олиб борган тадқиқот ишларимизда амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка “адолатли иш юритиш принципи”ни киритиш мақсадга мувофиқлиги, у нафақат суд ҳукмига, балки судда ишларни юритишга ҳам тааллуқли ҳисобланиши, бу эса ЖПКда белгиланган суд ҳукмининг адолатлилиги ҳақидаги талабини янада мустаҳкамлашга, жиноят процесси иштирокчилари, шу жумладан, прокурор фаолиятининг муҳим шартли бўлиб ҳам хизмат қилиши ҳақида хулоса қилган эдик³¹.

Мазкур тадқиқот ишида муқаддам тадқиқ этган ишни қўллаб-қувватлаб, унинг давомида сифатида суд муҳокамасида иштирок этаётган прокурорнинг фаолиятига тегишли бўлган принциплар хусусида тўхталмоқчимиз.

Жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор фаолияти принципларга асосланади. Принциплар жинойи суд ишларини юритишнинг моҳияти ва йўналишларининг асосини белгилаб берувчи раҳбарий қоидалардир. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Жиноят-процессуал кодексининг 2-бобида алоҳида шаклда мустаҳкамланган, шунингдек, процессуал шартлар билан матнда ёки нормада белгиланмаган бўлса-да, қонуннинг тегишли қоидалари маъносида мужассамлашган.

Шу билан бирга фикримизча, принциплар ушбу йўналишда прокурор муайян ҳаракатни амалга ошириши учун асос бўладиган ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилайди, прокурор иштирокининг

фаолият мазмунини тавсифлайди, прокурорнинг бошқа фаолият йўналишларидан фарқли ва ўзига хос жиҳатларини очиб беради.

ЖПКда белгиланган принциплар жиноят процессининг барча босқичларида прокурор ва процесснинг бошқа иштирокчилари учун мажбурий аҳамият касб этади. Масалан, қонунийлик (ЖПКнинг 11-м.), шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш (ЖПКнинг 17-м.), фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш (ЖПКнинг 18-м.), ҳақиқатни аниқлаш (ЖПКнинг 22-м.), айбсизлик презумпцияси (ЖПКнинг 23-м.), судда ишларни юритишда тортишув (ЖПКнинг 25-м.) ва ҳоказо.

Прокуратура фаолиятининг энг муҳим принципларидан бири - бу қонунийлик бўлиб, бу бир томондан унинг фаолиятининг бошқа барча принципларини амалга ошириш учун зарурий шартдир, бошқа томондан эса, давлатчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг энг муҳим воситасидир. Шу сингари ЖПКда белгиланган барча принципларнинг таъминланишига прокурор жавобгар субъект ҳисобланади.

Бироқ мазкур умумий принциплар суд муҳокамасидаги прокурорнинг процессуал ҳолати хусусиятларини ва ўзига хос жиҳатларини тўлиқ очиб бермайди.

Е.Р.Ергашев жиноят ишларини судда кўришда иштирок этаётган прокурор фаолияти хусусиятларини белгилаб берувчи қуйидаги принципларга ажратган:

- одил судловни амалга оширишга прокурор кўмаклашиши принципи – судларда жиноят ишларни тез кўриб чиқиш чораларини кўриш, судда далилларни тўлиқ ва холисона текшириш, давлат айбловини малакали таъминлаш, судга қонуний қарор қабул қилишни тарғиб қилиш, агар суд томонидан ноқонуний қарор қабул қилинганда, уни шикоят қилиш прокурор мажбуриятларидан ҳисобланади. Бу фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мазкур қайд этилган прокурор ваколатлари нафақат ҳуқуқ, балки давлат вакили сифатида мажбуриятини ўзида мужассамлаштиради;

- ихтиёрийлик принципи - унга кўра, прокурорнинг судда жиноят ишларини кўришда амалга ошираётган фаолияти судлар учун мажбурий характер

27 O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti Kengashida ma'qullangan. 2020-yil 8-sentabrdagi 1-sonli bayonnoma. Jinoyat-protsessual huquqi [Matn]: darslik. - Toshkent: Complex Print, 2020. – 33-34 betlar.

28 Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие / Автор-составитель к.ю.н. У.А. Тухташева. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2007. – 513 с. С. 21.

29 Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар. Юрид. фан. докт. автореферати. –Т., 2005 й. – 38-Б.

30 А.Тошпўлатов. Жиноят ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт. Диссер...юрид. фанлар...док (DSc). Т., ТДЮУ, 2023. Пўлатов А.С. Жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мақоми ва уни такомиллаштириш масалалари: Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ТДЮУ, 2022.

31 Д.С.Довудова. Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатини такомиллаштириш масалалари./ юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. – Тошкент.: 2020 й.



касб этмайди;

- судда жиноят ишларини кўришда иштирок этаётган прокурор ҳаракатларини билвосита амалга ошириш принципи – ишни кўришда иштирок этаётган прокурорнинг барча ҳаракатлари суднинг руҳсати билан амалга оширилади;

- жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштирокининг мажбурийлиги принципи – прокурорнинг судда барча жиноят ишларининг кўрилиши иштирок этиши мажбурийлигидир. Бундан ташқари, ноқонуний ва асоссиз суд қарорларига прокурор шикоят қилиш чораларини кўришга мажбурдир³².

Л.А.Курочкина судда прокурорнинг фаолиятига асос бўладиган бир қанча принципларни ажратади, қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, тортишув ва тенг ҳуқуқ тараф, процессуал мустақиллик, объектив ва холисоналик принципларини кўрсатган³³.

Н.В.Буланова ҳам Е.Р.Ергашев, Л.А.Курочкинанинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштироки принципларини қуйидагича кўрсатади: 1) жиноят ишларининг суд муҳокамасида кўрилишида прокурор иштирокининг мажбурийлиги; 2) ошкоралик принципи; 3) судда жиноят ишларини кўришда иштирок этаётган прокурор ҳаракатларини билвосита амалга ошириш принципи; 4) одил судловни амалга оширишга прокурор кўмаклашиши принципи; 5) процессуал мустақиллик принципи.

Шу билан бирга, Н.В.Буланова прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштирокини кўрсатувчи принциплар қаторига ошкоралик принципини киритиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган. Мазкур принципга кўра, прокурор давлат номидан айбловнинг қонуний ва асослилигини таъминлайди, жамоат манфаатларида - жамият ва давлат манфаатларида ҳаракат қилади, жиноий таъқиб ва айбдор шахсларга адолатли жазо тайинланиши, шу билан бирга, айбсиз шахсларнинг айбловидан воз кечиш, жазодан озод қилиш, ноқонуний айбдор деб

топилган шахсларни реабилитация қилиш жамоат манфаати ҳисобланади. Бу суд тергови натижасида шахснинг далиллар билан ўз исботини топганмаган тақдирда прокурорнинг айбловдан қисман ёки тўлиқ воз кечишида намоён бўлишини қайд этади.

Процессуал мустақиллик принципи – прокурорнинг далилларни текширишда иштирок этишида, жиноий ҳолат юзасидан, хусусан, жиноят қонунчилиги ва судланувчига жазони қўллаш юзасидан судга ўз фикрини билдиришида намоён бўлиши ҳақида ўз нуқтаи назарини баён этган³⁴.

Бизнинг фикримизча, олимлар Н.В.Буланова ва Е.Р.Ергашев прокурорнинг бевосита фаолиятини очиб берувчи принциплар ҳақидаги фикрларни илгари сурган, Л.А.Курочкина эса Жиноят-процессуал кодексида белгиланган барча иштирокчи учун мажбурий бўлган принципларни прокурор фаолиятида таҳлил қилган.

Биз процессуалист олимларнинг фикрларини қувватлаймиз ва жиноят-процессуал нормаларнинг мазмунида акс этувчи, умумий принципларнинг қоидаларига зид бўлмаган қуйидаги принципларни, яъни прокурор иштирокининг мажбурийлиги, одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш, ошкоралик, адолатлилик, процессуал мустақиллик принципларини бевосита прокурор фаолияти хусусиятини очиб берувчи принципларга киритиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрни илгари сураимиз.

Хулоса ўрнида, судда қонун устуворлиги, унинг аниқ ва бир хилда қўлланилиши, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, жамият ва давлат манфаатлари таъминланишида прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва принциплари муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан прокурор суд муҳокамасида умумий ва махсус принципларга қатъий риоя қилиши, уларни қўллаш орқали суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кўмаклашиши ҳамда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаши лозим. Прокурорнинг қонунга асосланган принципиал позицияси прокуратура органларининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

#

32 Ергашев Е.Р. Принципи прокурорского надзорно-охранительного права и его институтов: автореферат. дис. ... д-ра юрид. наук. Екатеринбург, 2008 г. С. 32-35.

33 Курочкина Л.А. Проблемы обеспечения прокурором прав участников судебного разбирательства: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003 г. С. 10.

34 Буланова Н.В. Участие прокурора в рассмотрении уголовных дел судами: монография / Академия Генеральной Российской Федерации. – Москва: Проспект, 2018. - 192 с.



Бунёд ИСЛОМОВ,
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси,
«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ юридик бошқармаси бош юрисконсулти

НИГЕРИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада Нигерия Федератив Республикаси жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштириш институти, шу жумладан, вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан жазони енгиллаштириш, тамом бўлмаган ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари таҳлил қилиниб, яқуний фикр сифатида Нигериянинг айрим жиноят-ҳуқуқий меъёрларини Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига татбиқ қилишга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ. В данной статье проведен анализ института смягчения наказания в уголовном законодательстве Федеративной Республики Нигерия, включая вопросы смягчения наказания несовершеннолетних и женщин, назначения наказания за неоконченные преступления и преступления, совершенные в соучастии, и в качестве заключения представлены предложения по имплементации некоторых уголовно-правовых норм Нигерии в уголовный закон Республики Узбекистан.

ABSTRACT. This paper provides an analysis of the institution of mitigation of punishment in the criminal legislation of the Federal Republic of Nigeria as well as issues of mitigation of punishment with respect to juveniles and women, sentencing for uncompleted offences and criminal complicity and final conclusion on the implementation of Nigeria's criminal law norms to the criminal law of the Republic of Uzbekistan was provided.

Калит сўзлар: жазони енгиллаштириш, вояга етмаган шахс, турмуш қурган аёл, ҳомиладорлик, жиноятга суиқасд қилиш, иштирокчи, айбни бўйнига олиш, корпоратив жиноий жавобгарлик.

Ключевые слова: смягчение наказания, несовершеннолетний, замужняя женщина, беременность, покушение на преступление, соучастник, признание вины, корпоративная уголовная ответственность.

Key words: mitigation of punishment, juvenile, married woman, pregnancy, attempted offence, accessory, plea of guilt, corporate criminal liability.

Нигерия Федератив Республикаси Жиноят кодекси мамлакатнинг жиноий тергов, суд муҳокамаси ва жиноятчиларни жазолаш тўғрисидаги олий кодификация қилинган қонуни ҳисобланиб, Нигериянинг 1916 йилдаги “Жиноят кодекси тўғрисида”ги қонуни, 1961 йилдаги “Жиноят кодекси тўғрисида”ги қонуни ва вақти-вақти билан мамлакат парламенти томонидан қабул қилиниб турадиган бошқа жиноят қонунларига асосланади. Ушбу кодекснинг сўнгги йўзма версияси 1990 йилдаги Жиноят кодекси (кейинги ўринларда – Нигерия ЖК)¹ да ўз ифодасини топган². Эътиборлиси, Нигериянинг асосан мусулмон аҳоли истиқомат қиладиган ўндан ортиқ шимолий штатларида шариатга асосланган алоҳида жиноят кодекслари ҳам қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳудудда шариат меъёрлари асосида шариат судлари томонидан кўриб чиқилмайдиган ҳолатларга нисбатангина юқорида қайд этилган Нигерия ЖК амал қилади³. Ислом динига эътиқод

қилувчи аҳолига нисбатан шариат меъёрлари татбиқ этилса, юқоридаги Нигерия ЖК магистрат ва юқори судларда ишларнинг кўрилишига нисбатан амал қилади. Мухтасар айтганда, инсонга нисбатан қай бир Жиноят кодексининг татбиқ этилиши унинг қайси суд томонидан судланишига боғлиқ. Мавжуд презумпцияга мувофиқ, мусулмон бўлмаган аҳоли вакилига нисбатан айблов эълон қилинганда, улар магистрат ёки юқори судлар томонидан Нигерия ЖК ва шу каби шаръий бўлмаган кодекслар асосида суд қилинса-да, мазкур шахслар ўз ёзма розилиги асосида шариат судларини танлашлари ва шаръий жиноят кодекслари асосида суд қилиниши ҳам мумкин саналади⁴.

Нигерия ЖК Умумий қисм вазифасини бажарувчи биринчи қисм (шарҳлаш; қўллаш; умумий; принциплар) ва саккизинчи қисм (жиноятга тайёргарлик кўриш; фитна; фактдан кейинги иштирокчилик) ҳамда махсус қисм вазифасини бажарувчи ва жи-

1 Criminal Code Act. Chapter 77. Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CRIMINAL%20CODE.pdf>

2 Nigerian Criminal Code. URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Nigerian_Criminal_Code

3 Есаков Г.А. Основы сравнительного уголовного права: Монография. - М.: ООО «Издательство “Элит”», 2007. С. 113-114.

4 Philip Ostien. Nigeria's Sharia Penal Codes (Sharia Implementation in Northern Nigeria 1999-2006: A Sourcebook (Ibadan: Spectrum Books Ltd., 2007)), Volume IV, Chapter 4, p. 6.



ноят таркибларини ўз ичига олган иккинчи – еттинчи қисмлардан таркиб топган.

Жиноят (инг. “offence”)лар эса уч турга, оғир жиноят (felony), қилмиш (misdemeanour) ва оддий жиноят (simple offence)ларга бўлинади.

Нигерия ЖКда “енгиллаштирувчи ҳолатлар” атмаси умуман қўлланилмаган бўлса-да, жазони енгиллаштиришга доир қуйидаги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Биринчидан, вояга етмаганлар борасида суднинг фикрига кўра, ўн етти ёшга тўлмаган эркак жинсига мансуб бўлмиш инсон ҳар қандай жиноятни содир қилишда айбдор деб топилган тақдирда, суднинг ихтиёрига кўра таёқ билан калтаклаш қўшимча жазо сифатида ёки айбдорга тайинланиши лозим бўлган ҳар қандай жазо чорасининг ўрнига тайинлаши мумкин (ЖК 18-модда).

Етти ёшга тўлмаган шахс ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ўн икки ёшга тўлмаган шахс томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш пайтида унинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиши лозим эмаслигини англаш имконига эга бўлганлиги исботланмаган тақдирда, мазкур шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, ўн икки ёшга тўлмаган эркак жинсий яқинлик қилишга қодир эмас деб тахмин қилинади (30-модда).

Иккинчидан, турмуш қурган аёллар томонидан содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш борасида ЖК кўплаб имтиёзлар ўрнатади:

1. Турмуш қурган аёл (married woman) ўз турмуш ўртоғи ҳузурида ҳаракат (act) ёки ҳаракатсизлик (omission) содир этганлиги туфайлигина жиноий жавобгарликдан озод этилмайди. Бироқ ўлим жазоси билан жазоланиши белгиланган ёки содир этилиши оқибатида бошқа учинчи шахсга оғир тан жароҳати етказиладиган ёки бундай тан жароҳатини етказишга қаратилган қасдини ўз ичига олган жиноятларни истисно қилган ҳолда, “христиан никоҳи” (christian marriage) даги аёл киши ўзининг турмуш ўртоғи томонидан мажбурланган жиноят учун, мазкур жиноят эрининг ҳузурида содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилмайди (33-модда).

2. Христиан никоҳидаги эр-хотин фақатгина ўзаро тил бириктириш учун жиноий жавобгарликка тортилмайди (34-модда).

3. Христиан никоҳидаги эр-хотин биргаликда истиқомат қилаётган тақдирда, зарар етказиш ёки учинчи шахсни алдаш қасдини қамраб олган жиноят таркиблари ва дезертирлик жиноятини истисно қилган ҳолда, мазкур эр-хотин бир-бирининг

мол-мулкига қарши қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун жиноий жавобгар бўлмайди. Бироқ қайд этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик христиан никоҳида бўлмаган эр-хотин томонидан содир этилган тақдирда, улар умумий тартибда жавобгар бўлади. Фақатгина христиан никоҳи туфайли эр-хотин бирга яшаётган пайтда улар бир-бирига қарши жиноят иши қўзғата олмайди (36-модда).

Фикримизча, қайд этилган имтиёзлар мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғи христиан динига эътиқод қилиши туфайли диннинг давлатга, хусусан, қонунчиликка юқори даражадаги таъсири билан изоҳланади.

Учинчидан, ҳомиладорлик масаласида ҳам Нигерия ЖК қизиқарли меъёрларни ўрнатган. Хусусан, ЖКнинг 39-модда иккинчи қисмига кўра, ўлим жазоси назарда тутилган давлатга қарши уруш бошлаш (37-модда), Нигерия давлатига бостириб киришга ундаш (38-модда), шунингдек, қотиллик (319-модда) жиноятларини содир этганлик учун ҳукм қилинаётган шахс ўзининг ҳомиладор эканлигини иддао қилган ёки судья бунга аниқлик киритмоқчи бўлган тақдирда, жазо тайинлашдан аввал Жиноят-процессуал кодекснинг (кейинги ўринларда - ЖПК)⁵ 376-моддасида белгиланган тартибга амал қилиниши жоиз. Оқибатда аёл кишининг ҳомиладорлик эмаслиги аниқланган тақдирда, унга узил-кесил ўлим жазоси тайинланади. Бундай ҳукм устидан Олий судга апелляция шикоят киририлган ва биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиниши лозим деб топилган тақдирда, ўлим жазосининг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Ва аксинча, ҳомиладорлик ҳолати ўз тасдиғини топган тақдирда, ЖПК 368-моддасига кўра ўлим жазосининг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши лозим.

Тўртинчидан, жиноятга суиқасд учун жазо тайинлаш масалалари ЖКнинг саккизинчи қисмида қуйидагича батафсил тартибга солинади:

1. Ҳар қандай оғир жиноят ёки қилмишни содир этишга суиқасд қилган шахс, бошқача қоида белгиланмаган тақдирда, қилмиш содир этганликда айбдор деб топилади (508-модда).

2. Оғир жиноятга суиқасд содир этган ҳар қандай шахс, бошқа жазо чораси назарда тутилмаган тақдирда, қайд этилган оғир жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо чорасининг тенг ярми билан жазоланади (509-модданин иккинчи қисми).

3. Қилмишга суиқасд содир қилган ҳар қандай шахсга нисбатан бошқа жазо чораси назарда тутилмаган тақдирда, қайд этилган қилмиш учун назарда тутилган энг оғир жазо чорасининг тенг яр-

5 Criminal Procedure Act, Chapter 80, Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CRIMINAL%20PROCEDURE%20ACT.htm>

ми миқдоридаги жазо тайинланади (510-модда).

4. Оддий жиноятга суиқасд содир қилган ҳар қандай шахсга нисбатан бошқа жазо чораси назарда тутилмаган тақдирда, қайд этилган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазо чорасининг тенг ярми миқдоридаги жазо чораси тайинланади (511-модда).

5. Жиноятга суиқасд учун ҳукм этилаётганда, айбдорнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар таъсиридан холи равишда ўз қасдини давом эттиришдан ихтиёрий қайтганлиги исботланган тақдирда, унга тайинланиши лозим бўлган жазо чорасининг фақатгина тенг ярми тайинланиши даркор. Жазо чорасини умрбод озодликдан маҳрум қилиш (imprisonment for life) ташкил этган тақдирда, айбдорга нисбатан тайинланадиган энг оғир жазо чорасини етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ташкил қилади (512-модда).

6. Бошқа бир шахсни ҳаракат ёки шундай хусусиятдаги ҳаракатсизлик содир этишга ундашга суиқасд қилаётган шахс худди шу жиноятга суиқасд қилишда айбдор деб топилиб, тегишлича жазоланади (513-модда биринчи қисми).

7. Бирон-бир портловчи модда ёки ҳар қандай хавфли ёхуд заҳарли двигатель, ускуна ёки бирор-бир ашёни, уларнинг ёрдамида жиноят содир этиш ёхуд бошқа бир шахсга жиноят содир қилиш имконини тақдим қилиш мақсадида қайд этилган ашёларни тайёрлаётган ёки онгли равишда уларга эгалик қилаётган ҳар қандай шахс жиноят содир этганликда айбдор деб топилиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (514-модда).

8. Бошқа бир шахснинг оғир жиноят содир этишни режалаштираётгани ёки содир этаётганини билгани ҳолда, мазкур оғир жиноят содир этилиши ёки тамомланишининг олдини олиш учун барча оқилона воситалардан фойдаланмаган шахс қилмиш содир этганликда айбдор деб топилиб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (515-модда).

Бешинчидан, ЖК 516-518А-моддалари иштирокчилик учун жазо тайинлаш тартибини белгилайди.

Нигерия ЖКда ўзига хос постфактум иштирокчилик (accessory after the fact), яъни жиноят содир этилганидан кейин юз берган иштирокчилик институти алоҳида эътиборга молик (519-521-моддалар). Бунда постфактум оғир жиноят иштирокчисига айланган ҳар қандай шахснинг ўзи ҳам оғир жиноят содир этган ҳисобланиб, бошқа жазо чораси назарда тутилмаган тақдирда, икки йил муддатга озодликдан марҳум қилиш билан жазоланади. Постфактум қилмиш иштирокчисига айланган ҳар қандай шахснинг ўзи қилмиш содир этишда айбдор саналиб, асосий жиноятчига айблов ҳукми билан тайинланган энг оғир жазо чорасининг тенг ярми билан жазоланади. Постфактум оддий жиноят иштирокчисига айланган ҳар қандай шахс эса, оддий жиноят содир қилишда айбдор саналиб, асосий жиноятчига айблов ҳукми асосида тайинланган энг оғир жазо чорасининг тенг ярми билан жазоланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, постфактум жиноятнинг ҳар қандай тури иштирокчисига айланган шахсга, бажарувчига тайинланадиган жазодан кўра енгилроқ жазо чораси тайинланади. Фикримизча, бу ерда постфактум ёрдамчилик ҳақида сўз кетмоқда. Сабаби постфактум иштирокчи деганда, бирор-бир шахснинг жиноят содир этганлигини била туриб уни қабул қилган, тинчлантирган ёки яширинишига имкон бериш мақсадида кўмаклашган шахс назарда тутилади⁶. Мазкур институт мазмун жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 31-моддасида ўз аксини топган “жиноятга дахлдорлик” институтига яқин.

Олтинчидан, ЖК билан бир қаторда жиноят-ҳуқуқий меъёрлар, хусусан, жазо тайинлаш масалалари ЖПК, “Аванс тўловлари билан фирибгарлик ва фирибгарлик билан боғлиқ бошқа жиноятлар тўғрисида”ги⁷, юридик шахслар жиноят субъекти сифатида назарда тутилган “Банклар ва бошқа молиявий институтлар тўғрисида”ги⁸ ҳамда “Компаниялар ва уларга алоқадор ишлар тўғрисида”-ги⁹, “Коррупциявий амалиётлар ва улар билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида”ги¹⁰, “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги¹¹, “Иқтисодий ва молиявий жиноят-

6 Accessory After the Fact // The Criminal Notebook. URL: http://criminalnotebook.ca/index.php/Accessory_After_the_Fact

7 Advance Fee Fraud and other Fraud Related Offences Act, 2006. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/ADVANCE%20FEE%20FRAUD%20ACT.pdf>

8 Banks and other Financial Institutions Act. Chapter B 3. Volume 2. The Laws of the Federation of Nigeria 2004. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/BANKS%20AND%20OTHER%20FINANCIAL%20INSTITUTIONS%20ACT.pdf>

9 Companies and Allied Matters Act. Chapter 59. Laws of the Federal Republic of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/COMPANIES%20AND%20ALLIED%20MATTERS%20ACT.pdf>

10 The Corrupt Practices and other Related Offences Act, 2000. 2000 Act No 5. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CORRUPT%20PRACTICES%20AND%20OTHER%20RELATED%20OFFENCES%20ACT%202000.pdf>

11 Cybercrime Act, 2015. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CYBERCRIME%20ACT%202015.pdf>



лар бўйича комиссия (ташқил этиш) тўғрисида”ги¹², “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни тақиқлаш тўғрисида”ги¹³, “Терроризм (олдини олиш) тўғрисида”ги¹⁴, “Талончилик ва ўқотар қуроллар тўғрисида”ги¹⁵, “Қалбаки валюта тўғрисида (Махсус қоидалар)”ги¹⁶ ва бошқа махсус қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

ЖПКда тамом бўлмаган жиноятлар учун жавобгарлик (169-171-моддалар), иштирокчилик учун жавобгарлик (171-А модда), вояга етмаганларнинг жавобгарлиги (208-209, 413-434-моддалар) сингари жиноят-ҳуқуқий масалалар ҳам акс этган. Масалан, ЖПК 2-моддасига кўра, “вояга етмаган жиноятчи” (juvenile offender) деганда, ўн етти ёшга тўлмаган ҳар қандай жиноятчи, “бола” (child) деганда ўн тўрт ёшга тўлмаган, “ёш” деганда ўн тўрт ёшга тўлган, бироқ ўн етти ёшга тўлмаган, вояга етган (adult) деганда эса, ўн етти ёшга тўлган ва ундан катта бўлган ҳар қандай шахс тушунилиб, хусусан, болаларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазо тайинланиши мумкин эмаслиги; ҳар қандай ёш инсонга нисбатан эса агар шартли ҳукм, жарима ёки бошқа таъсир чораси қўллаш имкони бўлса, озодликдан маҳрум этишни қўллаш мумкин эмаслиги мустаҳкамланган (419-модда биринчи ва иккинчи қисмлари).

Албатта, Нигерияда ювенал юстициянинг кўплаб олимлар томонидан батафсил тадқиқ этиб борилганлиги¹⁷ ва ҳаттоки “Болалар ҳуқуқларига риоя этиш тўғрисида”ги Кўрсатма ишлаб чиқилганлиги-

ни таъкидлаш жоиз¹⁸. Албатта, вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб жиноят-ҳуқуқий меъёрларни ҳам ўз ичига олган ва 278-моддadan ташқил топган жуда катта ҳажмдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуннинг¹⁹ тутган ўрнини алоҳида тилга олиш лозим.

Бундан ташқари, шахсга жиноят содир этганлик юзасидан айблов эълон қилинган, бироқ далиллар жиноятга суиқасд содир этилганлигидан гувоҳлик бераётган тақдирда, мазкур суиқасд учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаганлигига қарамай, айбланувчи жиноятга суиқасд учун маҳкум этилиши мумкин. Ва аксинча, шахс жиноятга суиқасд содир этишда айбланаётганига қарамасдан, далиллар тамом бўлган жиноят содир этганлигидан далолат бераётган тақдирда, айбланувчи оқлов ҳукмига ҳақли бўлмайди, аммо у суиқасд содир этганликда айбдор деб топилиши ва тегишлича жазоланиши мумкин (ЖПК 169-170-моддалари).

Еттинчидан, Нигерия ЖКда енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғридан-тўғри тилга олинмаса-да, кўплаб олимлар томонидан ўз илмий тадқиқот ишларида бу борада илмий тавсиялар бериб борилади:

1. Судлар томонидан номусга тегиш ва бошқа жинсий жиноятлар, шунингдек, ёлғон айбловни илгари суриш ҳолатлари юзасидан тўғри қарор қабул қилиш учун жабрланувчининг жинсий стимуляцияси, яъни провокацияси оқибатида жиноят содир этиши енгиллаштирувчи ҳолат сифатида хизмат қилиши лозим. Ўз навбатида, провокация факти

12 Economic and Financial Crimes Commission (Establishment) Act 2002. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/E.F.C.C%20ACT.pdf>

13 Money Laundering (Prohibition) Act No. 7 2003. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/MONEY%20LAUNDERING%20%28PROHIBITION%29%20ACT.pdf>

14 Terrorism (Prevention) Act, 2011. Laws of the Federation of Nigeria. URL: https://www.icnl.org/wp-content/uploads/Nigeria_tpa2011.pdf

15 Robbery and Firearms (Special Provisions) Act Cap. 398. Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/ROBBERY%20AND%20FIREARMS%20ACT.pdf>

16 Counterfeit Currency (Special Provisions) Act, 1984. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nairametrics.com/wp-content/uploads/2013/09/COUNTERFEIT-CURRENCY.pdf>

17 Yemi Akinseye-George. Juvenile Justice in Nigeria. Published by Centre for Socio-Legal Studies, Abuja, Nigeria. 2009. 148 p; E.E.O. Alemika, I.C. Chukwuma. Juvenile Justice Administration in Nigeria: Philosophy and Practice. Published by: Centre for Law Enforcement Education (CLEEN). 2001. 103 p; Grace Ayodele Arowolo. An Appraisal of the Legal Framework for Child Justice Administration in Nigeria // Journal of Law and Criminal Justice June 2018, Vol. 6, No. 1, pp. 82-97. DOI: 10.15640/jlcr.v6n1a7; Adam, Eteete Michael. An Appraisal of the Regime of Juvenile Justice Under the Child's Right Act in Nigeria // Arabian Journal of Business and Management Review (OMAN Chapter) Vol. 2, No.8, March. 2013, pp. 10-18; Iyabode Ogunniran. A Centennial Legal History of Child Justice Reforms in Nigeria 1914-2014 // Law, Crime and History (2015) 2, pp. 44-68; Iyabode Ogunniran. The Lock and Key Phenomenon: Reforming the Penal Policy for Child Offenders in Nigeria // Justice Policy Journal, Volume 10, Number 1 (Spring), 2013, pp. 1-20; Iyabode Ogunniran. Elusive Justice? An Assessment of Child Justice in the Tripartite Court System in Nigeria // Acta Universitatis Danubius. Juridica, Vol. 10, No 3 (2014), pp. 51-70; Angela E Obidimma, Emmanuel OC Obidimma. Challenges and prospects of the juvenile justice administration in South East Nigeria // Nnamdi Azikiwe University Journal of International Law and Jurisprudence, Vol. 3 (2012), pp. 83-96; Chinwe R. Nwanna, Iyabode Ogunniran. Challenges of Lagos State Child's Rights Law: Social Welfare Officers' Perspective // African Journal of Criminology and Justice Studies: AJCJS, Vol.12, No.1 Feb. 2019, pp. 1-20; O. Atilola, G. Abiri and B. Ola. The Nigerian juvenile justice system: from warehouse to uncertain quest for appropriate youth mental health service model // BJPsych International, Volume 16, Issue 1, February 2019, pp. 19-21. DOI: <https://doi.org/10.1192/bji.2017.37>

18 The Child Rights Manual. Nigeria. Bar Human Rights Committee of England and Wales (BHRC) & The United Nations Children's Fund (UNICEF), 2013. 302 p.

19 Child's Right Act 2003. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://www.nigeriarights.gov.ng/files/childrightact.pdf>



исботланган тақдирда, жабрланувчи ҳам жазосиз қолмаслиги зарур²⁰.

2. Амалиётга “айбга иқрорлик тўғрисида келишув” (plea bargaining)ни жорий қилиш ва такомиллаштириш таклиф қилинади²¹. Айни пайтда ушбу институтнинг амалиётда бой амалдорлардан миллиардлаб пул маблағларини ундириш воситасига айланиши ва оқибатда ижтимоий адолатнинг йўқолиши билан камбағал аҳоли мазкур имтиёздан фойдалана олмаслиги ҳамда энгилроқ жазога умид қила олмаслиги ҳолатлари ҳам баён қилинади²².

3. Машҳур коррупция билан боғлиқ жиноятда йигирма орти ёшда бўлган айбдор мисолида унинг “ёш эканлиги ва онги етук эмаслиги”, “жабрланувчиларга тан жароҳати етказиш масаласида жамият учун хавф туғдирмаслиги”, “қилмиши учун чин кўнгилдан пушаймон эканлиги”, “пора олишдан роҳат олмаганлиги” ва “пора олишга эътироз билдирганлиги”, иш жойида тегишлича мураббийга эга бўлмаганлиги ҳамда оқибатда молиявий аҳволи оғирлашиб, бунинг натижасида пора олишга мажбур бўлганлиги, истамасдан туриб иштирокчига айланганлиги сингари кўплаб энгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганлигига, бу эса ишда мавжуд оғирлаштирувчи ҳолатларга нисбатан энгиллаштирувчи ҳолатларнинг устуворлиги натижасида жиноятчига энгилроқ жазо тайинланиши лозим бўлганлигига эътибор қаратилади²³.

4. Жиноий равишда ҳомила тушириш оқибатида жабрланувчи ҳалок бўлган тақдирда, жабрланувчининг аборт қилишга берган розилиги Жиноят

кодексига кўра энгиллаштирувчи ҳолат саналиши таъкидланади²⁴.

5. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтини қўллашда айбдор жазони ўташдан шартли озод қилиниши ёки унинг характери, ўтмиши, ёши, соғлиғининг аҳволи, руҳий ҳолати, жиноятнинг кам аҳамиятли эканлиги ёки жиноят содир этишдаги энгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олган ҳолда қўлланилиши ёки айблов бекор қилиниши мумкин²⁵.

6. Суд амалиётида жазо тайинлашга ўз таъсирини ўтказувчи омиллар қаторида айбдорнинг ёши, жиноят содир этгандан кейинги хулқ-атвори, биринчи маротаба жиноят содир этганлиги, айбини бўйнига олганлиги (plea of guilt), соғлиғининг аҳволи, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг айни бир оила аъзоси эканлиги²⁶, айбланувчининг аввалги кўрсатган хизматлари, жиноятнинг хусусияти, қилмишнинг жамиятда кенг тарқалганлик табиатига эга эмаслиги²⁷, саводсизлик, дипломга эга ўқитувчи эканлик, жиноят содир этилишида иккиламчи ролни ўйнаганлик²⁸, аввал судланмаганлик, етказилган зиённинг бартараф этилганлигининг исботи, суд жараёнида кўрсатилган ёрдам²⁹, генетик далиллар (касалликлар)³⁰, рецидивист эмаслиги³¹ жазони ўташ шароитларини ёки жазони энгиллаштиришга хизмат қилишига урғу берилади. Бундан ташқари, Нигерия ЖК бўйича қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат ҳисобланган зарурий мудофаа суд томонидан истисно қилувчи ҳолат сифатида рад этилганда, айрим ҳолларда ва тегишли шарт-

20 Grace Titilayo Kolawole-Amao. Medico-Legal Examination of Biological Responses to Sexual Stimulation and the Law on Rape in Nigeria // Nnamdi Azikiwe University Journal of International Law and Jurisprudence, 9 (2) 2018, P.9.

21 Aborisade, Richard A. One Rule for the Goose, One for the Gander? The Use of Plea Bargaining for High Profile Corruption Cases in Nigeria // African Research Review, Vol. 12 (2), Serial No 50, April, 2018, pp. 1-12.

22 Sunday Abraham Ogunode. Criminal Justice System in Nigeria: For the Rich or The Poor? // Humanities and Social Sciences Review, 2015, 04(01), P.36.

23 Mensah Adinkrah, Hannah A. Adinkrah. Focalizing Chinua Achebe's No Longer at Ease: Mitigating and Aggravating Factors in Obi Okonkwo's Corruption Scandal // International Journal of Linguistics, Literature and Culture, Vol. 7, No. 5, September 2021, pp. 371-380.

24 Okorie, P. Chibueze and Abayomi, Olubusola Adebayo. Abortion Laws in Nigeria: A Case for Reform // Annual Survey of International & Comparative Law: Vol. 23, Iss. 1, Article 7, 2019, P.176.

25 Shajobi-Ibikunle, D. Gloria. Challenges of Imprisonment in the Nigerian Penal System: The Way Forward // American Journal of Humanities and Social Sciences, Vol. 2, No. 2, 2014, 94-104. DOI: 10.11634/232907811402535. P.101.

26 Maria Onuh. Influencing Factors in Sentencing and Their Effects on the Control of White-Collar Crime in Nigeria // International Journal of Nuclear Knowledge Management, 1(1), January 2018, pp. 20-23.

27 Udosen Jacob Idem and Nkokom Eyo Udofia. Sentencing and the Administration of Criminal Justice in Nigeria // Donnish Journal of Law and Conflict Resolution Vol 4(1), pp. 001-010 January, 2018.

28 Leonard C. Opara Esq. The Law and Policy in Criminal Justice System and Sentencing in Nigeria // International Journal of Asian Social Science, 2014, 4(7), pp. 886-897.

29 Hon. Justice O. O. Goodluck. Sentencing: Practice and Procedure under Administration of Criminal Justice Act and Laws. High Court of the FCT, Annual Refresher Course for Judges and Kadis on Tuesday 12th March, 2019, at the National Judicial Institute, Abuja. P.31.

30 Umego, Chidimma, Genetic Evidence: The Unwilled Crime (July 3, 2018). 16 pages. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3207726> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3207726>

31 Samaila, Emmanuel J., The Implications of the Mandatory Sentences in the Penal Code Law of Kaduna State 2017 (As Amended) on the Jurisdiction of Criminal Courts in Kaduna State (July 15, 2022). 8 pages. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=4229179> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.4229179>



лар билан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида тан олиниши мумкин бўлади. Ўз ўрнида ЖК 298-моддасида зарурий мудофаанинг асосли чегарасидан чиққанлик учун ушбу ҳаракатнинг табиати ва хусусиятига кўра жавобгарлик юзага келиши белгиланган.

7. Корпоратив жинойт жавобгарлик борасида Бош прокуратурага юридик шахсларга нисбатан ҳукм чиқариш юзасидан Кўрсатма ишлаб чиқиш ва судларга юбориш ҳамда юридик шахсларнинг жавобгарлигини ҳал қилиш пайтида енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида корхонанинг тегишли ҳодиса юз берганидан кейинги хулқ-атвори, жавобгарликни зудлик билан бўйнига олиш, юқори даражадаги ҳамкорлик, камчиликларни баратараф этишга қаратилган ҳаракатлар ҳамда хавфсизликка масъулият билан муносабатда бўлишни ҳисобга олиш таклиф этилади³². Шунингдек, енгиллаштирувчи ҳолат сифатида жинойт корхонанинг қонунчиликка риоя қилган ҳолда фаолият юритиши оқибатида содир этилганлигини ҳисобга олиш ҳам таклиф қилинади³³.

Саккизинчидан, Нигерия жинойт қонунчилигининг энг эътиборга молик хусусиятларидан бири - бу мамлакат Федерал олий суди томонидан муайян бир тоифадаги жинойтлар юзасидан ҳукм чиқаришга доир амалий кўрсатмаларнинг ишлаб чиқилганлигидир. Масалан, Коррупция ва унга боғлиқ бошқа жинойтларга доир Кўрсатма³⁴ Федерал олий суд томонидан жазо тайинлашда бир хилликни таъминлаш учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда қайси ҳолларда ушбу кўрсатмадан фойдаланилиши, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати, судланувчининг ўз айбини тан олганда жазони енгиллаштириш тартиби сингари қоидалар ўз аксини топган.

Тўққизинчидан, Жинойт-процессуал кодексининг 221, 371-А, 371-Д, 371-Е, 371-Г, 441-А-моддалари ҳамда 1999 йилда қабул қилинган Конституциянинг 175-моддасида кўра, Давлат кенгаши билан

маслаҳатлашган ҳолда мамлакат Президенти Қуролли Кучлар, ҳарбий денгиз ёки ҳарбий ҳаво қонунчилигига қарши жинойт содир этган ёхуд ҳарбий трибунал томонидан ҳукм қилинган маҳкумларни афв қилиш, жазонинг ижросини кейинга қолдириш, жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ваколатига эга эканлиги, худди шу каби ваколатларни штат Маслаҳат кенгаши билан маслаҳатлашган ҳолда губернатор ҳам амалга ошириши мумкин эканлиги Конституциянинг 212-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган³⁵.

Қайд этиш лозимки, Федерациянинг Бош судьяси (Chief Justice of the Federation) ҳамда штатларнинг бош судьялари томонидан маҳкумларни жазодан озод қилишга доир буйруғи Конституциянинг 175-моддасида мустаҳкамланган афв этиш ҳуқуқидан эмас, балки 1977 йилдаги “Жинойт одил судлов (ҳибсдан озод қилиш) (махсус қоидалар) тўғрисида”ги³⁶, 2015 йилдаги “Жинойт одил судловни амалга ошириш тўғрисида”ги³⁷ ҳамда 2020 йилдаги “Полиция тўғрисида”ги³⁸ қонунлардан келиб чиққани ҳолда бош судья томонидан озод этилган шахс афв қилинган эмас, балки ғайриқонуний ҳибсдан озод этилган ҳисобланади ҳамда қайд этилган маҳкумлар ҳукумат томонидан қайтадан ҳибсга олиниши ва жавобгарликка тортилиши мумкин бўлади³⁹.

Ўнинчидан, Нигерияда амнистияга доир аниқ бир қонун ҳужжати мавжуд эмаслиги туфайли 2009 йилда Президент Яр-Адуа маъмурияти Конституциянинг 175-моддасида акс этган шафқат қилиш имтиёзига асосланиб, Нигер-Дельта ҳудудида ҳаракатланаётган, нефт қувурлари ва бошқа объектларни вайрон қилаётган, чет эллик нефтчиларни ўғирлаётган ва умуман олганда ҳудуддаги нефт ресурслари устидан назорат ўрнатишни талаб қилаётган қуроли жангарилар гуруҳига нисбатан уларнинг исёнини бостириш мақсадида амнистия (amnesty) эълон қилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин⁴⁰. Бу борада давлат раҳбарининг мазкур ҳаракатлари Конституцияга мувофиқлиги юзасидан кўплаб баҳс-муно-

32 Samson Erhaze1 & Daud Momodu. Corporate Criminal Liability: Call for a New Legal Regime in Nigeria // Journal of Law and Criminal Justice December 2015, Vol. 3, No. 2, pp. 63-72. DOI: 10.15640/jlcr.v3n2a6. P.71.

33 Mohammed Suleh-Yusuf. The concepts of corporate criminal liability and willful blindness: Theoretical and applicability challenges // International Journal of Academic Research and Development, Volume 3; Issue 1; January 2018, P.548.

34 Federal High Court of Nigeria (Corruption and other Related Offences) Sentencing Guidelines and Practice Direction, 2015. URL: https://www.unodc.org/documents/nigeria/publications/Anti-Corruption-Project-Nigeria/Federal_High_Court_Corruption_and_Other_Related_Offences_Sentencing_Guidelines_2015_Final.pdf

35 Constitution of the Federal Republic of Nigeria, 1999. URL: <http://www.nigeria-law.org/ConstitutionOfTheFederalRepublicOfNigeria.htm>

36 Criminal Justice (Release from Custody) (Special Provisions) Act, 1977 (Nigeria). URL: <https://www.placng.org/laws/nigeria/view2.php?sn=96>

37 Administration of Criminal Justice Act, 2015 (Nigeria). URL: https://www.policinglaw.info/assets/downloads/2015_Administration_of_Criminal_Justice_Act.pdf

38 Nigeria Police Act, 2020. URL: <https://placbillstrack.org/upload/Police%20Act,%202020.pdf>

39 Imo Udofa. The Abuse of Presidential Power of Pardon and the Need for Restraints // Beijing Law Review, 2018, Vol. 9, No. 2, p. 118.

40 Imo Udofa. The Abuse of Presidential Power of Pardon and the Need for Restraints // Beijing Law Review, 2018, Vol. 9, No. 2, p. 117.

заралар юзага келган ва Конституцияда фақатгина афв этиш институти назарда тутилганлигини инобатга олиб, Президентнинг юқоридаги хатти-ҳаракати қонунийлигини ҳам, қонунга зид эканлигини ҳам асослашга уринишлар кузатилган⁴¹.

Ўн биринчидан, ЖПКда шартли ҳукм қилиш (probation) (435-440-моддалар), шу жумладан, вояга етмаганларни шартли ҳукм қилиш (419(2)-модда) тартиби ўз аксини топган.

Ўн иккинчидан, 2015 йилдаги “Жиноий одил судловни амалга ошириш тўғрисида”ги⁴² қонун қабул қилиниши билан Нигерия қонунчилигига “жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш” (parole) институти киритилди. Эндиликда Нигерия жазоларни ижро қилиш хизмати Бош назоратчиси (comptrollergeneral)нинг тавсиясига кўра, судлар маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ваколатига эга. Бироқ мазкур институт қатор камчиликларга ҳам эга бўлгани ҳолда, уларни бартараф этиш юзасидан бир қанча муаллифлар томонидан таклифлар ҳам ишлаб чиқилган⁴³.

Ва ниҳоят ўн учинчидан, ЖК 28-модда биринчи қисмига кўра, ақли норасолик ҳолатида қилмиш содир этилиши жиноий жавобгарликка олиб келмаслиги белгиланган бўлса-да, “чекланган ақли расолик” ҳолати мазкур “ақли норасолик” институтининг таркибий қисми ҳисобланмайди ва демакки, чекланган ақли расолик ҳолатида жиноят содир этилиши жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Бу борада қатор олимлар томонидан Британия ва АҚШ қонунчилигидаги сингари суд жараёнида ўз исботини топган тақдирда, жазонинг енгиллаштирилиши ёхуд ундан озод этилишига олиб келади-ган “чекланган ақли расолик” принципни Нигерия қонунчилигига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ҳам илгари сурилади⁴⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Нигерия ЖК 508-моддасида ўз ифодасини топган, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини бир поғонага пасайтириш орқали жазони енгиллаштириш тартибини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 58-моддаси иккинчи қисмига қуйидагича татбиқ этиш ва мазкур қисми қуйидаги

тахрирда баён қилишни таклиф қиламиз:

58-модда. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш (1-қ.) Суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

(2-қ.) Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда мазкур жиноятларни содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Оғир ва ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда мазкур жиноятларни содир этишга суиқасд қилган шахс жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси бир поғонага пасайтирилади, яъни шахс тегишлича ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ҳисобланиб, унга ушбу Кодекс Умумий қисми 15-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жазо муддатлари доирасида жазо тайинланади. Мазкур қоидалар:

а) ўта хавfli рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан;

б) тинчлик ва хавфсизликка қарши тамом бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қуйидагилар билан: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш билан;

ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан;

ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни, радиоактив материалларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

(3-қ.) Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо та-

41 Onikepo Braithwaite. *Amnesty, Criminality and Rule of Law* // 28th April, 2023, This Day. URL: <https://www.thisdaylive.com/index.php/2021/07/06/amnesty-criminality-and-rule-of-law/#:~:text=Amnesty%20is%20overlooking%20or%20absolution,from%20Pardon%2C%20which%20means%20forgiveness.>

42 Administration of Criminal Justice Act, 2015 (Nigeria). URL: https://www.policinglaw.info/assets/downloads/2015_Administration_of_Criminal_Justice_Act.pdf

43 Dare Joseph Ayinde. *An Appraisal of the Legal Framework on Parole in Nigeria* // Potchefstroom Electronic Law Journal, Vol. 25 (2022), p. 20. DOI: <https://doi.org/10.17159/1727-3781/2022/v25i0a11456>

44 Paul Adole Ejembi. *Criminal Responsibility and Defences for Persons with Diminished Mental Capacity under Nigerian Law: Towards A Paradigm Shift* // AFJCLJ 2 (2017), pp. 42-43; Udosen Jacob Idem. *Criminal Responsibility and the Defence of Insanity, Insane Delusion and Irresistible Impulse in Nigeria* // *Donnish Journal of Law and Conflict Resolution* Vol 4(2) p. 019 February, 2018; Emmanuel Ekpedocho. *Mental Illness and Insanity in the Nigerian Law* // *IOSR Journal of Humanities And Social Science (IOSR-JHSS)* Volume 20, Issue 5, Ver. III (May. 2015), pp. 64-65.



йинланиши мумкин эмас.

(4-қ.) Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражаси-

ни ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахси-га тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлашти-рувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирок-чининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Abiama Emmanuel Ekpедoho. *Mental Illness and Insanity in the Nigerian Law // IOSR Journal of Humanities and Social Science (IOSR-JHSS) Volume 20, Issue 5, Ver. III (May. 2015), pp. 58-66.*
2. Aborisade, Richard A. *One Rule for the Goose, One for the Gander? The Use of Plea Bargaining for High Profile Corruption Cases in Nigeria // African Research Review, Vol. 12 (2), Serial No 50, April, 2018, pp. 1-12.*
3. *Accessory After the Fact // The Criminal Notebook. URL: http://criminalnotebook.ca/index.php/Accessory_After_the_Fact*
4. Adam, Eteete Michael. *An Appraisal of the Regime of Juvenile Justice Under the Child's Right Act in Nigeria // Arabian Journal of Business and Management Review (OMAN Chapter) Vol. 2, No.8, March. 2013, pp. 10-18.*
5. Adinkrah, M. & Adinkrah, H.A. (2021). *Focalizing Chinua Achebe's no longer at ease: mitigating and aggravating factors in Obi Okonkwo's corruption scandal. International Journal of Linguistics, Literature and Culture, 7(5), 371-380. <https://doi.org/10.21744/ijllc.v7n5.1011>*
6. *Advance Fee Fraud and other Fraud Related Offences Act, 2006. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/ADVANCE%20FEE%20FRAUD%20ACT.pdf>*
7. *Administration of Criminal Justice Act, 2015 (Nigeria). URL: https://www.policinglaw.info/assets/downloads/2015_Administration_of_Criminal_Justice_Act.pdf*
8. Angela E Obidimma, Emmanuel OC Obidimma. *Challenges and prospects of the juvenile justice administration in South East Nigeria // Nnamdi Azikiwe University Journal of International Law and Jurisprudence, Vol. 3 (2012), pp. 83-96.*
9. Atilola O., Abiri G. and Ola B. *The Nigerian juvenile justice system: from warehouse to uncertain quest for appropriate youth mental health service model // BJPsych International, Vol. 16, Iss. 1, February 2019, pp. 19-21. DOI: <https://doi.org/10.1192/bji.2017.37>*
10. *Banks and other Financial Institutions Act. Chapter B 3. Volume 2. The Laws of the Federation of Nigeria 2004. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/BANKS%20AND%20OTHER%20FINANCIAL%20INSTITUTIONS%20ACT.pdf>*
11. *Child's Right Act, 2003. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://www.nigeriarights.gov.ng/files/childrightact.pdf>*
12. Chinwe R. Nwanna, Iyabode Ogunniran. *Challenges of Lagos State Child's Rights Law: Social Welfare Officers' Perspective // African Journal of Criminology and Justice Studies: AJCJS, Vol.12, No.1 Feb. 2019, pp. 1-20.*
13. *Companies and Allied Matters Act. Chapter 59. Laws of the Federal Republic of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/COMPANIES%20AND%20ALLIED%20MATTERS%20ACT.pdf>*
14. *Constitution of the Federal Republic of Nigeria, 1999. URL: <http://www.nigeria-law.org/ConstitutionOfTheFederalRepublicOfNigeria.htm>*
15. *Counterfeit Currency (Special Provisions) Act, 1984. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nairametrics.com/wp-content/uploads/2013/09/COUNTERFEIT-CURRENCY.pdf>*
16. *Criminal Code Act. Chapter 77. Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CRIMINAL%20CODE.pdf>*
17. *Criminal Justice (Release from Custody) (Special Provisions) Act, 1977 (Nigeria). URL: <https://www.placng.org/laws/nigeria/view2.php?sn=96>*
18. *Criminal Procedure Act. Chapter 80. Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CRIMINAL%20PROCEDURE%20ACT.htm>*
19. *Cybercrime Act, 2015. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CYBERCRIME%20ACT%202015.pdf>*
20. Dare Joseph Ayinde. *An Appraisal of the Legal Framework on Parole in Nigeria // Potchefstroom Electronic Law Journal, Vol. 25 (2022). 28 p. DOI: <https://doi.org/10.17159/1727-3781/2022/v25i0a11456>*
21. E.E.O. Alemika, I.C. Chukwuma. *Juvenile Justice Administration in Nigeria: Philosophy and Practice. Published by: Centre for Law Enforcement Education (CLEEN). 2001. 103 p.*
22. *Economic and Financial Crimes Commission (Establishment) Act, 2002. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/E.F.C.C%20ACT.pdf>*
23. *Federal High Court of Nigeria (Corruption and other Related Offences) Sentencing Guidelines and Practice Direction, 2015. URL: https://www.unodc.org/documents/nigeria/publications/Anti-Corruption-Project-Nigeria/Federal_High_Court_Corruption_and_Other_Related_Offences_Sentencing_Guidelines_2015_Final.pdf*
24. Grace Ayodele Arowolo. *An Appraisal of the Legal Framework for Child Justice Administration in Nigeria // Journal of Law and Criminal Justice June 2018, Vol. 6, No. 1, pp. 82-97. DOI: 10.15640/jlcj.v6n1a7*
25. Grace Titilayo Kolawole-Amao. *Medico-Legal Examination of Biological Responses to Sexual Stimulation and the Law on Rape in Nigeria // Nnamdi Azikiwe University Journal of International Law and Jurisprudence, 9 (2) 2018, pp. 1-9.*
26. Hon. Justice O. O. Goodluck. *Sentencing: Practice and Procedure under Administration of Criminal Justice Act and Laws. High Court of the FCT, Annual Refresher Course for Judges and Kadis on Tuesday 12th March, 2019, at the National Judicial Institute, Abuja. 62 pages.*
27. Imo Udofa. *The Abuse of Presidential Power of Pardon and the Need for Restraints // Beijing Law Review, 2018, Vol. 9, No. 2, pp. 113-131.*



28. Iyabode Ogunniran. A Centurial Legal History of Child Justice Reforms in Nigeria 1914-2014 // *Law, Crime and History* (2015) 2, pp. 44-68.
29. Iyabode Ogunniran. The Lock and Key Phenomenon: Reforming the Penal Policy for Child Offenders in Nigeria // *Justice Policy Journal*, Vol. 10, No. 1 (Spring), 2013, pp. 1-20.
30. Iyabode Ogunniran. Elusive Justice? An Assessment of Child Justice in the Tripartite Court System in Nigeria // *Acta Universitatis Danubius. Juridica*, Vol. 10, No 3 (2014), pp. 51-70.
31. Leonard C. Opara Esq. The Law and Policy in Criminal Justice System and Sentencing in Nigeria // *International Journal of Asian Social Science*, 2014, 4(7), pp. 886-897.
32. Maria Onuh. Influencing Factors in Sentencing and Their Effects on the Control of White-Collar Crime in Nigeria // *International Journal of Nuclear Knowledge Management*, 1(1), January 2018, pp. 15-24.
33. Mensah Adinkrah, Hannah A. Adinkrah. Focalizing Chinua Achebe's No Longer at Ease: Mitigating and Aggravating Factors in Obi Okonkwo's Corruption Scandal // *International Journal of Linguistics, Literature and Culture*, Vol. 7, No. 5, September 2021, pp. 371-380.
34. Mohammed Suleh-Yusuf. The concepts of corporate criminal liability and willful blindness: Theoretical and applicability challenges // *International Journal of Academic Research and Development*, Vol. 3, Iss. 1, January 2018, pp. 542-550.
35. Money Laundering (Prohibition) Act No. 7, 2003. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/MONEY%20LAUNDERING%20%28PROHIBITION%29%20ACT.pdf>
36. Nigerian Criminal Code. URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Nigerian_Criminal_Code
37. Nigeria Police Act, 2020. URL: <https://placbillstrack.org/upload/Police%20Act,%202020.pdf>
38. Okorie, P. Chibueze and Abayomi, Olubusola Adebayo. Abortion Laws in Nigeria: A Case for Reform // *Annual Survey of International & Comparative Law*: Vol. 23, Iss. 1, 2019, P.165-192.
39. Onikepo Braithwaite. Amnesty, Criminality and Rule of Law // 28th April, 2023, This Day. URL: <https://www.thisdaylive.com/index.php/2021/07/06/amnesty-criminality-and-rule-of-law/#:~:text=Amnesty%20is%20overlooking%20or%20absolution,from%20Pardon%2C%20which%20means%20forgiveness>.
40. Paul Adole Ejembi. Criminal Responsibility and Defences for Persons with Diminished Mental Capacity under Nigerian Law: Towards A Paradigm Shift // *African Journal of Criminal Law and Jurisprudence*, 2 (2017), pp. 32-43.
41. Philip Ostien. Nigeria's Sharia Penal Codes (Sharia Implementation in Northern Nigeria 1999-2006: A Sourcebook (Ibadan: Spectrum Books Ltd., 2007)), Volume IV, Chapter 4, pp. 3-21.
42. Robbery and Firearms (Special Provisions) Act. Cap. 398. Laws of the Federation of Nigeria 1990. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/ROBBERY%20AND%20FIREARMS%20ACT.pdf>
43. Samaila, Emmanuel J., The Implications of the Mandatory Sentences in the Penal Code Law of Kaduna State 2017 (As Amended) on the Jurisdiction of Criminal Courts in Kaduna State (July 15, 2022). Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=4229179> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.4229179>
44. Samson Erhaze1 & Daud Momodu. Corporate Criminal Liability: Call for a New Legal Regime in Nigeria // *Journal of Law and Criminal Justice* December 2015, Vol. 3, No. 2, pp. 63-72. DOI: 10.15640/jlcv.v3n2a6
45. Shajobi-Ibikunle, D. Gloria. Challenges of Imprisonment in the Nigerian Penal System: The Way Forward // *American Journal of Humanities and Social Sciences*, Vo1. 2, No. 2, 2014, 94-104. DOI: 10.11634/232907811402535
46. Sunday Abraham Ogunode. Criminal Justice System in Nigeria: For the Rich or The Poor? // *Humanities and Social Sciences Review*, 2015, 04(01), pp. 27-39.
47. Terrorism (Prevention) Act, 2011. Laws of the Federation of Nigeria. URL: https://www.icnl.org/wp-content/uploads/Nigeria_tpa2011.pdf
48. The Child Rights Manual. Nigeria. Bar Human Rights Committee of England and Wales (BHRC) & The United Nations Children's Fund (UNICEF), 2013. 302 p.
49. The Corrupt Practices and other Related Offences Act, 2000. 2000 Act No 5. Laws of the Federation of Nigeria. URL: <https://nigerianlawguru.com/legislations/STATUTES/CORRUPT%20PRACTICES%20AND%20OTHER%20RELATED%20OFFENCES%20ACT%202000.pdf>
50. Udosen Jacob Idem. Criminal Responsibility and the Defence of Insanity, Insane Delusion and Irresistible Impulse in Nigeria // *Donnish Journal of Law and Conflict Resolution* Vol 4(2) pp. 011-020 February, 2018.
51. Udosen Jacob Idem and Nkokom Eyo Udofia. Sentencing and the Administration of Criminal Justice in Nigeria // *Donnish Journal of Law and Conflict Resolution* Vol 4(1), pp. 001-010 January, 2018.
52. Umego, Chidimma, Genetic Evidence: The Unwilled Crime (July 3, 2018). 20 pages. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3207726> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3207726>
53. Yemi Akinseye-George. Juvenile Justice in Nigeria. Published by Centre for Socio-Legal Studies, Abuja, Nigeria. 2009. 148 p.
54. Есаков Г.А. Основы сравнительного уголовного права: Монография. - М.: ООО «Издательство "Элит"», 2007. - 152 с.

.....

.....





ИНСТИТУТ ПРЕЗИДЕНТСТВА: ОПЫТ ФИНЛЯНДИИ

АННОТАЦИЯ. Институт президентства в современном мире является чрезвычайно актуальным, поскольку президент как государственный институт занимает особое, специфическое положение, охватывая своей деятельностью весь широкий круг вопросов государственного значения. Каждое государство, где есть институт президентства имеет свои специфические особенности, свою разновидность республиканской формы правления, и в зависимости от этого качественно различными будет статус и полномочия президента в этом государстве. Вот почему чрезвычайно важным является изучение института президентства на современном этапе.

АННОТАЦИЯ. Президентлик институти замонавий дунёда ниҳоятда долзарбдир, чунки президент давлат институти сифатида алоҳида, ўзига хос мавқеига эга бўлиб, ўз фаолияти билан бутун давлат аҳамиятига молик масалаларни қамраб олади. Президентлик институти мавжуд бўлган ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзига хос республика бошқарув шакли мавжуд ва шунга қараб, бу давлатдаги президентнинг мақоми ва ваколатлари сифат жиҳатидан ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги босқичда президентлик институтини ўрганиш ниҳоятда муҳим.

ABSTRACT. The institution of the presidency in the modern world is extremely relevant, since the president, as a state institution, occupies a special, specific position, covering with its activities the entire wide range of issues of national importance. Each state where there is an institute of presidency has its own specific features, its own kind of republican form of governance, and depending on this, the status and powers of the president in this state will be qualitatively different. That is why it is extremely important to study the institute of presidency at the present stage.

Ключевые слова: финская государственность, форма правления, полномочия президента, специфика института президентства в Финляндии.

Kalit so'zlar: Финляндия давлатчилиги, бошқарув шакли, президент ваколатлари, Финляндияда президентлик институтининг ўзига хос хусусиятлари.

Key words: Finnish statehood, form of governance, powers of the president, specifics of the institute of presidency in Finland.

Институт президентства в современном мире является чрезвычайно актуальным, поскольку президент как государственный институт занимает особое, специфическое положение, охватывая своей деятельностью весь широкий круг вопросов государственного значения.

В конституционном праве понятие главы государства однозначно не определено. Конституции многих зарубежных государств вообще не используют этот термин, а полномочия главы государства могут определяться сложившейся конституционной практикой. Но обычно глава государства является лицом, воплощающим собой представление о данном государстве, как во внутренних делах государства, так и в международных отношениях. Его можно назвать символом государства и официальным представителем всего народа.

Сам термин «президент» происходит от латинского *president*, что означает «сидящий впереди», то есть председательствующий на собрании.

Институт президентства - неотъемлемый элемент политической системы в 150 странах мира, этот институт существует во многих странах Европы, Азии, Африки, Северной и Южной Америке. Но каждое из этих государств характеризуется своими специфическими особенностями, своей разновидностью республиканской формы правления, и в зависимости от этого качественно различными

будет статус и полномочия президента в этом государстве. Вот почему чрезвычайно важным является изучение института президентства на современном этапе.

В 2019 г. Финляндия отметила 100-летие принятия первой Конституции («Формы правления») государства. Финская государственность формировалась в течение более долгого времени, наиболее активно — в составе Российской Империи, в период царствования Александра II. Но независимое финское государство и основные демократические институты получили правовую основу именно благодаря «Форме правления» 1919 г.

Согласно «Форме правления» законодательную власть президент делит с Эдускунте - финским парламентом, а исполнительную - с Государственным советом, иначе говоря, кабинетом министров. Парламент так же избирается путем прямого тайного голосования сроком на четыре года.

Обычно Президент, согласно Основному закону, принимает свои решения на заседаниях Правительства на основе предложения последнего. Наиболее заметным изменением в функциях главы государства стала передача права принятия окончательного решения по представлению или отзыву постановления Правительства от главы Республики к Государственному совету, включая акты в области иностранных дел. Тем самым была



ограничена абсолютная компетенция Президента в области международных отношений. Кроме того, Парламент наблюдает за тем, чтобы военные или связанные с обороной страны указы Президента строго соответствовали договоренностям, достигнутым в ходе его консультаций с главой Министерства обороны либо главой любого другого заинтересованного министерства.

В Финляндии институт президентства имеет свои особенности, которые отличают его от других стран. Главой государства является президент Финляндии. Его выбирают все совершеннолетние избиратели (право голоса финны получают с 18 лет). Голосование прямое тайное. Если не удается выбрать президента путем прямых голосований, применяется система косвенных выборов - и тогда президент Финляндии избирается коллегией выборщиков в количестве 301 человека - представителей всех политических партий страны. Так гласит «Форма правления».

Государственное устройство Финляндии предполагает самые широкие права президента - как в сфере исполнительной, так и в сфере законодательной ветвей власти. И не только на бумаге, но и на практике. До 1 марта 2000 года Финляндия была президентской республикой, ныне - парламентская. Да и сейчас президент имеет права утверждать законодательные акты, назначает членов правительства, осуществляет внешнеполитическую политику, наконец, является Верховным главнокомандующим Сил Обороны Финляндии.

Но даже на этом не ограничиваются полномочия президента. Государственное устройство Финляндии предполагает и полномочия по назначению им губернаторов. И лишь Аланские острова (известные своими возможностями для рыболова, отсутствием здесь призыва на военную службу и просто красивой природой) имеют частичную автономию. Впрочем, все коммуны - низшие территориально-административные единицы страны - имеют самоуправление.

В Финляндии сложилась неполяризованная, т. е. фрагментированная коалиционная партийная система. Симпатии избирателей более или менее равномерно распределялись между пятью-шестью политическими партиями. Никогда в Финляндии ни одной партии не удавалось получить абсолютное большинство мест. Президент Финляндии никогда

не выступал в роли лидера парламентского большинства, поскольку оно всегда образовывалось коалициями, которые могли быть неустойчивыми, что, кстати, не особенно волновало избирателей. Фактически президенты в Финляндии соблюдали конституционный обычай, согласно которому президент должен действовать как нейтральная власть

В принципе у значительного большинства финского общества сохранилось уважительное отношение к президентам, например, У. К. Кекконену, который занимал президентскую должность 25 лет. Его заслуги признала и политическая элита страны. Но сразу после окончания его срока полномочий началась работа по подготовке конституционной реформы, направленной на усиление роли парламента. После «долгого президентства» начался, как отмечают исследователи, «период парламентаризации»: характерная черта этого периода - постепенное размывание президентских элементов режима и укрепление его парламентских составляющих¹. Скорее всего, причина этого процесса - долгое президентство Кекконена, потому что некоторые исследователи называли в последние годы его президентства республиканским монархом.² Как результат - одна из конституционных поправок, принятая в 1987 г., вводила ограничение на занятие должности президента двумя сроками подряд.³ Другая поправка, принятая в 1991 г., ввела прямые выборы Президента⁴ республики избирателями: финские законодатели сочли, что избрание президента коллегией выборщиков уже не соответствует требованиям демократического государства.

Финляндии вступила в Европейский Союз, что повлияло на национальное законодательство, в частности, на форму правления. В течение 1993—1994 гг. шли сложные переговоры, главным предметом которых оказалась политика финского государства по отношению к сельскохозяйственным производителям. От финнов требовали уступок в пользу той системы поддержки сельского хозяйства, которая была принята к этому времени в ЕС. Это требовало определенных изменений в законодательстве. Но в общем переговорный процесс прошел довольно гладко, поскольку крупнейшие государства ЕС были заинтересованы в том, чтобы такие богатые североευропейские государства, как Финляндия, быстрее интегрировались в про-

1 Зазнаев О. И. Полупрезидентская система: теоретические и прикладные аспекты. -Казань, 2006. С. 250.

2 Зазнаев О. И. Полупрезидентская система: теоретические и прикладные аспекты. -Казань, 2006. С. 250.

3 Korzi Michael J. Presidential Term Limits in American History: Power, Principles & Politics. — Texas A&M University Press (англ.)рус., 2011. — 217 с. — (Joseph V. Hughes, Jr. and Holly O. Hughes series on the presidency and leadership). — ISBN 1-60344-231-6.

4 Зазнаев О. И. Полупрезидентская система: теоретические и прикладные аспекты. -Казань, 2006. С. 250.



странство ЕС. Противники интеграции традиционно делали акцент на том, что европейская интеграция приведет к потере Финляндией национального суверенитета, а сторонники ЕС - энергично доказывали экономические выгоды, связанные со вступлением в Европейский Союз. Кроме того, они подчеркивали необходимость создания дополнительных гарантий безопасности страны, связанных с поддержкой западных союзников.

И как результат, сотрудничество со странами – членами ЕС вопросы совершенствования формы правления Финляндии стали еще больше актуальными. Большинство европейских государств успешно использовали форму парламентской республики. Финны внимательно присматривались к данному опыту, но имели в виду свою достаточно оригинальную модель: ряд конституционных поправок 1980–1990 гг. был направлен на постепенное усиление полномочий парламента: ведущая роль во внутренней и внешней политике постепенно переходила к правительству, поддерживаемому Эдускунтой. Поправки были, в частности, посвящены процедурам назначения членов правительства, роспуска парламента, вотума доверия, а также президентскому вето, роли президента и правительства во внешней политике.

Закономерным итогом этого процесса стало принятие в 1999 г. Конституции (Основного закона) Финляндии, которым было установлено новое соотношение полномочий между президентом Республики, правительством и Эдускунтой (парламентом)⁵.

Финские законодатели нашли четкую формулировку, которая показывает, что решение о выборе премьера принимается именно в парламенте: акт его избрания депутатами предшествует акту его назначения президентом. Президенту отведена определенная роль при выборе кандидатуры на пост премьера в Эдускунте. Согласно § 61 «до избрания Премьер-министра парламентские фракции ведут переговоры о программе Правительства и составе Государственного Совета. На основании результатов этих переговоров Президент, заслушав мнение Председателя Парламента, сообщает Парламенту кандидатуру на должность Премьер-министра. Кандидат будет избран Премьер-министром, если при проведенном в Парламенте открытом голосовании его поддержало на должность Премьер-министра более половины от общего числа поданных голосов».⁶ Рассмотрим формы парламентского кон-

троля над правительством в Финляндии. Если Эдускунта выносит вотум недоверия Государственному Совету (правительству), то Президент не вправе, но обязан отправить Государственный Совет в отставку (§ 64). В этом случае у Президента не остается поля усмотрения. В соответствии с Конституцией 1999 г. группа депутатов численностью не менее 20 человек может внести в Парламент интерпелляцию, адресованную или Государственному Совету в целом, или конкретному министру. По результатам обсуждения ответа на интерпелляцию Парламент может проголосовать за недоверие всему Государственному Совету или отдельному министру (§ 43). Такого полномочия прежняя «Форма правления» не предусматривала, хотя говорила в общем об ответственности министров перед Парламентом, и фактически Парламент мог отправить Государственный Совет в отставку.

Конституция Финляндии 1999 г. закрепила также линию на определенное сокращение полномочий президента. Например, согласно § 26 Президент теперь может только по «обоснованной инициативе» Премьер-министра распустить Парламент и назначить новые выборы. Для сравнения согласно «Форме правления» 1919 г. президент был вправе распустить парламент без всяких консультаций с премьером.

Новая Конституция существенно сократила полномочия Президента в сфере внешней политики.⁷ Согласно § 93 выработку стратегии в данной сфере Президент теперь может осуществлять лишь «во взаимодействии с Государственным Советом». Но при этом решения о принятии международных обязательств и их денонсации принимает Парламент. А § 66 Конституция также устанавливает, что в Европейском совете и в рамках мероприятий Европейского Союза, требующих присутствия представителей высшего руководства страны, Финляндию представляет Премьер-министр. Согласно § 58 Конституции 1999 г. Президент принимает решения на заседании Государственного Совета по предложению последнего. То есть, Президент оказывается связан более, чем прежде, мнением правительства. И в Конституции более нет базового положения, предусмотренного «Формой правления» 1919 г., что «высшая исполнительная власть принадлежит Президенту Республики». И все же за Президентом сохранились многие важные полномочия (пусть и обусловленные согласованием с волей парламентского большинства: назначение

5 Конституции государств Европы: в 3 т. -М., 2001. Т. 3. С. 353.

6 Конституции государств Европы: в 3 т. -М., 2001. Т. 3. С. 353.

7 Зайпт Е. В. Взаимоотношения высших органов государственной власти в Финляндии // Право и политика. 2000. № 11. С. 43–52.



Государственного Совета и его членов, принятие решения об отставке Государственного Совета и его членов, проведение досрочных парламентских выборов, а также право на помилование и некоторые иные полномочия), и сам институт президентства продолжает играть в государственной жизни страны важную роль. Исполнительная власть в Финляндии в связи с этим по-прежнему выглядит двуглавой. При формировании и функционировании многопартийных коалиционных кабинетов президент, поддерживающий по традиции репутацию нейтральной силы, по-прежнему выполняет полезную функцию. При решении критических для кабинета вопросов — о назначении досрочных выборов, об отставке кабинета — за президентом как за нейтральной фигурой остается последнее слово (при этом, что первое принадлежит премьеру). Наверно, при разработке финской Конституции посчитали, что таково условие необходимого политического баланса. Кроме того, президент — по-прежнему важная фигура в международных отношениях. Будучи лицом, избранным на всеобщих выборах, он представляет Финляндию на переговорах с лидерами иностранных государств, многие из которых также получили мандат от избирателей. Поэтому многие исследователи утверждают, что президент остается «реальным главой исполнительной власти, хотя новая конституция существенно ограничила его в правах».⁸ То есть, полупрезидентская форма правления все же сохраняется.

Таким образом, можно отметить следующие основные черты в институте президентства Фин-

ляндии:

1. Президент выступает как глава государства;
2. Президент является Верховным Главнокомандующим Вооружёнными Силами;
3. Президент обладает законодательными полномочиями;
4. В сфере исполнительной власти Президенту также даны широкие полномочия.

Во-первых, президент Финляндии выступает в качестве символа нации. Он является главой государства и олицетворяет Финляндию на международной арене.

Во-вторых, президент Финляндии имеет значительную политическую власть. Он назначает правительство и утверждает законы. Также он может использовать свою вето-власть, если ему не нравится какой-то закон.

В-третьих, президент Финляндии является Главнокомандующим вооруженных сил страны. Он также контролирует отношения с другими странами и участвует в обсуждении важных вопросов международной политики.

В-четвертых, президент Финляндии избирается народом на срок в 6 лет и может быть переизбран только на один срок. Кроме того, президент Финляндии не имеет права заниматься политической деятельностью после окончания своего срока.

В целом, институт президентства в Финляндии является важной частью политической системы страны. Он обеспечивает стабильность и принимает ключевые решения, которые влияют на будущее Финляндии.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

- Конституции государств Европы: в 3 т. -М., 2001. Т. 3.
- Зазнаев О. И. Полупрезидентская система: теоретические и прикладные аспекты. -Казань, 2006.
- Зайпт Е. В. Взаимоотношения высших органов государственной власти в Финляндии // Право и политика. 2000. № 11. С. 43–52.
- Конституционное (государственное) право зарубежных стран. / Отв. ред. Б.А. Страшун. - М., 1999
- Конституционное право зарубежных стран. Т. 1-2. Страны Европы. - М., 1997
- Могунова М. А. Государственное право Финляндии. -М., 2005.
- Kirby D. G. Finland in the Twentieth Century: A History and an Interpretation. University of Minnesota Press, 2009.
- Korzi Michael J. Presidential Term Limits in American History: Power, Principles & Politics. — Texas A&M University Press (англ.)рус., 2011. — 217 с. — (Joseph V. Hughes, Jr. and Holly O. Hughes series on the presidency and leadership). — ISBN 1-60344-231-6.
- Martinez R. M. Semi-presidentialism: a comparative study: Paper prepared for the ECPR Joint Sessions of Workshops. Mannheim, 26–31 March 1999.
- Мейнандер Х. История Финляндии. Линии, структуры, переломные моменты. М., 2008.
- Университет мировой экономики и дипломатии,
Тел. +99891-165-87-04



ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлашнинг назарий ва амалий масалалари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье анализируются теоретические и практические вопросы прозрачности гражданские и экономические судопроизводство, законодательный опыт зарубежных стран по этому вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование правовой базы обеспечения прозрачности гражданских и экономических судопроизводства.

ABSTRACT: This article analyzes the theoretical and practical issues of transparency, civil and economic legal proceedings, the legislative experience of foreign countries on this issue. As a result of the analysis, proposals are substantiated aimed at improving the legal framework for ensuring the transparency of civil and economic legal proceedings.

Калит сўзлар: фуқаролик процесси, иқтисодий суд ишларини юритиш, ошкоралик, шаффофлик, ахборот олиш ҳуқуқи, аборот технологиялари, ҳуқуқий асослар, такомиллаштириш.

Ключевые слова: гражданский процесс, экономический судопроизводство, открытость, прозрачность, право на информацию, информационные технологии, правовые основы, совершенствование.

Key words: civil process, economic litigation, openness, transparency, right to information, information technology, legal framework, improvement.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада кучайтириш, суд ҳокимияти фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг судлар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янгиланган Конституциямизнинг 33-моддасида ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги билан бир қаторда давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши мустақамлаб қўйилди.¹

Маълумки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил тармоғи ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши ўз ифодасини топган. Шундай экан, давлат ҳокимиятининг муҳим тармоғи ҳисобланган суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан хабардор бўлиб боришни таъминлаш янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида муҳим масалалардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ҳокимиятнинг бошқа тармоқларига қараганда суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги масаласи алоҳида хусусиятга эга ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 137-моддасида ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши кафолатланиши билан бир қаторда ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги норма ҳам назарда тутилган. Мазкур конституциявий норма мамлакатимизнинг “Судлар тўғрисида”ги

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // <https://lex.uz/acts/6445145>

Қонуни, Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекларида ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида ривожлантирилган ва аниқ механизмлари назарда тутилган.

Бироқ шундай бўлса-да, суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги ва иш кўришнинг ошкоралиги суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда одил судлов жараёнида қонунийликни таъминлаш ҳамда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўйбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажарадиган махсус қонун ҳужжатига ҳозирги кунда зарурат сезилмоқда. Зеро, суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлаш ҳамда судда иш кўришнинг ошкоралиги бу инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, суд қарорларининг қонуний, асосланган ва адолатли бўлини таъминлашдаги муҳим омиллардан саналади. Қолаверса, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди, бу эса муҳим тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. ҲШу ўринда, профессор Д.Ю.Хабибуллаев суд муҳокамасининг ошкоралиги бир томондан, суд иш юритувининг демокративлиги белгиси бўлса, иккинчи томондан судда конституциявий тамойилларга риоя этилиши устидан аҳолининг назорат усули ҳам эканлигини таъкидлайди.²

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суд ишларини юритишда шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш қуйидаги ижобий жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, судда кўриладиган ишлар юзасидан ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори ёки ҳукм чиқарганлиги айтилиши шу иш бўйича судга қилинаётган мунозабатларнинг олдини олади.

Иккинчидан, судда иш кўришнинг очиқ ва ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Суд ҳал қилув қарори ва ҳукмнинг эълон қилиниши эса судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ фактлар билан асослашга ундайди. Зеро, давлатнинг обрўси, жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қо-

нунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда ҳал қилув қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармонида ҳам сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берганлиги алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга мазкур Фармон билан тасдиқланган “2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси”нинг “Судьялар ҳамжамиятини шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш” номли 3.4.-бандида судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш белгилаб қўйилди.

“2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури”нинг 17-бандида “Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш” устувор йўналиш сифатида белгиланиб, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда демократик тамойилларни кенг жорий этиш, судьялар корпусини шакллантириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда соҳага очиқлик ва шаффофлик принципларини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Мазкур Ҳаракатлар дастурининг 24-бандида суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш устувор йўналишлар сифатида белгиланди. Мазкур бандга кўра, эксперт ва мутахассислар билан бирга одил судлов фаолиятини “коррупциясиз соҳа”га айланттириш бўйича чораларни назарда тутувчи режа-жадвал ишлаб чиқиш, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда очиқ суд мажлисида узлуксиз тарзда кўриладиган ишлар тоифаларини белгилаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда “Судлар коррупцияга мутлақо қарши” рукни

2 Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ. 2006. -65 б.



остида кенг жамоатчиликка ахборот бериш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилди.³

Дарҳақиқат, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш, суднинг айрим тоифадаги ишлар бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмларнинг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ва муҳим талабларидандир. Иш кўришнинг ошкоралигини, унинг ҳамма учун очиқ ва шаффоқлигини, суд қарорларининг эса қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт”, деган нормани кафолатлашга хизмат қилади. Қолаверса, суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши кўп жиҳатдан суд процессларининг очиқлиги, ҳар қандай шахснинг суд қарори билан танишиш имкониятига эга бўлишига кўпроқ боғлиқдир.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган ошкоралик, очиқлик принциплари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари,⁴ Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси⁵ ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда суд ҳал қилув қарорларини жамоатчиликка маълум қилиб борилишининг бир қатор аҳамияти ва афзаллик томонлари мавжуд. Масалан, энг муҳими ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатидан хабардор бўладилар. Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, фуқаролик суд ишларининг очиқ, ошкора кўри-

лиши ишда иштирок этувчи-ларга, шунингдек суд залида ҳозир бўлган бошқа шахсларда ҳам катта таассурот қолдириб, суд жараёнининг тарбиявий ролини таъминлайди. Ишларнинг очиқ кўрилиши, фуқароларга судьяларнинг ишлари билан бевосита танишиш, уларнинг фаолиятини халқ назорати остига олиш имконини беради ва шунинг ўзи билан фуқаролик ишларининг тўғри ҳал этилишини таъминлайди.⁶ Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шаклларининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги тамойили суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.⁷ Ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айти шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундайди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин.

Судлар фаолиятидаги очиқлик масалалари бир қатор жиҳатларга эга бўлиб, улардан бири процессуал маънода суд фаолиятининг шаффоқлиги ҳисобланади. Мазкур жиҳатлар мамлакатимиз миллий процессуал қонун ҳужжатлари билан у ёки бу даражада тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори ишнинг суд муҳокамаси тугаганидан кейин дарҳол қабул қилинади. Алоҳида ҳолларда, ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан беш кунга кечиктирилиши мумкин, аммо ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмини суд ишнинг муҳокамаси тугалланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айти вақтда суд ишда иштирок этувчи шахслар асослантилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.01.2023 й., 06/23/11/0033-сон.

4 Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: Адолат, 1992. -64 б.

5 Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция БМТ Бош ассамблеясининг 44/25-сонли резолюцияси билан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрда кучга кирган. Ўзбекистон Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

6 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. 28-б.

7 Мамасиддиқов М.М., Отажонов А.А. ва бошқ. Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш / Монография. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Тошкент. “Lesson press”. 2020. – 167 б.



чиқиши мумкинлигини эълон қилади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми судья томонидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади.⁸

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 2019 йил 24 майдаги қарорининг 5-бандида тушунтириш берилишича, судларнинг эътибори асослан-тирилган ҳал қилув қарорини тайёрлашни кечиктирилиши истисно ҳолларда, ўта мураккаб ишлар бўйича беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга йўл қўйилишига қаратилсин. Бундай ҳолларда ҳал қилув қарорининг фақатгина кириш ва хулоса қисмлари тайёрланади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми иш муҳокамаси тамомланган суд мажлисининг ўзида судья томонидан имзоланади, ўқиб эшиттирилади ва ишга қўшиб қўйилади. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эълон қилинганда, раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг вакиллари асослан-тирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини тушунтириши шарт ва бу суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Асослан-тирилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмлари иш муҳокамаси тугалланган куни эълон қилинган, матни тўлиқ бўлмаган, ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз мос келиши лозим. Иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорининг сани, у эълон қилинган кун ҳисобланади.⁹

Фуқаролик ишларини адолатли кўриш ва ҳал этиш жараёнларида ошкора-лик принципининг амал қилишини таъминлашда ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакиллари, айниқса адвокатларнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам адвокат томонидан фуқаролик ишини судда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши масаласига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ адвокат ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан

қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга.¹⁰ Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддаси еттинчи қисмида суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.¹¹ Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодексларида очиқ суд мажлиси иштирокчилари, хусусан, адвокатнинг суд залида овозларни аудио-техника воситалар орқали ёзиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги, фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушуриш эса суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормалар мавжуд эмас. Ўрганилган аксарият МДҲга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида бу билан боғлиқ нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 10-моддаси 7-бандига кўра, “ишда иштирок этаётган шахслар ва очиқ суд мажлисида ҳозир бўлган фуқаролар суд муҳокамасининг боришини ёзма шаклда, шунингдек аудиоёзув воситасида ёзиб олишга ҳақли. Суд мажлисини кино ва суратга олиш, видеоёзувга олиш, радио, телевидение ва “Интернет” ахборот-телекоммуникация тармоғида трансляция қилишга суд рухсати билан йўл қўйилади”.¹² Беларусь Республикаси ФПКнинг 271-моддасида ҳам “очиқ суд мажлисида қатнашаётган фуқаролик процесси иштирокчилари ёзма равишда ёки овоз ёзиш воситалари орқали суд муҳокамасининг олиб борилиши қайд этиб бориш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланса-да, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши” назарда тутилган. Шунингдек, мазкур ҳаракатлар судда иш кўришни олиб борилишига ҳалақит бермаслиги талаб этилади.¹³

Украина ФПКда иш кўришнинг ошкоралиги ва маълумотларнинг очиқлигига эътибор кўпроқ берилганлиги кўриш мумкин. Масалан, ФПКнинг 8-моддаси “Иш кўришнинг ошкоралиги”, 9-моддаси “Иш бўйича

8 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337#3523544>

9 Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4396483#4396539>

10 Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/mobileact/29626>

11 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111460>

12 «Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации» от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 24.06.2023, с изм. от 20.07.2023) // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/

13 Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь, 11 января 1999 г. № 238-З // [https://etalonline.by / document/?regnum=hk9900238](https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900238)



маълумотларнинг очиқлиги” деб номланади.¹⁴ ФП-Книнг 8-моддасига кўра, “суд ўз ажрими билан суд мажлисини ўтказишга, процесс иштирокчиларининг ёки судьянинг ўз ҳуқуқлари ёки мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилаётган ва суд мажлиси залида тартибни бузган шахсларни суд мажлиси залидан чиқариб юбориши мумкин. Суд “Аҳолини юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги Украина қонунига мувофиқ, Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган карантин даврида суд муҳокамаси иштирокчиси бўлмаган шахсларни агар суд мажлисида иштирок этиш ҳаётга ёки соғлиққа хавф туғдирса, суд мажлисига киришини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Суд залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суднинг алоҳида рухсатисиз, лекин ушбу Кодексда белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда кўчма видео ва аудио техника воситаларидан фойдаланган ҳолда суд залида суратга олиш, видео ва аудиоёзувга олишлари мумкин.

Суд мажлисини трансляция қилиш суднинг розилиги билан амалга оширилади. Агар суд мажлисида ишнинг барча иштирокчилари видеоконференцалоқа орқали иштирок этса, суд мажлисининг бориши Интернет тармоғида узлуксиз трансляция қилинади.

Суд мажлиси залида суратга олиш, видеотасвирга олиш, шунингдек суд мажлисини трансляция қилиш мажлисни ўтказишга ва суд муҳокамаси иштирокчиларининг ўз процессуал ҳуқуқларини амалга оширишига аралашмасдан амалга оширилиши керак.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш очиқ суд муҳокамаси сир ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда, шахснинг шахсий ва оилавий ҳаётини ҳимоя қилиш зарурати туғилганда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ўтказилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида ажрим чиқарилади. Суд ўз ажрими билан суд мажлисини тўлиқ ёки унинг бир қисмини ёпиқ деб эълон қилиши мумкин.

Ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимларидан фойдаланишга ва суд мажлиси жараёнини Интернет тармоғида трансляция қилишга йўл қўйилмайди.

Агар ёпиқ суд мажлисида ошкор этилмаслигини таъминлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида ишни кўриб чиқиш ёки айрим процессуал ҳаракатлар

содир этилган маълумотлар ҳамма учун очиқ бўлганлиги ёки чеклов қўйилганлиги асоссиз эканлиги аниқланса, суд ишни очиқ судда кўриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд ишни суд мажлисида кўраётганда, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, унинг боришини видео ва (ёки) овоз ёзиш техникаси воситалари ёрдамида тўлиқ қайд этади. Бундай қайд этиш тартиби ушбу Кодексда белгиланади.

Суд мажлисининг расмий баёни фақат ушбу Кодексда белгиланган тартибда суд томонидан тузилган техник баённома ҳисобланади”.¹⁵

Суд ҳал қилув қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлганида тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизмлари яратилган ва бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбаларидан, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин.¹⁶

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар кунини сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба кунини нашрга чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишланган. Шунингдек, лордлар Палатасининг махсус сайтида (<http://www.publications.parliament.uk/pa/ld>) Бирлашган Қиролликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин.¹⁷

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳуж-

14 Господарський процесуальний кодекс України // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12>

15 Господарський процесуальний кодекс України // <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1798-12>

16 Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. – М., 2000. – 71 с.

17 Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. – М., 2000. – С. 71-72.



жат-лар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.¹⁸

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда суд фаолиятининг очиқлиги ва суд қарорларининг барчага танишиш учун қулай бўлишини таъминловчи процессуал механизмларни ҳамда суд фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларини янада такомиллаштириш ҳозирги кунда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, мамлакатимизда тадбиркорларнинг иш юзасидан қабул қилинган хўжалик судлари қарорларини мунтазам равишда нашр этиб борилиши амалиётининг йўлга қўйилганлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда айрим тоифадаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳам қабул қилинган суд қарорларини қонунчиликда белгиланган тартибда махсус нашрларда эълон қилиб бориш ёки Олий суднинг расмий веб-сайти орқали жойлаштириш ва янгилаб бориш амалиёти кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ундан ташқари, МДҲга аъзо давлатлар қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз

Фуқаролик процессуал кодексида ҳам процесс ишти-рокчилари, хусусан, адвокат очиқ суд мажлисида аудио-техник воситалардан фойдаланган ҳолда овозларни ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бироқ фотосуратга, видео-ёзувга ва кинога тушириш, суд мажлиси жойидан радио ёки телевидениега тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ёки эшиттириш қилиш ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг фикри эътиборга олган ҳолда суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақидаги нормани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ундан ташқари, суд Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган карантин даврида суд муҳокамаси иштирокчиси бўлмаган шахсларни агар суд мажлисида иштирок этиш ҳаётга ёки соғлиққа хавф туғдирса, суд мажлисига киришини чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш тавсия этилади.

Юқоридаги нормаларнинг қонунчиликка киритилиши суд мажлиси тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди, далилларнинг сохталаштирилишини, суд мажлиси баённомасининг ўзгартирилиши каби нохуш ҳолатларнинг олдини олади, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

#

18 Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.



ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада тезкор-қидирув ва тергов органлари фаолиятида порахўрлик жиноятлари бўйича шахсни жиноят устида қўлга олиш жараёнида юзага келаётган муаммолар, тегишли чора-тадбирларни белгилаш орқали уларни мувофиқлаштириш зарурияти таҳлил қилинган. Мураккаб коррупциявий жиноятлардан бири бўлган порахўрлик жиноятларини тўлиқ ва холисона фош этиш, ушбу жараёнда айбисизлик презумпциясини ва далиллар мақбулликни таъминлашда жиноят иши қўзғатилгунга қадар терговчини тезкор-қидирув тадбирларига жалб қилиш борасидаги муаммолар ва уларни ечиш борасида таклифлар билдирилган. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар бўлган жараёнда терговчининг роли, унинг тергов-тезкор гуруҳлари таркибидаги вазифалари кўриб чиқилган.

АННОТАЦИЯ: В статье анализируются проблемы, возникающие в процессе задержания лица за совершение преступлений по делам о взяточничестве в деятельности оперативно-розыскных и следственных органов, необходимость их координации путем установления соответствующих мер. Были даны предложения по полному и беспристрастному раскрытию одного из сложных коррупционных преступлений по делам о взяточничестве, а также решения проблем, возникающих в процессе оперативно-розыскных мероприятий с привлечением следователя до возбуждения уголовного дела с соблюдением принципов презумпции невиновности и допустимости доказательств. Была рассмотрена роль следователя до возбуждения уголовного дела, а также его обязанности в составе следственных групп.

ANNOTATION: The article analyzes the problems arising in the process of detaining a person for committing crimes in cases of bribery in the activities of operational investigative and investigative bodies, the need for their coordination by establishing appropriate measures. Proposals were made for the full and impartial disclosure of one of the complex corruption crimes in cases of bribery, as well as solutions to problems arising in the process of operational investigative measures involving an investigator before initiating a criminal case in compliance with the principles of presumption of innocence and admissibility of evidence. The role of the investigator before the initiation of a criminal case was considered, as well as his duties as part of the investigation teams.

Калит сўзлар: коррупция, порахўрлик, пора олиш, тезкор-қидирув ҳаракатлари, тергов, терговчи, тергов амалиёти, ҳамкорлик, тергов-тезкор гуруҳи.

Ключевые слова: коррупция, взяточничество, подкуп, оперативно-розыскные мероприятия, расследование, следователь, следственная практика, сотрудничество, следственно-оперативная группа.

Key words: corruption, bribery, bribery, operational investigative measures, investigation, investigator, investigative practice, cooperation, investigative task force.

Мамлакатимизда коррупциявий йўналишдаги жиноятларга қарши курашиш давлат сиёсати даражасидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат коррупциявий жиноятлар содир қилиниши оқибатида давлат органларининг қонуний фаолияти жиддий тарзда бузилиши, оммавий ҳокимиятнинг обрўсига путур етиши, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари поймол бўлиши, алал-оқибат аҳолида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга нисбатан ишончсизлик кайфиятини шакллантириши билан изоҳланади.

Табиийки, жамият ва давлатнинг барча жабҳаларида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат кенг қамровли ва юқори даражада малакали ҳаракатларни амалга ошириш орқалигина коррупцияга қарши курашишда

кутилган самарага эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жамиятимизда “Қонун ва адолат – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган принципни қарор топшириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”¹ деб таъкидлаб, ушбу принципни қарор топширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш давр талаби эканлиги кўрсатиб ўтганлиги бежиз эмас.

Зеро, коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур тоифадаги жиноятларни фош этиш ҳамда сифатли ва малакали тергов қилиб, жазо муқаррарини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси асосида халқимиз муаллифлигида Янги Ўзбекистоннинг Янги кон-

1 Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдевори-дир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган маърузаси. – “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 20 б.

ституцияси яратилиб, 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмуни, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча жабҳаларда энг устувор аҳамият касб этиши қатъий қоидага айланди.

Шу сабабли, коррупциявий жиноятларни фош этиш ҳамда тергов қилишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли таъминлаш, давлат ва жамоат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва тергов органларидан алоҳида масъулиятни талаб этади.

Коррупциявий жиноятларнинг нисбатан хавфли кўриниши бўлган порахўрлик жиноятларини аниқлаш, уларни фош этиш ва мустаҳкамлаш, энг аввало, тезкор-қидирув ва тергов органлари томонидан ушбу тоифадаги жиноятларнинг ўзига хос томонларини инobatга олган ҳолда амалга оширилган ҳамкорлик жараёнида қонун нормаларига оғишмасдан риоя қилиб, далиллар мақбуллигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.

Мавжуд амалиёт ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият порахўрлик жиноятлари сифатли ва ҳар томонлама мукамал ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижаларига кўра фош этилади ва ҳужжатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни²нинг 19-моддасига кўра тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг 16-моддаси³ шартларига ри-

оя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкин.

Демак, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар жиноят процессига фақат тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига асосида тўпланган ўз фаолиятлари натижаларини тақдим қиладилар, ушбу тезкор маълумотлар асосида далилларни шакллантириш эса уларнинг ваколатлари доирасига кирмайди.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари асосида далилларни фақат жиноят процессини юритувчи шахслар томонидан ва фақат жиноят-процессуал усуллар билан шакллантиришлари мумкин. Яъни, тезкор-қидирув фаолияти натижаларига асосланган далиллар жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига жавоб бериши ёки бермаслиги жиноят процессини юритишга масъул бўлган шахсларнинг фаолияти самарадорлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.⁴

Қонун мазмунига кўра, пора олиш жиноятларини фош этиш, такрорий жиноятларни хуфёна тарзда содир этаётган шахсларни фош этиш, аниқлаш ва жиноят устида қўлга олиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тезкор эксперимент тезкор-қидирув тадбири ўтказилиши лозим.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, коррупциявий жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва олдини олиш мақсадида тезкор эксперимент ўтказилиши давомида тактикавий қарорлар қабул қилишнинг масалалари охиригача ўрганилмаган бўлиб, юридик адабиётларда ушбу тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш борасидаги қатор муаммолар мавжудлиги таъкидлаб келинади.⁵

Амалда тезкор эксперимент пора олган шахсни жиноят устида қўлга олиш орқали порахўрлик жиноятини фош этишнинг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики амалга оширилган комплекс тезкор-қидирув тадбирлари яку-

2 <http://lex.uz/docs/2107763>

3 <http://lex.uz/docs/2107763>

4 Вестник Российского государственного университета им. И. Канта. 2009. Вып. 9. с. 107-112

5 Қаранг: Куделькин Д.В. О некоторых проблемах правового регулирования оперативно-розыскных мероприятий, содержащих экспериментальный метод исследования. Оперативник (сыщик). 2010. №4. С. 29-32;

Винтерколлер Н.В. Некоторые проблемы оперативного эксперимента при осуществлении оперативно-розыскной деятельности. Вестник Барнаула. Юрид. Ин-та. 2012. №2 С. 68-72;

Гаврилов Б.Я. Проверочная закупка и оперативный эксперимент: грань между оперативно-розыскным мероприятием и провокацией преступления. Тр. Академии управления МВД России. 2012. ;2. С. 50-53.



нига кўра, мансабдор шахсни пора олиш жинояти устида қўлга олиш мақсадида тезкор эксперимент ўтказилсада, мазкур жараён идоралараро норматив ҳужжатлар (Бош прокуратура, ПДХХ, ДХХ, ИИВ, ДБК, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ва Мудофаа вазирлигининг 31.08.2021 йилдаги 57ҚҚ/4ДСП/21ХДФУ/50ХДФУ/57ҚҚ/35/01-1/4-07-74-сонли қарори билан тасдиқланган “Тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш, расмийлаштириш ва уларнинг натижаларини тақдим этиш тўғрисида”ги Йўриқнома) талабларига мувофиқ тезкор эксперимент таъриқасида расмийлаштирилмайди.

Аксинча, шахсни жиноят устида қўлга олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари жараёнига (суриштирувчи) терговчилар (кейинги матнда терговчилар) жалб қилинади.

Ўз навбатида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан тўлиқ ёки етарли даражада хабардор бўлмаган, иш юритувида жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга асос бўлувчи ҳужжатлар (жиноят иши, материал, ариза) бўлмаган терговчи томонидан шахснинг пора олган вақтида қўлга олинганлиги ҳақида баённома расмийлаштирилади.

Эътиборлиси, бундай ҳолатда терговчи ҳодиса тафсилотлари, яъни пора олувчи, пора берувчи (ариза муаллифи), пора мазмуни ҳақида етарли маълумотга эга бўлмасдан туриб, фақат келгусида пора предмети деб эътироф этиладиган пул маблағлари ёки ашёларнинг олинганлиги фактига асосланиб баённома расмийлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасида⁶ кўздан кечириш учун асослар келтирилган бўлиб, ушбу тергов ҳаракати жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиришда ифодаланади.

Бироқ, шахс жиноят устида қўлга олинганidan сўнг баённомада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир тафсилотлари қайд қилиниши сабабли, ушбу мазмундаги баённомани кўздан кечириш баённомаси сифатида талқин қилиб бўлмайди. Шу сабабли, амалиётда терговчилар томонидан ушбу баённома жино-

ят-процессуал қонунчилигида ҳам, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда ҳам назарда тутилмаган “аризадаги важларни текшириш”, “шахсни пора олиш устида ушлаш” ва турлича номдаги баённомаларни расмийлаштирадilar.

Шу билан бирга, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганидан сўнг у тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга мурожаат қилган ҳолларда, ушбу органлар томонидан мансабдор шахсни жиноят устида қўлга олишга қаратилган тезкор эксперимент тадбири ўтказилмасдан туриб, тайёргарлик кўриш ва жиноят устида қўлга олиш босқичида ҳам терговчи иштироки таъминланиб, у томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади. Бундай ҳолатларда терговчи тайёргарлик кўриладиган жиноят, ариза муаллифи, потенциал пора олувчи, пора предмети ҳақида муайян фикрга эга бўлганидан сўнг, шахс жиноят устида қўлга олинган ҳолларда баённомани тузади.

Порахўрлик жиноятлари бўйича терговчининг тезкор-қидирув тадбирининг якуний, яъни шахсни жиноят устида қўлга олиниши жараёнида иштироки бир томондан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг терговчиларнинг ушбу жараёнда ҳужжатларни процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштириши ҳақидаги фикри билан изоҳланса, иккинчи томондан назоратни амалга оширувчи прокурорнинг ушбу жараёнда терговчининг иштирок этиши қонунийлик таъминланиши ва ушланган шахснинг қонун билан белгиланган ҳуқуқлари бузилиши эҳтимолнинг олди олиниши билан изоҳланади.

Терговчининг пора устида қўлга олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида бевосита иштирок этиб, процессуал текширув ўтказиши учун асос бўлиб тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан тергов органига келиб тушган ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар мавжудлиги саналади. Аммо, деярли барча ҳолатда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ихтиёрида бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар (ариза, стенограмма ва ҳ.к.) шахсни жиноят устида ушлашга қаратилган тезкор-тадбир ўтказиб бўлинганидан сўнг тергов органига тақдим қилинишини инобатга олган ҳолда, айнан тезкор тадбир ўтказилган пайтда терговчи ихтиёрида бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси⁷да тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар рўйхати қатъий белгиланган бўлиб, бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шах-

6 <http://lex.uz/docs/111460>

7 <http://lex.uz/docs/2107763>

слар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Қонуннинг 11-моддаси 2-қисми⁸га кўра, прокуратура органлари ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тоифасига кирмайдиган суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан суриштирувчининг, терговчининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ терговчи жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахс бўлиб, улар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ўз юритувида қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга ваколатли бўлиб, терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Юқоридаги қонун нормалари, масала юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- биринчидан, терговчи тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходими бўлмасдан, процессуал мақомдаги шахс ҳисобланади ва тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиши ва расмийлаштирилиши жараёнида иштирок этишга ваколатли эмас;

- иккинчидан, терговчининг юритувида бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш учун асос бўлувчи ҳужжатлар (жиноят иши, материал, ариза, алоҳида топшириқ) бўлмасдан туриб, мансабдор шахсни пора олиш жинояти устида қўлга олиш жараёнини нафақат расмийлаштириш, балки ушбу жараёнда иштирок этиши жиноят-процессуал қонунчилигига зид ҳисобланади.

Масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратадиган бўлсак, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ терговчи жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш шарт бўлиб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган,

ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси 3-қисми⁹га кўра, агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олинishi мумкин.

Бироқ, порахўрлик жиноятлари бўйича терговчи томонидан тезкор-қидирув фаолияти натижалари, жумладан “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун талабига мувофиқ амалда тезкор эксперимент баённомаси сифатида расмийлаштирилиши лозим ҳужжатларнинг процессуал мақомдаги шахс - терговчи томонидан расмийлаштирилиши, тезкор-қидирув фаолияти натижаларини Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилмасдан ва баҳоланмасдан туриб, олдиндан далил сифатида белгилаб қўяди.

Шу ўринда ҳақли савол юзага келади, ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларидан тўлиқ ёки лозим даражада хабардор бўлмаган, мансабдор шахсни пора олиши устида қўлга олишда бевосита қатнашмасдан, балки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан ушланганидан сўнг ҳужжатларни расмийлаштириш учун таклиф этилган терговчи ўз номидан ушбу ҳолатни тасдиқлаб баённома расмийлаштириши далиллар мақбуллиги қоидаларига қанчалик тўғри келади? (Жиноят излари ва ишга алоқадор далилларни топиш мақсадида ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва шахсий тинтув бундан мустасно).

Албатта, мазкур ҳолатда терговчи томонидан тезкор-қидирув тадбири натижасига кўра шахс пора олганлиги ҳақида атрофдагиларнинг сўзларига кўра, гўёки тадбир бошидан иштирок этган сифатида кўрсатилиб баённома расмийлаштирилган тақдирда, келгусида терговда аниқланган ҳолатлардан қатъи назар, баённомада қайд қилинган ҳолатларга мувофиқ қарор қабул қилишига шароит яратиб қўяди.

Таъкидлаш жозки, шахс пора олиш жинояти устида қўлга олинганидан кейин содир қилинган ҳаракатнинг мотивларини аниқлаш ва далиллар тўплаш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ор-

8 <http://lex.uz/docs/2107763>

9 <http://lex.uz/docs/111460>



ганлар ходимларининг мажбуриятлари ҳисобланмайди. Коррупциявий ва бир қатор бошқа жиноятлар (масалан, иқтисодиёт соҳасидаги) жиноятлар бўйича уларнинг асосий вазифаси – жиноят таркиби белгиларига эга бўлган ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар фактларини аниқлаш ҳамда ҳужжатлаштириш ҳисобланади. У ёки бу ҳаракатлар қайси мақсадларда содир қилинганлиги, бунда уларда ғараз ёки бошқа шахсий манфаатдорлик бўлганлиги ҳолатларига оидлик киритиш эса терговчининг тўғридан-тўғри мажбурияти ҳисобланади.

Аксарият пора олиш билан боғлиқ жиноят ишлари тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари фош этилган ва қайд қилинган шахсларни ушлаш билан бир пайтда қўзғатилади ҳамда терговчи ихтиёрида ушланган шахсни ишда айбланувчи тариқасида жалб қилиш ва унга эҳтиёт чорасини танлаш масаласини ҳал қилиш учун кўпи билан атиги қирқ саккиз соат муддат бўлади.

Вақтнинг бундай тифизлигида терговчи фақат гумон қилинувчи томонидан ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир қилинганлиги фактига (яъни, жиноятнинг объектив томонига) оид далилларни тўплашга қаратилган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини бажаришга аранг улгуради. Бундай вазиятда терговчига жиний ҳаракатларнинг схемасини батафсил тушуниш, гумон қилинувчилар ва уларнинг ҳимоячилари қандай ҳимоя позициясини танлашлари мумкинлиги ҳақида асослантирилган тахминлар ишлаб чиқиш, жиноятга оид далилларини айнан қаердан излаш бўйича муайян муддат керак бўлиб, ваҳоланки бундай вазиятда ушбу вақт бўлмайди.

Манфаатдор шахслар учун эса, далиллар манбаларини яшириш, йўқотиш ёки қалбакилаштириш, ҳимоя позициясини ишлаб чиқиш учун бир неча соат етарли ҳисобланади. Терговчи ушбу давр оралиғида терговга қаршилик кўрсатишга қаратилган ҳаракатларни олдини олишга ҳаракатларни режалаштиришга ҳам, бажаришга ҳам жисмонан улгурмайди. Бироқ, кўпгина ҳолатларда жиноят иши қўзғатилмасдан туриб ёки қўзғатилиши биланоқ превентив усулларни қўллаш имконияти мавжуд бўлади.

Бунинг сабаби, айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар мансабдор шахс пора олган пайтида қўлга олинганидан сўнг ўзларининг вазифалари бажариб бўлинган деб ҳисоблайдилар ва жиноят иши қўзғатилиб, шахс ушланганидан сўнг, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш терговчининг зиммасида қолиб кетади.

Табийки, ҳолатни малакали баҳолаш, гумон қилинувчиларнинг ва уларнинг ҳаракатларига боғлиқ шахсларнинг ҳимоя позициясини прогнозлаш, уларни олдини олиш чораларини фақат терговчи таъминлай олади. Қонунчилик терговчини тезкор-қи-

дирув фаолияти натижалари билан жиноят иши қўзғатилгунга қадар танишиши мумкинлини инкор этмайди. Бунинг учун, терговчи тақдим қилинадиган материаллар махфийликдан ечилиб тақдим қилинади, ёки терговчи, тегишли тартибда улар билан танишишга рухсат олади. Бироқ, ушбу материалларни тақдим қилиш ёки улар билан танишиш муддатларининг чўзилиб кетиши ҳам, иш бўйича қисқа муддатда эътиборга молик қарорларни қабул қилинишига таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ихтиёрида бўлган шахсларнинг уларга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинганлиги ҳақидаги аризалари тергов органларига юборилиб, улар асосида терговчининг терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиши давомида шахсни пора олиши устида қўлга олинганлиги ҳолатларини ҳам ҳужжатлаштириш ҳолатлари учрайди.

Ҳар қандай ҳолатда мансабдор шахсни пора олиш жиноятида қўлга олишга қаратилган тезкор-эксперимент тезкор қидирув тадбирини мазмун-моҳиятига кўра терговчи томонидан жиноят ҳақидаги хабар юзасидан текширув сифатида ҳисоблаб бўлмайди. Бундай экспериментни ўтказиш учун ҳам, бошқариш учун терговчи ваколатга ва айна пайтда бирор мажбуриятга эга эмас.

Юқоридаги амалиётда мавжуд муаммоли ҳолатларга нисбатан келтирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, терговчи ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ўртасида самарали ва қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган ҳамкорликни таъминлаш, табиийки коррупциявий характердаги жиний қилмиш-ни тўғри ва самарали ҳужжатлаштириш имкониятларини оширади.

Шу сабабли, порахўрлик жиноятлари бўйича терговчи ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар фаолиятида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишнинг йўли сифатида тезкор-қидирув фаолияти материалларини реализация қилиш арафасида, яъни жиноятчини қўлга олиш ва жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш босқичида, заруратга кўра, тергов-тезкор гуруҳи тузиш таклиф этилади.

Бундай гуруҳни тузиш ҳақидаги қарор гуруҳга терговчи ёки терговчилар гуруҳини тезкор тадбирга жалб қилиш зарурати мавжудлиги назорат қилувчи прокурор томонидан ўрганилганидан сўнг, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва тергов органи раҳбари томонидан қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Прокурор томонидан тезкор тадбирга терговчи иштирокини таъминлаш зарурати йўқ деб топилган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари

тезкор эксперимент баённомасини ҳужжатлаштиришлари лозим.

Юқорида кўрсатилган тартибда жиноят иши қўзғатилгунига қадар гуруҳ тузилган ҳолларда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходими унга раҳбарлик қилиб, тегишли ҳужжатлар ушбу орган ходимлари томонидан тезкор эксперимент баённомаси сифатида расмийлаштирилиши, терговчи ушбу жараёнда жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликлари ва криминалистика соҳасидаги мутахассис сифатида тезкор ходимларга фақат маслаҳат ва тўғри йўналиш бериб, ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилишини кузатиши (бирок тезкор-қидирув фаолияти натижаларини ўз номидан расмийлаштирмаслиги), жиноят иши қўзғатилганидан сўнг, гуруҳга раҳбарлик қилиш терговчига ўтиши ва у жиноят-процессуал қонунчилиги билан белгиланган ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатларини ўтказишга киришиши мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Фикримизча, бундай ёндашув, жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ҳам зид ҳисобланмайди ҳамда қонунчиликка ўзгартиришлар киритишни талаб этмайди.

Ушбу турдаги тергов-тезкор гуруҳлари идоравий ёки идоралараро ички буйруқлар қабул қилиш орқали ташкил қилиниши мумкин. Заруриятга кўра, жиноят ишларини ҳамкорликда тергов қилишга алоқадор қўшма идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, юқорида кўрсатилган тартибда тузиладиган тергов-тезкор гуруҳлари аъзоларининг ваколатларига аниқлик киритиш ва уларнинг аниқ вазифаларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ.

Тергов-тезкор гуруҳи томонидан порахўрлик жиноятлари тезкор-қидирув тартибида ҳужжатлаштирилганда терговчининг вазифалари бўлиб мансабдор шахснинг ноқонуний мукофотланиш эвазига бажарилиши келишилган ҳаракатига, у пул маблағлари, қимматликлар ва бошқа турдаги

моддий нафни олганлигини нима деб тушунтираётганлигига, қилмишини қандай ҳаракатлар билан ниқоблашга ва изоҳлашга уринаётганлигига, қайси ҳужжатлар ва ҳаракатлар унинг ҳимоя позициясини инкор этишига, ушбу турдаги ҳужжатларни бут сақланишини таъминлашга, тегишли ҳужжатлар ва ашёларни олиб қўйилишига, бошқа соҳа мутахассисларини таклиф этишга оид тавсиялар ва йўналиш беришида ифодаланади.

Албатта, айрим олимлар ушбу ёндашувга терговчи пора олиш жиноятларини фош этишга қаратилган тадбир давомида иштирок этиши шарт, айримлар эса тезкор-қидирув ҳаракатлари фақат ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан амалга оширилиши зарур деб эътироз билдиришлари мумкин. Бунга жавобан, шахсни пора олиш устида ушлаш жараёнида терговчининг иштирок этиши фойдадан ҳоли бўлмаслиги, фақат бунда у тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ўрнига ҳужжатларни расмийлаштирувчи шахс эмас, балки уларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар бериб бориб, жараёни кузатувчи шахс эканлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айнан ушбу ҳолат, терговчининг тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан манфаатдор шахс бўлиб қолмаслигини ҳамда келгусидаги тергов натижасига кўра холисона ва қонуний қарор қабул қилишини таъминлайди.

Ҳар қандай ҳолатда, тергов ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўртасида пора олган шахсни жиноят устида қўлга олиш жараёнида бундай ҳамкорлик самарали бўлиб, энг аввало Янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган айбсизлик презумпциясининг амал қилишини тўлиқ таъминлашга, ушбу жараёнда шахсга нисбатан провокациявий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга, далиллар мақбуллигига оид қонун нормаларнинг таъминланишига хизмат қилади.

#



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

АННОТАЦИЯ: В данной статье анализируются вопросы совершенствования правовой базы прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов в нашей стране, анализируется законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование правовой базы обеспечения прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов.

ABSTRACT: This article analyzes the issues of improving the legal framework of prosecutorial control over the implementation of food safety legislation in our country, analyzes the legislative experience of foreign countries on this issue. As a result of the analysis, proposals were substantiated aimed at improving the legal framework for ensuring prosecutorial control over the implementation of food safety legislation.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, қонун устуворлиги, прокурор назорати, ҳуқуқий асослар, хорижий тажриба, такомиллаштириш.

Ключевые слова: безопасность пищевых продуктов, правопорядок, прокурорский надзор, правовые основы, зарубежный опыт, совершенствование.

Key words: food safety, law and order, prosecutorial supervision, legal framework, foreign experience, improvement.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш асосида уни янада такомиллаштириш, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали таъминлашга хизмат қилади. Зеро, озиқ-овқат хавфсизлигига оид муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан соҳада прокурор назоратининг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Ҳуқуқшунос олимлар В.Б.Ястребов ва В.В.Ястребовлар прокуратура органлари фаолиятини энг муҳим ҳуқуқий асоси фақатгина Конституция ва прокуратура тўғрисидаги қонундан иборат деб таъкидлайди.¹

Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки норматив тусга эга бўлган ва прокуратура фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатлар ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади.

Профессор Ш.Х.Файзиев қонун ҳужжатларини 3 хил турга: умумий қонунлар; махсус қонунлар; муҳо-

фаза аҳамиятидаги қонунларга ажратиб кўрсатган.²

А.Нигматов эса қонун ҳужжатларини 7 та гуруҳга ажратган.³ Булар, Конституция, ҳалқаро ҳуқуқ нормалари (шартнома, конвенция, келишув), кодекс, Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес қонунлари ва қарорлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва йўриқномалари, махсус ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларидир.

М.Т.Абдуҳакимов эса Президент қарорлари ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларидан бири сифатида ёндошиб, А.Нигматовнинг таснифига қўшимча киритади.⁴

Бизнинг фикримизга кўра, М.Абдуҳакимов томонидан қонун ҳужжатлари тизими нисбатан тўғрироқ ва соддароқ таснифланган.

Бироқ, ушбу таърифда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқ нормаларигина прокурор назоратининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилишини инобатга олиш лозим бўлади.

1 Вестн. Моск.Ун-та.Сер.11.Право.2022.№4 стр 39-61.

2 Yer huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi // J.T.Xolmo'minov mas'ulligida. – Toshkent: TDYU. 2019. – B. 33-34.

3 Нигматов А. Ер ҳуқуқи. схемалар, тушунчалар ва рақамларда. Ўқув қўлланма. // – Тошкент, Тошкент ислом университети. 2001. – Б. 26.

4 Абдуҳакимов М.Т. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назоратини такомил-лаштириш масалалари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Тошкент. Бош прокуратура академияси. 2023. – 26 бет.

Россиялик олимлар, О.Калугина⁵ ва Т.Ашиткова⁶лар ҳам ўз илмий ишларида, прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини А.Нигматовнинг таснифлашига ўхшаш ҳолда ўрганган.

Назаримизда прокурор назоратининг ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, ушбу нормалар доирасини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 20.04.2021 йилдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги турларга бўлинади, яъни:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Юқоридагиларга кўра, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда, мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини қуйидаги турларга бўлган ҳолда ва кетма-кетликда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

I. Конституция.

II. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари.

III. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари.

V. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари.

VI. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

VII. Ваколатли давлат идораларининг (Қишлоқ хўжалиги, Кадастр агентлиги ва бошқалар) адлия идораларида рўйхатдан ўтган, умуммажбурий тусдаги ҳужжатлари;

VIII. Бош прокурор буйруқлари.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асос-

лари албатта прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ҳам бевожуб бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шубҳасиз, айнан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органлари фаолияти, қонунлар ижроси устидан назорат, шу жумладан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади.⁷

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари борасида юридик адабиётларда турли фикр-мунозаралар илгари сурилади.

Бурдуков П., Илюхин В.лар “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” яхлит қонун қабул қилиш орқалигина озиқ-овқат хавфсизлигининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш мумкин деб ҳисоблайди.

И.Джураевнинг фикрига кўра, қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш жараёнида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан электрон ҳужжат алмашувчини кенг йўлга қўйиш барча соҳаларда қонунийликни таъминлаш, сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади.⁸

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига қисқача тўхталишдан олдин, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганидан то бугунги кунда кучда бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар амалда бўлган озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ озиқ-овқат хавфсизлигига оид масалага алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъмин-

5 Калугина О.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства в Российской Федерации. Диссертация на степени канд-а юрид. наук. Сепц. 12.00.11. -Москва. 2013. -С. 21-30.

6 Ашиткова Т.В. Прокурорский надзор за исполнением земельного законодательства. Дисс. на сосискание ученой степени канд. юрид. наук. 12.00.11. -Москва 2008. – С. 30-48.

7 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/106197>

8 Джураев И.Б. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш // Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент. 2021. – Б. 80.



лаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони муҳим ўрин тутди.⁹

Шунингдек, Фармон билан “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши белгиланган бўлса-да, шу кунга қадар қабул қилинмаган.

“Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги ягона қонунчилик базасининг мавжуд эмаслиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тегишли тарзда тасдиқланган нормалар ва қоидаларнинг тарқоқлиги ҳудудда прокурор назоратини амалга оширишга қаратилган фаолиятни ташкил этишда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Д.Н.Касимов Россия Федерацияси учун «Ғарб» санкциялари шароитида ва мамлакатнинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) киришини ҳисобга олган ҳолда, миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш масалаларини тадқиқ этган. Ушбу олим озиқ-овқат хавфсизлиги доктринасидан ташқари, «Россия Федерациясининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида» махсус федерал қонун қабул қилинмаганлигини асосий камчилик ва қонунчиликда бўшлиқ сифатида баҳолайди.¹⁰

Аграр сиёсат, табиий ресурслар ва ер муносабатлари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Замиралов эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонундан ташқари, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида минтақавий қонунни қабул қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, рус олими Д.Н. Касимов “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги федерал қонунни қабул қилиш зарурияти ҳақидаги фикрлари билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги яхлит Қонун ҳужжатини қабул қилиш ва унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларини кенг ёритиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур Қонуннинг мавжуд эмаслиги оқибатида бугунги кунда республикада озиқ-овқат хавфсизлиги билан шуғулланувчи ягона давлат органлари ташкил қилинмаган, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмагани, озиқ-овқат баланси тартибга солинмагани учун амалда озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда.

Мисол учун, 2022 йилда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш 101,3 фоиз-

га бажарилгани қайд қилингани ҳолда, 2,9 млрд. долларлик маҳсулот импорт қилиниб, ўтган йилга нисбатан 37 фоизга (755 млн. долларга, 2017 йилга нисбатан эса 130 фоизга (1,2/2,9)) ортиб кетган.

Хорижий давлатларда озиқ-овқат хавфсизлиги устидан давлат назорати масалаларини алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинишини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон, Озарбайжон каби давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинган, мазкур қонунларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати масалалари алоҳида ёритилган.

Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясининг 1999 йил 16 октябрдаги 14-пленар йиғилишида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги намунавий қонун қабул қилинган.

Мисол учун, Туркменистон Республикасининг 2016 йил 23 ноябрдаги янги таҳрирдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонуни 12-моддасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати ёритилган бўлиб, унга кўра мазкур йўналишда давлат назорати аҳолини ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа хомашёси билан таъминлаш ва ушбу йўналишдаги давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган. Мазкур қонунга мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назорати Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ваколатлик давлат органлар томонидан ваколат доирасида амалга оширилиши белгиланган.¹¹

Бундан кўриниб турибдики, бошқа ваколатли давлат органлари жумласига прокуратура ҳам киритилиб, мазкур давлат органи озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларини Туркменистон Республикаси ҳудудида аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади.

Шунингдек, Россия Федерацияси ва Белоруссия давлатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида доктринада ёритилган.¹²

Назаримизда Ўзбекистон Республикасида ҳам “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонунни қабул қилиш ва унда ушбу соҳага масъул бўлган органларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини аниқ

9 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 06/18/5303/0579-сон.

10 Касимов, Д. Н. Россия Федерациясида озиқ-овқат хавфсизлигини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш / Д. Н. Касимов. - Матн: тўғридан-тўғри // Ёш олим. — 2020. — № 4 (294). 374-376 бетлар. - УРЛ: <https://moluch.ru/archive/294/66830/> (кириш: 13.06.2023).

11 https://base.spinform.ru/show_doc

12 <https://rg.ru> > documents > 2010/02/03 > prod-dok, <http://www.mshp.gov.by> > documents_animal-ru > view

белгилаш республикамізда прокурор назорати самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатдан икки туркумга, яъни умумий ва махсус қонун ҳужжатларига бўлиб ўрганиш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи умумий қонун ҳужжатлари туркумига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси, “Рақобат тўғрисида”ги (2023), “Истеъ-молчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1996), “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги (2021) қонунларни келтириш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларига эса “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (1997), “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги (2019) Қонунлар, Ўзбекистон Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (2018), “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги (2021) Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021) Қарорлари кабиларни санаш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунлар ижроси устидан давлат назорати қонун ҳужжатларида қуйидагича акс эттирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3699-сонли Қарори (ҳужжат 16.03.2019 йилда ўз кучини йўқотган) билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси тузилиб, унга озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсу-

лотлари захираларини давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши, қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишкаби вазифалар юклатилган эди.¹³

Мазкур Инспекция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4241-сон қарори билан тугатилиб,¹⁴ унинг ўрнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тузилди ва “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат функцияси” чиқариб ташланиб, Инспекцияда фақатгина озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, шунингдек захирага жамғариш устидан назорат функцияси қолдирилди, холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сонли қарорига мувофиқ эса қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назорати функцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган.¹⁵

Шунингдек, 2021 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилишга доир 110 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилган.¹⁶

Бугунги кунда, озиқ-овқат экинларини экилиши, жойлаштирилиши ҳисоботлари қишлоқ хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан юритилишини инобатга олсак, назаримизда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш устидан давлат назорати функциясини ҳам Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, вазирлик тизими ўзи томонидан юритилган озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ экилиши, етиштирилишига оид ҳисоботларни

13 ҚММБ, 24.07.2018 й., 09/18/566/1562-сон.

14 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2019 й., 07/19/4241/2773-сон; 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон

15 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон.

16 ҚММБ, 25.02.2021 й., 07/21/5006/0151-сон.



ҳаққонийлигини яна ўзи текшира олмайди. Бунинг оқибатида, бугунги кунда республикада озиқ-овқат экинлари тўлиқ экилмасдан, ҳисоботларга қўшиб ёзиш каби қонун бузилиши ҳолатлар кенг авж олган. Мисол учун, биргина, 2022-2023 йилларда куз - баҳор ойлари учун захирага жамғарилган маҳсулотларга 53 минг тонна қўшиб ёзилган.¹⁷

Ижро ва назорат функцияси бир вазирлик қўлида жамланиши, назорат идораси томонидан назорат функцияси ўз ҳолига ташлаб қўйилиши оқибатида, бу озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида прокурор назоратига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, озиқ-овқат етиштириш устидан назорат функцияси юклатилган Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 1485 нафар, 9 349 та ҳоким ёрдамчилари, 644 нафар фермерлар кенгаши ходимлари, жами 11 478 нафар назоратчилар мавжуд бўлсада, улар томонидан сўнгги уч йил давомида ердан самарасиз фойдаланиш бўйича прокуратура органларига бор-йўғи 5 та қонун бузилиши ҳолати бўйича материал берилган, холос.¹⁸

Шу боис, озиқ-овқат экинларини экилиши, етиштирилиши ва бу мақсадга ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати функциясини Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан “Ўзагроинспекция”га ўтказиш, инспекцияни эса вазирлик тизимидан чиқариш мақсадга мувофиқ. Шундагина, ижро ва назорат функциялари бир биридан ажралиб, назорат идораси фаолияти мустақиллиги ва холислигига эришиш орқали самарадорлик таъминланади. Пировард натижада эса назорат идоралари фаолияти устидан прокурорлик назорати сифати ошади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши учун ажратилган ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ўрганиш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш талаб қилинганлиги оқибатида, қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда экин майдонлари устидан самарали назорат ўрнатишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли Фар-

моннинг 2-илоvasи 13-бандида, юридик шахслар томонидан ерлардан мақсадли фойдаланилиши, ижара шартномаси бўйича мажбуриятларга мувофиқ, улар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини (ғўза, дон ва бошқалар) экиш бўйича ўрнатилган талабларга риоя этилишини назорат қилиш Бизнес омбудсманни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.¹⁹

Бундан ташқари, Ер кодексининг 831-моддасига кўра, фақатгина ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ўзбошимчалик билан ер эгаллаш ҳамда ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатлари бўйича давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланган.²⁰

Ушбу қоидада, фақатгина ер билан боғлиқ уч хил йўналишдаги қонун бузилиши ҳолатлари кўрсатилганлиги оқибатида, ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги қонунчиликда қолиб кетган. Бунинг оқибатида, жазога тортилиши хавфидан қўрқиб назорат идоралари ходимларида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ер қонун бузилишини аниқлаш, расмийлаштириш ва чора кўришдан қочиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Мисол учун, 2022 йилда 815 нафар агроинспекция ходимлари текшириш тартибини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган.²¹

Оқибатда, 2020 йилда ердан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 65,7 минг та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлса, бугунги кунга келиб, 87 фоизга камайиб, ўтган йилда 8,4 мингтани ташкил қилган.

Юқоридагиларга кўра, Ер кодексининг 831-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли Фармонга тегишли ўзгартириш киритиш орқали ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги ҳақидаги қоида белгиланган лозим.

#

17 Бош прокуратуранинг Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мониторинг жадваллари.

18 Бош прокуратуранинг Назорат идоралари билан солиштирма жадваллари.

19 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон

20 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон.

21 <https://biznesvakil.uz> .

Ўткирбек ДАВЛЕТОВ,
ю.ф.б.ф.д (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети кафедраси бошлигининг ўринбосари

СУД ИШЛАРИ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада суд ишларини тез, сифатли, самарали ҳал этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашда, адолатли қарор топтириш ва судлар томонидан қонуний, асосланган ҳал қилув қарорларини чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

АННОТАЦИЯ: В статье анализируется роль и специфика средств массовой информации в быстром, качественном, эффективном разрешении судебных дел, практическом обеспечении прав и свобод человека, отправлении правосудия и вынесении законных, аргументированных решений судами.

ANNOTATION: The article analyzes the role and specificity of the mass media in the rapid, high-quality, effective resolution of court cases, the practical provision of human rights and freedoms, the administration of justice and the issuance of legitimate, reasoned decisions by the courts.

Калит сўзлар: Суд ҳокимияти, одил судлов, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик назорати, ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ошкоралик, томонлар келишуви, ҳаққонийлик, техник таъминланганлик ва хорижий тажриба.

Ключевые слова: Судебная власть, правосудие, средства массовой информации, общественный контроль, правовая культура, права и свободы человека, гласность, соглашение сторон, справедливость, техническая защищенность и зарубежный опыт.

Key words: Judicial power, justice, mass media, public control, legal culture, human rights and freedoms, publicity, agreement of the parties, justice, technical security and foreign experience.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолати сифатида адолатли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш борасида ислохотлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Зеро, давлат ва жамиятнинг обрўси суд органлари ва судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шундай экан, ҳозирги кунда одил судлов ҳужжати саналмиш суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида унинг тушунарли, ҳамма учун очиқ ва шаффофлигини, бир сўз билан айтганда, ҳал қилув қарорларининг трансперентлигини таъминлаш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Суд ҳокимиятига нисбатан қўлланиладиган ошкоралик, очиқлик принциплари адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солувчи бир қатор халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш лозим. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10, 11, 19, 29-моддалари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14, 19-моддалари, Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 13-моддаси ва бошқа ҳужжатлар шулар

жумласидандир.

Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради.

Судда иш кўришнинг ошкоралиги – инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ошкора кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши суд фаолиятини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилишини таъминлайди. Бу эса суд қарорларининг асосли, қонуний ва адолатли қабул қилинишини кафолатлайди.

Бироқ, бугунги кунда одил судлов фаолиятини амалга оширишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, адолатли қарор топтириш ва судда ишларни тез, сифатли, самарали ҳал этишда ҳамда судлар томонидан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорларини чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги таъсирини сезиларли даражада деб бўлмайди.

Гарчи, оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти ўз вазифаларига кўра турли хил фаолиятни амалга оширсада, мазмун-моҳияти билан демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти манфаатлари учун хизмат қилади. Шу боис,



улар ҳуқуқий ҳамкорликсиз ўз олдиларига қўйилган мураккаб вазифаларни адо этишлари қийин. Айтиш пайтда, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ОАВ томонидан қўллаб-қувватланмай туриб муваффақиятга эришиши мумкин эмас.

Бугун айтиш шу масалада амалиётчилар ва назариячилар, ОАВ ходимлари ва судьялар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар ОАВ суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур деб ҳисобласа, айримлар суд фаолияти устидан ҳеч ким назорат ўрнатиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай назорат суд мустақиллигига раҳна солади, деган фикрни илгари суришади.

Ҳар икки қарашни ҳам инкор этмаган ҳолда, мунозарага сабаб бўлаётган ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазаларни билдириб ўтиш ўринлидир.

Оммавий ахборот воситаларининг суд маълумотларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқи судлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш шаклигига эмас, балки суд хатолари эҳтимолини камайтириш воситаси ҳамдир. Афсуски, журналистика амалиётида суд процессларини ёритиш масалалари ҳамisha долзарб муаммо бўлиб келган. Албатта, бунинг бир неча сабаблари бор:

биринчиси, ОАВда суд процессларини ёритиш ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги;

иккинчиси, ОАВда суд процессларини ёритишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларида айрим зиддиятларнинг мавжудлиги;

учинчиси, суд процессларини ёритувчи журналистларнинг ихтисослашуви ва касб этикаси муаммолари;

тўртинчиси, ОАВда суд процессларининг ёритилишида жаҳон тажрибасининг ўрганилиши ва амалиётга жорий этилиши муаммоси.

ОАВда суд процессларини ёритишга доир назарий ва амалий масалаларнинг, хусусан, ҳуқуқий асосларнинг ўрганилиши бугунги кун журналистика фанининг долзарб масалаларидан биридир. ОАВда суд процессларини ёритишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи суд транспарентлиги, аккредитация, айбсизлик презумпциясига амал қилиш шартлари, журналист текшируви, диффамация ҳуқуқи, раддия, маънавий зарар каби муҳим институтларнинг ўрганилиши ҳамда миллий қонунчилигимиз ва амалиётга татбиқ этилиши бу борада таклифлар ва хулосалар ишлаб чиқишни талаб этади. Негаки, мазкур институтлар замонавий журналистика соҳасида алоҳида ўрин тутаяди.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларининг самарали фаолият юритиши, суд процессларини эркин ёритишлари халқаро ва миллий

ҳуқуқнинг таъсири ҳамда аҳамиятини концептуал ўрганишни тақозо этади. Жумладан:

судлар фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда журналистиканинг ўрни ва аҳамияти;

суд жараёнларининг очиқлиги ва унда ОАВ ходимларининг иштирокини таъминлаш муаммолари; оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарурати;

суд ва ОАВнинг демократик жамиятдаги ҳаракатлари қонунийлиги, томонларнинг ўз фаолиятларини масъулият билан амалга ошириш мажбурияти, бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилишлари ва буни намоён эта олишлари;

касбий малака – ҳам судьялар, ҳам журналистлар учун этика қоидаларига амал қилиш мажбуриятининг бажарилишини кузатиш;

суд процессларини ёритувчи журналист позициясида мустақиллик ва холислик масалаларини тадқиқ этиш ҳамда журналистларнинг мазкур принципларга амал қилиши зарурати;

суд процессларини ёритишда ОАВ ходимларининг айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши ва айбсизлик презумпциясининг ОАВ соҳасига доир қонунчиликдаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш;

судларда ОАВ ходимлари аккредитациясининг ҳуқуқий асослари ҳамда аккредитация институтининг афзаллиги ва муаммоларини ўрганиш зарурлиги.

Сўнгги йилларда судлар ўз фаолиятининг ошкоралигини таъминлашга қайсидир маънода эътибор қарата бошлади ва биз бундан тан оламиз. Аммо, бу ҳаракатлар суд процессларида ОАВнинг иштирокини кучайтиргани йўқ. Ўзаро муносабатлардаги ҳамкорлик ҳам мақтагулик даражада эмас.

Матбуотда чоп этилаётган ҳуқуқий мавзудаги мақолаларнинг асосий қисмида жиноят ишларининг тафсилотлари акс эттирилади. Журналистлар фуқаролик ва иқтисодий ишларга, фуқароларнинг ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини қонун орқали тиклаш масалаларига камдан-кам ҳолларда мурожаат этмоқдалар. Натижада судлар фаолиятининг асосий вазифаси бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш масалалари ОАВда тўлиқ ёритилмасдан қолмоқда.

Фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлган

нида тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди¹. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизлари яратилган ва бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтнинг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбаларидан, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин².

Буюк Британияда ҳам ҳудди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “London Times” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни нашрга чиқадиган “Lou Times” газетасида эса бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишланган. Шунингдек, лордлар Палатасининг махсус сайтида (<http://www.publications.parliament.uk/pa/ld>) Бирлашган Қиролликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин³.

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўпلام сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд⁴.

Амалдаги ОАВ фаолиятига доир қонунчилик журналистга ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқини беради. Аммо, у терговчи, прокурор ёки судьядан фарқли ўлароқ, ўз манбасидан ахборотни талаб қилиб олишга, бирор-бир процессуал ҳаракатлар ўтказишга ҳақли эмас. Журналист текширу-

вини прокурор ёки терговчининг суриштирувидан фарқлай олиш лозим. Бу ҳаракатлар журналистга қонунчилик томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда журналистнинг сўз эркинлиги маъсулияти доирасида олиб борилиши лозим. Журналист томонидан суд жараёнларининг ёритилиши, аввало, айбисизлик презумпциясига амал қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини муҳофазалаш, судьялар мустақиллигини таъминлаш зарурлиги билан чегараланган ўзига хос хусусиятга эга.

Фикримизча, суд ва ОАВнинг ўзаро муносабатларига путур етмаслиги учун қуйидаги талабларга ҳар икки томон қатъий амал қилиши лозим:

“Ошкоралик”. Суд қарорларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишда суд жараёни иштирокчиларининг шахсий ҳаёти ва тижорат сирларини судлар электрон сайтларида бериб бориш (ёпиқ турдаги суд мажлиси қарорлари бундан мустасно)⁵;

“Томонлар келишуви”. ОАВ, ўз навбатида, одил судловга дахлдор барча таянч маълумотларга, жумладан, суд ахборотларини баён этиш техникаси ва тили ҳақидаги маълумотга эга бўлиши ҳамда судлар томонидан ОАВда эълон қилиш учун тайёрланган матнга (бунда судья ва процесс иштирокчиларининг исм-фамилиялари, шу жумладан, юридик шахслар ва жамоат ташкилотларининг номлари ҳам олиб ташланади) эътироз билдирмаслик;

“Ҳаққонийлик”. ОАВ вакиллари суд тизими ҳақидаги материалларни ёритишда ва воқеликни таҳлил этишда касб этикаси доирасидан четга чиқмаслиги ва ўз фикрини баён қилишда ҳиссиётга берилмаслиги;

“Техник таъминланганлик”. Судларнинг матбуот хизматлари, қайси бўғинга тегишли бўлишларидан қатъи назар, алоқа ва техник воситалар, шунингдек, журналистлар талаб қилган ахборотларни етказиб бера оладиган малакали ходимларга эга бўлишлари.

Журналистлар томонидан судларга ёпиқ бўлмаган ахборотларни “махфийлаштириш”, суд процессларига қатнашиш ҳуқуқини чеклаш, ёзиб олишни асоссиз равишда рад этиш, сўралган ахборотни бермаслик, материаллар ва ҳужжатларни, улардан нусха олиш ҳуқуқини чеклаш каби ҳолатларда ҳам

1 Мамасиддиқов М.М. Суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъмин-лашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2012. 5-сон. –Б. 108–110.

2 Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –71 с.

3 Барнар К. Пути и способы распространения информации о судебных решениях в Великобритании / В сб.: Судебная практика как источник права. –М., 2000. –С. 71-72.

4 Власихин В. Виртуальное путешествие российского читателя по американским судам // Российская юстиция. 2001. №3. –С. 60-63.

5 Постановление Президента Республики Узбекистан от 30.08.2017 г. №ПП-3250. О мерах по дальнейшему внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).



эътирозлар билдирилмоқда.

Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Ҳуқуқий давлат журналистга ахборотни эркин олиш ва тарқатишни кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Журналистнинг фаолиятига аралashiш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор-бир маълумотни талаб этиш тақиқланади. Журналистларнинг бу каби конституциявий ҳуқуқларни билиш зарурати шу билан изоҳланадики, улар касб тақозоси билан доимо фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар, яъни фуқароларнинг турар-жойига ташриф буюрадилар, улар билан суҳбат қурадилар, шахсий ва ижтимоий ҳужжатларни, ариза-шикоятларни, хатлар ва тасвирларни кўздан кечирадилар. Бу ўз навбатида журналистдан юксак профессионалликни, ҳуқуқий маданиятни талаб этади.

Бу борада, ОАВлари билан суд ҳокимияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни самарали таъминлашга хизмат қиладиган ҳуқуқшунос-журналистларни

тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш таклиф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд ишлари юриштишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш: фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга ва судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга; одил судлов нуфузини оширишга; суд ишларини ўз вақтида, сифатли ва самарали ҳал этишга;

фуқароларнинг вақтлари ва маблағларини иқтисод қилишга;

суд қарорлари устидан бериладиган шикоятлар ва иш ҳажмининг камайишига;

адолатни қарор топтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга;

таниш-билишчилик ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг очиқлиги – демократик давлатчиликнинг муҳим сифат белгиси, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг ажралмас ва таркибий қисмидир.

.....

.....

Иляс ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишига қарши курашда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ёритилган.

АННОТАЦИЯ: В статье освещены предложения по повышению эффективности проведения оперативно-розыскных мероприятий по борьбе с незаконным оборотом наркотических средств органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность.

ABSTRACT: The article highlights proposals to improve the efficiency of conducting operational-search measures to combat illicit drug trafficking by agencies conducting operational-search activities.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, гиёҳвандлик воситалари, жиноят-процессуал қонунчилиги.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, наркотические средства, уголовно-процессуальное законодательство.

Key words: operational-search activity, operational-search measures, drugs, operational-search legislation.

Жаҳонда халқлар, миллатлар келажигига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балоси бўлиб, глобал муаммага айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўтган асрдан бизга «мерос» бўлиб қолган трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавfli тури – бу гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланиб, улар инсоният келажигига жиддий хавф солади. Ҳозирги кунда ер юзида наркобизнес доирасида айланаётган пул маблағлари, дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим ва тиббий хизматга сарфланаётган ҳаражатларидан анча кўплиги ҳеч кимга сир эмас.

Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кура дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан бўлиб, уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Наркотик моддалар тўғрисида»ги, «Психотроп моддалар» ҳамда «Гиёҳвандлик воситалари ва

психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенциялари қабул қилиниб, БМТ Бош ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрдаги 47/112-сонли резолюциясига кўра «26 июнь - Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни» деб эълон қилинган.

Бугунги кунда гиёҳвандлик - XXI асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар бугунги цивилизация замонида келиб ўз ўрнини гиёҳвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмади. Ушбу иллатга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид бир қатор қонунлар ва халқаро шартномалар қабул қилинди. Жумладан, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларини қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Козоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, ва Туркменистон Республикалари ўртасидаги битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунларнинг



қабул қилиниши келажаги соғлом юрт қуриш учун қўйилган энг дадил қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексшпш XIX бобида Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ва улар учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 273-моддасида Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган. Жиноят Кодексшпш XIX бобидаги жиноятларнинг асосий қисмини 273-моддада назарда тутилган жиноят ташкил этади. Чунки аксарият ҳолларда гиёвандлик воситаларини экиш, етиштириш ва олишдан кўзланган асосий мақсад уни ўтказиш (сотиш) ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти (кейинги ўринларда – ТҚФ) тарихан гиёвандлик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг энг самарали ва зарур воситаси бўлиб келган. В.Каримовнинг фикрича, ТҚФ жиноятчиликка қарши курашда давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий, жинсий-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва жинсий-ижроия каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш турлари қатори энг самарадор давлат-ҳуқуқий турларидан бири ҳисобланади¹. В.Г.Бобровнинг таъкидлашича, “тезкор-қидирув тадбирлари (кейинги ўринларда – ТҚТ)ни ўтказиш шартларига риоя этилиши, ТҚФнинг мақсад ва вазибаларини муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга замин яратади. ТҚТни ўтказиш шартларини қонунчилик даражасида аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эгадир”². Шу билан бирга, махсус адабиётларда ТҚТни ўтказиш шартларини қонунчиликда аниқ тартибга солишга оид масалалар кўп маротаба муҳокама қилинган бўлиб, бу эса мазкур масаланинг ҳуқуқий тартибга солинишида муаммолар мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

ТҚТни ўтказишнинг жиноят ишининг мавжудлиги; суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи (“ТҚФ тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси, 2, 3-бандлари) каби асослари, шу жумладан, жиноят-процессуал асосларга эгаллиги билан ажралиб туради. Бунда

қўзғатилган жиноят иши суриштирув ёки тергов бўлинмасига юборилганидан сўнг ТҚТ фақат жиноят ишини ўз юритувиغا олган суриштирувчи ёки терговчининг топшириғига кўра ўтказилиши жиноят-процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган³.

Гиёвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида ТҚФ жиноят-процессуал фаолиятдан илгари амалга оширилиши, бир вақтнинг ўзида ва келишилган ҳолда ёки мустақил тарзда амалга оширилиши мумкин. Жиноят судлов ишларини таъминловчи, уни кузатиб борувчи ТҚТ эса ўз мустақиллигини йўқотмаган ҳолда ўтказилиши мумкин бўлиб, шу билан бирга ўз моҳиятига кўра жиноят-процессуал муносабатларнинг таркибий қисми сифатида кўрилиши лозим. Шу боис, ушбу ҳолатда гумон қилинувчига, айбланувчига жиноят-процессуал муносабатлар субъекти сифатида уларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари таъминланиши лозим.

Гиёвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда юқори самара берувчи ТҚТга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Назорат остида олиш – ёлғондан битим тузишдан, яъни қонун ҳужжатлари бузилиши фактини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун товарларни, валюта қимматликларини, моддаларни ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламасдан олишдан иборат бўлган тадбир. Назорат остида олишнинг мақсади, биринчидан, ғайриқонуний фаолият фактларини ҳужжатлаштириш, иккинчидан, тақиқланган нарсаларни сотиш (сотиб олиш) ёхуд тарқатиш, ўтказиш билан шуғулланаётган, шахсларни жиноят устида қўлга олиш ҳисобланади. “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонунда “Гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа ТҚТни ўтказиш учун фойдаланиш қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади”⁴ деган норма мавжуд. Шу боис, тадбирни ўтказишда субъектларга гиёвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилаётган шахслар билан ишончли алоқа ўрнатиб, улардан назорат остида олиш предметларини олишларига рухсат берилади.

Тезкор ходимлар назорат остида олиш тадбирини ўтказиш учун тегишли раҳбарга билдирги би-

1 Қаранг: Каримов В. Тезкор-қидирув фаолияти: дарслик / В.Каримов – Тошкент, Lesson press, 2021. – Б. 9.

2 См. Бобров В.Г. К вопросу об основаниях и условиях проведения оперативно-розыскных мероприятий // Актуальные проблемы теории борьбы с преступностью и правоприменительной практики: Сборник научных трудов. – Красноярск, 2003. № 6. – с. 156.

3 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36, 381-моддалари.

4 Ўзбекистон Республикасининг “Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонуни 29-оддаси.

лан мурожаат этадилар. Ушбу билдиргида мазкур тадбирга тегишли барча асосли маълумотлар ва фойдаланиш учун мўлжалланаётган пул маблағлари (сўм, чет эл валютаси), предмет, буюм ёки автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун рухсат сўрайди, шунингдек назорат остида олиш ТҚТни ўтказиш учун қарор чиқаради. Мазкур қарор раҳбар томонидан тасдиқлангандан сўнг назорат қилувчи прокурор билан келишилади.

Тадбирнинг мазмуни гумон қилинаётган шахсдан у сотиш ёки тарқатишни таклиф этаётган гиёҳвандлик воситаларини пулга ёки бошқа бойлик эвазига афсона асосида сотиб олишдан иборат. Амалга оширилаётган ҳаракатларнинг маъноси шундаки, товарни сотиб олаётган шахс, биринчидан, ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мансублигини яширади, яъни ўзини оддий харидор сифатида таништиради, иккинчидан, сотиб олишдан кўзлаган ҳақиқий мақсадини яширади. Тезкор-қидирув фаолияти субъектлари назоратида амалга ошадиган сотиб олиш пайтида шахснинг жиноий фаолияти қайд этилади ва у жиноят устида қўлга олинади.

Таъкидлаш жоизки, назорат остида олиш ТҚТни ўтказишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг бевосита иштирок этиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки, авваламбор, ушбу жиноят процесси иштирокчилари ТҚФни амалга ошириш ваколатига эга бўлинмалар ходимлари рўйхатига кирмайдилар, иккинчидан, агар терговчи қандайдир ҳолатда ТҚТ ўтказишда иштирок этган (“харидорга” бериладиган пулга ишлов бериш, техник воситаларни тақдим этиш, гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш бўйича унга йўл-йўриқ бериш ва бошқа) ҳолатда у мазкур иш бўйича гувоҳ бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолда эса ЖПКнинг 76-моддаси биринчи қисми, 3-банди⁵ (унинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар)га кўра, бу унинг мазкур материал бўйича қўзғатилган жиноят иши юритувида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолат деб топилиши мумкин. Шу билан бирга, терговчининг гиёҳвандлик воситаларини назорат остида олиш ТҚТни ўтказишни режалаштиришда, унда иштирок этувчи тезкор-қидирув бўлинма ходимларига тадбир натижаларини процессуал расмийлаштириш, улардан келгусида фойдаланишга оид маслаҳатлар беришдаги иштироки истисно этилмаслиги лозим.

Тезкор кузатув – ТҚФнинг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш

мақсадида шахсларнинг ҳаракатларини, ҳодисаларни ва жараёнларни бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ноошкора кузатиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир.

Тезкор кузатув ўтказишдан кўзланган мақсад, жиноят шохидларини, жиноят содир этган шахслар, ноқонуний йўл билан топилган ашёларни сақланиш жойлари, уюшган жиноий гуруҳларнинг учрашув жойларини аниқлаш, гумонланаётган шахснинг ҳаёт тарзи ва жиноий алоқалари ҳақида маълумот тўплаш ҳисобланади. Мазкур тадбир объектлари сифатида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва содир этишда асосли гумонланаётган шахслар, тайёрланаётган ёки содир қилинган жиноят ҳақида маълумотга эга бўлган ёхуд жиноятчилар билан алоқада бўлган шахслар, ноқонуний йўл билан қўлга киритилган гиёҳвандлик ашёларини сақлаш жойлари, қидирувда бўлган жиноятчилар билан алоқада бўлиб келаётган шахслар, шунингдек тезкор вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган алоҳида тоифадаги шахслар қатнашадилар. В.Каримовнинг фикрича, ушбу тадбир юзага келган вазиятдан келиб чиқиб жисмоний ёки техник воситалар ёрдамида ёхуд иккаласини ўз ичига олувчи комплекс тарзда амалга оширилиши мумкин⁶. А.Ю.Шумилов эса тадбирнинг бундай услубда ўтказилишини жисмоний ва электрон кузатув деб номлайди⁷.

Мазкур тадбир, уни ўтказишда субъектлардан келиб чиқиб таснифланиши мумкин. В.Рыбкиннинг фикрича, тезкор кузатув штатдаги ноошкора шахслар томонидан (сиртдан кузатиш), ТҚФни амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашаётган шахслар томонидан (махфий кузатиш) ва тезкор ходимларнинг ўзлари томонидан (шахсий кузатиш) ўтказилиши мумкин⁸.

Тезкор кузатув яширин тарзда ўтказиладиган тадбир бўлиб, унда тезкор ходимларнинг бевосита иштирок этиши, тегишли раҳбарларнинг рухсати билан амалга оширилади. Фуқароларнинг уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи электрон кузатув тадбири назорат қилувчи прокурор санкцияси билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда мазкур тадбир муайян шахсни эмас, балки қўзғалмас объектни, жойни (кўчанинг бир қисми, юк сақлаш хоналари, муассасалар ва бошқалар) кузатишни тақозо қилади. Бундай объект сифатида гумон қилинувчи, жиноятчи ёки қидирувдаги шахс келиши

5 Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 7-боби, 76-80-моддалар.

6 Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / В.Каримов: Маъсул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. – Тошкент, 2021. – Б. 137.

7 Шумилов А.Ю. Краткая сыскная энциклопедия. – М., 2000. – С. 76.

8 Рыбкин В. Практика уголовного сыска. – М., 1999. – С. 64.



лозим бўлган жой, гиёҳвандлик воситалари яширилган ёки жиноят қуроллари сақланаётган жойлар бўлиши мумкин.

Ушбу тадбир фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида ўтказилади. Уни ўтказиш муддати, ҳар бир юзага келган муайян тезкор вазиятдан келиб чиқиб тегишли раҳбар томонидан белгиланади. Тезкор ходим томонидан ёхуд унинг топшириғига кўра бошқа шахс томонидан амалга ошириладиган кузатув натижалари билдирги, кузатув далолатномаси ёки кузатувнинг бошқа иштирокчилари ёзадиган тушунтириш хатлари билан расмийлаштирилади ҳамда унга олинган фотосуратлар, аудио- ёки видеокассеталар, дисклар, флешкарталар илова қилинади. Ушбу материаллар исботлаш жараёнида фойдаланиш учун терговчига берилиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланишига қарши курашда юқори самара берувчи махсус-техник ТҚТлари қаторига яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

Почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш – ТҚФнинг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларини ношкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир.

Назорат объектларини почта алоқаси тармоқлари орқали юбориладиган хатлар, телеграммалар, бандероллар, пул жўнатмалари ва бошқа хат-хабарлар ташкил этиши мумкин. Бунда муайян шахсга юборилган ёки ундан чиқаётган, шунингдек муайян манзилга келиб тушувчи ёки ундан чиқувчи барча хат-хабарлар назорат қилиниши мумкин. Почта муассасаларини четлаб алоҳида шахслар орқали юборилган почта жўнатмалари ушбу тадбирни ташкил қилмайди.

Мазкур тадбир ўз моҳиятига кўра почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш (ЖПКнинг 166-167-моддалари) тергов ҳаракатига ўхшаб кетади. Айтиш вақтда уларнинг бир қатор жиддий фарқлари ҳам мавжуд:

ТҚТни ташкилий ва техник жиҳатдан таъминлаш масалалари ўз ичига ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари тасдиқлаган асослантилган қарор асосида почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш учун рухсат беришлари ҳақидаги илтимоснома киритиши, бу масалада прокурор санкциясини олиши ҳамда унинг

ижросини таъминлаш учун почта идораси раҳбарига топшириқ тайёрлаб юборишни қамраб олади;

тергов ҳаракати эса суд ажримида биноан ўтказилади. Терговчи ёки суриштирувчининг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори прокурор орқали судга юборилади. Судья почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, хатлаш тўғрисида ёки хатлашни рад этиш ҳақида асослантилган ажрим чиқаради;

почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, уларни терговчининг рухсатисиз эгасига етказишни тақиқлашдан иборат, яъни объектлар ўртасидаги почта алоқаси узиб қўйилади. Хатлаш ҳақидаги ажрим ижроси почта идорасининг ходимларига топширилади;

ушланган почта-телеграф жўнатмалари, уни хатлаш ҳақида қарор чиқарган суриштирувчи, терговчи томонидан ҳолислар иштирокида бевосита кўздан кечирилади⁹.

Ушбу тадбир натижасида олинган ахборотнинг моддий манбалари, тезкор бўлинма раҳбарининг қарори асосида ва ижрочининг розилиги билан, жиноят ишини юритаётган шахсга исботлаш жараёнида фойдаланиш учун топширилиши мумкин.

Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш – махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ношкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир. Ушбу тадбир учун фойдаланиладиган алоқа каналларининг техник хусусияти (симли алоқа линиялари, радиотелефон каналлари, уяли алоқа, йўлдош алоқаси каналлари кабилар) ҳуқуқий жиҳатдан қараганда муҳим эмас. Ўзининг мазмунига кўра мазкур ТҚТ Жиноят-процессуал кодексининг 21-бобида¹⁰ назарда тутилган тергов ҳаракати, яъни телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олишга ўхшаш бўлиб, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича жиноят-процессуал шаклдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қўзғатилган жиноят иши ўз юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи томонидан зарур ҳужжатлар тайёрланиб, прокурор санкцияси олиниб, тегишли ТҚФни амалга оширув-

9 Қаранг: Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / Масъул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. – Тошкент, 2021. – Б. 159.

10 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 21-боби Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-651-сонли [қонуни](#) таҳририда.

чи орган орқали махсус ваколатли давлат органига ижро этиш учун юборилади¹¹.

Эшитиш муддати прокурор санкцияси олинган кундан бошлаб йигирма тўрт соатдан ортиши мумкин эмас. Бу муддатни узайтириш зарур бўлганида прокурор янгидан тақдим этилган материаллар асосида қўшимча қарор қабул қилади. Бундай сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги қарор ва прокурор санкцияси билан унда эшитиладиган ахборотлар хусусияти ва ҳажми, шунингдек сўзлашувларни эшитиб туришнинг боришини ва натижаларини қайд этиш шакли белгиланиб, тегишли ваколатли органга ижро этиш учун юборилади. Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ТҚТ, техник имкониятларни инобатга олган ҳолда, тадбир бошланган кундан бошлаб 30 суткадан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил қилади.

Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш – абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ношкора олишдан иборат бўлган тадбир. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 ноябрдаги “Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги УРҚ-651-сонли Қонунига мувофиқ ТҚТлари рўйхатига янги “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” ТҚТ киритилди. Муқаддам абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш тадбири “Маълумотлар тўплаш” ТҚТ доирасида ўтказиб келинган бўлиб, бунинг учун ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбарининг сўров хати орқали алоқа операторлари томонидан тегишли ахборот тақдим қилинар эди¹².

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашда ТҚФни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, ТҚТларини ўтказишда шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда қонун устуворлиги принципларини рўёбга чиқариш мақсадида тезкор-қидирув қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра “Абонентлар

ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” ТҚТ, ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асосланган қарорга ҳамда прокурорнинг санкциясига мувофиқ, махсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад текширилаётган шахсларнинг жиноий фаолиятга алоқадорлиги, қидирилаётган шахсларнинг ёки алоқа воситаларининг манзили ва шу каби бошқа ахборотларни аниқлаш учун абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ношкора олишдан иборатдир. Маълумки, ҳар бир телефон қурилмаси ноёб (IMEI) кодга эга бўлиб, унга сим-карта қўйилиб илк бор қўнғироқ қилиниши (СМС юборилиши ёки интернетга кирилиши) билан телефон тегишли мобиль алоқа оператори тармоғи серверига қайд қилинади ва унда сақланади. Тадбирни ўтказиш орқали қидирувдаги шахс ёки телефон апаратининг аниқ жойини аниқлаш каби техник жиҳатдан самарали ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда хориж тажрибасини жорий қилиш мақсадида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига дахл қилувчи ТҚТларини ўтказишга суд қарори асосида рухсат бериш, шунингдек, мазкур тадбирлардан нафақат ТҚФ жараёнида балки жиноятларни тергов қилишда ҳам самарали фойдаланиш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ЖПКга “Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш” тергов ҳаракати сифатида тегишли боб киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Назорат остида етказиб бериш – эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) ТҚФнинг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ношкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир. Ушбу ТҚТнинг мақсади эркин муомаласи тақиқланган предметлар билан муомала қилиш ташкилотчилари ва буюртмачиларини, уларни ноқонуний ишлаб чиқариш жойлари, кириб келиш каналлари, жўнатувчи, ташувчи ва қабул қилувчилар, назорат остидаги предмет ва ашёларни ноқонуний муомаласига ҳо-

11 Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 171-моддаси тўртинчи қисми.

12 Қаранг: Каримов В. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ / Масъул муҳаррирлар Э.Т. Юлдашев, Е.В. Коленко. – Тошкент, 2021. – Б. 165.



мийлик қилувчи мансабдор шахсларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш ҳамда ушбу предмет ва ашёлар билан ноқонуний муомала қилувчиларни жиноий ҳаракатларини ҳужжатлаштириш ҳисобланади¹³.

Назорат остида етказиб бериш тадбирининг вазибалари қуйидагилар: а) муомаласи тақиқланган воситалар ва предметларни жўнатилиш каналларини аниқлаш; б) уларнинг жўнатувчилари ва қабул қилувчиларини аниқлаш; в) назорат остига олинган предметлар билан жиноят содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш; г) тақиқланган предмет, модда ва воситаларни ноқонуний тайёрлаш жойларини аниқлаш; д) тақиқланган предметларни ноқонуний айланишига шароит яратиб бераётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг коррупционер ходимларини аниқлаш; е) жиноий фаолиятни тўлиқ ҳужжатлаштириш орқали далиллар тўплаш ва ҳ.к.¹⁴.

Назорат остида етказиб бериш тадбирини ўтказишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари БМТ доирасида қабул қилинган конвенцияларда, жумладан, 1988 йил 20 декабрдаги “Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисида”ги Вена конвенцияси, 11-модда, 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши” Нью-Йорк конвенцияси, 20-модда, 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши” Нью-Йорк конвенцияси, 50-модда, МДҲ доирасида – 2000 йил 30 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида”ги Келишув (Минск) ва бошқаларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали предметларни олиб ўтишга (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит) йўл қўйиладиган назорат остида етказиб бериш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида, фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбари қарори ва прокурор билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Объектларни назоратга олиш усуллари, уларнинг ҳаракатланиш шакллари билан келиб чиқиб қуйидагиларга бўлинади: курьердан фойдаланган ҳолда; юк ҳолатида (контейнер, багаж ва ҳ.к.); почта жўнатмалари орқали. Назорат остига олинган объектлар

курьердан фойдаланган ҳолда ташилганда, бундай объектнинг назорати курьерни бевосита турли техник восита ва қурилмалардан фойдаланган ҳолда кузатиш орқали амалга оширилади. Назорат объектлари юк ҳолатида ҳаракатланганда жиноятчилар томонидан расмий тақиқланмаган юк сифатида ниқобланиб, турли транспорт воситаларидан (темир йўл, ҳаво, сув ва автомобиль) фойдаланилиши мумкин. Назорат остидаги предметнинг ҳаракатланишини турли техник қурилмалардан фойдаланган ҳолда (жисмоний ёки электрон тарзда) кузатилиши мумкин. Назорат остидаги предметларнинг почта жўнатмалари орқали ҳаракатланишини назорат қилиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқлиги сабабли, бу тадбирни ўтказишда прокурор санкцияси асосида бошқа фаолиятни амалга оширувчи органларнинг тегишли хизматлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Назорат остида етказиб беришда назорат объектини қисман ёки тўлиқ олиб қўйиш ёки муляж билан алмаштириш мумкин. Бундай ҳаракат баённома билан расмийлаштирилади. Қисман ёки тўлиқ олиб қўйиш, алмаштириш назорат остидаги предмет эркин муомаласи тақиқланган ашёлардан (ўқ-отар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва ҳ.к.) иборат бўлсагина амалга оширилиши мумкин. Тўлиқ алмаштириш эса фақатгина назорат объекти фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда аτροφ муҳитга реал хавф туғдирса амалга оширилади.

Юқоридаги таҳлил асосида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашда ТҚФ имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги хулосалар қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКни 211 – боб ва 1711, 1712, 1713, 1714 – моддалар билан тўлдириш:

211 – боб. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек, абонентни жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотларни олиш

1711 – модда. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек абонентни жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотларни олиш;

1712 – модда. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек абонентни жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотлар олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим;

1713 – модда. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек аба-

13 Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашитходжаев Р.Т. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунига шарҳ: –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 147.

14 См. Михайлов В.И. Контролируемая поставка как оперативно-розыскная операция: учебно-практическое пособие. – М., 1998. – С. 154.

нентни жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотларни тақдим қилиш ҳақидаги қарор ёки ажримнинг ваколатли орган томонидан ижро қилиниши

1714 –модда. Абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар, шунингдек абонентни жойлашган жойи тўғрисидаги ахборотларни жиноят ишига қўшиш.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси би-

ринчи қисмидаги жумлани: “Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилишига суд қарори асосида йўл қўйилади” деган таҳрирда бериш таклиф қилинади.

.....



ЖИНОЯТ ИШНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мақолада ахборот технологиялар ва сунъий интеллект жадал ривожланиб бораётган жамиятнинг барча соҳаларига кириб келаётганлиги ва сунъий интеллект имкониятларидан жиноятларни тергов қилишда фойдаланиш масалалари, мазкур технологияни хуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг фаолиятида қўллаш ва уни назарий жиҳатдан ўрганиш юзасидан фикрлар берилган.

АННОТАЦИЯ: В статье указано что, информационные технологии и искусственный интеллект входят во все сферы бурно развивающегося общества и освещены вопросы использования возможностей искусственного интеллекта при расследовании преступлений, использование этой технологии в деятельности правоохранительных органов и ее теоретическое изучение.

ANNOTATION: The article states that information technology and artificial intelligence are included in all areas of a rapidly developing society and highlights the issues of using the capabilities of artificial intelligence in the investigation of crimes, the use of this technology in the activities of law enforcement agencies and its theoretical study.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, сунъий интеллект, жиноятларни тергов қилиш, рақамли иқтисодиёт, сунъий нейрон, алгоритм, дастурий тизим, компьютер ёки ахборот тизми, башорат қилиши, сўроқ қилиш, полиграф технологиялари

Ключевые слова: информационные технологии, искусственный интеллект, расследование преступлений, цифровая экономика, искусственный нейрон, алгоритм, предсказывать, допрашивать, полиграфические технологии.

Key words: information technology, artificial intelligence, crime investigation, digital economy, artificial neuron, algorithm, predict, interrogate, polygraph technologies.

Илм-фан ютуқлари натижасида ахборот технологиялар шиддат билан ривожланиб жамиятнинг барча соҳаларга кириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида замонавий дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларда ҳал қилувчи рол ўйнаши ва келгуси беш йил учун рақамли иқтисодиётга жадал ўтиш устувор вазифамиз бўлиб қолишини таъкидлади¹.

Ҳақиқатдан ҳам, замонавий дунёда рақамли технологиялар барча соҳаларда ҳал қилувчи рол ўйнаб, рақамлаштириш орқали соҳалар фаолиятини тезлаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш, тизмлаштириш ва уларни қайта ишлашга, маълумотлар алмашинувини тезлаштиришга имкон бермоқда.

Шу ўринда илм-фаннинг юксак ютуқларидан бери сунъий интеллектнинг яратилиши ҳам ахборот технологияларининг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлигини англатади.

Сунъий интеллект атамаси 1956 йилда Стэнфорд университети (АҚШ) томонидан таклиф қилинган. Интеллект – бу мақсадга эришишда зарур бўладиган омиллар ва усуллар тўпламидан иборат. Мақсадга эришиш – бу омилларга зарурий қоидаларни қўллашдан иборат. Сунъий интеллект – бу дастурий муҳитнинг шундай тизмики, унда инсон тафаккури компьютер жараёнига имитацияланган.

Инсон ақлига хос ва ўхшаш нарсани яратиш ва ундан мураккаб ишларда фойдаланиш фикри қадимдан кишиларни ўйлантириб келган. XIV асрда яшаган олим Р.Луллий тушунчалар малакасига асосланиб машина яратишга ҳаракат қилган. XVIII асрда яшаган Г.Лейбниц ва Р.Декарт бир-биридан мустақил ҳолда ҳамма фанлар бўйича универсал тил таклиф этишган. Ушбу таклиф сунъий интеллект ривожига асос бўлган.

Сунъий интеллектнинг фан йўналиши сифатида ривожланиши ЭҲМ пайдо бўлганидан сўнг мумкин бўлган. Бу нарса 20 асрнинг 40 йилларига тўғри келади. Шу пайтда Н.Винер янги фан кибернетикага

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаат-номаси//URL:https://president.uz/ru/lists/view/3324.

асос солган².

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект тизмиларининг жорий этилиши бошланғич бўсағада бўлсада, аммо бундай дастурларнинг мувоффақияти технологиядаги камчиликларга қарамай (моделлаштирилган сунъий нейрон таромқларининг оптимал архитектурасини аниқлаш, меҳнат талаб қиладиган ҳисоблаш алгоритмларини енгиб ўтиши мумкин бўлган компьютер ускуналариға эҳтиёж, зарур ахборот кутубхоналари ҳамда маълумотлар базасининг йўқлиги ва бошқалар), аввал ишлатилган усулларга қараганда яхшироқ натижаларни кўсатмоқда. Сунъий интеллект қўллаб-қувватлайдиган ҳисоблаш тизмилари аниқроқ, ишончли ва самарали натижаларни беради³.

Сунъий интеллект инсоннинг мантиқий ва ижодий функцияларини бажарувчи интеллектуал сунъий тизимдир⁴. Оддий сўзлар билан айтганда, сунъий интеллект – бу компьютер ёки ахборот тизмиға инсоннинг фикирлаш фаолиятини амалға оширишға имкон берувчи технология. Бироқ, тизимнинг иши катта самарадорлик ва оперативлик билан амалға оширилади, шунингдек, “инсоният фактори” деб номланувчи хатоликка йўл қўймайди⁵.

Шунингдек, Б.Шумсутдинов сунъий интеллектни тушунчасиға инсон онги бажара оладиган турли мантиқий, ижодий ва бошқа амалларни бажаришға мўлжалланган, муайян алгоритмлардан иборат бўлган дастурий тизим, дея таъриф беради⁶.

Ҳозирги вақтда ривожланган давлатларнинг барчасида ахборот технологияларига, шу жумладан, сунъий интеллектға ҳам катта эътибор қаратилмоқда ва унинг ютуқларини турли хил соҳаларға жорий этиш бўйича ишлар жадал амалға оширилганлиги яқин келажакда унинг барча соҳаларға кириб бориши тўғрисида таҳмин қилишимиз мумкин. Бу эса бизға мазкур технологиянинг интеллектуал имкониятларидан жиноятларни тергов қилиш, тезкор қидирув фаолиятини амалға ошириш ва прокурорлик назоратини ташкил этишда

самалари фойдаланишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлашға имкон беради ва уни жорий этиш борадаги ҳаракатларни амалий ва назарий жиҳатдан бошлаш лозимлигини англатади.

Бу ҳолатға жамиятнинг барча соҳаларига ахборот технологиялари жорий этилаётганлиги ва рақамлаштириш жараёнинг жадаллашуви ҳам сабаб бўлмоқда.

Сунъий интеллектнинг ютуқларидан аллақачон кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган.

Жумладан, мазкур тажрибани АҚШ, Англия, Германия, Корея, Хитой ва бошқа ривожланган давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қўлдан келтиришимиз мумкин.

Масалан, Rolls-Royce Holdings Plc технологик консериниға нисбатан антикоррупцион тергов ҳаракатлари Британия фирибгарликка қарши курашиш бюроси томонидан ўтказилган.

Ravn томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект етти нафар кишидан иборат тергов гуруҳиға ёрдам бериб, кунига 600 000 та файлни кўриб чиқиб, 30 млн. ҳужжатни текшира олган, бу жараён беш кун давом этган⁷.

Тергов жуда мураккаб, кенг қиррали ақлий, ижодий жараён. Ҳақиқатдан ҳам жиноят ишларини тергов қилишда иш учун ахамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида кўпинча катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар асосида тегишли хулосалар, таҳминлар ишлаб чиқаришға, тергов йўналишини белгилашға тўғри келади ва мазкур ҳолатда сунъий интеллект ютуқларидан самарали фойдаланиш тергов фаолиятини янада сифатли ва қисқа муддатда амалға оширишда фойдали бўлади.

Сунъий интеллектни жиноят процессида татбиқ этиш доираси масаласи жуда ҳам баҳсли мавзу бўлиб, бунда икки хил асосий ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашувға кўра, сунъий интеллект тизимла-

2 Беркинов Б.Б., Қодиров З.Э. “Сунъий интеллектни ривожлантиришнинг хорижий стратегиялари ва улардан амалиётда фойдаланиш йўналишлари”// “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнал 3/202 май-июнь (№00059)292-бет.

3 Шу жойда 299-бет.

4 Ўринкулов О.Н., Худойбердиев Р.Ф. “Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари”// Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2021. – № 1 (48) 161-бет.

5 Лебедев М.Д., Саввоев С.А., “Использование искусственного интеллекта в расследовании преступлений”// Журнал “Вопросы студенческой науки №7 июль 2020 й. 73-бет.

6 Шамсутдинов Б. “Жиноят процессида сунъий интеллект”// “Odillik mezoni”/№9/2020 йил. 23-бет.

7 Британская полиция привлекла ИИ для помощи в раскрытии преступлений. Хабр. Сообщество IT-специалистов // (Электронный ресурс). – Режим доступа:URL: <https://habr.com/ru/news/466471/>



ри жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ёрдамчи восита сифатида, яъни чекланган доирада қўлланилиши мумкин бўлади. Ушбу ёндашув доирасида, муайян маълумотларнинг киритилиши натижасида процессуал ҳужжатларнинг автоматик шакллантирилиши, жиноят процесси иштирокчилари томонидан ҳужжатларнинг бармоқ изи сканери орқали имзоланиши, тергов ва суд жараёнларининг автоматик ёзиб олиниши ҳамда инсон омилисиз оғзаки шаклдан матн шаклига ўгирилиши, тергов жараёнида жиноятга оид маълумотлар сунъий интеллект томонидан мустақил таҳлил қилиниб, илгари шунга ўхшаш жиноятни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг қисқа вақт ичида шакллантирилиши каби имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

Жиноят процессида сунъий интеллектни қўллашга оид бошқа бир ёндашувга кўра эса, сунъий интеллект имкониятларидан янада кенгроқ доирада фойдаланган ҳолда, у жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар номидан муайян қарорларни қабул қилиши мумкин бўлади. Бунда, сунъий интеллект жиноят иши натижаларини олдиндан башорат қилиши, далилларни баҳолаши, тергов ҳаракатларини амалга ошириши, қилмишнинг жиноийлиги ҳақида хулосалар чиқариши, шахс ва қилмишнинг тавсифидан келиб чиққан ҳолда жазо тайинлаши мумкин⁸.

Бундан ташқари, сунъий интеллект имкониятларидан тергов фаолиятида фойдаланишни илмий жиҳатдан ўрганиш олимларида қизиқиш ўйғотмоқда.

Жумладан, юридик фанлар доктори, профессор Дмитрием Бахтеев томонидан Россия тергов қўмитаси ва полиция теровчилари ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, сўралганларнинг 72,4 фоизи тергов жараёнида сунъий интеллект натижаларидан фойдаланиш мумкин деб ҳисобласа, 49,9 фоизи эса бундай тизим билан терговчининг функцияларини қисман алмаштиришни истисно қилмаган⁹.

Шу билан бирга, мазкур сўровларга кўра, сўралганларнинг 86,4 фоизи катта ҳажмдаги маълумотларни ва статистик материалларни ўрганиш жараёнида сунъий интеллект тизимидан, биринчи навбатда, кетма-кет (серийых) жиноятларни ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятларнинг айрим хусусиятларини аниқлаш учун фойдланишга тайёр¹⁰.

Шу каби тадқиқотлардан яна бири 2017 йилда АКШнинг Мэриленд университети олимларитомонидан амалга оширилган булиб, мазкур тадқиқот овоз ва тана ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали сўроқ қилиш давомида берилаётган кўрсатувларнинг рост ёки ёлғонлик даражасини аниқлаш имкониятига эга бўлган «Dare» номли тизимни синовдан ўтказишга қаратилган эди. Синов натижасида тизимнинг муваффақиятлилик даражаси полиграф технологияларидан 5-7 фоизга илгариланган ҳолда 92 фоиздан иборат эканлиги аниқланган¹¹.

Ҳақиқатдан ҳам, мазкур технология жиноятларни тергов қилиш ва тезкор-қидирув фаолиятига янги кириб келаётганлиги сабабли, уни илмий жиҳатдан ўрганиш, тергов фаолиятини сифатли ва самарали олиб бориш, жиноятларни қисқа муддатларда очиш ва тергов қилишда қандай имкониятлари мавжудлиги, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мазкур технологияни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг фаолиятида қўллаш ва назарий жиҳатдан ўрганиш тажрибаси кўпгина ривожланган давлатларда йўлга қўйилган ва ривожланиш йўлига ўтган бўлиб, мазкур тенденцияни мамлакатимизда ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу сабабли, жиноят ишларини тергов қилишда, тезкор қидирув ва прокурорлик фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш замон талаби бўлиб, мазкур соҳанинг ривожланишига, унинг илмий асосларини яратилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

8 Шамсутдинов Б. "Жиноят процессида сунъий интеллект" // "Odillik mezon" / №9/2020 йил. 24-бет.

9 Бахтеев Д.В. Искусственный интеллект в следственной деятельности: задачи и проблемы // Российский следователь. 2020 й. № 9, 3-бет.

10 Digital Rights Center (DRC). Искусственный интеллект и расследование преступлений // https://zakon.ru/blog/2022/11/14/iskusstvennyj_intellekt_i_rassledovanie_prestuplenij

11 Рыжкова А. Бот рассудит. Как искусственный интеллект вживляют в судебном практику // Русский репортер. 2018. №1-2. С.34-35.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаат-номаси//URL:<https://president.uz/ru/lists/view/3324>.
2. Беркинов Б.Б., Қодиров З.Э.: "Сунъий интеллектни ривожлан-тиришнинг хорижий стратегиялари ва улардан амалиётда фойдаланиш йўналишлари" "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журнал 3/202 май-июнь (№00059)292-бет.
3. Ўринкулов О.Н., Худойбердиев Р.Ф. "Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари"// Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2021. – № 1 (48) 161-бет.
4. Лебедев М.Д., Саввоев С.А., "Использование искусственного интеллекта в расследовании преступлений"// Журнал "Вопросы студенческой науки №7 июль 2020 й. 73-бет.
5. Шамсутдинов Б."Жиноят процессида сунъий интеллект"// "Odillik mezoni"/№9/2020 йил. 23-бет.
6. Британская полиция привлекла ИИ для помощи в раскрытии преступлений. Хабр. Сообщество IT-специалистов // (Электронный ресурс). – Режим доступа:URL: <https://habr.com/ru/news/466471/>
7. Шамсутдинов Б."Жиноят процессида сунъий интеллект"// "Odillik mezoni"/№9/2020 йил. 24-бет.
8. Бахтеев Д.В. Искусственный интеллект в следственной деятельности: задачи и проблемы // Российский следователь. 2020 й. № 9, 3-бет.
9. Digital Rights Center (DRC). Искусственный интеллект и расследование преступлений// https://zakon.ru/blog/2022/11/14/iskusstvennyj_intellekt_i_rassledovanie_prestuplenij
10. Рыжкова А. Бот рассудит. Как искусственный интеллект вживляют в судебном практику//Русский репортер. 2018. №1-2. С.34-35.

#



«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қўйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

